


ЯШПАЛ

КУЛ

БОСГАН
ЧҮГЛАР



Ҳиндий тилидан таржималар

Я Ш П А Л

«Менинг адабий ижодим ҳамиша сиёсий фаолиятим билан чамбарчас боғлиқдир»,— дейди атоқли ҳинд инқилобий ёзувчиси Яшпал. Унинг асарлари ўттиз йилдирки китобхонлар завқига завқ қўшиб келмоқда.

Ҳиндистоннинг кўп миллатли адабиётида ҳинд ёзувчиси Яшпалнинг номи ҳиндий ва урду тилларида ижод этувчи Пресмчанд, Сударшан, Кришн Чандр каби машҳур сўз санъаткорлари номлари билан бир қаторда туради.

Кўпчилик ҳинд ёзувчилари каби Яшпал катта адабиёт майдонига ҳадикли тажрибалар билан эмас, балки дунёқараши тўла шаклланган санъаткорга хос асарлари билан кириб келди. Бунда етти йиллик қамоқ ҳаёти адабий мактаб вазифасини ўтади ва чиниқтириди.

Яшиал 1903 йил 3 декабрда Кангра деган Панжоб шаҳар-часида майда савдогар оиласида дунёга келди. Дастлаб диний мактабда таҳсил кўрган Яшпал, ўша йиллари Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий марказларидан саналмиш Панжобининг қадимий шаҳри Лоҳурдаги миллий жоннада ўқийди.

Бу даврда у «Ҳиндистон саможводи пражатантра сена» («Ҳиндистон социал-демократлари армияси») помли инқилобчилар ташкилоти аъзолари билан алоқа боғлайди ва инқилобий кураш йўлига ўтади.

Деҳлида қурол-яроғ сақланадиган яширин омбор ташкил қилиш ва Англияning Ҳиндистон вице-қиролининг поездини портлатишга уринишда айланган Яшпал 1928—1932 йиллари таъқиб остига олинади. Уни тутиб берган шахсга катта инъом берилиши вაъда қилинади. Аммо Яшпал яширин ҳолатга ўтади ва профессионал инқилобчига айланади. Бироқ 1932 йил Яшпал учун оғир йил бўлди. Илоҳобод шаҳрида уни полиция ҳибс қиласди ва ўлим жазосига маҳкум этилади, кейинчалик бу ўн тўрт йиллик қамоқ жазоси билан алмаштирилди, аммо սфкори омма тазиёки натижасида ҳукумат Яшпални 1938 йили қамоқдан озод қилишга мажбур бўлади.

Қамоқдалик чогида у ўзини адабиёт билан боғлапшга ажд қиласди, чунки бу унинг мақсадига тўла мувофиқ эди.

«Мен қамоқ ҳужрасида ҳам ёздим,— дейди ёзувчи,— чунки адабиётни мен халқнинг инқилобий руҳини кўтарувчи, унда инқилобий оғлиликин оширувчи восита деб ҳисоблайман».

Шундай қилиб Яшпал қамоқда ҳам, ундан кейин ҳам турли жаңарларда асарлар битади. Лекин унинг илк ҳикояси 1939 йилда, биринчи романи эса 1941 йилдагина нашр этилди, чунки инқилобий ёзувчининг асарларини босиб чиқаришга ҳар қандай ношир ҳам таваккал қилолмасди.

Яшпал хотини билан биргаликда охирги маблагини сарф қилиб, эски бир босма станоги ҳарид қиласдилар ва «Виплав» («Исён») номи билан машҳур бўлган наширёт ишларини секинаста йўлга соладилар. Яшпал «Виплав» номи билан ёшлигига журнал ҳам нашр этган эди.

1941 йили чиқсан биринчи романи «Дада камрад» («Ўртоқ Дада») даёқ ўзининг сиёсий омолини талқин этиб, адабиётнинг вазифаси ва унинг жамоат манфаати учун хизмат қилиши таъкидланганди.

1939 йилдан 1947 йилгача Яшпал тўрт роман ва бешта ҳикоялар тўпламини ёзиб, нашр қилди.

Ёзувчининг тўрттала романи ҳам, яъни «Ўртоқ Дада», «Сотқин» (1943 й.), «Дивя» (1945 й.), «Партия бўйича сафдош», «Гита» (1947 й.) бир-бири билан воқеабанд бўлмаса-да, уларни узвий равишда ботглаб, бирлаштириб турувчи умумийлик бор. Бу — ватанпарварлик гояларидир.

Масалан, «Партия бўйича сафдош» романни Ҳиндистон Коммунистлар партияси фаолиятига бағишиланган. Унда Яшпал қатор ҳуҳим масалаларни кўтариб чиқди. Айниқса, муҳитнинг таъсири натижасида янги инсон шаклланиши масаласига муаллиф катта ўрин берган. Муаллиф ижобий қаҳрамон шаклланиши жараёнигинига кўрсатиб қолмай балки унинг ўз атрофидагиларга таъсирини ҳам тўғри ифодалайди.

Бу романдаги Гита Яшпал билан биргаликда улкан ва машақатли йўлни босиб ўтган рафиқаси Пракашватий Капурни эслатади. Бу жасур ва иродаси мустаҳкам аёл ҳамиша ёзувчининг содиқ дўсти ва мададкори бўлди.

Романда Ҳиндистон Компартиясининг халқ курашидаги роли ҳикоя қилинади, аммо асарнинг асосий мавзуси — бу ватанпарварлик.

«Дивя» романи эса, шу даврда ёзилган бўлса ҳам, тарихий асар бўлиб, у мелодгача II асрдаги Ҳиндистон воқеаларини акс эттиради.

Яшпалнинг бу узоқ даврга мурожаат қилганинг боиси шуки, у давр ўзининг кескин идеологик курашлари, фалсафий таълимотларга бойлиги билан машҳур бўлиб, улар ҳозпрги Ҳиндистон учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Бу романда руҳоний зодагонлар билан қўйи табақа на-мояндадалири ўртасида ҳокимият учун кураш тасвирланган. Бу асарни ҳам Яшпал ватанпарварлик ғояларини ёритишга ба-ғишилаган.

Яшпалнинг 30—40-йилларда ёзилган роман ва ҳикояларида Фрейднинг психоанализ ғоялари таъсири сезилиб турди. Бу таъсири шаҳвоний масалага («Дивя») ва озодлик ҳаракатида террорчиллик ташкилотларига («Сотқин») ортиқча эътибор берилishiда намоён бўлади.

Бинобарин, ўттизинчи йилларда Яшпалга ўша йилларда Ҳин-дистонда тарқалган адабий оқим «чҳаявад» анча таъсири кўр-сатган.

Яшпал секин-аста бу таъсиридан қутула бориб, ҳаётни тас-вирашда реализм майдонига пойдор қадам қўяди. У сюжет тузилишига кўп янгиликлар киргизди — воқеани ҳаракатда ифодалайди, уни кучайтиради, турмуш динамикасини акс этти-ради. Ижобий қаҳрамоннинг руҳий ҳуснини, ҳаётий кучини ифо-далайди ёзувчи.

Унинг асарлари марказида роман ёки ҳикоя ғоясини ёритиб берувчи инсон турди. Китобхон Яшпал қаҳрамонларининг ҳара-кати, фикри ва ҳиссини диққат билан кузатиб боради, чунки ёзувчи уларни энг типик хусусиятлари намоён бўладиган шароитда кўрсатади. Бунда Яшпалга унинг улкан ва оғир ҳаёт йўли ёрдам беради.

Ёзувчи кўпинча қаҳрамоннинг муаллиф изоҳи билан бого-лиқлика олиб бориладиган ички монологларидан фойдаланади. Қаҳрамонларнинг ички дунёсига чуқурроқ кириб боргани сари Яшпалнинг бадиий маҳорати ўеди.

Ёзувчи ҳаётида 1947 йил, мустамлакачиликка хотима берил-ган йил муҳим бурилиш ясади. Мустақилликка эришганга қадар ҳинд адиллари тараққийпарвар ёзувчилар жамиятига бирлашган бўлсалар, мамлакат Ҳиндистон Иттилоқи ва Покистонга тақсимланганча ёзувчилар кучи ҳам тақсимланади, чунки мустамлакачиликка қарши кураш каби асосий масала ҳал бўлган эди. Энди биринчи планга ёзувчиларнинг синфий қарашлари қўйилди. Бир хил адиллар диний сўғиёна ғояларни тарғиб қилишни кучайтиришган бўлса, иккинчилари мустақилликка эришган давлатни куйлашни асосий мақсад қилиб қўйиши ва ниҳоят, учинчилари буржуа жамияти иллатларини қораладилар. Ҳин-

дистонда сақланиб қолған эски урғнинг барқарор топишини талқин этдилар. Яшпал ҳам шулар қаторидан фахрлы ўрин олди.

1947 йилдан кейин битилган асарларида Яшпал ҳиндулар ва мусулмонлар ўтасидаги мазҳабий низо авж олганлиги, ишичиларнинг ўз ҳақ-хуқуқлари учун курашига катта аҳамият берди. Уни Ҳиндистон экономикаси тараққиётининг сустлиги ва мустақил мамлакатнинг сиёсий ҳаётига империалистлар дахл қилиши мумкинлиги ташвишга солади.

Яшпалнинг кейинги йилларда яратган асарлари ичida «Сохта ҳақиқат» роман-диалогиги ажойиб дурдона саналади. Мавзу кенглиги, масаланинг мұхимлиги ва теранлиги, ҳаёттік воқеаларни қамраши жиҳатидан уни М. Шолоховнинг «Тинч Дон» билан қиёс этса бўлади.

«Бизда баъзиларнинг дидига тўғри келмади «Сохта ҳақиқат», — дейди Яшпалнинг ўзи. — У ҳаддан ташқари аччиқ туқлди. Баъзиларга эса шунинг учун ёқмадики, ундаги судлар ва жаядеваларда ўзларининг башараларини кўришиди».

1947 йилгача битилган асарларида Яшпал Ҳиндистон меҳнат-кәшларининг миллий онглилигини уйготиш, келгинди золимларга қарши курашга чорлашни асосий мақсад қилиб олған бўлса, кейинги йилларда уни бошқа масалалар — нима учун ҳиёд ҳаётти равнақининг секин бориши, ҳинд халқининг янги ҳаёт сари бориши йўлида кимлар гов бўлиб туриши масалалари қийнайди.

«Сохта ҳақиқат» романни 50—60 йилларда Яшпал томонидан яратилган ҳикоялар ана шу саволларга жавоб бўла олади.

Ўз ҳикояларида санъаткор ҳинд жамиятининг турли табақалари ҳаётининг энг нозик томонларини ифодалаб, янгиликнинг эскилик билан ашаддий курашини тасвирлаб беради.

Яшпал ҳикояларининг ижобий қаҳрамонлари типикдирлар. Улар адолат, тинчлик, халқлар ўтасида дўстлик учун курашадилар.

Яшпал биэзинг мамлакатимизнинг қалин дўсти, у Совет Иттилоғига бир неча марта келган. Дастреб у мамлакатимизга 1952 йили Тинчликни ҳимоя қилиш Вена Конгрессида қатнашган Ҳиндистон ҳайъати атзоси сифатида келган эди. Шундан кейин унинг «Темир тўсиқнинг ҳар икки томонида» деган асари босилиб чиқди. Унда муаллиф совет халқи ҳаётини капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашлар аҳволи билан таққослайди. 1958 йилнинг кузидаги Яшпал ҳинд ёзувчилари билан бирга Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари анжуманида қатнашиш

учун Тошкентга келди. Яшпал мамлакатимиз адабиётини, айниқса ўзининг севимли ёзувчилари Л. Толстой, И. Тургенев, А. Чехов, М. Горькийни ҳинд жамоатчилиги ўртасида оммалашибтириш ишига катта куч сарфлайди. М. Горькийнинг «Болалик», І. Кербобоевнинг «Дадил қадам», А. Мухторнинг «Опа-сингиллар» романларининг Яшпал томонидан қилинган таржималари Ҳиндистонда машҳур.

* * *

Яшпал ҳикояларининг эътиборингизга ҳавола қилинаётган мазкур тўплами ҳозир ҳинд тараққийпарвар жамоатчилиги, ҳинд ҳалқини ҳаяжонлантирадиган масалаларга багишланган асарлардан иборат.

Яшпалнинг ажойиб ҳикояларининг асосий мавзуи тенгисзликка қаратилгандир, шу важдан унинг ҳар бир ҳикоясини китобхон сабрсизлик билан қарши олади. Ҳажм жиҳатидан кичик бу асарларида адиб ҳозирги Ҳиндистонга оид катта ва актуал масалаларни кўтариб чиқади, масалан, одамларни қуий ва юқори тоифа-зотга ажратиш, ҳинд аёлининг камситилиши, кпшилик шаъни топталиши ва бошқалар.

Тўпламдаги ҳикояларнинг ичидан мана буниси энг яхши ҳикоя деб айтиш қийин.

«Янги дунё» ҳикояси ишчиларнинг ўз ҳуқуқлари учун курашига багишланган. Фабрикант эри билан инқилобчи Матҳур ўртасида, уларнинг қайсиси ҳақ, қайсиси ноҳақлигини билолмай довдираబ юрган бош қаҳрамон миссис Сарин мисолида Яшпал ҳинд зиёли аёлининг сиёсий онги уйғонишини тасвирлаб берган.

«Қўрқоқ кашмирлик» ҳикоясида эса жоҳил, эзилган Ҳафза орқали ҳаётни яхшилаш йўлини секин-аста тушуниб борган деҳқон онгининг ўсишини кўрсатади. «Энди мен қўрқмайман, ҳазрат!—дейди у.—Менга милтиқ беринглар. Бермасаларигиз, милтиқсиз ҳам курашавераман. Қўлимга таёқ олиб урушаман! Тош отаман!»

Адиб ўз ҳикояларида инсон шаъни, иззат-нафсини камситиш каби ҳолларга катта ўрин беради. Ўз қаҳрамонларининг катта-кичиклигидан қатъий назар, уларда инсонни кўради ва бу инсоннинг поми балчиқда булғанмаслиги кераклигини куйлади. «О, болалари тушмагур-эй!» ҳикояси бунга яхши мисол бўла олади. Бунда муаллиф Ҳиндистоннинг миллий тараққиётiga тўс-

қинлил қилувчи ҳинд-мусулмон диний нифоқи каби ижтимоий мусибатни қоралайди.

Аёллар ҳуқуқсиалиги ҳам ҳинд ҳалқи ҳаётида катта чип-қондир. Ҳинд хотин-қизларининг чўриларча аянчли аҳволидан Яшпал изтироб чекар, ҳамдардлик қиласр экан, хотин-қизларниңг энг оддий инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилишига қарши чиқади.

Бу масала «Хайр, ишқ!» деган ҳикояда ўзининг ажойиб таҳлилини топади. Бунда ҳалол, жасур қиз гарип рикшачининг ҳалокатига сабабчи бўлган золим шахснинг муҳаббатини кескин рад этади. Бу масала Яшпални шу қадар жалб этадики, у мазкур ҳикояси асосида пъеса ҳам яратади.

Яшпал асарларида мазлумаларга нисбатан ҳамдардлик, иоин-соғифликларга қарши исён, чин инсонпарварлик ғоялари тўла ифодасини топади.

Адид сатира бобида ҳам моҳир санъаткор. Ўз сатираси нишини у ҳинд ҳалқи турмуши ва меҳнатига ҳалал берувчи жаҳолат, риёкорлик ва боёнларга қарши қаратади. Бунга мисол қилиб «Шаҳаншоҳ одиллиги» ҳикоясини олса бўлади. Асар тарихий тарзда ёзилган бўлиб, унда шаҳаншоҳ кўп йиллар айшишрат суриб юриб, «Ҳалқнинг қорни оч-тўқлигининг аҳамияти йўқ! Ҳалқ адолатга мұхтож!» деган холосага келади. Ҳикоя узоқ тарих ҳақида бўлса-да, ҳозирги Ҳиндистонда ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

* * *

Яшпал ҳикояларининг ўзбек тилида чиқаётган мазкур биринчи тўплами адиднинг янги Ҳиндистон яратилиши каби улугвор ва олижаноб ишга бағишлиланган серқирра ижоди билан танишиш йўлида қўйилган илк қадам бўлиб хизмат қиласи деб ўйлаймиз.

О. ПОЛИНОВА

ЯНГИ ДУНЕ

Матҳурнинг вақтида келмаганидан Сарин соҳибнинг табиати хира эди. Чунончи, у хотини миссис Саринга қараб шикоят қилди:

— Жамиятдан ташқари туриб маданиятни ўзлаштириб бўлмайди. Мана бу одамни қара: роппа-роса соат бешда бораман, деб ўzlари ваъда қилган эдилар. Мана беш ярим бўляпти, жанобларининг ҳали ҳам дараклари йўқ. Қизиқ жойи шуки, яна бу жаноб, ваъдангни бажармайсан, деб бизга тұxмат қиладилар. Э, тавба!.. У ёқда ҳойнаҳой Бейром жий мени кутиб ўтиргандирлар.

— Ваъда берувди дейсизми? — сўради миссис Сарин курсиларни гир айлантириб териб қўйилган туваклардаги гуллардан бирининг сарғайган баргини олиб ташлар экан.— Бирор меҳмон келмоқчимиidi?

— Э, меҳмон қаёқда,— жавоб берди Сарин соҳиб қўлидаги сигарани бир тортиб,— ишчиларнинг битта бошлиғи. Баъзи бир кишилар ўзига шуни касб қилиб олган. Аввал ишчиларга ғулгула солиб, уларни сёқقا турғазади-да, кейин, мен сенларга бошчилик қиласман, деб ўзининг ишини тўғрилайди. Буниси сал одамшавандароқ. Уни шу ерга чақириб, тушунтираман, деб ўйловдим. Замон ёмон. Буларга шунақа қилинмаса бўлмайди. Қаттиқлик қилсанг баттар тўполон қилади.

Миссис Сарин кичкина ўғилчасига свитер тўқиши билан банд эди. Бир айланана тўқиб чиқди-да, иккинчи айланани бошлар экан, эрига қараб деди:

— Фабрикангида ҳамма вақт жанжал-тўполон

бўлгани-бўлган. Сиз шу фабрика билан клубдан ҳеч бўшамайсиз. Чатержийнинг уйидаги гулларни кўрсангиз, оғзингиз очилиб қолади. Бир куни борсангиз эди, уч-тўрт тувак...

Шу пайт бирдан айвон томондан оёқ товуши эшитилиб қолди-ю, миссис Сарин, гапи ярим йўлда қолиб, ўша ёққа қаради. Бир ёш йигит — эгнида кир-чир кийим-бош, қўлтиғида қоғоз солинган бир жилд — хизматкор билан бирга шулар ўтирган жойга қараб келяпти. Сарин соҳиб ўша ёққа қараб, суялиб ётган жойидан қимирламасдан, сигара ушлаб турган ўнг қўлини чўзиб, деди:

— Келсинлар, комред!¹ Жуда куттириб қўйдилар.

У ўтиришга ишора қилди. Йигит кўрсатилган курсига ўтириб, қўлтиғидаги латта жилдни ўт устига қўйди-да, деди:

— Сорри². Бир оз ўзим кеч қолган эдим, бунинг устига яна сизнинг одамларингиз ушлаб қолишиди. Ҳеч ичкарига киргизмайман, деб туриб олишди. Соҳиб мени чойга таклиф қилганлар, деб хўп тушунтирдим, ҳеч ишонишмайди.

— Ана холос! Ахир сиз ўзингиз ўшаларнинг вакилисиз-ку! — Сарин соҳиб фурсатдан фойдаланиб узиб олди.

— Тўғри гап. Ўзининг одамини жуда камдан-кам киши танийди,— дарҳол ҳамлага жавоб берди йигит кулиб.

Миссис Сарин қилаётган ишини унутиб, йигитга тикилиб турарди. Бирдан кўз кўзга тушди-ю, йигит ҳайрон бўлиб қолди:

— Мисс Каккар?.. Сиз бу ерга қандай келиб қолдингиз?

Сарин соҳиб унинг гапини бўлди:

— Кечирасиз, танишириш эсимдан чиқибди. Бу киши миссис Сарин бўладилар.

‘ Миссис Сарин илжайиб қўйди ва эски тапишлик оҳангига сўради:

— Мистер Матҳур, ўзингиз қандай келиб қолдингиз бу ерга?

¹ Комред (ингл.) — ўртоқ, ишчилар тарафдори ва коммунистларни шу сўз билан таърифлайдилар.

² Сорри (ингл.) — кечирасиз.

— Шундай, фалакнинг гардиши билан. Инглиз тили ўқитадиган бир одам яна керак бўлиб қолмаганинкин деб келдим.— Шундай деди-да, Матҳур ҳеч тортинаасдан хохолаб кулиб юборди. Икковининг гапсўзидан Сарин соҳибга маълум бўлдики, миссис Сарин ҳали мисс Каккар бўлиб юрган ва саккизинчи синфни тугатиш имтиҳонларига тайёргарлик кўраётган вақтида Кунданлал Матҳур коллежда ўқир экан ва мисс Каккарнинг уйига қатнаб, унга инглиз тили китобларини ўзлаштиришга ёрдам берар экан.

Кичкина хонтахталарга оч ҳаво рангли йўл-йўл дастурхончалар ёзилган эди. Хизматкор худди ўша рангли чой идишларини олиб келиб хонтахтага териб қўйди. Кейин бир патнисда пирожний, ҳўл мева олиб келиб, бошқа бир хонтахтага қўйди-да, ўзи одоб-эҳтиром билан бир четга ўтиб турди. Сарин соҳиб унга парироқ бориб тур, дегандек ишора қилди-да, кейин «комред»га мурожаат қилиб гап бошлади:

— Хўш, энди бу ишлар қандай бўлади?

Матҳур эътиборини тўплаб Саринга қаради-да, жавоб берди:

— Ишни-ку сиз ўзингиз бошқаряпсиз.

— Ахир сиз, бундоқ бошқаришга йўл қўйсангиз экан.

— Нега? Ҳеч бунақа гап йўқ... Гапингизга тушумадим.

— Менга қаранг. Бунинг ҳеч яширадиган жойи йўқ. Сиз миссис Сарин билан эски таниш экансиз. Сиздан яшириб нима қилдим!— деди Сарин ором курсида яна ҳам чўзилиб.— Ишчилар бўлмаса, фабрика тўхтаб қолади. Лекин шу билан бирга, фабрика бўлмаса, бу уч ярим минг ишчи қаёққа боради? Шу фабрикани агар биз бошқарадиган бўлсақ, ўз билгимизча бошқарамиз. Мабодо ишчиларнинг бирор қонуний талаби бўлса-ю, биз бажармасак, унда айтинг. Лекин фабрикани уларнинг қўлига топшириб қўйиш мутлақо мумкин эмас. Бу фабрикага синдикатнинг икки миллион икки юз минг пули сарфланган. Икки миллион икки юз минг! Шу фабрика бошқа мамлакатлардаги фабрикалар билан рақобат қилишга қодир бўлсин деб, мен бу йил тўрт юз эллик минглик янги машина-аппаратлар олиб келиб ўрнатдим. Ҳеч бўлмаса мана шу пул учун тўланадиган процентини ўй-

лаб кўринг. Бундан ташқари, ҳисса қўшганлар фойда олмаса, мамлакатнинг саноати қандай қилиб ривожланади? Саноатта сарфланадиган пулни ким беради? Ўзингиздан қоладиган гап йўқ, ишчиларнинг масаласи бутунлай бошқа масала. Тушундингизми гапнимга?

Матҳурнинг кўзлари чой қуяётган миссис Сариннинг қўлларида эди. У «ҳа» деб қисқа жавоб берди.

Сарин соҳиб Матҳурга «тингланг» деб ишора қилиб, қўлини кўтариб гапида давом этди:

— Сиз яхшилаб әшитиб олинг: мана бу янги сарфланган тўртюз эллик минг бирор иш кўрсатиши керакми, йўқми? Шу пул тахминан беш юз ишчининг ишини қилиши керак. Машинанинг маъноси шуки, одамнинг ишини машина қилиб, одамга, яъни жамиятга фойда келтиради. Биз беш юз ишчининг ўрнига машинани ишлатиб, беш юз ишчини бошқа ишларга бўшатиб берамиз. Ундан кейин шуни ҳам билиб қўйингки, фабриканинг елкасида ишчиларнинг юки қанча камайса, ишчиларга шунча кўпроқ ҳақ тўлаш мумкин бўлади. Тушундингизми?..

Миссис Сарин иккенинг олдига бир пиёладан чой қуийиб қўйди-да, ҳар ким ўз ҳолича шакар солар деган ҳаёл билан шакардонни суриб қўйди.

Матҳур пиёласига шакар солиб аралаштирар экан, Сарин соҳибга жавоб берди:

— Сизнинг гапининг тущуняпман, лекин...

Сарин унинг сўзини бўлди ва «әшиting» деб ишора қилиб, яна гапириб кетди:

— Ишчилар билан хўжайинларнинг манфаати бир. Буни Гандижий ҳам тан оладилар. Ишчиларнинг аҳволини яхшилашга биз тинмай ҳаракат қиляпмиз. Уларга поликлиника қуриб бердик. Болаларига мактаб очиб бердик. Уларнинг ўйнаб юриши учун майдон ажратиб беряпмиз. Ишчиларга яхши квартиralар қуриб бердик. Шу ишларнинг ҳаммасига битта одамини бошлиқ ҳам қилиб тайинлаб қўйибмиз. Унга ойига қирқ рупия тўлаяпмиз. Лекин у одам унча тузук чиқмади. Бу вазифанинг номи — оммага хизмат қилиш. Бу ишга шундай одам бўлиши керакки, у оммага чин кўнгилдан хизмат қиладиган бўлсин. Маош масаласи унча муҳим эмас. Биз эллик-олтмиш,

ҳатто етмиш-етмиш беш рупия ҳам беришимиз мумкин. Хизмат қилиш кўнглида бор, ишчилар ишонадиган бир одам борми? Бўлса, бизга айтинг. Бу иш аслини олганда худди сизга ўхшаган одамларга мос.

Миссис Сарин пирожнийли тақсимчани Матҳурнинг олдига суреб қўйди-да, олдидағи чойини ича бошлиди. Сариннинг гапидан Матҳурнинг лабларида ёнгилгина табассум пайдо бўлди. Аввалига «лекин...» деб жуда жўшқин жавоб бермоқчи бўлган эди, бироқ энди у жавобнинг кераги йўқлигини ҳис қилди. Шундай бўлса ҳам муроса учун деди:

— Сизнинг гапингиз тўғри. Аммо хизмат деган нарса тўғрисида ҳар кимнинг фикри ҳар хил бўлиши мумкин.— Матҳур миссис Сариннинг әгнидаги майин бўз сорийсига бир назар ташлаб, илжайиб деди:— Мана миссис Сарин бўз сорий кийиб, мамлакатга хизмат қиласидилар. Сиз эса бир заводни бошқариб, элнинг ҳожатини чиқарасиз.

Сарин билан Матҳур икковлари пиёлаларини бўшатишган эди. Хизматкор пиёлаларни олиб кетмоқчи бўлди. Бироқ Матҳур тортина масдан эътиroz билдириди:

— Йўқ, мен яна бир пиёла ичаман.

— Ҳа, бемалол,— деб миссис Сарин ёнидаги патнисда турган тоза пиёлаларга қўйл узатди. Матҳур бир оз хижолат чекди. Чунки бадавлат одамларнинг уйларида бир пиёлага икки марта чой қуйилмайди, ҳар сафар янги, тоза пиёла ишлатилади, деган одат борлиги эсига тушди.

— Бўзга бизнинг қаршилигимиз йўқ,— деб яна гап бошлиди Сарин, янги сигара тутатиб.— Гандижийнинг шу сафарги йиллигига биз беш юз рупиялик бўз сотиб олдик. Бизнинг мамлакатда саноат йўқ. Шунинг учун ишсизликни бир ёқлил қилишга шу бўз ҳам яхши нарса.

— Йўқ, тақсир!— жавоб берди Матҳур.— Мен бўзга қаршилик-қаршимасликни назарда тутаётганим йўқ. Мен хизматни гапиряпман. Ишчиларга кечки мактаб очиб бериб ёки дори-дармон улашиб ҳам уларга хизмат қилиш мумкин. Уларга ёрдам беришнинг бошқача йўли ҳам бор, яъни бирорнинг қўлига муҳтож бўлгандан қўра ўзига-ўзи бек бўлганга нима етсин...

Сарин ҳайрат билан кўзларини катта очиб, бехосдан ўрнидан туриб кетди ва туриш баравар жон ҳолатда деди:

— Ў-ў! Социализм! — ва Матҳурнинг жавобини кутмай гапира кетди: — Ҳа, ҳа, бу нарсани ишчиларнинг ҳам, хўжайинларнинг ҳам манфаатини назарга олиб туриб қилиш мумкин. Яъни уларнинг ўртасида жанжал-тўполон бўлмасин. Мана Аҳмадободда «Ишчилар судхўрлик жамияти» ишлайти-ку, сизлар ҳам ўшанаقا жамият тузишинглар керак. Ҳа, айтгандек, соат беш яримда бир жойда муҳим бир иш им бор эди. Шунинг учун ҳам соат бешда келишингизни илтимос қилувдим... — хотинига қараб инглиз тилида деди: — Сизлар таниш экансизлар. Комредни яхшилаб меҳмон қилинг.— Кейин яна Матҳурга ўгирилди-да, сухбатнинг айни ўртасида ташлаб кетаётгани учун узр сўраб, сигарасини бурқситганича жўнади. Лекин бир неча қадам юргач, орқасига қайрилиб, «менга ҳара», деб хотинини чақирди. Миссис Сарин ўрнидан туриб борди. Сарин соҳиб жуда паст овоз билан хотинига уқтириди:

— Бунга тушунтиришга ҳаракат қилгин. Ҳалиги ишга хўп деса, яхши бўлади. Юз рупия бўлса ҳам майли.

Миссис Сарин қайтиб келиб Матҳурга, дастурхонга қаранг, деб таклиф қилди-да, гапга тушиб кетди:

— Кўришганимизга ҳам олти йил бўлди. Каёкларда юрдингиз? Аградан кетганингизга қанча бўлди? Канпурда қачондан бери турибсиз? Бизларнинг бўлса бу ерга келганимизга икки йил бўлди. Мактабни бундан икки ярим йил илгари битирувдим. Ўшанда мистер Сарин эндиғина Европадан қайтиб келган эдилар. Иккимиз турмуш қурдик. Битта кичкина ўғилчамиз бор. Уч ойлик бўлди. Жуда ҳам ёқимтой бўлган. Энагаси айлантириб юрибди, ҳозир келиб қолади. Сиз шу ерда турибсизми? Менинг ҳеч хабарим ҳам бўлмабди. Биз ўзи у ёқ-бу ёққа жуда кам чиқамиз. Гоҳ-гоҳда бўз дўкондагилар келиб, мени қўярда-қўймай олиб кетишади. Булар бўлсалар завод билан клубдан ҳеч бўшамайдилар. Бу кишининг ўрнида илгари бир европалик ишларди. Икки минг оларди, лекин заводнинг заардан боши чиқмасди. Бу кишининг одати — ўзларининг ишларини ҳеч

бировга ишониб қўймайдилар. Шу заводга бўла қолсин, деб ўзларининг ойликларини ҳам икки минг ўрнига бир яrim минг қилиб қўйганлар. Фойдани тақсимига келганда эл қаторилар. Ҳамма ишга балогардан шу киши. Бунинг устига кунда жанжал, иш ташлаш — шунаقا ғалвалар.

Миссис Сарин бир четга қўйиб қўйган тўқимасини қўлига олиб яна ўшанга уринар экан, сўради:

— Сиз бу ерда нима иш қиляпсиз? Отангиз ўша Аградамилар?

— Отам вафот этиб кетганлар. Онам ўша ердалар,— жавоб берди Матҳур.— Айтгулик ҳеч қанақа иш қилмайман. Шундоқ ишчиларнинг орасида юраман.

Миссис Сарин бу тўғрида яна савол беришга ботинолмади.

— Хотинингиз?..— сўради у инглизча сўз ишлатиб.

— Хотиним йўқ. Онам бор, холос.

— Онангиздан хабар олиб турсангиз керак, албатта?

Миссис Сариннинг бу ҳамдардлиги Матҳурнинг олти йил илгариги турмушини эсига туширди. Ўша кунлари у кекса ота-онаси билан бирга турарди, келажак ҳаётига пойдевор қуриш ташвиши билан банд эди. Ўша вақтда унинг бирдан-бир оразу-тилаги яхши ўқиб, бирон каттароқ ишга ўрнашиб олишу роҳат қилиб яшаш эди. Ҳар куни уч километр яёв юриб, мисс Каккарникига инглиз тили ўқитгани борарди. Ўша вақтда мисс Каккар озғингина бир қиз эди. Жуда қунт билан дарстайёрларди. У ҳам келажак учун замин ҳозирламоқда эди. Мактабни битиргач, бир яrim минг маошли, завод эгасидек бир одамга тегиб олиб, мана баҳти кулибди. Матҳур-чи? Сен ўзингга ўзинг зомин бўляпсан, деб кексалар койишяпти. Лекин у, мана шу тутган йўлим тўғри, деб аниқ бир йўлни тутиб олган.

Матҳурнинг ўтмиши кўз олдида гавдаланиб кетди. Бу ёқда эса миссис Сарин жавоб кутмоқда эди. Матҳур унинг саволига жавоб берди:

— Отам вафот этиб қолдилар. Вафот этишлари ҳам шундай бўлдикни, ўшандан кейин менинг фикрларим бутунлай ўзгариб кетди.— У ўзининг камбағал-

йўқишлигидан ор қилмай, миссис Саринга тик қараб, гапида давом этди:— ўзингиз биласиз, бизнинг моддий аҳволимиз яхши эмас эди. Отамлар мактабда ўқитувчилик қиласдилар. Йигирма уч йил ишладилар, лекин маошлари қирқ рупиядан у ёққа ўтмади. Ўша қариган чоғларида ҳам, ўн рупия ортиқ ишлармикинман, деб кунига беш километр юриб, сизнинг укангизга урду тилини ўқитгани борардилар. Мен ўзим ҳам коллежга тўланадиган пулни топиш ниятида сизга инглизча ўргатардим. Бир амаллаб университетни битириб олсан деган ниятим бор эди. Битириб олиш ҳам қийин әмас эди. Ўқишга иштиёқим зўр эди, стипендия ҳам олардим...

Миссис Сариннинг оппоқ, нозик бармоқлари оч яшил ранг жунни тўқиши билан банд, лекин икки қулоги Матҳурда эди.

— Ҳадеб меҳнат қиласвериб отам касал бўлиб қолдилар. Дори-дармон топилмай, ўша ётганларича қайта турмадилар.

Миссис Сариннинг юраги ачишиб кетганлиги юзкўзидан билиниб турарди. Матҳур гапида давом этди:

— Бунинг ҳеч ҳайрон бўладиган жойи йўқ. Бу мамлакатда, бу дунёда бунаقا воқеалар кунда бўлиб туради. Биз унга аҳамият бермаймиз. Лекин ўз отамнинг шундай ўлиб кетиши менга қаттиқ таъсир қилди. Отам бечора ўлиб-тирилиб меҳнат қиласдилар, лекин қоринлари тўйиб овқат емадилар. Натижада, қонлари суюлиб кетди. Юраклари ишдан чиқди. Иложи борича ҳаракат қилдим. Онамларнинг озгина зарзеварлари бор эди, ҳаммасини сотиб, йўқ қилдик. Лекин ҳеч наф бўлмади. Доктор Вармани билсангиз керак. Ўша киши отамни кўрди; раҳми келиб, пул ҳам олмади. Фалон доридан ўн олтита укол қилиш керак, деди. У дори Аградаги «Добсан компанияси» да бор экан. Ҳар бир уколнинг баҳоси йигирма икки рупия экан. Буни эшишиб кўзимнинг олди қоронгилашиб, уч юз эллик иккита кумуш доирача кўзимнинг олдида дикиллай бошлади. Шунча пулни ҳеч қаердан тополмадим. Отамнинг жонига ора кирадиган дори-ку бор, лекин уни олишга пул йўқ. Отамга тасалли бериш учун табиблардан у-бу дориларни олиб келиб ичиравердим. Аммо отамнинг кун-соатлари битиб бораётгани аниқ эди.

Миссис Сарин қўлидаги ишни бир четга қўйди-да, сумкасидан дастрўмолини олиб, кўзларини артди. Матҳур гапида давом этди:


— Бу гапларни гапириб кўнглингизни ранжитдим. Узр. Лекин бу гапларнинг ҳаммаси рост. Бунаقا воқеалар ҳар куни бўлиб туради. Мен отамнинг ўлганига ачинмайман. Ҳамманинг отаси ўлади. Лекин гап шундаки, у киши ҳали уч-тўрт кун яшаб юриши мумкин эди. Керакли дори бор эди. Ўзингиз ўйлаб қарап: дори «Добсан компанияси»нинг жавонида ётаверди. Компания, бирорнинг қони суюлса-ю, уч юз эллик икки рупияни нақд бериб, олиб кета қолса деб, пойлаб ўтираверди. Бу тузумда одамнинг жони азиз эмас, шу уч юз эллик икки рупия пул азиз.

Миссис Сарин яна кўзларини артди-да, қўлини юзига босиб: «Илоё жойлари жаннатда бўлсин», деди ачинган оҳангда. Шундай деб, у диққат билан Матҳурнинг гапини тинглай бошлади.

— Ўша вақтда менда ёки менинг отамда уч юз эллик икки рупия йўқ эди, бу тўғри. Лекин буни қўя туриング. Гап аслида бунда эмас. Гап шундаки, отамлар йигирма уч йил муттасил мактабда бола ўқитдилар. Шунча йил жамиятга хизмат қилиб қўйиб ҳам, касал бўлган чоғларида керакли дорини олиш ҳуқуқига эга бўла олмадилар. Ўша вақтда «Добсан компанияси»дан жуда хафа бўлдим. Лекин бундоқ қараганда, «Добсан компанияси»да ҳам айб йўқ. Ахир у дориларни касалларнинг жонини сақлаб қолиш учун эмас, пул ишлаш учун олиб келиб қўйган-да. Мана сизнинг фабрикангизда миллион-миллион газ мато тўқилади. Лекин бундан асосий мақсад ялангочларни кийинтириш эмас-ку. Мақсад — фабрика эгалари шундан пул топиши керак.

— Ўфф! Бу дунёда зулм жуда кўп,— деб қўйди миссис Сарин.

— Хўш, зулм қилувчи ким? — сўради Матҳур.— Ўша вақтда мен «Ахир нега ўқияпман?» деб ўйлаб қолдим. Ҳа, айтгандек, сизнинг уйингизга қатнаб, сизни нега ўқитардим? Сизга яхшилик қилмоқчи бўлганимдан эмас, балки шунинг учунки, сиздан ўн рупия ҳақ олармикинман, дердим. Менинг дарсимга муҳтож йигирма-ўттиз қўшниларнинг қизлари ҳам



бор эди. Лекин ўшаларни ўқитиш хаёлимга ҳам келган эмас. Чунки улар менга ўн рупия беролмасди...

— Йўғ-э, ундоқ деманг,— деди гапни бўлиб миссис Сарин.— Сизнинг меҳнатингиз менга жуда кўп сингган. Сиздан жуда-жуда миннатдорман... Ўн рупия нима деган гап...

— Шунга ҳам раҳмат,— жавоб берди Матҳур,— сиз бадавлат уйда ўсгансиз. Йўқчилик нималигини билган эмассиз. Шунинг учун сиз бунаقا нарсаларга унча парво қилмайсиз. Лекин менинг ўқишидан мақсадим нима эди? Менинг мақсадим тузукроқ бир ишга ўрнашиб олиш эди. Жамиятдаги одамларга хизмат қилиш деган фикр-ку менда мутлақо йўқ эди. Яхши ўқишини битирсам, зора бошқаларга қараганда яхшироқ ишга жойлашсам, деб умид қиласдим. Кишилик жамиятида ҳамма жойда мана шунаقا рақобат кетяпти. Сармоя айлантиришдан мақсад одамларнинг ҳожатини чиқариш, эҳтиёжини қондириш эмас, балки уларнинг ёнидаги пулни ўмарид олиш. Бирор жойда хизмат қилишдан мақсад ҳам шу. Бизнинг жамиятда ўқиши, билимли бўлишдан мақсад бошқаларни туртиб-суртиб олдинга ўтишу, яхши жойни эгаллаб олиш. Бошқа гап йўқ.

Миссис Сарин асбобларини қўлига олиб, яна ишига уринар экан, «Бу дунё ўзи шунаقا», деб қўйди.

— Шунақаликка-ку шунаقا,— деди Матҳур,— лекин бундан демак, бу дунёда ҳамма учун ўрин йўқ, деган маъно чиқади. Дунёда-ку ҳамманинг эҳтиёжини қондиришга етарли нарса бор. Зарур нарсаларни яна кўпроқ ишлаб чиқаришга ҳам имкон бор. Лекин жамиятдаги куч-қувватни бу нарсага ишлатилмайди. Восита ва куч-қувват қўлида бўлган одамлар уларни кўпчиликнинг манфаати учун эмас, ўз бойлигини кўпайтириш учун ишлатади. Халқ меҳнат қилишига қарамай, қашшоқлигича қолаверади. Бу ҳам майли-я, восита, пул эгалари ҳаммани ишсиз қолдириб, уларни ҳатто меҳнат қилиш имкониятидан ҳам маҳрум қилиб қўйди.

Миссис Сарин Матҳурнинг гапларига тушундими, тушунмадими, бу гапларни тинглаётувдими ёки бошқа нарсаларни ўйлаб кетганмиди — буни-ку айтиш қийин, лекин Матҳурнинг текис, майнин овозидан таъсиранган эди.

— Бу дунё ўзи шунақа,— деди у.— Одамнинг ҳаёти худонинг ихтиёрида. Лекин пулсиз, албатта, иш битмайди. Худди шу нарса туфайли отангиз шунча азоб-уқубат кўрибдилар. Энди сиз унча-мунича пул топиш учун бирор ишга кириб олинг. Онангиз борлар, қариган чоғларида у киши ҳам фарзандларининг роҳатини кўрсиллар.— Сўнгра сал кулиб деди: — Ўзингиз ҳам уйланиб олишингиз керак ахир. Булар ўзингизга айтәётувдилар, фабрикада ишчиларнинг манфаатига хизмат қиласидиган бир одам керак, деб. Менимча, агар шу ишни оламан дессангиз, сизга юз руپияга ҳам хўп дейдилар. Бу маош албатта кам, лекин кейинча ошиши мумкин... Хўш, сизнинг фикрингиз қанақа?

Матҳур илжайди. Бу илжайишни кўниш аломати деб билиб, миссис Сарин ҳам илжайй деб турувди, Матҳур гапириб қолди:

— Сиз кўнглинигизга олмангу, лекин ўзингиз ўйлаб кўринг: менинг юз руپиялик ишга ўрнашиб олганим билан нима бўла қолади? Бу дунё қандоқ бўлса, шундоқ қолаверади. Бу дунёда ким роҳатда? Ҳамма нарсадан маъмур одамлар ҳам тинчлигу роҳатни билмайди. Улар, бойлигимни одамлар тортиб олмасайди, деб қўрқади. Бир ярим минг маош ола туриб, фабрикада юз-юз минг ҳиссалари бўла туриб, Сарин соҳиб ҳам ҳойнаҳой, бу уч ярим минг ишчининг жиловини қандай қилиб қўлда тутсамикин, бозорда бошқа фабрикалар билан қандай рақобат қилсамикин, деб ўйлаб ўйқулари келмаса керак. Камбағал-бечоралар бўлса, бир парча нонни қандай қилиб юлиб олсамикин, деб ташвиш қиласди. Ҳамманинг ҳам жони ҳалакда. Лекин ҳар киши фақат ўзининг ташвишини ўйлайди. Ҳамма ўзининг юкини бошқанинг елкасига ортиб, ўзи қутулиб кетишини хоҳлади. Мусибат аслида жамиятнинг бошида, барчага баравар. Лекин биз буни ўйламаймиз. Бу мусибатдан ҳар бир киши ўз ҳолича қутулолмайди. Ҳамма биргаликда ҳаракат қилиши керак. Бутун жамият бир бўлиб иш кўрадиган тузум керак.

— Лекин сиз ҳам ёлғиз кишисиз-ку,— деди миссис Сарин гапни бўлиб.

— Ҳа, мен ҳам бир кишиман,— тан олди Матҳур,— лекин менинг мусибатим бутун жамиятнинг

мусибати эканлигини ва бундан ижтимоий тарздаги на қутулиш мумкинлигини англаб олдим. Шунинг учун ҳам жамиятда энг кўпчиликни ташкил этган ишчилар синфи орасида ташвиқот қиласман, уларнинг аҳволини, ҳуқуқларини, куч-қудратини уларнинг ўзига тушунираман. Жамиятнинг мана шу бўллаги жамиятни ўзгартиришга қодир. Сарин соҳиб бўлсалар юз руния ойлик бериб мени сотиб олмоқчи бўладилар.

Миссис Сариннинг сал ўнгайсизланганини кўриб, Матҳур узр сўраган оҳангда деди:

— Гапим сизга ёқмаяпти, лекин мен бор гапни айтяпман. Ишчилар Сарин соҳибининг буйруқларига қанчалик бўйсунишса, у кишига қанчалик муҳтож бўлишса, у кишининг фабрикасига шунча яхши. Буни Сарин соҳиб яхши тушунадилар. Ўзингиз айтинг: ҳамма ўз меҳнати мевасига ўзи эга бўлса, ўз уддасидан ўзи чиқадиган бўлса, одамгарчилик нуқтаи назаридан бу яхши эмасми?

— Гапингиз тўғри,— жавоб берди миссис Сарин бир лаҳза ишидан кўзини узиб.— Аммо фабрика әглари билан ишчилар ўртасида рагбат, аҳиллик деган нарса ҳам бўлиши керак эмасми. Буни Гандижий ҳам таъкидлаганлар.

Матҳур муросасизлик оҳангда деди:

— Аҳиллик қандай қилиб бўлиши мумкин? Фабриканинг эгаси бўлганидан кейин, у бошқаларнинг кучидан фойдаланмоқчи бўлади. Бас, шундай экан, у уларни зўрлик билан ўз измида тутишга мажбур. Эзилганлар аса хўжайин билан олишиш учун қулай фурсат кутади.

Миссис Сарин жавоб бермай, яна ишига уриниб кетди. Матҳур сал ўнгайсизланиб деди:

— Мен жуда кўп гапириб юбордим. Ўзим шунаقا кўпроқ гапиришга одатланиб қолганман. Энди менга рухсат. Қизишиб кетиб, баъзи оғирроқ ботадиган гапларни гапириб юбордим, кўнглингизга олмайсиз. У кишига шикоят қилгудек бўлсангиз, яна ҳам хафа бўладилар.

Шундай деди-да, Матҳур сумкасини ердан олиб, жўнамоқчи бўлди. Миссис Сарин эрининг сигараларига ишора қилиб деди:

— Чекасизми? Олинг.

Матҳур битта сигара олди-да, ташаккур билдириб, деди:

— Мени бугун жуда яхши меҳмон қилдингиз. Аммо ўзимнинг қанақалигимни ҳам яхши бўлиб олдингиз. Энди ҳойнаҳой меҳмонга ҳеч чақирмассиз. Шунинг учун ҳам фурсатдан фойдаланиб, олдимга қўйганингизни еб-ичавердим. Энди борай. Уч-тўртта одам мени пойлаб ўтирган бўлса керак.

Матҳур жўнаб кетгандан кейин миссис Сарин ўйлади: «Ажойиб одам. Кўра-била туриб ўзини мусибату қашшоқликка дучор қилади. Қилмишидан ўзи курсанд. Қандайдир бир янги дунё қураман, деган хаёлда!»

Клубдан қайтиб келгач, Сарин соҳиб Матҳур тўғрисида сўради. Ҳамма гапни бир-бир айтиб ўтирмаи, миссис Сарин қисқагина жавоб берди:

— Ишингизга кириш унинг кўнглида йўқ.— Кейин бир оз ўйлаб, давом этди:— Авраб-алданса, эҳтимол, кўнар ҳам. Уйдаги аҳволи жуда ёмон.

Сарин соҳиб ўшандан кейин Матҳурни қайта тилга олмади. Лекин миссис Сарин уни тез-тез эслаб турарди. «Матҳур қандоқ ўзгариб кетибди,— ўйларди у.— Шунақа гапларни билади, деб Аградалигимда хаёлимга ҳам келмаган. Ўша вақтда қандоқ сода, мум тишлаган бир бола эди. Бир хилда мени ўқитгани келса, ойимлар, Шўбҳа бугун ўқитмайди, сен бозорга бориб, фалон нарса олиб келгин, дердилар. У бечора индамасдан кетаверарди. Ўша кунлари дадамлар, соғлиғи учун фойдали, деб менга ҳовлидаги ўтнинг устига бадминтон ўйнайдиган тахта қўйиб берган эдилар. Шўбҳага бадминтон ўйнатгин, деб буюришса, у китоб ўқитишини ташлаб, мен билан бадминтон ўйнашга тушарди. Баъзида кўнгиллари истаб қолса, дадам ўзлари ҳам у билан бадминтон ўйнардилар. Ўша вақтда Матҳур хўжайн нима деса ўшани қиладиган тилсиз-забонсиз бир ишчи эди гўё. Соғлом-бақувватлиги-ю ҳозир қандай бўлса, ўша вақтда ҳам шунақайди. Лекин юз-кўзида, хатти-ҳаракатларида ожизлигу мутеликка ўхшаган бир туйфу ҳамма вақт акс этиб турарди. Бир куни бирга бадминтон ўйнаб турувдик, ўртоғим Кришна келиб қолди. У ўлгурга ҳазил-мазах қилиш жини теккан эди. Ўша куни ҳам иккаламизни қўшиб бир тил тегизиб қўй-

ди. Унинг гапига ҳеч ким эътибор бермади. Чунки Матҳурнинг ҳол-аҳволини кўриб туриб, унинг тўғрисида бунақа гапни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасди. У вақтлар у кичкиналигини тан оларди, ҳозир эса бундан сира асар қолмабди.

Ўша вақтда Матҳур паст табақали бир одам эди. Энди, афтидан, иргиб юқорига чиқиб кетибди. Жуда ўзини тенг тутиб гаплашадиган бўлиб қолибди. Аттанд, юз рупияга уни сотиб олишга ҳаракат қилинганити. Қандай уят гап-а! Мана, тунов куни кўргазмадан чақалоққа деб анови кичкина итваччани уч юз эллик рупияга сотиб олдик. Матҳурни ҳам худди ўшанақа сотиб олишмоқчи-я... Афтидан, Матҳур кўп китоб ўқиди...»

Миссис Сарин эрининг Матҳур билан менсимасдан гаплашганини, ором курсида оёқларини чўзиб ястаниб ётиб, ҳадеб сигара бурқситгани, Матҳурнинг гапига қулоқ ҳам солмай, ўзиникини маъқуллагани, Матҳур бўлса ичида, «ҳа, кел, гапирса гапира қолсин» деб кулиб ўтираверганини — ҳаммасини эслади. «Бунинг миясида қанча-қанча нарсалар бор. Ўшаларнинг ҳаммаси амалга ошсами, бу бенаво дунё тагтуги билан ўзгариб кетади! Гандижий ҳам худди шу гапни айтадилар. Гандижий сингари бу ҳам, менинг ўзимга ҳеч нарса керак эмас, дейди. Ўзи бу ерда ишчиларнинг орасида яшаб юрибди. У ёқда, Агарда онаси ҳойнаҳой очдан ўлай деётгандир. Бу, мен жамиятга қарамман, дейди. Сарин соҳиб бўлсалар, жамият менга қарам, дейдилар».

Эрининг курсида чўзилиб ётгандаги қўйпол гавдаси ва Матҳурнинг парвозга тайёр лочинdek танаси миссис Сариннинг кўз олдига келди. Эрининг Матҳурга қилган муомаласи унга жуда дағал туюлди. «Бундай қилмаслик керак эди», — деб ўйлади у...

Матҳур тўғрисида яна анча кунгача оғиз очилмади. Лекин бирор газетада эрининг фабрикасидаги ишчилар тўғрисида янги нарса ўқиди дегунча, кўз олдида эски бўз кўйлак-иштон кийган, халтача қўлтиқлаган Матҳур гавдаланарди. Газеталарда ўша кунлари шундай хабарлар босилмоқда эди: «Бҳорат бҳушан фабрикаси бир неча янги машиналар олган. Ўша машиналарни ишга солиб, ортиқча ишчиларни ишдан ҳайдамоқчи. Ишчилар фабрика эгалари-

нинг бу қарорига қарши иш ташлашга бел боғлашган...»

Сарин жуда ташвишда эди. Унинг уйида ҳар икки уч кунда бир йифин бўлиб турарди: гоҳ зиёфат, гоҳ чой. Хотини бу зиёфат-чойларга бош-қош бўлиб чарчаб кетарди. Хилма-хил одамлар келарди: бой-боёнлар, катта хизматчилар, сиёсий раҳбарлар... Бир куни уйнинг орқасидаги боғда бир одамга чой ҳозирланди. Миссис Сарин ҳойнаҳой Матҳур келади, деб ўйлади. Лекин бошига гандийча дўппи¹, эгнига бўз кўйлак кийган бир басавлат одам келди. Аввалига сайлов кампаниясида миллый конгресс йўлиқаётган қийинчиликлар тўғрисида гап кетди. Кейин ҳалиги одам, агар фабрикада иш ташлаш бўлгудек бўлса, Конгресс ишчиларнинг ёнини олмайди, деб ишонтириди. Сухбат охирида Сарин соҳиб беш минг рупнияга чек ёзиб, ўша кишига ҳадя қилди.

Бу масалаларнинг бирортасида ҳам ҳеч ким миссис Сариннинг фикрини сўрамасди. Бироқ даҳшатли бўрон келаётганини сезиб, қушлар безовта бўлгандек, миссис Сарин ҳам бирор ёмон нарса рўй беришини ҳис қилмоқда эди. Бир даҳшатли қўзғолон бўлиш хавфини сезиб, унинг юраги увушиб кетмоқда эди. Ўша орада бир куни машинада бозорга кета туриб Матҳурни кўриб қолди. У намойишга чиққан кишилар орасида овозининг борича шиор ташлаб борарди. Кўришга кўрди-ю, лекин у билан гаплашишнинг иложи бўлмади.

* * *

Бҳоратбҳушан фабрикасида мана икки ярим ойдан бери иш ташлаш давом этмоқда. Сарин соҳибининг ғам-ташвишининг чеки йўқ. Лекин шунга қарамай, ишчилар олдида бош эгишга рози бўлмади. Фабрикани бошқаларнинг раъйига қараб бошқарадиган бўлсам, унда фабрикага эга бўлишимнинг нима маъноси қолади, деб ўйларди у. На овқатга иштаҳаси бор, на кечалари уйқуси келади. Бир-иккита печенье еб, бир-икки қултум виски ичиб олади, бас. Ранги сарғайиб,

¹ Қўлда тўқилган матодан тикилган Маҳатма Ганди ройиси қилиган қайинномо дўппи. Ҳиндистон миллый конгресси партияси аъзолари одатда шу дўппини киядилар (*муҳаррир*).

кўзларининг тагида қора ҳалқалар пайдо бўлган эди. Буни кўриб, миссис Сариннинг юрак-багри эзилиб оқарди. «Э, худо олсин фабрикасини. Жон азизим, фабрика азизми?»— ўйларди у ўзича. Баъзан эса, нима бало бўлиб бу ишчиларнинг мияси айниб қолди, деб ҳайрон бўларди. Ишчилар деганда унинг кўз олдига Матҳур келарди.

Сарин соҳиб ичкарига жуда кам киради. Эртадан кечгача телефон жиринглагани-жиринглаган. Хизматкорлар кўчадан жуда қизиқ хабарлар олиб келар ва бу хабарлар энага орқали беканинг ҳам қулоғига етарди. «Минг-минг ишчилар қўлига таёқ олиб, фабрикани ўраб олганмиш,— деб эшитди у,— улар, фабрикани талаймиз, унга ўт қўямиз, деб дўқ қилаётган эмиш. Милтиқ ушлаган полициячилар билан солдатлар фабрикани қўриқлаётган эмиш».

Фабрика билан уй ўртасидаги кўчадан юзлаб-минглаб одамларнинг «Яшасин инқилоб!», «Ҳокимиёт ишчиларга!», «Йўқолсин капитализм!» деб бақирган овози эшитиларди. Миссис Сарин, одамлар чиндан ҳам бизнинг уйга ҳужум қиласайди, деб қўрқарди. У боласини кўчага олиб чиқтирмайдиган қилиб қўйди. Хизматкорларга ҳушёр бўлларинг, деб тайинлаб қўйди. Иккита баҳайбат гўркҳа қоровул кечалари милтиқ билан уй атрофини айланаб юрадиган бўлди.

Кўчага чиқиб келиб турадиган хизматкорлар хабар келтиришди: «Иш ташлаган ишчилар қизил байроқ кўтариб олиб, кечаю кундуз фабриканинг эшигидан нари кетишмайди. Ҳеч кимни ичкарига киргизишмайди. Бирорта ишчи агар ишлагани ичкарига кираман деб келса, иш ташлаганлар унинг оёғининг тагига ётиб олиб, фабрикага ўтказишмайди. Сарин соҳибининг буйруғи билан полиция агар биронтасини ушлаб олиб кетса, бошқаси келиб унинг ўрнига ётиб олади».

Полиция бир неча ишчини қамаб қўйган эди. Уларнинг хотин, бола-чақалари Сарин соҳиб олдига келиб йиғлай бошлади. У эса ҳаммасини ҳайдаб чиқарди. Миссис Сарин кўзага солиб қўйилган балиқдек типирчилаб, нима қиласини билмасди. У бир неча марта шу тўғрида эри билан гаплашмоқчи ҳам бўлди, лекин эрининг қовоқ-тумшуғи осилганини кўриб, юраги бетламади.

Бир неча кундан бери боланинг тоби йўқ эди. Лекин Сарин ўз дарди билан бўлиб, унинг ҳолидан хабар олиш өсига ҳам келмасди. Миссис Сарин бир неча бор айтмоқчи бўлди. Лекин эри бир зумгина кўриниб қолганда тили гапга бормай қоларди. Сарин соҳибнинг қилгани фақат шу бўлдики, доктор Кептенвудни телефон орқали чақириб, болани кўрсатиб қўйди. Болага қараш учун бир европалик ҳамшира ёллаб қўйилган эди. Ҳамшира икки кундан бери болани эмиздиртирмасди. Шу сабабли сути йиғилиб қолиб, миссис Сарин яна ҳам қийналмоқда эди.

Миссис Сарин хизматкорини юбориб, баққолнинг дўконидан бир нарса олдириб келган эди. Нарса ўралган қоғоз унинг диққатини ўзига тортди. Қоғозга йирик-йирик ҳарфлар билан «Ишчилар янгилиги» деб босилган эди. У қоғоз ишчилар газетасининг бир парчаси бўлиб, унда мистер Сарин фабрикасидаги иш ташлаш тўғрисида гап бораради. Бошқа газеталар иш ташлаш тўғрисидаги бор гапни ёзмаяпти, тегишли кишилар пулнинг зўри билан уларнинг оғзини бекитиб қўйибди, деб ёзган эди газета.

Газетада қуиидаги хабар берилган эди:

— Фабриканинг эшигини тўсишда айбланиб, бир юз йигирма беш ишчи қамаб қўйилди. Икки ою ўн кундан бери маош берилмаётгани туфайли минг-минг лаб ишчиларнинг хотин, бола-чақалари очдан ўлай деяпти. Фабрика директори иш ташлаган ва қамалган ишчиларнинг бола-чақаларининг дод-фарёдига қарамай, квартиralардан ҳайдаб чиқармоқда. Ҳўжа-йинлар ўз болаларини иссиқ кўрпаларга ўраб бағрига босиб ётган шундай қаҳратон қишида бир ярим минг ишчининг оиласи бошпанасиз, очик майдонда дийдираф ётиби. Улардан олтмиш еттитаси сил касалига мубтало. Юз элликтаси иситма-безгакдан ўлай деяпти. Шунча қийинчиликка қарамай, ишчилар ўз аҳдиди бузмайди. Фабрика эгалари уч юз ишчини фабрикадан ҳайдаш тўғрисидаги қарорини бекор қилмагунча, ишчилар курашни давом эттиради... Фабрика эгалари ишчилар меҳнатининг самарасини еб, айш қиляпти. Уларнинг тузини еб, тузлукқа тупуришига энди чидаб бўлмайди...»

Қоғознинг қоқ ўртасига катта-катта ҳарфлар би-

лан «Даҳшатли фитна» деб ёзилган ва унинг тагида қўйидаги хабар берилган эди:

«Фабрика ишчилари ўргасида нифоқ чиқариш қўлидан келмагач, фабрика эгалари бошқа жойлардан ишчилар чақиртириб келиб, уларни ҳалиқ кўзидан яшириб қўйибди. Олинган хабарга кўра, фабрика эгалари ишчиларнинг қаршилигига қарамай, ўша ташқаридан келганларни 17 декабрь кечаси машиналарда фабрикага олиб кириб, иш бошлашга мажбур қилармиш. Ташқаридан келтирилган ишчилар бизнинг биродарларимиз. Уларнинг ҳам, бизнинг ҳам манфатимиз бир. Улар шу нарсани эсдан чиқармасликлари керакки, Бҳоратбҳушан фабрикаси ишчиларининг устидан машина юргизибгина фабрикага кириш мумкин. Кимки шунга рози бўлса, майли, фабрика эгалари қўлида ўйинчоқ бўлиб, фабрикага кира қолсин.

Биз барча ишчиларга нон талаб қилиб курашяпмиз. Хўш, ишчиларни ишдан ҳайдаб, очдан ўлдиришга фабрика эгаларининг нима ҳаққи бор? Ишчилар билагининг кучи билан миллион-миллион пулни шунинг учун топиб беряптими? Оғайнилар! Бҳоратбҳушан фабрикасининг ишчилари фақат ўз қорни учунгина эмас, балки барча камбағал ҳалқ учун, меҳнат қилиб нон топиш ҳуқуқи учун курашмоқда. Шу курашда агар биз енгилсак, биз ўлдик, камбағал ҳалқ капиталистлар манфаатига қурбон бўлди, деган гап бўлади. Енгилиб, аста-секин ўлишдан кўра, биз ишчилар ўз ҳуқуқимиз учун курашиб жон беришни афзал кўрамиз. Ташқаридан келган ишчиларнинг машиналари бизни мажақлаб қонимиздан кечиб ўтмагунча фабрика ичига киролмайди. Фабрика эгалари билиб қўйсиллар; ишчиларга зулм қилиб, улар ҳалқнинг лаънатидан қочиб қутууломмайдилар. Хўш, мамлакатни озод қилиш шиорини кўтарган конгрессчи биродарлар ва ҳалқ шуларнинг ҳаммасини индамай томоша қилиб тураверадиларми?..»

Хабар остида «Кунданлал Матҳур, Ишчилар жамиятининг раиси» деган имзо бор эди.

Қогозни ўқиб миссис Сариннинг оёқлари қалтираб, кўз олдига Матҳурнинг айёрлик билан илжайиб турган чеҳраси келди. «Соддалик пардаси остидаги бу юз-кўзларда қанчалик бераҳмлик, ваҳшийлик яшириниб ётган экан!— деб ўйлади у.— Қўлтиғига

бир даста қоғоз қисиб олган бу одам шунчалик даҳшатли қирғинга сабаб бўлиб турса, қандай даҳшатли экан у ўйлаган «Янги дунё!» Уни қандай қилиб ҳушига келтиrsa бўларкин!»

Миссис Сариннинг ёшга тўлган, бир нуқтага тикилиб қолган кўзлари олдига сил ва иситма-безгакдан азоб чекаётган, шудрингдан ивиб, совуқдан қалтираб ётган минглаб хотин-эркак келди... Унинг кўз олдида бошқа манзара ҳам гавдаланди: машиналар босгали ишчиларнинг жасади майдамайдабўлиб, қонга қоришиб фабрика атрофида бир ботқоқлик ҳосил бўлгану Сарин соҳиб ўша ботқоққа тиззасигача ботиб, нафаси оғзига тиқилиб, зўрға фабрикаси томон кетяпти...

Миссис Сариннинг боши айланиб, кўзлари тиниб кетди. Бошини икки қўли билан чангллаб ўтириб олди ва ҳушидан кетди. Ўзига келгач, кўчадаги даҳшатли шовқин-тўполонни ёшитиб яна ҳушидан кетди.

Шу пайт бирдан ёнидаги хонадан ҳамшира чиқиб, айтib қолди:

— Боланинг ичидарори турмаяпти. Суриб кетяпти. Телефон қилиб докторга хабар бериб қўйинг. Доктор соат тўққизда хабар қилинглар, деб айтган эди.

Соат аллақачон тўққиз бўлган эди. Шуни эслаб, миссис Сарин гандирақлаб боланинг олдига кирди. Болани кўтариб бағрига босмоқчи бўлди, лекин ҳамшира йўл қўймади.

Миссис Сарин ниҳоятда маъюс бўлиб, тарвузи қўлтиғидан тушиб, умумий хонага телефон қилгани кетди. Эшикдаги пардани очиб хонага қадам қўйди-ю, бутдек қотиб қолди. Сарин соҳиб хонанинг ўртасида тик турибди. Унинг кўзларида ғазаб ўти чақнайпти. Икки ёнида иккита нотаниш одам. Чап ёқда турган одам икки қўлини қовуштириб, гап гапиряпти.

— Тақсир! Бу иш менинг қўлимдан келмайди... Мен ахир машинани ишчиларнинг устига қандай қилиб ҳайдайман? Улар ўзларини ҳеч четга олишмаса! Ё полиция чақиринг, ёки ўзингиз уларни йўлдан ҳайданг. Мен бир камбағал, бечора одамман. Менинг ҳам бола-чақам бор. Йўқ, тақсир, бу ишни мен қиломайдан. Тақсир! Мен машинам билан кечадан бери турибман. Менинг вазифам ишчиларни Лакновдан Конпурга олиб келиш эди. Мана олиб келдим. Бу ерда ушланиб қолиб, менга қанча зарар бўляпти. Тақсир,

Энди мен Лакновга қайтиб кетаман, менинг ҳақимни берсинглар.

— Сен машинани ҳайдайвер, одамлар ўзи четга чиқиб кетади! — ғазаб билан бақирди Сарин соҳиб.— Ўуни ўйлаб нима қиласан? Машина фабриканинг ичиға кирмас экан, сенга пул йўқ.

Ҳалиги одам жон ҳолатда ўзини орқага ташлаб, деди:

— Йўқ, йўқ, тақсир! Одамлар четга чиқмасдан туриб, мен машинани ҳайдамайман. Одамлар машина тагига тушиб ўлса, ким жавоб беради?

Соҳиб кучининг борича тепинди:

— Мен жавоб бераман! Мен буйруқ беряпман! Ўз иззат-нафсим учун икки миллион ҳам сарф қилишга тайёрман. Нима деб ўйлаяпсан сен?

Ҳалиги одам бошини сарак-сарак қилиб яна ўзини орқага ташлади.

— Йўқ, тақсир! Кичкина-кичкина болаларим бор. Одамларнинг қарғишига учрашга тобим йўқ.

— Чиқиб кет бу ердан! Йўқол! Одамларни тушириб машинангни олиб кет! — бақирди соҳиб ғазаб билан эшикни кўрсатиб. Ўнг томонда турган одамга буюрди: — Фабриканинг машинасини олиб чиқ. Ҳозироқ. Мен ўзим ҳайдайман!

Сарин соҳиб қафасдаги шер каби у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Миссис Сарин унинг олдига киришга журъат қиломади, эшикнинг орқасида туриб қолди. Унинг ҳеч нарсага ақли етмай қолди. Худди дунё ларзага келиб ийқилиб тушаётгандек, атрофни мудҳиш бир зулмат қоплаб олаётгандек туюлди. Боши айланниб, тап этиб ўзини ёнидаги диванга ташлади.

— Доктор нима деди? Боланинг аҳволи жуда ёмон-ку,— деб сўради ҳамшира ундан.

«Бола» деган сўзни эшилди-ю, миссис Сариннинг кўз олдидаги манзара ўзгариб кетди. Гумбурлаб йиқилаётган баҳайбат дунё болани босиб, янчиди ташлаётгандек бўлди. Бир лаҳзадан кейин унинг кўз олдиди ҳамширанинг ўрнига ҳалиги, ишчиларнинг устита машина ҳайдамайман, деб турган шофёр пайдо бўлди. Миссис Сариннинг қулоқларида шофёрнинг «Тақсир! Кичкина-кичкина болаларим бор. Мен бирорнинг қарғишига қолишга тобим йўқ»,— деган сўзлари жаранглай бошлади. Кейин эсига ҳалиги газе-

тада ўқиган «Ишчилар жамиятининг баёни» туиди. Шундай маизара унинг кўз олдига келди: эри оёқлари билан ер тепиниб, машинани ўзи ҳайдаб, ишчиларни мажақлаш учун кетяпти. «Оҳ! Нега тўхтатмадим уни!» Қаттиқ афсус қилди ичида миссис Сарин. Юраги гуп-гуп уриб, бошини ларзага келтирмоқда эди. Йиқилиб кетмаслик учун диваннинг суюичигини икки қўли билан қаттиқ ушлаб қичиқирди:

— Хизматкор! Югур! Айт, дарров машинани олиб келишсин.

* * *

Миссис Сарин машинада фабрика олдига борди. Фабрика дарвозаси олдидаги майдонни оломон босган. Оломоннинг наъраси қулоқларни қоматга келтиради. Дарвоза олдида бир неча юк машина кетмакет тизилиб турибди. Бир неча одам машиналарнинг олдида ясланиб ётибди. Олдинда фабриканинг бошқа амалдорлари билан бирга Сарин турибди. У бақириб-бақириб гапиряпти. Унинг гапини-ку эшитиб бўлмайди, лекин қўллари билан бошининг қимирилашидан аён бўляпти, у ерда чўзилиб ётган ишчиларга, йўлдан қочларинг, деб дўқ қиласпти.

Миссис Сариннинг машинаси этиб келиб тўхтаганича ҳам йўқ эди, Сарин лип этиб энг олдиндаги машинага чиқиб, шоффернинг ўрнига ўтириб олди. Миссис Сарин шоша-пиша машинадан тушмоқчи бўлди. У ҳали тушиб улгургани ҳам йўқ эди, Сарин ўтирган юк машина туриллаб кетди. Унинг даҳшатли кўзларидан сочилаётган оташ-аланганинг ўткир шуъласида дарвоза олдида ётган ишчилар ялт этиб кўзга ташланди. Миссис Сарин жон ҳолатда олдинга отилди. Лекин шу пайт бирдан эри ўтирган машина юриб кетди. Ерда ётган одамлар сапчиб туриб ўзини четга ола бошлади. Оломоннинг бақириб-чақириши, лаънат-маломатига қарамай, машина олдинга қараб кетаверди. Ётганларнинг ҳаммаси туриб қочди, лекин битта одам қимир этмай ётаверди. Машина бир силкиндиди, уни босиб-янчиб ўтиб кетди.

Оломоннинг қаҳр-газаби мавж уриб кетди:

— Қон! Қон! Ўлдирди. Ур қотилни! Ур! Яшасин

биродаримиз Матҳур! Саринга ўлим! Капитализмга ўлим!

Миссис Сариннинг кар бўлаёзган қулоқларига фақат «Биродаримиз Матҳур» деган икки сўз кириб қолди. У энгашиб қаради. Қараса, ерда бошдан-оёқ қонга белангани бир одам типирчилаб ётибди. Бир неча ишчилар югуриб келиб, уни кўтариб олишди-да, бир ёққа олиб кетмоқчи бўлишди. Шу пайт миссис Сариннинг кучсиз, буюрган овози эшитилди:

— Бу ёққа олиб келинглар у кишини, машинага солинглар.

«Яшасин Матҳур! Саринга ўлим!» деб баҳириб, Сариннинг машинасини тошбўрон қилиб оломон фабрика ичига кириб кетди. Миссис Сарин эса Матҳурни олиб тезлик билан уйга келди. Матҳурнинг эзилган танасини авайлаб ичкарига олиб кириб, чорпояга ётқизиб қўйилди. Доктор Кептенвуд ҳамширанинг чақируви билан болага қарагани келган эди. У дарҳол Матҳурга укол қилди. Матҳур хиёлгина ўзига келди ва ўша заҳоти унинг оғзидан эшитилар-эшитилмас овоз чиқди:

— Яшасин ишчилар!..

Ҳушдан кетиш олдида миясини чулгаб турган фикр шу икки сўзда ўз ифодасини топди. Доктор Матҳурнинг пора-пора бўлган аъзоларини бинт билан боғлаб, қон оқишини тўхтатди. Миссис Сарин чорпоя тепасида дук-дук урган юрагини ҳовучлаб турарди. Ҳамшира Матҳур билан банд эди. Эс-ҳуши ўзига келгач, Матҳур, миссис Саринни таниб, сўради:

— Нима бўлди?

— Жим ётинг. Ҳамма нарса жойида,— деди миссис Сарин.

— Иш ташлаш бузилгани йўқми?— сўради Матҳур.

Миссис Сарин яна «жим» деб ишора қилди. Матҳур безовталик билан теварак-атрофга қаради-да, яна сўради:

— Ўртоқларим қани? Сиз мени нега олиб келдингиз?

Матҳурнинг шу аҳволда ҳам раҳм-шафқатни билмаганлигини кўриб, қарама-қаршилик тўла бу дунё ва Матҳур тасаввур қилган янги дунё миссис Сариннинг эсига тушиб кетди. У титраб турган лабларини

тишлаб зўрга ўзини босиб деди:

— Жим ётинг! Худо дени!

Узоқдан ўқ товуши эшитилди. Матҳур тўчиб сўради:

— Ие, ўқ отилдими?

Ўқ товушидан қўрқиб кетиб, ён жонада ётган бола чириллаб йиглади. Миссис Сарин югуриб бориб, болани олиб келди. Уни чорпояга Матҳурнинг ёнига ётқизиб қўйди ва кўзларига жиққа ёш тўлиб, вазмин овоз билан деди:

— Шунга раҳм қилинг. Афв этинг. Дуо қилинг шуни.

Матҳурнинг кўзлари чарақлаб кетди. Лаблари секин қимирлади:

— Яша! Улғай!.. Янги дунё қур!

Миссис Сариннинг кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлиди. Тўсатдан Матҳурни ҳиқичноқ тутди ва миссис Сарин қошиқ билан оғзига сув томизишга тушди. Ҳамшира, бунинг фойдаси йўқ, охирги нафаси чиқяпти, деб ишора қилди. Лекин миссис Сарин унинг устига эгилганича сув томизиб, ундан кечирим сўради.

— Кирсам майлими?— Тўсатдан шу сўзларни эшитиб миссис Сарин қайрилиб қаради. Эшикка келиб турган бир полициячи салом берди. Лабларини қимирлатишга ҳам мадори келмай, миссис Сарин кўзлари билан «нима?» деб сўради.

Полициячи секин жавоб берди:

— Афсус! Минг афсус... Сарин соҳиб... Жасадларини олиб келдик.

— Оҳ! Худойим!..— деб бир оҳ тортди-ю, миссис Сарин ҳамширанинг қўлига йиқилди.

ҚУТЛОВ ТОРТИГИ

Одамнинг фақат афт-башарасига қараб баҳо берган киши янглишиши мумкин. Худди шунга ўхшаш, бирорининг фақат номига қараб ҳам баҳо бериб бўлмайди. Мисол учун «Ҳамилтон» деган номни олинг. Инглизлар ҳукмронлик қилган даврда «Ҳамилтон» деганда кишининг кўз олдига тиззага чиқадиган узун қўнжли этик кийиб, қўлига қамчи ушлаган, қулинг ўргилсин отга миниб олган дабдабали бир офицер келарди. Одамлар унга эгилиб-букилиб салом берарди, у эса кўз қири билан қараб, салгина бошини қимирлатиб қўярди.

Бизнинг Ҳамилтон соҳибининг эса кўриниши-ю юриш-туришлари бутунлай бошқача. Одамлар уни бир оз ҳурмат қиласди, лекин қўрққанидан эмас, аксинча, қўрқишга ҳеч ўрин йўқлигидан. Ҳамилтон соҳибининг ота-боболари-ку «подшоҳлик» таомилига амал қилиб, ўзини борган сари юқори кўтаришга уриниб келган әди. Унинг эса бу гаплар хаёлига ҳам келмасди.

Ҳамилтон бир неча марта қоқилиб, йиқилиб, зўрға бош ходимлик курсисини эгаллашга муваффақ бўлди. Лекин шунда ҳам қўйл остидаги бирор кичик хизматчидан хафа бўлиб қолса, жаҳzl аралаш унинг ўрнига шартта ўзи ўтириб, ўшанинг ишини қилиб кетаверарди. Ҳўжайин билан-ку шундай гаплашардики, кўрган одам уни бош ходим эмас, хизматкор-пизматкор экан, дерди. Югурдак, қоровуллар унга салом берса, буни қонида талаб қилгандигидан эмас, балки ўзларининг кўнгли тилаганидан қиласди. Оми халқ

ичида унинг асл иомини биладиганлар жуда кам эди. Уни ҳамма орқасидан «юовош соҳиб» деб атарди. Ҳамилтон соҳибга ўхшаш кишиларни одамлар қадимдан ўзи шундай деб атаб келган.

Бўш келганини тақдир сийламайди. Ҳамилтоннинг хотинидан бошқа ҳеч кими йўқ эди. Бола ҳам кўрди, ота-онасини кулдириб, кейин зор йиғлатиб, ташлаб ҳам кетди. Бир йили қишида хотини ҳам эрини ёлғиз ташлаб, бу дупёдан жўнаб қолди. Худо хотининг ўпка яллиғидек оғир дард бериб уни синади. Қўрдики, бандасининг эътиқоди зўр. Жуда хушнуд бўлиб, чексиз меҳр-шафқат билан уни ўз бағрига олди-қўйди. Ҳамилтон соҳиб аввалига бахти қаролигидан нолиб пешанасига муштлади. Кейин эса, «худонинг хоҳлагани шу экан», деб қўниқди қолди. Унинг мўмин-қобиллигини кўриб, Азроил ҳам ҳойнаҳоӣ қилмишига пушаймон бўлгандир. Лекин худонинг даргоҳида масалани қайта кўриб чиқиш деган қоида бўлмайди. Начора!

Ҳамилтон соҳибни ғам еб қўйди. Ғам-андуҳдан кўзлари ич-ичига кириб кетди. Оқмай қолган ёшлар халта бўлиб, кўзларининг тагида осилиб қолди. Пешана-ю юзларини ажин тўрлари қоплади. Кумуш камонли қадрдон кўзойнаги ҳам фириб берадиган бўлиб қолди. Идорага-ку, вақтида етиб келарди. Лекин ҳужжат у ёқда қолиб, босма қоғозга қўл қўйиб юборарди. Қўл остидаги хизматчиларга берадиган фармойишларини хўжайиннинг папкасига солиб, хўжайинга юбориладиган қоғозларни эса қўл остидаги хизматчиларга бериб юборарди.

Ҳамилтонга хўжайиннинг юраги ачириди. Чунончи, бир куни у Ҳамилтонни олдига чақириб, насиҳат қилди:

— Умр бўйи топган-тутганингни сувга ташлашдан нима фойда? Анча мазанг кетиб қолди. Энди кўзларингга ҳам, миянгга ҳам дам бермасанг бўлмайди. Пенсияга чиқишига тайёргарлик кўраман, деб отпуска олгин-да, бирор хилватроқ, салқинроқ жойга бориб дам олгин.

Хўжайин шундай деб насиҳат қилгандап кейин Ҳамилтон соҳиб хўп дейишга мажбур бўлди. Октябрнинг охиrlарида, ҳамма тоғдан қайтаётган пайтда у тоққа — Масурийга етиб келди. Бир даллол бутун

бир ёз мавсуми ҳисобидан ижара ҳақини нақд санаб олиб, бўшаб қолган уйни бир қишига унга тўғрилаб берди. Ишсиз қолган бир ошпаз озгина маош эвазига Ҳамилтонга овқат қилиб беришдек оғир вазифани ўз гарданига олди. Гўшт билан шўрвасини ўзи уриб, суюк-пуюкларини бир тақсимчада соҳибнинг олдига қўйиб, ўз бурчини адо эта бошлиди.

Ҳамилтон соҳиб ўн тўртинчи йилдан ҳам илгари тиктирган костюм-шимиини эгнига илиб, қулоқчинни бостириб кийинб олиб, икки қўлини пальтосининг чўнтакларига тиқиб, тирсакларини қовурғаларига тираб, Масурийнинг ҳишда ҳувиллаб қолган кўчалари бўйлаб сайр қиласди. Бу ерда унга на бирор салом берувчи топиларди, на улфат. Бўм-бўш кўчаларда ондасонда бирор киши кўриниб қолса, у ҳам ё пенсионерларга хизмат қилувчи бирор ошпаз бўларди, ёки инглизча мактабдан қочиб юрган бирор ўқувчи.

Ҳамилтон бечора хира кўзларини жавдиратиб ўткінчиларга қаради. Лекин ҳеч ким, сен кимсан, демасди. Тақатақ берк дўконлар, бўм-бўш ҳувилланган уйлар, қуриб хокитуроб бўлган гулзорлар, барглари тўклиб яланғоч бўлиб қолган дарахтлар, баҳайбат овоз билан қарр-қарр қилган тоғ қарғалари, суюкларгача қақшатиб юборадиган совуқ ел, тепадан безрайиб қараб турган тафтсиз қуёш, атрофни ўраб турган серқирра қоялар — бу ернинг манзараси мана шу эди. Катта-кичик кўчаларни бир неча марта одимлаб чиққандан кейин ҳам биронта таниш-билиш учрамагач, Ҳамилтон соҳиб Кинкргег тепалик-пастлигини кунда бир маҳал чиқиб-тушишни одат қилиб олди. Бу Масурийга келадиган машиналарнинг бекати эди. Ҳеч бўлмаса шу ерда бир кун бўлмаса-бир кун биронта таниш учраб қолар-ку, деб умид қиласди Ҳамилтон.

Декабрнинг учинчи ҳафтаси тугади. Ҳамилтон соҳиб тушки овқатдан олдин шаҳарнинг учала катта кўчасини айланиб чиқди-да, тушдан кейин Кинкргег тепалигини ошибб, пастликка, бекатга тушиб келди. Илоҳободдек улкан шаҳарнинг юз-юз минг аҳолисидан наҳотки бирор киши Масурийга келишни хаёлига келтирмаса, деб ўйларди у. Қуёшнинг силжишига қараб сояси ҳам силжиб борарди. Офтоб билан бирга Ҳамилтон ҳам кўчиб юради. Ҳеч битта шофёр янгли-

шиб уни пассажир деб ўйламасди. Ҳеч битта ҳаммол унинг «юкини» элтиб беришга умид қилмасди. Биронта рикша уни рикшага чақирмасди. Гёё у ҳам Кинкргедаги катта-катта дарвозалар, тунукали уйларга ўхшаш бир нарса эди холос. Кинкргедан офтоб кетиб, қуёш уфққа бош қўйиши ва унинг нурлари тоғ чўққиларига жам бўлиши билан Ҳамилтон соҳиб ҳам йўлга тушарди. Сал ўтмай қуёш нурлари ути йўлда танҳо қолдириб кетарди.

* * *

Джонс уч йилдан бери Лилийга уйланиш орзусини дилида ардоқлаб келарди. Омади ҳам яхши келган эди. Лилий темир йўл бошлиги ўринбосарининг котиби эди, Джонс эса депода чилангар бўлиб ишларди. Лилий-ку уни севарди. Лекин фақат севги билан иш битадими? Одамнинг жамиятда тутган мавқеи ҳам катта гап. Жамият қўл билан иш қиласдиганларга нафрат кўзи билан қарайди.

Джонс ўша йили октябрь ойида имтиҳон бериб, инженер бўлиб олди. Маоши-ку дарров ошди. Лескин ундан ҳам кўра у инженер деган номни олишга сазовор бўлди. Номи кўтарилиувники, иззат-ҳурмат ҳам топди.

Джонс декабрдаги мелод¹ байрамига аввалроқдан отпуска олиб қўйган эди. Лилийнинг идорасида эса бу байрамда ўн кунга жавоб бериларди. Уларнинг никоҳи 20 декабрда ҳиндистонлик христианлар черковида бўлди. Ўша куни кечқуруноқ Джонс уч йиллик топган-тутган пулини чўнтакка солди, бир шиша виски билан никоҳдаги муборак гулларни бир бағрига, Лилийни иккинчи бағрига олди-да, поездга тушиб тўйдан кейинги саёҳатга — Масурийга равона бўлди.

Масурийда бу янги келин-куёвни кутиб оловчи ҳеч ким йўқ. Бунинг ҳожати ҳам йўқ. Келин-куёв танҳо бўлишни истайди, холос. Улар бир-бирига шу қадар маҳалиё эдики, кўзларига бошқа ҳеч ким кўринмайди. Кўринган чоғда ҳам булар эътибор қилиб қарамайди.

Юкларини ҳаммолга кўтартириб, бир қўлига ни-

¹ Исо пайгамбар туғилган кун байрами.

коҳ гулларини ушлаб, иккини қўлини бир-бирининг белига ташлаб, иккови меҳмонхонага қараб юрди. Тапқи дунё билан мутлақо иши йўқ. Джонс ҳар гапда уч марта «жоним!» дейди, Лилий эса унга «суюклигим!» деб жавоб беради.

Буларнинг севинчларга тўлиб чақчақлашувига ҳеч ким эътибор бермади. Лекин бу манзара Ҳамилтоннинг олазарак, термилган кўзларидан қоча олмади. Утган икки-икки ярим ой мобайнида Ҳамилтон фақат биттагина нарсани кўришга муяссар бўлиб турған эди. У ҳам бўлса шу икки ёшнинг чақчақлашуви. У ёшларга ҳавас билан тикилиб, изма-из бора бошлади. Келин-куёвнинг тетик одимлари билан чолнинг оғизи-ма қадамларининг тезлик-сустлиги деярли бир хил. Ёшлар ўзи билан маст, чол уларнинг нашъаси билан маст.

Бу янги келин-куёвнинг маstonавор хушчақчақлиги Ҳамилтоннинг миясидаги хотира дафтарини очиб юборди. Узоқ ўтмиш манзаралари унинг кўз олдига келиб кетди. Бир вақтлар у ҳам бир қўли билан Рооз Ҳамилтонни бағрига олиб, иккинчи қўлида нижоқ гулларини ушлаб черков эшигидан чиққан эди.

Рооз!.. Ёшлик ниҳолидаги нозик ғунча эди у! Унинг дўмбоққина юзлари, муҳаббат нашъасидан енгилгина қизарган наргиз кўзлари ҳамон ёдида. Упинг қип-қизил, тип-тиниқ чеҳраси, соғлом, момиққина бадани ҳали ҳам Ҳамилтоннинг кўз олдидан кетмайди. Олдида бораётган янги келин-куёвга қараб, у ўттиз йил бурунги ўзи билан хотини Роозни кўрмоқда эди. Уша хотиралар унинг заиф оёқларига куч багишлади. Ўзининг ёшлик манзарасини кўздан қочирмаслик учун у келин-куёв билан изма-из юриб меҳмонхона эшигигача келди.

Лилий билан Джонс иккинчи қаватдаги хонада бир оз дам олишди, кейин долонга чиқиши ва қуёш ботишини томоша қилиб ўтириб, чой ичишди. Ҳамилтон эса пастда буларни кузатиб турди. Нурсиз кўзлари кўп илғамасди, шунинг учун у еб қўйгудек бўлиб уларга тикиларди. Чойдан кейин Лилий аллақандай бир куйни секин айта бошлади, Джонс эса ерёнтоқ чақиб, уни тинглаб ўтириди. Тезда атрофга қоронғилик чўқди. Бироқ Ҳамилтон ҳамон пастда икки ёшнинг фира-шира шарпасидан кўз узмай туар-

ди. Ёшлар кайф-сафо билан бўлиб, ташқи дунёни бутунлай эсдан чиқариб қўйган эди. Аммо чолнинг суқланиб қараб турганини пайқамай қолишмади. Лилий хавфсираб эридан сўради:

— Ким у бизга тикилиб турган?

— Қўявер, гадой-падой бўлса керак.— Джонс бепарволик билан жавоб берди. Бир оздан кейин Лилий яна деди:

— Қара, бизга жуда ёмон тикиляпти.

— Уҳ! Қўявер дедим-ку. Эҳтимол, бирор жинни-пиннидир.— Шундай деб Джонс «жиннини» мазах қилиш учун ерёнгоқ пўчоқларини унга ота бошлиди. Ҳамилтон атрофига келиб тушаётган пўчоқларни кўрмади. Кўрса, муҳаббат гуллари деб ўйлаб, лабларига босармиди. Келин-куёв уни анчагача «ўқقا» тутди. Ёшларнинг қуввиқ қаҳқаҳалари чолнинг юрагини тўлқинлантириб, ўттиз йил аввалги хотираларини янги янги ранглар билан жилолантиromoқда эди. Зулмат ва тунги салқин ел келин-куёвни ичкаридаги жилватга қувиб олиб кирди. Ҳамилтон ҳам тасодифан уйғоңган ширин туйғуларини қалбига жойлаб, ётоғига қараб йўл олди.

Чол чуқур каравотда хаёлга ботиб ётарди: эртага қутлуғ байрам. Роза ўттиз йил аввал у Роозга қутлуғ кун муносабати билан совға сотиб олган эди. Ўттиз йилдан бери хотинининг руҳини шод этмоқ учун ҳар йили шу байрамда хотинига атаб совға оларди. Ыу гал ҳам албатта олади.

Рафиқаси нафосату назокатини пинҳон сақлаб турган фунча янглиғ унинг кўз олдида намоён бўлди. Тунни гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига ағдарилиб ўтказди. Азонда туриб бозорга тушди-да, қутлуғ кунга атаб совға — бир шол рўмол сотиб олди. Совға солинган пакетни қўлтиғига қистириб, ўйлаб-нетиб ўтирумай тўғри меҳмонхонага қараб жўнади.

Джонс билан Лилий офтобда исиниб ўтиришарди. Черков қўнғироқларининг ҳавони зириллатиб ўтгаётган бонги ҳам уларга кор қилмасди. Йигит гоҳ стакандан, гоҳ шишланинг ўзидан бир қултум-бир қултум виски ҳўплаб, кайф қилмоқда эди. Лилий бўлса гоҳ конфет сўрар, гоҳ эрининг лабларидан бўса оларди. Уларни на теварак-атрофдаги нарсалар қизиқтиради, на одамлар.

— Жоним! Ановини қара, кечаги жинни яна айланиб юрипти,— деб қолди тўсатдан Лилий ноз араплаш. Джонс шастдан тикилиб турган «жинни»ни қувивиб юбориши учун чапак чалиб, «Ҳай! Ҳай!» деб бақирди. Қуруқ «Ҳай-Ҳай» кор қилмаганини кўриб, у конфетларни ота бошлади. Бироқ шиддат билан отилган конфетларнинг қофози очилиб, биттаси ҳам мўлжалга бориб етмасди. Лилий бундан завқланниб куларди. Отганларидан биронтаси нипонга бориб тегмаганидан севгилиси олдида изза бўлиб, Джонснинг ҳазили чинга айланди. Ўша пайтда қўшни меҳмонхоналарнинг қоровулу хизматкорлари пастда ўтустида офтобда исиниб, ўзаро гаплашиб ўтирган эди. Улар бир қора соҳиб билан «жинни» ўртасидаги бу «ўйин»ни томоша қилиб, қотиб-қотиб куларди. Ҳамилтон эса, қўлимдаги совғани қандай қилиб юқоридаги ёш келин-кўёвга етказсамикин, деб ҳайрон эди.

Отавериб, конфетлар тугади. Аламига чидолмай, Джонс бўш қутини кўтариб, жиннига қараб отди. Қути шиддат билан учиб бориб, чолнинг бошига тушди ва чол ҳушдан кетиб ерга йиқилди. Атрофдаги ерли кишилар қора хоним билан қора соҳибнинг густоҳлигига тоқат қилиб туришолмади, шовқин кўтаришди. Чорраҳада навбатда турган полициячи бир зумда етиб келди. Тўпланганлар ундан соҳибнинг адабини бериб қўйишини талаб қилишди. Одамларнинг дўқ-пўлисасини эшитиб Джонснинг кайфи тарқаб кетди. У пастга тушишга мажбур бўлди. Лилий ҳам юрагини ҳовучлаб унинг кетидан тушди.

Ҳамилтон ерда чўзилиб ётибди. Оломон дарғазаб бўлиб, шовқин қилмоқда. Джонс билан Лилий ташвиш билан «жинни» бетига тикилиб туришибди. Жинни кўринган бу одамнинг эгнида бинойидек костюмшими кўриб, улар баттарроқ ўзидан хавотирланмоқда. Ҳамилтон бир ёнига ағдарилди, кўзини очиб, туриб ўтирди. Тепасида турган халойиқни кўриб, ўзи нимагап, деб ҳайрон бўлди.

Полициячи қутини унга кўрсатиб, сўради:

— Сени соҳиб урдими?

Чол «ўзи нима гап» деган назар билан ҳаммага бир-бир қаради. Полициячи зарб еган чолнинг эгнидаги костюм-шими ва бошидаги шляпасини ҳурмат қилиб, ундан яна сўради:

— Соҳиб, сиз бу ёққа нима иш билан келган эдингиз?

Бу гапни эшилди-ю, Ҳамилтон совфасини қўлтиғига қистириб, ўрнидан турди. Ёш келин-куёвнинг шундоқ қаршисида қўл ушлашиб турганини кўриб, лабларига табассум югурди.

— Улуғ айёмингиз муборак!..— деди Ҳамилтон келин-куёвга, полициячига ҳам, одамларга ҳам аҳамият бермай.— Мана бу сизга байрам совраси...

«Жинни»га ёрдам бериш учун тўплланган раҳмдил халқнинг оғзи очилиб қолди ва тарқаб кетишдан бошқа чораси қолмади.

ЧАЙҚОВ БОЗОР НАРХИ

Жагириналнинг отаси Булакиром Лоҳўрда инглиз дорилари сотиладиган бир дўконда дори тайёрловчи бўлиб ишларди. Худонинг берган куни бир шишиси икки-икки ярим рупия турадиган суюқликдан саккиз-ўн томчисини икки юз грамм сувга қўшиб, дори тайёрлаб, бирор беморга бир, чорак кам бир рупияга сотади. Булакиромнинг назарида бу даво-дори тайёрлаб сотишдан кўра фойдалироқ ва мартабалироқ иш йўқ эди.

Жагиринал саккизинчи синфни битириши битан, отаси уни Лоҳўрдаги бир дорихонага шогирд килиб берди ва у олти ойда рецептларни ўқиш дори тайёrlаш илмини ўрганиб олди. Шундан кейин отаси умр бўйи йиққан пулига Равалпиндида ўғлига бир дорихона очиб берди.

Жагириналнинг бу дорихонаси тез кунда гуллаб кетди. Икки жавон дори кўпайиб, тўрт жавон бўлди. Уша кунлари худонинг хоҳиши билан Европада уруш бошланиб қолди. Европадан келадиган молларнинг, айниқса, дориларнинг нарх-навоси ошиб кетди. Жагириналда пул ишлаш ҳаваси зўр эди. Бир йилгина бурун уйланиб олган эди. Чунончи у хотининг зарзеварлари устидан бир судхўрдан қарз кўтариб олиб, дўжонига инглиз дориларини хўп ғамлаб олди. Хоҳласа бир йилдаёқ қарзини узиб, хотинининг гаровга қўйилган зарзеварини судхўрдан қайтариб олиши мумкин эди. Лекин бундай қилмади. Унинг пул ишлапи иштаҳаси жуда очилиб кетган эди. Чунончи, у бир мусулмоннинг хом ғиштдан қилинган каттагина бир чалдивор уйини сотиб олди-да, унинг ўрнига бир каттакон данғиллама иморат қурдиришга тушди. Ярмида ўзи турса, ярмини ижарага қўйиш мумкин эди.

Уруш вақтида зарур буюмлариниң тарх-ниоси кундан-кунга ошиб кетаётганини кўрған ҳукумат ишрекаво устидан назорат ўринатиб, уни оширишини тақиқлаб қўйган эди. Бунинг боиси — ҳукумат, дўкону бозордан нарса сотиб олишга қўрби стмай қолиб, холиқ қўзғолон кўтариб юбормасайди, деб қўйришарди. Варта буюмлар қатори даво-дорилар устидан ҳам назорат ўнатилган эди. Лекин мана шу назорат савдоғирларга яна ҳам қўл келди. Назоратниң маъноси «юб буюм» бўлиб қолди. Яъни контрол баҳога буюм топилмайдиган бўлиб қолди, айниқса, дори-дармон. Ахир бирор кишиси касал ётган одам дори олишга дўконга келиб, назоратнинг кучини синаб, дўкондор билан ади-бади айтишиб ўтиришга тоқати борми? Жагиrimal харидорга ширин сўз бўлишинг ҳам анча машҳини олиб олган эди. Ахир савдо-сотиқ ишида омад келишининг сири худди шунда-да. Агар бирор киши баҳоси чекланган дорини сўраб келса, Жагиrimal харидорга ҳамдардлик билдириб, ўзини ожизликка солиб, «Бу назорат бошга битган бало бўлди, дорилар топилмайдиган бўлиб қолди», дерди. Харидор «отанг яхши, онанг яхши, айтганингни тўлайман, шу дорини топиб бермасанг бўлмайди»,— деб жуда ялиниб-ёлворса, «бир амаллаб» «ёрдам» қилиб юборарди.

Жагиrimal бўғзига пичоқ қадалмагунча бирор ёнидан пул чиқармаслигни биларди. Қурби стмаган кўп харидорлар тарвузи қўлтиғидан тушиб, кўзига жиққа ёш олиб дўкондан чиқиб кетарди. Бунақа одамларга Жагиrimalning юраги ачишарди, лекин шу билан бирга, ичиди ўйларди: «Ахир мен бор-йўғимни сарф қилиб, дўконга бу молни тўрт-беш чақа ишлармикнман деб олиб келиб қўйибман-да. Ҳар бир кишининг ризқини худонинг ўзи беради». Оқарниб кетган зангори лунги боғлаган, йиртиқ-ямоқ қора кўйлақ кийган, бошига кир-ифлос салла ўраган камбағаллар ерга ўтириб олиб, «хўжайни, баҳосини сал камайгининг» деб ялиниб-ёлворишарди, лекин Жагиrimal қўнмагач, фалон пулни ёнидан чиқариб беришга қурби етмай, дард-ҳасрат билан дўкондан чиқиб кетишарди. Бироқ камбағал харидорлар пулига бир данинглама чиройли иморат қад кўтармоқда эди.

Қурдираётган иморати ҳали битганича йўқ одиген, Жагиrimal бирдан хотин, бола-чиқасини олиб Ғашат-

пиндидан қочишига мажбур бўлиб қолди. Чунки Равалпинди шаҳри Покистонга ўтиб қолди. Инглиз ҳукумати бир мамлакатни парчалаб, икки мамлакат қилишда устаси фаранг эди. Шу туфайли бир неча кунга тартиб-интизом жиловини бўш қўйиб юборгаи эди. Қонун ва тартиб қаттиқлик вақтида Жагириналнинг оҳиста-оҳиста, ширин-ширин айланадиган тили билан ингичкагина, нозиккина қўллари куч-қувватга тўла, дард-аламдан ўзини қаерга қўйишини билмаган беморларнинг пулинни истаганича шишишга қодир эди. Унинг бу ҳуқуқини ҳимоя қиладиган ҳукуматнинг қонуни, пилицияси, милтиқ ва тўп-замбараклари бор эди. Инглиз ҳукумати жиловни қўйиб юборувдики, келгинди камбағалларга жон кириб кетди. Улар қўрқувни унтиб, пўлат сандиқлару уйларнинг қулфларини синдиришга тушди. Ҳукуматнинг соясида гуллаб-яшнаётган ҳинду, кҳатрий ва жайн савдогарларининг уйларига ўт қўйилиб, мол-мулки талон-торож қилина бошлади, нозик қадлари куч-қувватини йўқотиб, шалпайди қолди. Жагиринал йиғган-терган мулкини тугди-да, дўконнинг эшигига қулф осиб, бола-чақаси билан Равалпиндидан қочди.

Равалпиндидан тортиб Лоҳургача даҳшатли таловчилик ва хун-хароба олови ловиллаб ёнмоқда, ҳиндуларнинг қони дарё бўлиб оқмоқда эди. Жагиринал агар Лоҳурга қараб юрадиган бўлса ёмғирдан қочиб, қорга тутилиши турган гап эди. Шунинг учун у Кашмирга қараб йўл олди. Равалпиндидан чиқишида автомобиль бекатида уни мусулмон полициячилар ўтирилкада айблаб ушлаб олди. У полициячиларнинг оёғига йиқилиб ялиниб-ёлворди. Полициячилар Жагиринал хотинининг тақиб турган зар-зеварини ҳамда йирик-йирик мол-асбобларини мусодара қилиб, ўзларини қўйиб юборди. Жагиринал киши бошига олти рупия ўрнига ўттиз рупиядан тўлаб, оиласи билан бирга бир юқ машинасига тиқилиб-суқулиб ўтириб олди ва шунчалик раҳм-шафиқат қилгани учун худога минг-минг шукур қилди.

Жагиринал Кашмирда ҳам паноҳ топслмади. Афридийлар оломони Сринагарга қараб ёпирилиб келмоқда, ҳиндулар қочмоқда эди. Жагиринал ҳам болачақасини олиб Жаммуга қараб қочишига мажбур бўлди. Бу сафар у мусулмоннинг әмас, ўзига ўхшаш бир

ҳиндуниң юк машинасига ўтириб, кини босиги отти рупия ўрнига етмиш рупия тўлади. Сринагарди-ку ҳинду полицияси бор эди. Лекин у қонунига сизниб, машинага қонуний баҳода билет оламан деб туриб олганда, шу Сринагарниң ўзида қолиб кетарди. Ўзининг ҳинду биродарларининг бу ишоғисизлигини кўриб жуда ғижинди, аммо начора! Ун баравар ортиқ ҳақ тўлаб, амаллаб Жаммуга етиб олди.

Жаммуда ҳам тинчлик йўқ эди: Покистонинг ҳужум қилиб қолиш жавфи бор эди. Чунончи, Жагири-мал гоҳ яёв юриб, гоҳ беш ҳисса, ўн ҳисса ортиқ кира ҳақи тўлаб юк машиналарда, гоҳ билетсиз поезднинг томида сафар қилиб Панжобга келди. У ерда ҳам туришга жой тополмай, Дехлига келди.

Қочқин Жагири-мал Дехлининг қочқинлар лагеридан вақтинчалик паноҳ-ку топди, лекин унинг бирдан-бир умид ва таянчи — ўғилчasi Камол барча дарбадарлик ва азоб-уқубатларга тоб беролмай, кун сайин сўлиб бормоқда эди. Дехли лагерида Жагири-мал оиласи давлатнинг текин бсрәётган ўлчовли овқати билан тирикчилик қиласарди. Яқиндагина у бутун бошли бир дориҳонанинг эгаси эди. Лекин энди фалоқ пулга дори-дармон олиб, суюкли фарзандининг жонини сақлаб қолишга ожиз эди. Бироқ шундай бўлса ҳам, у умидини йўқотмади. Боласини қўлига кўтариб бир касалхонага борди. У ерда жой тополмагач, бошқасига борди. Унинг ҳам барча хоналарию коридорлари касаллар билан лиқ тўла эди. Жагири-мал касалхона бошлиқларига хўб ялиниб-ёлворди, хонавайрон бўлганларга ёрдам бериш ҳукуматнинг бурчи деб улар билан баҳслашди. Лекин шунга қарамай, бу ерда ҳам жой тегмади. Боласига бир шиша дори олиб, қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Жагири-мал билан хотини болани галма-галдан кўтариб, ҳеч қўлдан туширмасди. Кунига икки маҳал слиб бориб врачларга кўрсатиб келарди. Касалхонага яқин бўлиш учун улар Дехли дарвозаси ёқасидаги хандақ меҳробларидан бирига жойлашиб олишган эди. Кундузи офтобдан, кечаси шудрингдан сақланиш учун хандақ деворига иккита савағич таёқ қадаб, унга битта бўйра боғлаб, меҳробининг олдини тўсиб олишди. Тўрт кунгача эртаю кеч бориб касалхона бошлиқларига ялинаверганидан қейин бешинчи куни ўғлига

касалхонанинг bemорлар билан лиқ тўла коридоридан жой берилди. Беморнинг ўзи зўрга сиққан касалхонада унга қарашадиган туғишганлари учун жой топилармиди? Лекин бир ярим яшар боланинг ёнида онаси бўлмаса иш битмаслигини назарга олиб, онасига ҳам шу ерда қолишга рухсат берилди.

Она боласининг каравоти ёнида, полда ўтиради ва бола йўталди ёки ғингшиди дегунча дарҳол туриб унга қаарди. Жагиrimal белул овқат олиш учун дарбадарлар лагерига боролмас эди. У ерда туғмагани учун у овқатни олишга ҳаққи ҳам йўқ эди. Бозордан битта-яримта нон сотиб олиб тамадди қилар ва хотинига ҳам кунига ўша бозор нонидан олиб келиб берарди. Шундай қилиб, ёнидаги унча-мунча пули ҳам тугади. У қўлидаги узугини арзимаган пулга сотди. Аслида узукнинг баҳоси қирқ рупия эди. Лекин шу пулга сотиш учун узукнинг ўғирлик мол эмаслигини исботлайдиган далил керак эди. Бундай далилни у қаердан оларди? Шунинг учун ўз молини ўғирлик мол баҳосида сотишга мажбур бўлиб, бу тескари ўғри бозорни ичида роса сўқди.

Касалхонада ётиш ҳам ўғилчаси Камолга ёрдам бермади. У борган сари оғирлашиб кетаверди. Отаси тепасига келса ҳам садо чиқмайдиган, балки отасини таний олмайдиган бўлиб қолди. Буни кўриб, Жагиrimalning жони ҳалқумига келиб кетди.

Врачнинг келадиган вақти эди. Ҳамшира Жагиrimalga шу пайтда боланинг олдида туришига қаршилик қилди. Боланинг шундай оғир аҳволда ётишини кўриб туриб, қоидага амал қилиш ота учун жуда амри маҳол эди. Жагиrimal бир дақиқа нарпроқ бориб турди. Врач келди. У айланаб бирма-бир касалларнинг ҳол-аҳволини кўра бошлади. Жагиrimal турган жойидан бунинг ҳаммасини кузатиб турарди. Врач Камолнинг олдига келди. Болага бир дақиқагина қаради-ю ўтиб кетди. Бошқаларни қарагандек эгilib, у ёқ-бу ёғини ушлаб, синчиклаб эмас, шундай юзакигина бир қараб қўйди, холос. Врачнинг бу бепарволигини кўриб Жагиrimalning юраги эзилиб кетди. Беихтиёр югуриб врачнинг олдига келиб тўриб олди. Кўзлари жиққа ёш, гапиришга ҳоли йўқ. Жон ҳолатда бошидаги салласини олиб врачнинг оёғи остига қўйди ва тиз чўкиб унга ялинди:

— Доктор соҳиб! Отамдан, уй-жойимдан, молдунёмдан — ҳаммасидан айрилдим. Бир дарбадар га-до бўлиб қолдим. Битта шу бола туфайли жон сақлаб юрибман. Камбағалнинг боласи экан деб бегарво қа-раманг. Қудратим келса, танаси баравар олтин берар-дим. Рост айтаман. Ҳали ҳам бўлса сизнинг яхшили-гингизни унутмайман. Ўла-ўлгунимча ишлаб, қарзи-нгизни узаман.

Брач унга тасалли берди:

— Эҳсон, қарз деган нарсаларнинг бунга ҳеч алоқаси йўқ. Биз ўз бурчимиизни адо этяпмиз. Мана уч кундан бери мен сенинг болангга укол ёзиб беряп-ман. Дори дўкондан топилмаса нима қиласайлик? Касалхона ўғри бозор нархига дори ололмайди. Ҳеч битта дўкондор ўз нархига дори бермайди. Сен дорини олиб келгин, биз укол қиласайлик...

Доктор керакли дорини айтди.

Жагиринал дори-дармонлар топиш йўлини билар-ди. Деҳлидек азим шаҳарда бирорта дўкондан дори топилмаслигига ҳеч кўнгли ишонмасди. Ўн етти ру-пия турадиган укол дорига ўн саккиз ё йигирма ру-пия тўлашга давлат касалхонасининг ҳаки йўқ эди. Ўттиз, қирқ рупияни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Жа-гиринал эса, жигаргўшасини ўлимдан сақлаб қолиши учун юз рупия, минг рупия ҳам беришга тайёр эди. Лекин афсуски, Равалпиндидан жўнаш вақтида бутун бор-йўғидан айрилган эди. Шундай бўлса ҳам у дори-ни топиб келишга ҳаракат қиласман, деб докторга сўз берди.

Хотинининг бўйнида битта кичкинагина тақинчоқ, кўйлаги остида яшириниб таловчилардан омон қолган эди. Жагиринал хотинига ҳол-аҳволни тушунтирган эди, у дарҳол ўша тақинчоқни бўйнидан ечиб, эрига тутқизди. Тақинчоқнинг тошию асл баҳоси ўнга маъ-лум эди. Лекин қайси бир сарроф уни ўша баҳога олади-ю, қайси бири дорифуруш унча-мунчага дори беради? Номаълум бир сарроф билан номаълум бир дорифурушни ичиде сўкиб, ўйлади: «Худо билади, қанча беради. Дорига етадими, йўқми?» У ўзининг дорифурушлик қилган кунларини эслади: шунаقا пайтда ўзи уч ҳисса, тўрт ҳисса ортиқ талаб киларди. Мискин, бечора харидорнинг кўзидан оққан ёшни кў-риб, кўнгли-ку бир хил бўлиб кетарди, лекин дорили

жавоннинг калитини сиқиб ушлаб турган бармоқла-
ри ҳеч бўшашмасди.

Хотини никоҳ аломати бўлмиш бурнидаги кички-
нагина булоқни ҳам олиб, эрининг қўлига берди.
Жагиrimal иккала тиллани салласининг учига туғиб
олди-да, юрганича бозорга қараб кетди. Касалхона-
дан шундай чиқувдики, бир арава учраб қолди. Бақт-
ни ганимат билиб, у кира ҳақи ортиқлигига ҳам қара-
масдан аравага чиқди.

Деҳли саррофлари хонавайрон бўлган қочқинлар-
нинг ҳолидан яхши хабардор эди. Муҳтоҷ бўлганидан
улар зар-зеварини арзимаган пулга бериб кетиши тур-
ган гап. Шунинг учун саррофлар ҳеч бўш келмасди.
Жагиrimal уч-тўрт саррофга учрашиб, қанча овора
бўлиб, охири етмиш рупиялик тилласини эллик рупия-
га сотди-да, гизиллаб дорифурушнинг дўконига борди.
Бринчи саволга дўкондор «йўқ» деб жавоб берди.
Жагиrimal, «биттаю битта ўглим касалхонада ўлай
деб ётибди. Худо хайрингизни берсин, шу дорини то-
пиб беринг, менга тўлайдиган пулимнинг чеки керак
эмас»— деб ялиниб-ёлвorgанидан қейин дорифуруш
топиб беришга рози бўлди. «Неча пул бўлади?» деб
сўраган эди, дўкондор, «шу кечаю кундузда етмиш
беш рупия сотиляпти», деб жавоб берди.

Буни эшитиб Жагиrimalning ҳуши учиб кетди.
У эллик рупияни чиқариб дорифурушнинг олдига
қўйди-да, ялиниб деди:

— Ака айланай, ўзимнинг ҳам дорифурушлик
дўконим бор эди. Бу дорининг асл баҳоси ўн етти ру-
пия. Лекин пулим бўлса аямасдим. Боламнинг ҳаёт-
мамоти сизнинг қўлингизда.

Жагиrimalning бундай айтишгани дўкондорга
ёқмади. У жаҳл билан қўрс жавоб берди:

— Менда дори ҳам йўқ, уни қидириб юришга ме-
нинг тобим ҳам йўқ. Мана бу пулингизни кўтаринг-да,
қаердан топсангиз, олаверинг.

Жагиrimal зўрға ўпкасини босди. Умидни қўлдан
бермади. Яна икки дўконга кирди. Равалпиндидағи
дўконида ўзи қандай жавоб беришга одатланган бўл-
са, бу икки дўкондан ҳам ўша жавобни олди. Энди
бошқа дўкопларга киришининг фойдаси ҳам йўқ. Тар-
вузи қўлтиғидан тушиб орқасига қайтди. Дорини то-
полмай қуруқ қайтиб кетаётганидан юраги эзилиб

оқмоқда эди. Олдинга босган қадами орғага қараб кетарди. Лекин бечора нима қилсин? «Бориб, бир боланинг ҳолидан хабар олай-чи», деб кўнглидан ўтказди.

Касалхонага кириб, боласи ётган жойга яқинлашувдиямки, бироннинг қичқириб йиглаган овозини дарров таниди. У гандираклаб таппа ерга ўтириб олди ва бошини икки қўли билан чангллаб ҳўнгхўнг йиглашга тушди.

Касалхонадаги бир неча беморнинг кўргани келган қариндош-уруғлари Жагиринални юпатишди ва охирги бурчини адо этиш учун ўзини қўлга олишни маслаҳат бериб, унга кўмаклаша бошлашди.

Камолнинг жасадини икки газгина қуруқ бўзга ўралди ва Жагириналга тасалли бериб унга кўмаклашган бир неча хонавайрон оғайнилар жасадни кўтариб, Жамна дарёсига қараб йўл олишди.

Ўликни куйдириб, хокини дарёга топшириб бўлгач, ҳамма чўмилиб ўзини поклай бошлади. Ўша пайтда бирга келган одамлар боланинг касалини сўрашди. Жагиринал, Равалпиндида ўзи дорифурушлик қилганини, кейин бутун бор-йўғидан айрилиб, шу ҳолга тушиб қолганини, дори-дармон ўғринча сотилгани учун етмиш беш рупияли дорига қурби етмай биттаю битта ўғлидан ажралиб қолганлигини — ҳаммасини бирма-бир гапириб берди. «Бисотимдаги әллик рупияни чиқариб дўкондорнинг олдига қўйдим, ялиниб-ёлвордим, лекин золимнинг раҳми келмади» деб йиглади.

Олиб сотарларнинг бу инсофсизлик қиссасини эшишиб одамларнинг қони қайнаб кетди. Улар қаҳр-газаб билан олиб сотарлар устига хўп лаънат тоши ёғдиришиди. Бу беинсоф олиб сотарлар устидан арз қилгин, деб дин-имонни ўртага солиб Жагириналга хўп тайинлашди. Жагиринал эса нима деб жавоб беришни билмасди. У икки қўли билан бошини чангллаб, ёш тўла кўзларини Жамнанинг тўлқинларига тикиб ўтиради. Унинг кўз олдида Равалпиндида дўконига дори сўраб келган, лекин ўгри бозор баҳосига олишга қурби етмай, зор-зор йиглагб қайтиб чиқиб кетган муҳтожу мискин-бечоралар гавдаланмоқда эди.

ҮЗИНГ АЙТМАГАНИДИНГ ЧИРОЙЛИСАН ДЕБ?

— Бизни ҳам бир суратга олинг,— деди охири Мая иймана-иймана.

Нигамга бу жуда ёқиб кетди ва албатта олишини айтди. У бу гапни эшитиш учун бир ярим ойдан бери ҳаракат қилган, вакт сарфлаган ахир. Бу мувваффа-қиятта эришувпинг тарихи у қадар мароқли бўлмасада, лекин анча аҳамияти бор.

Нигам билан Мая сил касалига мубтало бўлиб, иккозининг ҳам касали ҳали бошланғич босқичда эди. Яхши парвариш ва парҳез билан тузалиб кетиши турган гап эди.

Маяни эри ўзининг ёши анчага бориб, ҳаётдан чарчаган, бўтма касали бор ва ишга яроқсиз акасининг хўмояси остида Бҳуволига даволаниш учун юборган эди. Мая қайнағаси билан шаҳардан ташқарида бир танчила ма уйнинг ярмисини ижара олиб турарди. Ўзинг қолган ярмисида эса Нигам турарди. Икковига битта врач қаради. Икковининг ҳам шифо тариқаси деярли бир хил эди.

Сил касали ўзи қанчалик хавфли бўлса, уни даволаш иўли шунчалик оддий ва осон бўлади: ҳеч уринмаслик, яхши овқат, хушчақчақ юриш — бас, шунинг ўзи кифоя.

Врач ҳамма вакт уқтиргани-уқтирган эди:

— Врач сизни бирор сеҳр-жоду билан даволаёлмайди. Шифо ўзингизнинг қўлингизда. Врач фақат ўз маслаҳати билан, қандай дори-дармон кераклигини айтиб ёрдам бериши мумкин, холос.

Бунга тўла амал қилмагани учун Маянинг ҳолига ачиниб, врач уни ўқтин-ўқтин урishiб ҳам турарди.

Ў ҳафтада бир марта беморларни тарозинг солиб, тоши ортган-камайганидан уларнинг сиҳати қай дара жадалигини кузатиб борарди. Маянинг тоши ҳеч ошмаётганини, тадбирлари фойда бермаётганини кўриб, ташвишланарди ва Маянинг қайнағасидан сўрарди:

— Узи нима гап? Бу кишининг овқат ейиши қанақа? Нима-нималар ейди? Қанча ейди? Ҳеч ташқарига чиқиб бундоқ айланадими, йўқми? Одамлар билан гапириб кулишадими, йўқми?

Маянинг қайнағаси касаллик туфайли путури кетган овоз билан врачнинг ҳеч бир саволига тузук-қуруқ жавоб беролмай, «минг гапирсан ҳам бўлмаяпти», деб Маядан шикоят қиласарди.

Врач ўзининг масъулиятига суюниб Маяни койирди:

— Бу нима? Нафасингизни ичингизга ютиб, индамай ўтираверасизми? Даволаниш кўнглингизда бўлмаса, жўнамайсизми уйингизга? Менинг обрўйимни тўкишдан сизга нима фойда? Мана бу кишини қаранг,— дерди у Нигамни кўрсатиб.— Ўн беш куннинг ичида уч қадоқ семирибдилар. Сизнинг эса келганингизга бир ярим ой бўлди, ҳали ҳам ўша-ўшасиз. Ҳали ҳам ҳеч гап эмас. Лекин сизнинг шу юриш-турпингиз бўлса, касалингиз оғирлашиб кетади.

Кета туриб врач Маянинг қайнағасига, Нигамга, унинг онасига тайинлаб кетарди:

— Сизлар бу кишига тушунтиринглар. Мажбур қилиб у-буни едиринглар, кулдиринглар.

Нигам ўзи соғлом табиатли, меҳнаткаш, мустаҳкам иродали киши. Касби рассомлик. Америкада бўладиган бир кўргазмага атаб бир неча сурат ишлатгандан эди. Декабрь ойи эди. Бирдан ўпкаси шамоллаб қолди. Касаллигига қарамай тинимсиз ишлайверди. Натижада иситмаси кучайиб, аҳволи оғирлашаверди. Охири врачларнинг маслаҳати билан об-ҳавони ўзгартириб даволаниш учун шу Бхуволига келди. Тез кундаёқ наф сеза бошлиди. Тузалиб кетгач, «Ҳаётнинг ўлимни енгиши» деган бир сурат ишлашга аҳд қилиб қўйди. Бу гоянинг исботини у кунда ўз теварак-атрофига кўрмоқда эди. Саломатлик ва ҳаётга Маянинг бефарқ қарашини кўриб, унинг жуда юраги ачишарди.

Мая Нигам билан ҳам, бошқалар билан ҳам ҳеч нарсані гаплашмасди. Лекин шундай бўлса ҳам Нигам онаси орқали Мая тўғрисида баъзи гапларни билиб олди. Мая ўзи агралик бир бадавлат адвокатнинг учинчи хотини. Йигирма тўрт-йигирма бешга кириб ҳам бўйида бўлмади. Шунга қарамай, у қонунан адвокат соҳибнинг беш боласига она эди. Маянинг бу уйга келишидан илгарироқ адвокат соҳибнинг олдинги икки хотини сил касали билан оғриб, дунёдан ўтган эди. Биринчисидан икки қизу бир ўғил, иккинчисидан эса икки қиз қолган эди. Адвокат соҳиб ёши қириқ олтига борганда, биринчидан, уй-рўзгору болачага қараш бўлса, иккинчидан, ёлғизлиқ жонига тегиб, Маяни хотин қилиб олди. Маянинг ёши йигирмага бориб қолган ва отаси куёв тополмай, гаранг бўлиб юрган эди. Эҳтимол, адвокат соҳибнинг иккинчи хотини қачон ўларкин, деб кутиб ўтирганиди.

Маянинг ўз ҳаётига қасд қилиб юрганини, буни тахмин қилиш Нигам учун қийин эмас эди. Унинг қалби Маяга ҳамдардлик туйғуси билан тўлиб кетди. Бир қирчиллама ёш умрнинг шундай хазон бўлишига йўл қўйиш унинг назарида адолатсизлик эди.

Маяга нисбатан «қирчиллама ёшлиқ» деган иборани фақат ачиниш тарзидагина ишлатиш мумкин эди. Ёши-ку атиги йигирма тўрт-йигирма бешда, қадди-қомати ҳам хипча, келишгангина эди. Иссиққина чеҳрасида малоҳат ҳам бор эди. Бироқ бу малоҳат кўз ёши таъсиридан кундан-кунга йўқолиб бормоқда эди. Кўзларининг тагида ва юзларида чуқур-чуқур ҳалқалар пайдо бўлиб қолган эди. Гўё чиройли бир расмга лойқа сув сачраб, бўёқлари бузилиб кетгану, суратнинг фақат қолили қолгандек туюларди.

Нигам соф кўнгил ва пок ният билан Маяга ҳамдардлик ўқини отди. Бундай ҳамлага қаршилик қилиш ҳам, бефарқ қараш ҳам мумкин эмас эди. Нигам картани қўлида шарт-шарт ўйнаб, уй ишлари, қозон-товоқ билан банд онасини ҳам қўярда-қўймай айвонга чақириб олиб, Маянинг қайнағасини картада беллашишга даъват қиласарди. Шу билан бирга, Маяни ҳам тинч қўймасди, «келинг, сиз ҳам ўйнанг», деб уни ҳам чақириб оларди. Зоти бирлигидан фойдаланиб Маяни ҳеч тортинмасдан «Саксена кеннойи» деб атарди.

Үйин жуда қизиқ бўларди. Нигам жазава билан «кўтаринг ўлигини!» деб пойма-пой карта ташлаб юборарди. Лекин қилган хатосидан хижолат бўлган киши бўлиб, бошини қашиб, «Э-э!» деб қўярди. Ҳамма хохолаб кулиб юборарди. Маянинг қонсиз лабларида ҳам илжайиш пайдо бўлмай қолмасди. Бунга сайнин Нигам уни яна гижгижлатарди:

— Ҳа-ҳа! Сиз куляпсизми? Бўпти. Мана бўлмаса.

Беш-олти минут ўтар-ўтмас яна бир нозик вазият туғилиб қоларди. Нигам яна жўш-жазава билан: «Мана буни айтади ўйин деб» дерди-ю шартта карта ташларди, лекин бу гал ҳам пойма-пой. Яна «гурр» кулги.

Бу мароқли ўйинлардан ташқари Нигамнинг ўз бошидан ўтган битмас-туганмас қувноқ ҳикоя-латифалари ҳам бор эди. Мая уларни жуда маҳлиё бўлиб тингларди.

Шу тариқа Нигам бир оз бўлса-да Маянинг кўнглини очишга муваффақ бўларди. У гоҳ-гоҳда Маяга биронта ҳикоя китоб, журнал, қизиқ-қизиқ суратлар тўплланган альбом бериб турарди. Нигам бу суратларни атайлаб иш жараёнида фойдаланиш учун тўплаган эди. Уларнинг ичидаги баъзи бир ярим яланғоч аёлларнинг суратлари ҳам бор эди. Лекин альбомни Маяга бераётган вақтида одобу ахлоқ юзасидан бунақа суратларни ажратиб олиб қоларди.

Нигамнинг қилаётган яхшиликлари туфайли Маянинг лабларидағи қулф энди сал очилиб қолган эди. Лекин буни ҳали ҳақиқий очилиш деб бўлмасди. Ҳовузнинг суви узоқ вақт қимирламай туриб қолса, юзини қалин бақатён қоплаб олади ва унинг қатлами шамол зарбидан узилиб ажралиб кетади, лекин шу ондаёқ яна туташиб яхлит бўлиб қолади. Маянинг гапириш-илжайиши ҳам худди шунача эди. Мая олган китоб-журналларини қанчалик ўқирди, қанчалик тушунарди — бу тўғрида у ўзи ҳам оғиз очмасди, Нигам ҳам сўрамасди. Лекин рост, уйнинг ҳовлисидан кўриниб турган манзараларни Маянинг олдида фотоаппарат билан суратга олиб, ўша суратларни кўрсатганда Маянинг лабларида албатта бир енгил табассум пайдо бўларди ва у икки оғиз сўз билан суратни мақтаб ҳам қўярди.

Шунақа пайтларда Маяни қизиқтириш учун Нигам унга:

— Сиз ҳам ўрганиб олсангиз-чи расм олишни. Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. Жуда осон нарса. Ҳеч уринмайсиз. Бирор яхши манзарани кўриб қолдигизми, аппаратни шундоқ ўшанга тўғрилайсиз. Кейин қўзини бундоқ очасиз-да, яна бекитасиз. Сурат ўзидан-ўзи тушиб қолаверади,— дерди.

— Нима қиласман ўрганиб? Менга нима кераги бор?— жавоб берарди Мая.

Нигам ҳаёт деган нарсага бундай бепарво қарамаслик керак, деб унга насиҳат қилиб кетарди. Мая эса бу гаплардан ўзини олиб қочиш пайига тушарди:

— Бу хизматкор ўлгурдан ҳеч ёлчимадим-да. Бир ёкка юборсангиз, ўша ерда ухлайди-қолади. Қараб боқай-чи, келганмикин.— Шундай дерди-да, жўнаб қоларди.

Бир куни Нигам мана шунақа янги олган бир расмини кўрсатиб, «Одам уни-буни қилиб юрса, кўнглини ғам босмайди»,— деб насиҳат қилиб турувди, Мая бирдан илтимос қилиб қолди:

— Бўлмаса бизнинг ҳам бир суратимизни олинг-чи.

— Хўп бўлади,— Нигам жуда хурсанд бўлиб кетди,— қачон десангиз тайёrmиз.

— Э, қачон бўлса ҳам майли. Ҳозир олсангиз ҳам майли.

Иттифоқни қарангки, ўша вақтда Нигамнинг плёнкаси тугаб қолган эди, чунончи, буни Маяга тушунтириди ва Маяни ишонтириб айтди:

— Шу яқин ўртада мен Ненитолга бораман. Ёки хизматкоримни юбораман. Плёнка олиб келади. Келди дегунча, даставвал сизнинг расмингизни оламан.

Ўша гапдан уч ё тўрт кун кейин хизматкор Қарамсингҳ у-бу нарса олиб келгани Ненитолга кетди. Кун ботар пайтда қайтиб келди-да, олиб келган буюмлари ва қолган пулни Нигамга топшириб турган ҳам эди, бирдан Мая келиб, сўраб қолди:

— Бҳай соҳиб, плёнка келдими?

— Ҳа-ҳа, бўлмасам-чи! Келди. Хўш, ҳозир тушмоқчимисиз расмга?— Жуда шахдам жавоб берди

Нигам. Аслида плёнка айтиб юбориш Нигамнинг эсидан чиққан эди. Лекин буни у Маяга билдирамади.

— Хўп десангиз, ҳозир ола қолинг.— Бахтга қарши Мая тайёр турган экан.

— Муншижийни ҳам чақирамизми?— Бир оз ўйлаб туриб деди Нигам.

— У киши бозорга кетганлар. Ҳали кечроқ келадилар.

Нигам бошқа бир баҳона топди:

— Сиз ўзингиз ҳам ҳали кийимингизни алмаштиришингиз керак. Унгача қоронғилашиб қолади.

— Бошқа кийим кийиб нима қиласман? Шунинг ўзи ҳам бўлаверади.

Яна бошқа бир баҳона ахтариб, Нигам, аппаратга плёнка солиб чиқай деб ичкарига кириб кетди. У ичкарига кириб, Маянинг кўнглини оғритмаслик учун энди нима қилсанпкин, деб жавон олдида ўйга толиб қолди. Бирдан бир фикр миясига келиб қолди. Маяга бир альбом бераёттанида унинг ичидан уч-тўртта аёлларнинг расмини олиб қолган эди. Ўшаларнинг ичидан аппаратга сифадиган биттасини танлаб олди. Икки минутдан кейин аппаратни тайёр ҳолатда ушлаб ҳовлига чиқди-да, эълон қилди:

— Мана аппарат ҳам тайёр. Бошқа сорий киймадингизми?

— Шу ҳам бўлаверади. Нима қиласман?

— Менга сорийнинг расми керак эмас, дейсизда, а?— илжайиб қўйди Нигам.

— Ҳа, сорийдан нима фойда? Ўзим қандоқ бўлсам, шундоқ тушавераман расмга ҳам.

— Ўтиришга курси-лурси олиб келайми?

— Йўқ. Шундоқ олавераман.

— Хўп. Мен қандоқ ўтиринг десам, ўшандоқ ўтирасиз.

— Хўп.

— Айвонга офтоб тушиб турибди. Шундоқ ерга ўтиринг-чи. Ўнг қўлингизни ерга тираб олинг. Чап қўлингиз мана бундай турсин. Бошингизни сал кўтариш... Ҳа... Юзингизни сал бу томонга буринг. Ҳудди анови дарахтга қараб тургандек бўлинг... Ҳа...

Мая Нигам айтганидек қилиб ўтириб олди.

Нигам огоҳлантириди:

— Энди ярим минут қимир этмайсиз.

Узи эса икки газча нарироқка тиззалаб ўтириб олиб, аппаратни Маяга тўгрилаб созламоқда эди. Охири «чиқ» этган овоз чиқди-ю, камеранинг кўзи очилиб, ёпилди.

— Раҳмат. Бўлди.

— Қанақа чиқаркин расм,— деди Мая ўрнидан тураркан.

— Ҳозир биласиз-қўясиз.

— Қандай қилиб ҳозир биламиз-қўямыз?— ҳайрон бўлди Мая.— Бир кун-икки кун ўтса керак тайёр бўлгунча?

— Ҳа, аппаратнинг, плёнканинг ўшанақаси ҳам бўлади. Лекин бу аппарат бошқача.

— Қанақа?— Мая тагин ҳам ажабланиб сўради.

Бу аппаратда расм беш минутнинг ичидаги ўзидан-ўзи тайёр бўлиб чиқади.— Шундай деди-да, Нигам қўлидаги соатига қаради.— Энди бор-йўғи икки минут бўлиди.

Колган уч минутни Мая жуда беқарорлик билан ўтказди. Бу уч минут ҳам ўтгандан кейин Нигам айтиб қолди:

— Яна ярим минутгина сабр қилганимиз тузук. Ҳовлиқсак, яна бирдан расмга ёруғлиқ тегиб, бузилиб қолиши мумкин.

Мая аппаратдан кўзини узмай беқарорлик билан кутарди. Унда ҳеч қандай шак-шубҳа колмасин деган ниятда Нигам аппаратни унинг кўз олдида жуда бемалол оча бошлади. Кўзбўямачи қўлидаги рўмолни томошибинларнинг кўз олдида қоқиб-суқиб, тахлаб, кейин уни секин кўрсатиб ёзиб, ичидан ажойибу ғаройиб нарсаларни чиқаришини кўрганмисиз? Ҳозир Нигам ҳам худди ўша кўзбўямачининг ишини қилмоқда эди. Аппаратнинг орқаси очилди. Расмнинг оппоқ орқа томони кўринди. Нигам расмни олди-да, қарамасданоқ уни Маяга узатди.

Мая расмни жон ҳолатда олди. Лекин унга кўзи тушди-ю, қўлидан тушириб юборди. Кўзлари юмилди ва баданидаги барча қон юзига урди.

— Ҳа, нима гап?— Ҳеч нарсани билмаган бўлиб, таажжуб изҳор қилди Нигам.

— Бу расм меникимас-ку,— деди Мая бошини кўтаролмай, лекин лабларидаги илжайишни яшира олмади.

— Расмни олиб, аппаратни ўзингизнинг олдингизда очдим-ку.

— Расмдаги кийим бизникимас-ку.— Мая бошини сал кўтариб журъат қилиб деди.

Суратда худди Маяга ўхшаш жипча баданли, лекин жуда ҳам чиройли, келишган бир ёш қиз ўнг кўлига суюниб, катта бир харсанг тош устида узоқ бир томонга кўз тикиб ўтиради.

— Ахир ўзингиз айтмовдингизми, мен кийимнинг расмини олдирмоқчимасман, деб?— ўзини оқлашга тиришди Нигам.

— Лекин ҳеч шунаقا ҳам бўладими?— шубҳа билдириди Мая ва чехраси жиддийлашди.

— Ана холос!— деди Нигам жуда афсусланган оҳангда.— Рентгенни кўрмаганмисиз ҳеч? Шунаقا аппаратлар ҳам бўладики, одамнинг танасининг ичидаги суяклари-ю томирларининг расмини олади.— Кейин ўзининг аппаратини кўрсатиб давом этди:— Бу аппарат кийимнинг тагидан баданинг суратини олади. Сиз агар бутун кийим-бошим ҳам расмга тушсин десангиз, мен бошқа бир аппарат билан оламан расмингизни.

Мая яна бир марта расмга қарамоқчи бўлди, лекин журъат этиб қараёлмади. Юз-кўзи яна жиддийлашди. Ўрнидан туриб, хонасига кириб кетди.

Нигам ҳам аппарат билан расмни олиб, ўз хонасига кириб кетди. Сал ўтар-ўтмас унинг кўнглига ғулгула тушди. У бошини қуи солиб, ўйга чўмиб қолди: «Нима бало қилиб қўйдим! Мая курсанд бўлиб, қулишнинг ўрнига хафа бўлиб, қовоғи солиниб қолди. Тағин ойимга шикоят қилиб ўтирмасайди. Шикоят қиласмикин, қилмасмикин?»

Кечаси анча вақтгача шуларни ўйлаб, уйқуси келмай ётди.

Эртасига унинг афсус-надомати яна ҳам ортди. Маянинг ранжигани энди аниқ бўлиб қолди. Мая кунда эрталаб айвонга чиқиб бир оз офтобда ўтиради ва Нигам билан салом-алик қилишиб, ҳол-аҳвол сўрашиб қўярди. Бугун эса у ташқарида кўринмади. Лекин Нигамнинг қўлидан энди нима келарди? Бўлар иш

бўлди. У энди фақат ўзига тасалли бериши мумкин эди, ниятим соф эди, ҳазил қилувдим, деб.

Афсус-надомат қилиб Нигамнинг ўзи ҳам мумтишлаб қолди. Унинг хомушлигини онаси ҳам сезди.

— Ҳа, нима гап? Кайфинг жойидами? — деб сўради у.

Нигам эса китоб ўқиётган эди, ўзини китобга маҳлиё бўлганга солиб, онасининг саволига жавоб бермади. Лекин паришонлиги кетмади. Китоб ўқишини баҳона қилиб, соат ўнгача чўзилиб ётди.

Шу пайт бирдан эшик орқасидан: «Менга қаранг!» деган овоз эштилди. Овозни таниб, Нигам жон ҳолатда ўрнидан турди-да, жавоб берди:

— Киринг.

Мая оstonага келди. Хўп оҳор берилган майинг дхўтий тагидан ҳўл, тим қора соchlари кўриниб туарди. Ҳаё билан, кўзларидағи табассумни яширишга уриниб деди:

— Бҳай соҳиб, менинг расмимни беринг.

«Пуф» дейиш билан ойна юзидағи чанг учиб кетгандек, шу бир оғиз гап билан Нигамнинг кўнглидаги афсус, ранж ҳам учди кетди.

— Кечагими? — худди зўрга эслаётгандек оҳангда сўради у.

— Ҳа.

— Уни мен ўзимда олиб қолишга қилган бўлсам керак,— тусмоллаб жавоб берди Нигам жуда жиддийлик билан.

— Ие! Ахир, расм бизники-ку.

— Сизникими? Кеча айтиётувдингиз-ку, бу расм меникимас, деб?

— Э, беринг. Ўзингиз олдингиз-ку кеча,— қаттиқ туриб олди Мая. Унинг кўзларида нур ва овозида шўхлик бор эди.

— Ҳа, майли, олинг.— Нигам енгилганини тан олди ва расмни олиб, Маяга узатди. Мая икки-уч секунд қиё назар билан расмга қараб турди-да, кейин яна шубҳа билдириди:

— Меники эмас бу расм.

— Ҳозиргина, меники деётувдингиз-ку? — таажжуб билдириди Нигам.— Нима гап ўзи?

— Бу жуда яхши. Мен шунақаманми? — Унинг

кўзлари ерга қаради, юзларига яна ҳам қон югуриб кетди.

Маянинг янги ювилган сочларидан хушбўй совундан қолган ёқимли ҳид анқиб турарди. Томир-томирларидаги қон мавж урган Нигам шошиб деди:

— Бўлмаса-чи! Бўлмаса расм қандай қилиб чиройли бўларди?

— Ростданми?— Мая ростлигига ишонч хосил қилиш учун Нигамнинг кўзларига тик боқди.

— Ростки, нимасини айтасиз?— Маянинг ийманниши ва хурсандлиги Нигамга ажаб бир роҳат баҳш этмоқда эди.

Мая яна расмга тикилиб қаради. Кейин кўзларини яшириб деди:

— Буни, яхшиси, йиртиб ташланг.

— Йўқ. Буни эҳтиёт қилиб олиб қўяман.— Жавоб берди Нигам.— Лакновга қайтиб борганимдан кейин қачон эсимга тушсангиз, қараб юраман.

Мая Нигамнинг кўзларига қарамоқчи бўлди, лекин журъат этолмади. Расмни олди. «Сизга кейин қайтариб бераман» деди-да, расм тутган қўлини дҳўтийга яширганича ўзининг хонаси томон кетди.

Шу пайтгача Мая билан Нигамнинг иккови нимаики гаплашса, ҳамманинг олдида, баланд овоз билан гаплашарди. Лекин мана энди хилватда гаплашадиган гаплар ҳам чиқиб қолди. Ҷайф деган нарса мана шу фавқулодда, машаққат чекишда бўлади-да. Ниманингки қўлга кириши қийин бўлса, киши ўшанга иптилади.

Ёлғиз учратиб қолса, бегона қулоқлар узоқроқ бўлса, Нигам Маяга эслатиб кўярди:

— Анови расмни қайтариб бермадингиз-а?

Мая лабини буриб жавоб берарди:

— Ўзимнинг расмим-ку. Нега қайтариб берарканман? Аммо ўзи яхши эмас.

— Менинг назаримда жуда яхши.

— Сиз шунчаки айтяпсиз-да.

— Бўлмаса бошқа бировга кўрсатинг-да, сўранг.

— Олинг-а!

— Ҳа?

— Шунаقا расмни кўрсатиб бўладими? Ўзингиз ҳам жуда...— Мая меҳр аралаш ранж изҳор қиласди.

Нигамнинг бадан-бадани жимирилашиб кетди. Маянинг юриш-туриши, гап-сўзлари бошқача бўлиб қолган эди. Унинг кўзлари энди бошқаларга сездирмасдан Нигамни ахтарадиган, қулай пайтни ҳеч қўлдан бермасликка ҳаракат қиласидиган бўлиб қолганди. Бу ўзгаришни фақат Нигам эмас, унинг онаси ва Маянинг қайнагаси Муншижий ҳам сезмоқда эди. Бу ўзгаришнинг энг аниқ далили эса врачнинг касалларнинг оғирлигини ўлчайдиган тарозиси эди. Шу тарози Маянинг оғирлиги биринчи ҳафтада ярим кадоқ, иккинчи ҳафтада эса бир қадоқ ортганлигини кўрсатди. Энди Мая Нигамнинг онаси ва унинг ўзи билан сал узоқ-узоқларни айланадиган бўлиб қолди. Сайр вақтида, карта ўйини вақтида ёки айвонда юриб-турган вақтда Мая ҳамма вақт Нигам билан кўз уришириш, у билан бир оғиз бўлса ҳам гаплашишга жуда муштоқ бўларди ва қулай пайтни қўлдан чиқармасликка уринарди.

Июль ойининг учинчи ҳафтаси бошланиб, узлуксиз ёмғир ёғмоқда эди. Булут, туман тўғри уйнинг ичига кириб келаверарди. Намлик ва совуқдан Нигамнинг онасининг бод касали қўзғаб қолган, Муншижийнинг ҳам нафас сиқиши кучайиб кетган. Беморларнинг кўпли ёмғирдан қочиб, уй-уйига жўнаб қолган эди. Нигам билан Мая турган уйдан юз метрча юқорироқдаги сариқ рангли бир уй ва чап томондаги бир неча уйлар бўшаб қолган эди.

Врачнинг фикрича Нигамнинг Лакновдаги иссиқ-қали бормай тургани яхшироқ эди. Мая-ку ҳали бир неча вақт шу ерда туриши керак. Чунки у эндинина шифо топа бошлаган эди.

- Осмон кечаю кундуз қоп-қора булутга бурканган бўлишига қарамай, кўнгли чоғлиқ туфайли Маянинг юз-кўзларида соғломлик нурлари барқ уриб турарди. Унинг кўзларида журъат ортиб бормоқда эди. Улар Нигамнинг кўзлари билан ўқтин-ўқтин учрашиб турарди. Нигам ҳам у кўзларнинг лаззатбахш иссиғини шубҳасиз ҳис этарди. У ўз вужудида ёқимли бир жўш ва куч-қувват сезмоқда эди. Унда Маянинг даъватини қабул қилиш ва унга әришишга зўр истак уйғонмоқда эди.

Нигам ҳойнаҳой, жуда яқин борсам касали юқиб қолади, деб хавотирда эди. Лекин шундай ўзини

тийиб туришнинг ҳам гашти бор. Ахир югуришга ошиқиб турган отни жиловидан тортиб, ушлаб турганда киши ўзини кучли ва мағрур ҳис қилмайдими? Худди ўшандай Мая билан Нигам иккови ўз вужудида жўш ураётган ҳаёт кучини ҳис этиб вақти чоғ эди.

Ёғингарчилик туфайли сайд қилишга имкон кам бўлиб қолган эди. Нигам танасини сал бардам тутиш учун қўлига зонт олиб бозоргача бориб-келиб турарди. Мая унинг кўзларига тик қараб илжайиб, ундан ўпка-ларди:

— Сиз битта ўзингиз айланаверасиз. Бизлар бечора уйдан эшикка чиқа олмайдиган бўлиб қолдик. Холам у ёқ-бу ёққа юра олмайдилар.

Кун бўйи ёмғир ёғди. Бирор ёққа чиқишнинг иложи бўлмади. Унинг устига Муншижийнинг нафаси қисиб, «холани» эса боди қийнаб, карта ўйнашнинг ҳам иложи бўлмади. Мая бир неча марта айвоннинг у бошидан бу бошигача айланди. Юраги жуда сиқилиб кетди. Ахир бўлмагач, Нигамнинг остонасига бориб, чақирди:

— Менга қаранг.

— Келинг, келинг.— Нигам табассум билан қарши олди.

Мая бир оз **ғижинган** оҳангда шикоят қилди:

— Нима килсак бўлади, бҳай соҳиб? Ўтириб кунини кеч қилиб бўлмаяпти-ку. Ҳеч бўлмаса биронта ёкитоб-питоб беринг, ўқий.

— Қанақа китоб берай? Расмли бўлсинми?

— Э-э, сиз ҳам жуда...

Нигам битта журнални унга узатди. Мая ҳомузасини зўрга босиб, илжайиб Нигам билан бир кўз уриштириди-да, журнални олиб жўнади. Лекин бир оздан кейин у журнални қайтариб олиб келиб қолди.

— Одамнинг ҳеч ўқигиси келмаяпти, бҳай соҳиб,— деди у илжайиб, Нигамга тик қараб. Кейин ерга қараб, паст овоз билан, лекин самимий таклиф қилди:— Бундоқ у ёқ-бу ёқни айланмаймизми?

— Бўлти, айланайлик,— Нигам ҳам ўша тарзда розилик билдириди.— Қаерга борамиз?

— Қаерга бўлса ҳам майли. Анови тепаликдаги уй бўш ётиби.— Унинг юзлари қип-қизил бўлиб кетди.— Сиз пастдан бундоқ айланиб боринг.

Худди электр симиға тегиб кетгандек, Нигамнинг аъзойи бадани жимирилашиб, қаршисида турган Маяни қучоқлаб бағрига босиб олгиси келиб кетди. Лекин вазият ва хулқ-одоб монелик қилди. У ўзини тийиб «хўп» деб қўя қолди. Баданида ажиб бир жўшқинлик ҳис этди.

Осмонни қоп-қора булат қоплаган. Нигам зонти қўлига олди-да, ўчоқ бошида ўтирган онасиға баланд овоз билан «Мен айланиб бозорга бориб келаман» деб чиқиб кетди. Пастдаги йўлга тушиб олди-да, ундан тепадаги сариқ уй томонга кўтарила бошлади. Уйнинг ҳовлисида ёмғирдан баҳра олган гуллар барқ уриб очилиб ётарди. Уй бўм-бўш эди. Уйнинг орқасидаги боғбон ва хизматкорлар яшайдиган кичкина кулбалардан тутун кўтарилоқда. «Боғбон овқат пишираётган бўлса керак» деб кўнглидан ўtkазди Нигам. Тепаликка чиқиб келгунча ҳаллослаб қолган эди. Нафасни ростлаш учун тўхтади-да, Мая ҳам келаётгандир, деб қайрилиб орқасиға қаради. Маянинг журъат билан қилган таклифидан унинг эти жимирилашмоқда эди.

Нам ўт устига бир парча булат ясланиб ётиб олган эди. Сўқмоқда ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Уйнинг айвонида шитирлаган овоз әшишиб, Нигам айвон томонга қаради. Қараса, Мая катта хонанинг остонасида қулиб турибди. Олдинроқ келиб олган экан. У қўли билан «Бу ёққа келинг» деб ишора қилди. Нигам хонага кириб борди.

Хилват жойда Маяга шундай яқин келиб қолганидан Нигамнинг қони жўш уриб кетди. Тепаликка тез чиқиб келганидан Мая ҳам ҳаллослаб, кўкраги юқори чиқиб, паст тушмоқда эди. Унинг юзлари қип-қизил ва шундай жозибали эдикӣ, Нигам унга маҳлиё бўлди-қолди.

Оқ матодан тўқилган бўш чорпоя қоронғида бодраб турарди, курсилар худди сояга ўхшаб кўринарди.

Мая эшикни ёпиб қўйди. Нигам, гўё бир хандағни узоқдан кўриб торгина деб ўйлаб, сакраб ўтмоқчи бўлгану, яқин келгач, катталигини кўриб, ваҳми келиб кетган одамдай чўчинқиради. Мая унга жуда яқин келиб, энтикиб нафас оларкан, сўради:

— Менинг расмим яхшимиди? Ростини айтинг.

Шундай деди-да, у гёё тепага чиқиб келгунча ҳориб-чарчаб кстгандек, тап этиб ўзини чорпояга ташлади. Қоронғида кўз илғамаса ҳам, унинг кўзларидаги нур ва лабларидаги даъват қилувчи табассумни Нигам яхши ҳис этмоқда эди. Унинг юраги гуптуп уриб кетди. У ўзини қўлга олишга уриниб ва гапнинг тагига етиш ниятида жавоб берди.

— Ҳа, чиройликка-ю, чиройли...

— Елгон! Мана энди кўринг!— Оёқларини йигиштириб, чорпоя ўтасига ўтириб олди-да, ҳаллослаган бўғиқ овоз билан деди Мая. Сорийсининг бир учи елкасидан тушиб кетган эди. Қўлидаги ўша расмни чорпояга, Нигамнинг олдига ташлаб давом этди:— Мен шунақаманми? Қачон кўрдингиз?

Нигамнинг бошига қон худди болга билан ургандек урар, барча томирлари таранг бўлиб тортишиб кетган эди. У ҳайрон эди: Нима бўляпти ўзи? Уят... Бир касал қиз бўлса!

— Бери кел!— Тоқати тоқ бўлиб, Мая Нигамни чақирди, қўллари эса кўйлагининг тугмасини ечишга уринарди. Тугма илашиб қолиб, ҳеч өчилмасди. Сийналари тумшутини қадаб кўйлакни тешиб юборгудек бўларди.

Қаттиқ турткидан гёё ўзини тутишга ҳаракат қилиб, Нигам қескин оҳангда деди:

— Жинни бўлсан!. Эс-ҳушингни йиф!

Мая тутақиб кетди. Ҳайкалдек қотиб қолди. Мехр ўйқолиб, кўзлари ғазабга тўлди. Бўйининг томирлари ғазаб билан тортишиб кетди. Нафас олиши яна ҳам тезлашди. Ярим минутча шу алфозда тек туриб қолди-да, кейин Нигамга ўқрайиб қараб, бутун газабини овозига йиғиб пишқирди:

— Ўзинг айтмаганимидинг чиройлисан деб?

У елкасидан тушиб кетган сорийсига ҳам парво қилмай, дик этиб ўрнидан турди. Икки қўлини мушт қилиб, ёш тўла кўзларидан чақмоқ чақнатиб, лабларини тишлаб ўшқирди:

— Йўқол! Йўқол! Йўқол кўзимдан?

Нигам ўзини йўқотиб қўйди. Оғзи очилиб, ҳайкалдек қотиб қолди. Мая эса яна тап этиб ўзини чорпояга ташлади ва бошини қўллари билан бекитиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлашга тушиди. Нигам ўша турганича бир

минут унга тикилиб турди. Кейин эшикни очди-да, тез-тез юриб жўнаб қолди.

Эртасига Нигам онасининг касалини баҳона қилиб Лакновга жўнади.

Маянинг иситмаси бошқатдан зўрайди. Врач, ўзига келиб қолар, деб бир ҳафтагача кутди. Лекин Маянинг иссиғи тушмади. Охири врач унга маслаҳат бердиг:

— Бу намгарчилик, бу совуқ сизга тўғри келмаяпти. Сиз энди Аграга қайтиб кетинг. Сентябрнинг ўрталарида яна келсангиз, эҳтимол, шифо топарсиз.

Шундай қилиб, Мая ҳам уйига жўнаб кетди. Ўшандан кейин ундан ҳеч қандай хабар бўлмади.

ГУВОХ

Банк хизматчиси Гиёнчанд уйдан чиқиб кетаётганида хотини Тора унга жуда тайинлади:

— Менга қаранг! Кечагига ўхшаб яна намойишмитингларга илашиб ўтирунг. Тоғамлар хафа бўлжаптилар. Бунақа жанжаллардан сизга нима фойда? Ахир полиция билан олишиб бўладими? Кетингизга тусиб қолгудай бўлса, бошга битган бало бўлади.

Гиёнчанд хотинига-ку ҳеч нарса демади, лекин кўнглидан ўтказди: «Тоғанг нега хафа бўлмасин? Ахир амалдор эмасми. Хўп беармон ураётган бўлса керак ҳаром пулни?»

Торанинг тоғаси солиқ маҳкамасида катта амалдор эди. Қиладиган иши ҳам амалига яраша эди. Лекин Торанинг гапига ҳам қулоқ солмай бўлмасди. Гиёнчанд ўзи қўярда-қўймай ўқимишли қизга уйланган эди. Энди дўй-пўписа билан унинг оғзини юмиб қўйишининг иложи йўқ өди.

Шаҳарда «Қонунсизликка чек қўйилсин!» деган шиор остида кампания бошланиб кетган эди. Гангаромнинг ташвиқи билан банк ходимлари ҳам шу кампанияга тааллуқли намойиш-ийғилишларга қатнашишмоқда эди. Чунончи, бугун ҳам Гангаром Гиёнчанддан сўради:

— Хўш, оғайни, бугун ҳам борасизми?

— Кўрамиз. Кўпчилик нима деса, биз ҳам ўша-да.

Шундай деб Гиёнчанд мужмалгина жавоб берди. Кун бўйи полициячиларнинг қиладиган жабр-зулмлари, уларнинг бебошдоқликлари идорада майда хизматчиларнинг оғзидан тушмади. Кечқурун эса Гиёнчанд яна намойишида қатнашди ва қизишиб кетиб,

ҳамманинг олдига тушиб, овози борича шиор ташлаб, халқ билан бирга кўчама-кўча айланди. Ур-сур бўлиб кетмасин деб, унинг олдини олиш учун ўн-ўн бешта полициячи ҳам намойишга ҳамроҳ бўлиб олган. Одамлар «Қонунсизликка чек қўйилсин! Порахўрлик йўқ қилинсин! Полициянинг жабр-зулмига барҳам берилсин!» деб овози борича талаб қиляпти. Бу талабларни әшитиб полициячилар ўзича секин илжайиб қўяди.

Гиёнчанд кечқурун соат еттида уйга қайтиб келди. Қараса, хотини Торага араз тегиб қолибди, ҳеч садо чиқмайди. Онаси билан акасининг кўзини шамғалат қилиб Гиёнчанд бир-икки силаб-сийпаб, эркалаган эди, Тора юзини терс буриб, ўчоқ бошига, қайнанасининг олдига жўнаб қолди.

— Э, сен қўявер, ўзим қиласман буни,— деди қайнанаси.— Сен бориб болангга қара. Йиқилиб-нетиб ўтирумасин.

Шундай деб қайнанаси Торани у ердан чиқариб юборди. У томга, боласининг олдига йўл олган эди, Гиёнчанд секин кетидан етиб борди-да, силаб-сийпаб уни овутишга уринди. Тора эса эрининг қўлларини итариб ташлаб, жеркиб берди,

— Тегманг менга! Боринг, ўша намойишингиздан қолманг сиз. Менинг ҳолим нима кечаверади. Сизга нима?

— Э, бу ёқقا қарасанг-чи. Мана бу ойдиннинг кулиб туришини қара.

— Э, ойдиндан, мендан сизга нима фойда? Сиз ўша сиёсатингиздан қолманг,— жавоб берди Тора юзини тескари бурганича.

— Бундоқ ўйлаб қарасанг-чи. Бирдан бошимизга бирор мусибат тушиб қолса-ю, полиция «пора берасан» деб туриб олса...

— Э, мусибат душманларнинг бошига тушсин, бизнинг бошимизга нега тушаркан? Сиз ўзингизни билинг. Бошқаларнинг ишига аралашманг,— Тора эрининг кўзига тикилди, унинг нигоҳида қаттиқ норозилик бор эди.

Гиёнчанд осмондаги юлдузларга термиларкан, бепарволик билан деди:

— Бугун бундоқ кўчага чиқиб, иккимиз бир айлансан. Нима дейсан?

— Сизнинг қўлингиз тегсайкан. Тоғам бечора-ю, булар кинога бориб туришса, намойиш балосидан узоқроқ юрар, деган умидда бизларни шу уйга жойлаштирувдилар. Лекин намойиш сизнинг жон-танингиз. Бирорнинг гапига қулоқ солармидингиз.

— Бўлмаса иккинчи сеансга борайлик? Овқатни тезроқ қил. Болани ойимларга қолдириб кетаверамиз.

Шундай қилиб овқатдан кейин Тора янги сорий кийди, эрига малмал кўйлак билан янги лозим бердида, иккоявлари кинога жўнашди. Бозордан ўтиб кета туриб, Гиёнчанд бир тизим гул солиб олди. Тора сочига гул тақиши жуда яхши кўрарди, лекин уйида қиломасди: қайнанаси билан қайнағасидан ҳайиқарди. Бозордан чиққач, бир дараҳтнинг панасига ўтиб олди-да, ҳалиги эри олиб берган гулни орқа сочига чамбарак қилиб тақиб олди.

Кино залида одам жуда ҳам кўп эмас эди. Икковлари уйдан ола келган нонни чайнаб, ўзаро гаплашиб, ҳазил-ҳузул қилишиб, фильмни томоша қилиб ўтиришди. Жуда ҳузур қилишди.

Фильм соат ўн иккида тугади. Ойдин яна ҳам чарақлаб кетган. Кўча бўум-бўш, жимжит.

— Шошиб нима қиласми? — деди Гиёнчанд хотинига.— Кел, секин пиёда кетамиз. Маза қилиб...

Шундай қилиб яёв кетишиди. Гиёнчанд қизиқ бир нарсани гапириб кетяпти. Тора дастрўмолчасини лабларига босиб қиқир-қиқир кулади. Икковининг ҳам жуда димоги чоғ. Дайонидҳор паркининг ёнидан ўтиб кетишияпти. Бирдан кўча ёқасидаги дараҳт орқасидан бир дўқ қилган овоз эшитилди:

— Ҳў! Тўхталаринг!

Иккови таққа тўхтади. Бундай қайрилиб қарашса, дараҳтнинг тагидан бир полициячи узун таёқ кўтариб чиқиб келяпти.

— Қаёққа кетяпсанлар? — сўради у дўқ қилиб.

— Уйга кетяпмиз,— дадил жавоб берди Гиёнчанд.

— Ҳа-ҳа! Аввал бундоқ участкага юрларинг.

— Нега энди? — қаршилик қилди Гиёнчанд қўрқувини яшириб.— Кинодан чиқиб, уйга кетяпмиз. Нега борамиз участкага? Бизлар нима қилибмиз?

— Участкага юргин, ўша ерда биласан ҳаммасини.

— Ҳа, нега борамиз участкага? — қаттиқ туриб олди Гиёнчанд.— Нима гуноҳ қилдик? Бормаймиз. Қара-я.

Тора қўрқиб кетиб, эрининг пинжига тиқилди.

— Тўғриликча юрасанми ё ҳуштагимни чалиб, яна бошқа полициячиларни чақирайми? Шундоқ бормасанг, қўлингда кишан билан борасан.

— Ахир сиз бундоқ сабабини айтинг, бизлар жавоб берайлик. Ҳеч айбсиз, гуноҳсиз, одамга ёлғиз экан деб бунақа азоб бериш инсофдан эмас.— Гиёнчанд энди юмшоқлик билан қаршилик кўрсатди.

— Айбинг бор-йўқлигини ўша ерга бориб гапирансан,— жавоб берди полициячи.

Кўча бўм-бўш, ҳеч ким кўринмайди. Гиёнчанд полициячининг ҳукмини бажаришга мажбур бўлди. Оёқ-қўли боғланган эмас, лекин шунга қарамай, у қонун ва расмий ҳуқуқ кишанига тушиб, полиция участкасига қараб бормоқда. Бирор кўриб қолса, «Ие, буни участкага олиб кетяпти» демасин деган андиша билан ўзини полициячидан сал нарироқ тутишга уринарди. Тора йиғлаб, рўмолчаси билан ёшини артарди. Гиёнчанд унга тасалли берди:

— Нега қўрқасан? Биронта айбинг бормидики қўрқасан?

Участкага олиб келиб, полициячи эр-хотинни бир чеккага турғизиб қўйди. Ўзи эса тахта супада, қўлида қалам ушлаб ўтирган Муншининг олдига бориб, унга бир нима деб гапирди. Мунши эр-хотин икковини олдига чақириб олди-да, Гиёнчанддан сўради:

— Бу қизни қаёқдан олиб келгансиз?

— Бу хотиним бўлади, тақсир,— жавоб берди Гиёнчанд чертиб.— Бизлар кинодан чиқиб уйга қайтаётган эдик, мана бу полициячи ушлаб, бу ёққа судраб олиб келиб ўтирибди. Ахир бу нима зўравонлик?..

— Тақсир, бу безори!— Бақириб шартта гапни бўлди полициячи.— Қанақасига хотини бўларди? Булар иккови қоронғида, дараҳтнинг тагида бир ёмон иш қилишаётган экан. Эр-хотин шунақа қиладими?

— Ёлғон!— Ғазаб билан қаттиқ қаршилик ҳилмоқчи бўлди Гиёнчанд. Лекин Муншининг дўки уни тўхтатиб қўйди.

— Тавба қилдим! Тавба қилдим! Қандоқ ифлослиқ! Қандоқ юзсизлик! Тфу. Кўринишингдан ўқигани билган одамга ўхшайсан. Конгресс ҳокимияти даврида яшаб турибсан. Биласанми шуни? Бунақа безорилклар ҳаммаси таг-томири билан йўқ қилинади.

Бу таъна-маломатларни эшлиб, Тора ҳўнграб йиглаб юборди.

Таҳқирланиш аламидан Гиёнчанднинг аъзойи баданига ўт туташиб кетди. Бошқа жойда бўлганида, бундай таҳқир қилган одамни қулогининг тагига тортиб юборарди. Лекин ҳозир ўзини тийишга мажбур. Бошига тушган ҳокимнинг таёғи эди, унинг устига ҳокимнинг даргоҳида!

Гиёнчанд аламидан йиглагудек бўлиб қаршилик қилди:

— Бу ғирт ёлғон, тақсир. Бир сипоҳининг гапига шундай ишонаверасизми? Ахир биронта далил ҳам бўлиши керак-ку! Бекорга тухмат қилаверасизми?

Мунши унга ўқрайиб қаради:

— Сен бизга қонун ўргатмоқчимисан? Далил деб дўқ қиляпсанми? Шундоқ иш қилаётган одам отасини қўйиб қўядими тепасига, гувоҳ бўлгин, деб?

Муншининг бу далилидан Гиёнчанднинг ҳафсаласи пир бўлди. Лекин ҳар әҳтимолга қарши деди:

— Тақсир, бизга бекорга айб тақаяпсиз. Ишонмасангиз уйимга одам юборинг, сўраб-билиб келсин.

— Қаерда ўзи уйинг?

— Пондарийбада, ариқнинг ёнида.

Мунши тўрт энлик қофозга адресини, у билан бирга ўзининг номини, отасининг номини, ёшини, афт-ангори, белгилари — ҳаммасини ёзид олди.

— Бизларга ишонмасангиз, уйимизга хабар қилиб, кафил олишингиз мумкин,— деб қўшиб қўйди Гиёнчанд.

— Кафил-пафилни эртага гаплашамиз. Берган адресини бир гўрда. Шу вақтда ким боради қидириб?

Шундай деди-ю, Мунши ўрнидан турди ва сипоҳига буюрди:

— Икковини олиб бориб, бошқа-бошқа хонага қамаб қўй.

Ўзи эса орқа эшикка қараб йўл олди.

Хотинининг ажратиб қўйилишини ўйлаб, Гиёнчанднинг бадани увусиб кетди. Тора эса ҳўнграб йиг-

лаб юборди. Гиёнчанд олиб кетиш учун келгән сипоҳига юмшоқ эътиroz билдири:

— Бир пок, шарм-ҳаёли аёлнинг ҳоли нима кечади, шуни сал ўйлашингиз керак. Бизларни қўйинг. Бизлар шу ерда коридорда ўтираверамиз.

— Ўзингни беовра қилиб нима қиласан? — Насижат қилди сипоҳи.— Унча-мунча бер-да, уйингга жўна, қўй!

— Пора бергин, демоқчимисиз? — Пайтдан фойдаланиб Гиёнчанд дўқ қилмоқчи бўлди. Ахир ёнида бор-йўғи саккиз анна пули бор эди-да.

— Э, эс-ҳушингни йиғ,— қаттиқ жеркиб берди сипоҳи,— порани оғзингга оларкансан, ўзингни тўппат-тўғри авахтада кўрасан. Буни Конгресснинг ҳокимияти деб қўйибди. Билдингми? Ёнида уч пули йўғу, ўзини манманликка олади.

Шашқатор йиғлаб турган Тора умид этаги қўлдан чиқиб кетаётганини кўриб, жонҳолатда эрини қўлидан ушлаб, бир чеккага тортди-да, бармоғидаги узугини олиб, унга тутқазаркан, ялинди:

— Бериб юборинг. Хўп дeng, барака топкур.

Гиёнчанд бир лаҳза ўзини йўқотиб қўйди. Кейин бошқа иложи йўқлигини кўриб, узукни қўрқа-писа сипоҳига узатиб, илтимос қилди:

— Майли, бўлмаса, кечиринг бизни. Обрўйимиз тўклимасин. Ўзингиз биласиз, бизларда гуноҳ йўқ. Худонинг ўзи гувоҳ, бу менинг хотиним. Ишонмасангиз, маҳалладан бориб сўрашингиз мумкин.

Сипоҳи узукка менсимай қараб қўйди-да, таъна қилиб деди:

— Бизларни шунаقا паст деб ўйлайсанми? Сенинг иззат-обрўйингни баҳоси шуми? Бу жуда қаттиқ масала. Билмайсанми ўзинг?

Гиёнчанд бир нарса дейишга улгурмасданоқ Тора у қўлидаги узукни ҳам сиртиб олиб унга тутқазди. Гиёнчанд уни ҳам сипоҳининг қўлига берди. Сипоҳи «Хўп, кўрамиз» деди-да, «тура тур» деб ишора қилиб, Мунши кирган эшикка кириб кетди. Ўн минутлардан кейин Муншини бошлаб чиқди ва эр-хотиннинг номидан илтимос қилди:

— Тақсир! Булар, шафқат қилинг, деяпти. Уйжойли, шарм-ҳаёли одамлармиз, дейди. Бунақа аҳмоқликни энди қилмаймиз, дейди.

— Шарм-ҳаёли одамлармиш! — деди Мунши нафрат билан.— Шарм-ҳаёли одамлар шу ишни қиласидими? Ким кафолат беради сенларга?

— Отам бор, акам бор,— жавоб берди Гиёнчанд ғазабини босиб.— Мен ўзим банкда ишлайман. Ҳўжайин ҳам, бухгалтер ҳам билишади мени.

— Ҳа-ҳа! Ҳўжайин ҳам, бухгалтер ҳам жуда хурсанд бўлишса керак сизнинг бу хатти-ҳаракатларингизни эшишиб!

— Тақсир! Кўргулик әкан. Бўлмаса бизлар ҳеч қанақа ёмон иш қилганимиз йўқ. Ҳудонинг ўзи гувоҳ.— Шу сўзларни айтди-ю, Гиёнчанднинг ўпкаси тўлиб йиглаб юборди.

— Ёлғон гапирасан! — Дўқ урди Мунши.— Қилгуликни қилиб қўйиб, тонишими қара! 495—496-модда билан турмага тиқиб қўяман, ўшанда биласан. Ўшанда чақириб оласан ўша катта ҳўжайину отангни гувоҳликка. Бу полиция кечалари кўчама-кўча юриб, кимни қўриқлаб юрибди, ҳаромилар? Ҳаволдор! Ҳайдаб чиқар мана бу ҳаромиларни бу ердан!

Гиёнчанд билан Тора худди бирор қувлагандек тез-тез қадам ташлаб, уйга кетиб боришарди. Энди на электр чироқлари нур сочиб турган бўм-бўш кўча уларга завқ бағишиларди ва на осмондаги кулиб турган ойни томоша қилиш хаёлларига келарди. На ўзаро гаплашади, на кулишади. Охири ўз маҳалласига яқинлашгач, Гиёнчанддан садо чиқди:

— Мен бу ярамаслардан тегишли жойга арз қиласман. Биринчидан, тұхмат қилиб ҳақорат қилди, иккинчидан, шунча тиллани шилиб олди.

— Обрўйингизни яна баттарроқ тўқмоқчимисиз? Ҳали ҳам кўнглингиз ўрнига тушгани йўқми? — Тора йиглагудек бўлиб эътиroz қилди.

— Жинни бўлибсан,— уқтириди Гиёнчанд тутақиб.

— Булар кунига худо билсин бунақа нечта бечораларнинг иззатию ҳамёнига чанг соларкин. Ҳамма индамай кетаверса, ахир, бизларга ўхшаган бечоралар қандай қилиб кун кўради? Мен эртага эрталабоқ «Қонунсизликка қарши кураш жамияти»га бориб, аризага ҳаммасининг қўлини қўйдирив, тегишли жойга олиб бораман. Бунақа жабр-зулмга индамай чидаб жетаверса, иш битадими!

— Худо хайрингизни берсин, ундоқ қилманг. Ўтган ишга салавот. Энди тумонатнинг олдида мени ерга қаратмоқчимисиз? Шунча бўлгани ҳам етар. Қайси қилмишларимнинг ажрини тортдимикин? — Шундай деб Тора йиғлаб юборди.

— Уҳ! Сен тушунсанг экан! — Гиёнчанд яна тувақиб кетди. — Ахир биронта одам бир нарса демаса, бу зулм қандоқ қилиб йўқ бўлади?

— Мени судга олиб бориб, яланғоч қилиб кўрсатгингиз келаётган бўлса, билганингизни қилинг. Уйда менга лойиқ заҳар турибди. Ичаману кўз юраман-қўяман.

Эртасига Гангаром Гиёнчандни яна ўшанақа намойишга таклиф қилди. Торанинг гаплари-ку қулоғида эди, лекин шунга қарамай намойишдан кечолмади. Намойишчилар бақириб, қонунсизликка қарши хўб шиор ташлашди. Гиёнчанд ҳам уларга жўр бўлди. Намойишчилар штат парламенти биноси олдига бориб, наърабозликни давом әттиришди.

Ичкаридан штатнинг бош министри чиқди. Шиорбозлик яна ҳам кучайди. Бош министр қўлини кўтариб, халқни тинчланишга чақирди ва шовқин-сурон бир оз босилгач, мурожаат қилди:

— Сизлар қонунбузуқиликнинг йўқ қилинишини талаб қилиб келган экансизлар, бундан биз фоят мамнунмиз. Лекин шуни унутмаслик керакки, агар амалдорларнинг бебошвоқлик қилишига халқ йўл қўймаса, ҳар қандай бебошвоқ амалдор ҳам ҳеч нарса қилолмайди. Қонун бузуқиликка, порахўрликка халқнинг ўзигина чек қўя олади. Ҳар қандай шароитда ҳам одамлар пора бермасликлари, мабодо бирор амалдор пора берасан деса, далил-тувоҳлари билан бирга гапни бизга етказишлари лозим. Қонун, полиция — халқقا хизмат қилиш ва уни ҳифозат қилиш учун яратилган. Аслини олганда пора берувчининг ўзи ҳақиқий гуноҳкор. Бундай шахс халқ душманидир. Энди саволни биз берамиз: қани, айтинг-чи, сизлардан ким пора талаб қилди?

Гиёнчанд «Ёлғон бу! Ёлғон!» деб бақираарди-ю, аммо овози чиқмасди. Ахир у қандай далил билан гувоҳ кўрсата оларди.

Д А Р В Е Ш

Умид нашъаси билан тўлган дамлар ҳаётнинг энг лаззатли ва фусункор дамларидир. Шундай қувончли онларда унча-мунча қийинчилик, азоб-уқубатлар ҳам кўзга кўринмайди. Дорилфунуннинг тугаллов имтиҳонлари олдида Нардев Шарманинг кайфияти жудди шундай әди.

Унинг келажак манзаralари қўз олдида яққол на-моён әди. Умид кўзгусида кўриниб турган ҳаёт йўли тоят текис ва порлоқ әди. Давлат ва бахт-саодатнинг кўркам дараҳтлари ҳар икки томондан йўлга соя солиб, йўқчилик, мискинлик азоб-уқубатлари каби оғатни хас-пўшлаб турарди. Умид водийсидан эсган майин, ёқимли шабада йўловчининг юз-кўзларини оҳиста силаб ўтиб кетар ва яна ҳам майинроқ, яна ҳам ёқимлироқ бўлиб қайтиб келишни ваъда қиласарди. Дараҳтларнинг қуюқ шохлари орасидан сочилган заррин нурларнинг йўл юзига чеккан ажойиб нақшлари ширин ва лаззатли ҳис-туйғуларни уйғотарди. Какку ёқимли овоз билан секин-секин «кукку, кукку» деб қўярди. Каккунинг бу овозидан ҳам кўра маънолироқ ва ёқимлироқ бошқа бир овоз қулоқларидан кириб, қалбини ларзага солиб юборарди. Бу овоз ҳанчалик нафис дудоқларнинг титрашидан ҳосил бўлган бўлса, шунчалик оромбахш әди. Ўша хаёлий йўлдан кета туриб Нардев чап биқинида бирга-бирга одим ташлаб кетаётган умр йўлдошига қаарарди. Ниҳол учидаги ғунча каби нозик, гул каби чиройли хотини орзу ва эҳтирос тўла кўзлари билан қараб, меҳр-муҳаббати эвазига эридан паноҳ тиларди. Ўнга паноҳ бермоқ учун Нардевнинг қўллари беихтиёр икки томонга кенг ёйилди.

Нардев тўқис, бахтли ҳаёт кайфини суреб, келажак ҳаётининг умид йўлидан кетиб бораради. Ҳаёлий ҳаёт йўлнинг охирги манзилига боргач, унинг диққати бўлинди ва у бир зумда осмондан ерга тушиб қолди: олдидаги очиқ китоб бетида физика формуларидан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. Нардев ҳомуза тортиб, соатига қаради: соат бир ярим. Қўлига қалам олиб, бир варақ қоғозда бугун қилган дарсини ҳисоблаб чиқди. Ҳар куни мана шундай ўтириб дарс қилса, имтиҳон бошлангунча ҳаммасини бемалол қайтариб чиқаркан. Кўнгли хотиржам бўлиб, яна бир ҳомуза тортди-да, китобни ёпиб қўйди. У бошдан-оёқ иссиқ кўрпага ўралиб ётиб олди-да, яна ширин ҳаёллар гирдобига ғарқ бўлди. Ҳаёллар тағин келажак сари етаклаб кетди. Сўнгги довон, яъни тугаллов имтиҳонларини топшириш қолган эди, холос. Ўн тўртта имтиҳон топшириб қирови тўкилган Нардевнинг қолганини ҳам муваффақият билан топшириб юборишга ишончи комил эди. Ундан кейин эса у колледж профессори, катта банк хўжайини, судья каби ҳуқуқларга эга бўлади. Бироқ яшашдан мақсад каттароқ мансабни эгаллаш эмас. Мансаб турмушнинг моддий әҳтиёжларини қондириш учун бир зарурий восита, холос. Асосий мақсад умрни сермазмун ўтказиш. Бу иборани талаффуз қиласр әкан, Нардевнинг кўз олдига, аввали, кийим-кечак рекламаларида тасвирланмиш ярим ялангоч аёл сурати, сўнг эса сурат қаршисида уялганидан сорийсининг уни билан юзини бекитиб турган севгилиси келарди. Унинг илмга ташналиги ва тиришқоқлиги, ҳаёт қўйнидаги чексиз саъй-ҳаракатлари биргина ўша мақсадга қаратилган эди. У ўзини ўша малакка сифинувчи бирдан-бир киши, унинг бирдан-бир ҳомийси ва маҳрами деб биларди. Ўша малаксиз унинг ҳаёти ўзига маъносиз ва беҳуда туюларди. Шунинг учун ҳам у бор кучи билан ўша малакка интиларди.

Нардевнинг орзулати ғоят серқирра ҳамда пок эди. Шу орзулат қучогида у ўзини бениҳоя бахтиёр ҳис қилди, вужудида чексиз куч-қудрат сезди. Кўнглида пайдо бўлган ўйларни жамлаб олиш учун ўзини маҳкам қучоқлади ва бахт туйгуларига ғарқ бўлганича уйқуга кетди.

Унинг келажакдан бунчалик умидвор бўлишига

асос бор эди. Бир йил муқаддам бир тўй маросимида Шийлани кўриб қолди. Тўпланган ўнинчи синф қизлари ичиди энг гўзали, зеҳни тези ўша эди. Шийла дугоналари орасидан Нардевга қараб-қараб қўярди. Суҳбат давомида кимдир унинг тақдирни ҳақида гап очиб қолди. Пайтдан фойдаланиб Нардев Шийлага боқди. Қиз хижолат тортиб ундан нигоҳини олиб қочди. Шу шарм-ҳаёси билан қиз йигитнинг фикр-хаёлини бутунлай банд этиб, бахтли келажак йўлидаги умид чироқларини ёқиб юборди.

Тугаллов имтиҳонларини топшириб бўлгач, Нардев тузукроқ бир мансабга эга бўлолмади, олтмиш руниялик бир арзимаган ишга жойлашди.

Мана неча вақтдан бери у орзу қилиб юрган дамлар ҳам келди. Тушуда ҳам, ўнгидан ҳам тинчлик бермай, бутун фикру хаёлини чулғаб келган орзу-армонларнинг сўнгги илтифоти, ахлоқ ва одобнинг мужас сам тимсоли — Шийла унинг уйпда! Шу висол тунида Нардев ҳу ўша энг биринчи учрашув манзарасини унга эслатди ва ўзининг мажнунона ишқини изҳор қилди. Бахт ва қувонч ҳисларига тўлиб-тошган Шийланинг тили гапга бормасди. У ҳис-туйғу тўлқинларида сузиб бораради. Ҳаяжондан юзи оппоқ оқариб кетган. Кўзлари юмуқ. Эштилар-эштилмас овоз билан дона-дона қилиб жавоб берар экан, Нардевнинг тузукроқ бир ишга жойлаша олмаганидан кўнгли паришонлигини айтди. Шийла ота-онасининг куёвига боғлаган умидлари пучга чиққанидан номус қиласарди. Ер ёрилса-ю, ерга кириб кетса — шундай ҳис қиласарди ўзини. Лекин начора! Ғишт қолипдан кўчган. Шийла учун энди ўлимдан бошқа чора йўқдай туюларди. Турмушга чиқиш оддий бир иморат өмаски, бузиб ташлаб, янгисини қуриб олаверса. У жисму жон, наслу наслаб сингари ҳал қилиб бўлмас оғир муаммолардан иборат!

Магур Нардевнинг боши осмонда. У Шийлани бағрига босиб, кўз илғамас узоқ, аллақандай бир борлиққа тикилиб дерди:

— Шийла! Биз аввалги туғилишда ҳам жаннат гуллари барқ урган оламда бирга бўлганмиз. Ажал човут солди, кейин бошқатдан туғилдик. Мана қара,

тағин биргамиз. Бу гал ҳам бир-бири мизни шунчалик тез танидик!

Шийла эрининг кўксига бош қўйиб, кўзини юмди. Қайноқ бўсалар икки ниҳолнинг азалий дўстлик ришталарини маҳкамроқ боғлади. Қалбларнинг туашуви или эришилган висол чоғида йўқчилик вағам-қайгу ҳақидаги ўйларга ҳеч қандай ўрин қолмади...

Нардев бир банкда хизматчи эди. Хизматдан қайтгач қолган бутун вақтини хотини Шийла билан бирга ўтказарди. Рўзгор ишларида хотинининг қўли чаққонлигини кўриб севинчи ичига сиғмасди. Йш пайтида у, Шийлани қандай қилиб яна ҳам хушнуд қилсан экан, бугун унга нима олиб борсан экан, даромадни қандай қилиб оширсан экан, деб бош қотиргани-қотирган эди. Автобусда кетаркан, кўчанинг икки юзидағи чиройли ўйларнинг болохоналарида гулларга кўмилиб, ором курсиларида ўтириб жемпер тўқиётган аёлларни кўриб, «Шийлага ҳам худди шундай уй олиб бераман» деб кўнглидан ўтказарди.

Улар шаҳарнинг кўримсиз бир маҳалласида қурбларидан сал ортиқроқ бир уйни ижарага олишди. Бир амаллаб эпақага келтирилган бу уй кўнгилдаги-дек эмасди, лекин Шийла эшикдан кириб келганда файзга тўлиб кетарди. Эри йўқ пайтларда Шийла қўлидан келганча уйни безаш билан машғул бўларди. Эрининг ишдан қайтар чоғида ўзига андак оро бериб, эрининг кўнглини олишга шай бўлиб турарди. Бўш вақтларида қитоб ўқиб, орзуларига қанот боғларди.

Тўнғич қизи Сурма уч ёшга тўлай деб қолган эди. Врач ҳар кўрганида унга, қизчангизни яхши парвариши қилинг, деб тайинларди.

Биринчи фарзанд туғилиш вақтида хотинининг чеккан азоблари Нардевнинг ҳеч хотирасидан кўтарилилмасди. Ўшани эсласа, ҳамон юраги увушиб кетарди. Ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронги. Тирикчилик деб у кроссворд ечишга ҳам қўл уриб кўрди, бўлмади — фойдасидан зиёни ортиқроқ бўлди, почта харажатларига ҳам арзимади. Ҳисобдонликка имтиҳон бермоқчи бўлувуди, бироқ ундан гонорар йифиб бўлмайди. Қолаверса, бу соғлом ақлга мос ҳам келмайдиган иш. Банкда ўсишга умид йўқ. У ерда

бир-бирининг илдизига болта уриб, ҳар ким ўз мавқеини мустаҳкамлаш пайига тушиб олган. Нардевнинг ҳар жиҳатдан хуноби ошди. Ахийри эрталаб бир соатдан дарс бериш, кечқурун аллақайси дўйоннинг ёзувчиизув ишларини қилиб бериш каби иккита майдачуйда иш насиб бўлди. Бироқ бунаقا даромадлар билан қозон қайнаши қийин.

Шийланинг ҳам феъли ўзгариб қолди. Энди уларнинг қулбасида севги хандалари ўрнини болаларнинг хархашаси, Шийланинг бақириғи, Нардевнинг дағдалари эгаллади. Бахт-саодат йўлида адашиб бўйнига олган бурчини оқлаш ҳамда хотин, бола-чақасининг осойишталигини саклаш учун Нардев жонини ҳам беришга тайёр эди. Лекин у истаган нарсалар жон эвазига ҳам қанийди топилса! Энди унинг орзулари текис йўлдан порлоқ келажак томон чорламасди. Истак-орзу йўли энди баққоллик ҳисоб-китоблари-ю сабзи-пиёз харажатларига келиб тақалган эди. Орзумидлар меҳнат ва ташвишлар соясида бирин-кетин маҳв бўлар экан, Нардевнинг назарида ҳаёт унинг елкасидан босиб турган минг ботмонли юкка ўхшаб туюларди. У қаттиқ умидсизликка тушар, аммо ўз фарзандларини умрим заволи деб аташга журъат этолмасди. Аксинча, гоҳо уларни бағрига босиб дарду аламларини унутишга ҳаракат қиласди.

Шийлани бешинчи марта дард тутмоқда. Нардевнинг кўзига уйқу келмайди. Хотинининг оҳ-фарёди унинг вужудига таҳлика соляпти. У заиф иродасида пайдо бўлган фавқулодда жасорат билан бош томонда турган курси устидаги эски бронза чироқни ёқди. Сўнг кўзларини номаълум бир нуқтага тикканича жойида ўйга толди. Бирдан кўзи девордаги суратга тушди. Йиллар мобайнида сарғайиб кетган бу сурат уйдаги бошқа суратлар каби йилда бир марта Девалий байрамидагина латта юзини кўтарди. Йлгари кўзга ташланиб турсин деб печка устига осиб қўйилган эди. Шийла вақти-вақти билан унга гулчамбар тақиб қўярди. Бир куни қизи Сурманинг қўлидаги таёқча тегиб кетиб, суратнинг ойнаси дарз кетиб қолди. Дарз ойнанинг қоқ ўртасида бўлиб, суратдаги икки кишини бир-биридан ажратиб турарди. Буни кўриб Нардев ҳам, Шийла ҳам бир оз хижолат тортган бўлишди. Суратни печка устидан олиб, деворга осиб қўйилди.

Унда Шийланинг Нардевни маҳлиё қилган пайтлардаги жамоли акс ётган эди. Ойнанинг дарзидан ўтган намелик Нардевнинг аксини бузиб қўйган, лекин Шийлага тегмаган эди. Бир вақтлардаги мағрур, сарвқомат Шийла энди Нардев назарида жўжалар қуршовидаги куркани эслатарди. Ўзи әса ҳали ҳам ўша-ўша бежиримгина эди. Фақат соchlари тўзғиб кетган ва ғам-ташвиши туфайли чеҳрасидан ҳорғинлик аломатлари аримай қолган эди. Бу ташвишлар қаердан келди? Ҳаммасига мана шу хотин айбдор. Нардев қалбидаги олижаноблик туйғулари ва жўшқин иродаси билан тошқин дарё сингари йўлидаги барча тўсиқларни ағдар-тўнтар қилиб кетиши мумкин эди. Аммо бу аёл бир қумлоқ каби унинг қаршисида пайдо бўлиб, бутун куч-қувватини шилиб олди. Унинг ҳаёти кенг бир ботқоқликка айланди. Унинг бутун фаолияти хотин, бола-чақа ташвишидан иборат бўлиб қолди. Бу хотин, бу бола-чақа уни адо-ю тамом қилди. Энди минг тиришсин, фойда йўқ. Хотинларни макр-ҳийла ва сеҳр-жодунинг жонли тимсоли деб бежиз айтилмаган.

Нардев чуқур нафас олиб фотосуратга қаради. Қалби севинчларга тўлиб-тошган ўша дамларни яна бир карра эслади. Ойлиги олтмиш рупиялик хизмат қаноатлантирумасди, қайнана-қайнатасининг кўнгли тинч бўлсин деб вақтинча ишлаб турмоқчи эди. «Ҳали ҳаммаси олдинда. Ахир нарвонга чиқиш ҳам пастки поядан бошланади-ку», — деб ўйлаган эди. Бироқ бўйнига ола хуржун тушмаганда, ҳуқуқ факультетига имтиҳон топшириб, осонгина судъя бўлиб оларди. Оёқларига солинган оғир кишандан қадам босолмай қолган Нардевнинг барча ширин орзулари барҳам еб кетди. Тақдир экан-да, эр киши бўла туриб, мард ва матонатли бўла туриб, ҳеч иш чиқара олмаса-я! Мискинлик ботқоғида пўпанак босиб ётиш унга муносими?

Тўлғоги хуруж қилиб, Шийланинг жон аччиғида чинқиришларига Нардев зўрга чидаб турарди. Хотинининг биринчи кўзи ёришида доя қидира-қидира жони ҳалқумига келган эди. Бу гал ундей әмас. Умуман хотин зоти табиатан шундай яратилган, деб ўзига тасалли бериб қўярди у. Шийладан кўра кўпроқ ўзи ҳақида ўйларди. Шийла чекаётган азоблар ҳадемай ўн ҳисса бўлиб унинг бўйнига тушади. Буниси ҳам

дард устига чипқон. «Шу қийноқлар орасида она-бона бирга ўлиб қўя қолса ҳам розийдим» деган разил ўй унинг кўнглидан ўтди. Фарзанд доғини кўриш даҳшат албатта, бироқ ғам тоғи бир оз енгиллашармиди. Фарзанд бўлмаса, дунё кўзингга қоронги. Бундай ҳаёт киши нафратини қўзғатиб, уни ўзидан бездиради ва зоҳид қилиб қўяди. Зоҳиднинг эса, оламни сув босса тўпифига чиқмайди.

Бахтга қарши ҳеч ким ўлмади.

Бешта нонхўрни боқаман деб унинг ҳоли нима кечаркин ҳали? Ғам-ташвишлар ахир бир кун адо қилиши турган гап. Аммо сўнгги пушаймон — ўзингга душман. Бу галги ажалдан кейинги хаёлий турмушни ўйласа, тепа сочи тпкка бўлиб кетади.

Висол тунида Шийлага баландпарвоз гаплар айтиб, катта нодонлик қилган экан, шуни эслаб ичидан зил кетарди.

Нардевнинг ҳаёт ҳақидаги фикрлари ўзгара бошлигаран әди. Қайта туғилиб кўрган кўргиликлари ёлғиз бошини не кўйларга солмади! Охири у шундай хулосага келди: азоб-уқубатлардан иборат бу телба ҳаётда насл-насаб ҳақида орзу қилиш бадбўй ҳид анқиб турган ботқоқликда ётиб, тентакларча хаёл суришдан бошқа нарса эмас. Назарида унинг ўзи ҳам шу ботқоқлик ичida ғивирлаб юрган битта қурт әди. Поймол бўлган орзулар аламидан Нардевнинг вужудини алангача чулғади, гўё ажал уни ўз домига тортмоқда әди.

Хотинининг қаттиқ чинқириғидан Нардев ўзига келди. Бўйнидаги терларни сидириб ташлар экан, ўсиб кетган ҳўл соқоли қўлларига илашиб, таъби хира бўлди: «Шунчалик исқильт ва тубан бўлиб кетдимми?! Бу балолардан қандай қутуламан?! Насаб орқасида ажал зинапояларидан шу тахлитда тушиб кетаверамми? Бўлмаган гап!»

У ўтирган жойида қимир этмасди. На Шийланинг ож-фарёди, на синглисини овутолмай жиғибийрон бўлаётган Сурманинг овози — ҳеч нарса унинг қулоғига кирмасди. У ахри ўз жонини бола-чақа ғами каби даҳшатли ўлтимдан сақлаб қолишга қатъий қарор қилди.

Ичкаридан доя кампирнинг шодиёна хитоби эши билди:

— Қаёқдасиз, ҳой бобу!¹ Ўғил! Бу гал суюнчига бошимдан зар тўкмагунингизча қўймайман! Ҳой бобу!..

Сурма оҳудек икки сапчиб, доя кампирдан аввал етиб келди:

— Бобу жий, суюнчи! Укалик бўлдим!

Аммо бу ерда қувончдан суюнчи берадиган ҳеч ким йўқ, ташқари эшик ланг очиқ, Нардевнинг чор-пояси эса бўм-бўш эди.

* * *

Бадрнатҳ зиёратгоҳига қараб кетаётган йўловчилар орасида бир дарвеш бор эди. Унинг чақа бўлиб кетган оёқларидан қон томарди, бироқ у бунга парво қилмасди. Ҳамма жазирама иссиқдан қочиб ўзини соя-салқинга урса, дарвеш офтобдан қизиган қоя устида ўтириб ҳордиқ чиқаарди. Тунни ҳам шу алфозда ўтказарди. Теварагида чуғурлашиб юрган болаларга қиё боқмас, ўзича нималарни дир тинмай ғулдирарди. Ҳорни очса, ёндан ўтган ҳар бир кишига қўл чўзиб садақа сўрарди. Ҳамма унга эътиқод билан қараб, «жуда етишган авлиё экан» деб ўйларди.

Дарвеш одатдагидек садақа тилаб ўтирган эди, оғир юқ орқалаб бир ҳаммол ўтиб қолди. Ҳаммолнинг афтига қараб бўлмасди. У нишоб бир ерга юкини авайлаб қўйди-да, арқонни ечди. Белбогини олдига ёзди. Унда моғор босган учта қаттиқ нон бор эди. Шу топда унинг қаршисида ҳалиги дарвеш пайдо бўлди-ю, нон тилаб қолди. Бу ҳаммолга ёқмади. У бир нонга, бир дарвешга қаради. Сўнг нонлардан бирини олиб унга узатди. Дарвеш маъносиз, аммо хотиржам, авзойини ўзгартирмай ҳаммолни дуо қилди:

— Бало кўрмагин...

¹ Б о б у — соҳиби илм, жаноб.

БИР РУҲ ЮЗ МИНГ ТАНАГА КИРАДИ

Гурандиттий ёки, қисқаси, Гурӯ жуда ҳам содда эди. Ахир қайнанаси билан қайнэгачиси ҳам уни содда деганларидан кейин, яна нимаси қолди. Бирор қўшни билан айтишиб, бирор жанжал бўлиб қолса, бунга қайнанаси билан қайнэгачиси сабабчи бўларди, Гурӯга ҳеч алоқаси бўлмасди.

Гурӯ турмушга чиққанда анча ёшга бориб қолган, аниқроғи, ўн саккизга тўлган эди. Шунинг учун тўйдан кейин одатдагидек бир неча муддат ота-онаси бағрида турмай, янги уйга жўнаб кета қолган эди. Тушган жойи бадавлаттгина эди. Маҳаллада энг катта уй Гурӯнинг қайнатасиники эди. Бу уйнинг ҳовлисида иккита қўтос боғлоғлиқ турса ҳам, анча жой ортиб қоларди.

Гурӯ келин бўлиб тахтиравонда қайнатасиникига келганида, эшикда чолғучилар уч хил чолғу асбобида куй чалиб, уни қарши олган эдилар. Баланд айвон устида сурнай чалингти. Унинг ёнида ногора билан нарсинга¹. Бир томонда инглиз чолғулари. Катта мушакбозлик бўлган эди. Уйдагиларнинг ҳаммасининг эгнида қимматбаҳо ранг-баранг шойи либослар. Ҳатто уйдаги ит Бенийни ҳам эгари чиройли ҳошияли шойи билан безатишган. Гурӯ бу итни әгалари жуда яхши кўришларини дарров фаҳмлади.

Онаси туфайли Гурӯ динга қаттиқ эътиқод қиласди. У эсини таниши биланоқ тангри Вишнунинг юзта номини ёдлаб олган эди. Барча худо ва авлиёларнинг номини зўр эътиқод билан дилига жо қилган эди.

Ёшлик чоғиданоқ онаси унга, эрга тегиб, қайнатанг-

¹ Нарсинга — қайрилган, карнасимон чолғу асбоби.

никига борганингдан кейин қайната-қайнанангнинг, қайниларингнинг кўнглини олиб, хизматини қилиш сенга ҳам қарз, ҳам фарз бўлади, деб таълим бериб келган эди.

Гурӯ қайнатасиникига келиши биланоқ онасининг ўйтитларига амал қилиб, уйдагиларнинг ҳаммасига хизмат қилишни ўзига фарз деб билди. Қайнатаси Лаъляжий дўконни ёпиб, уйга қайтиб келди дегунча, Гурӯ дарров ҳовлига тўқима чорпояни қўйиб, устига шолча ёзади. Ўз қўли билан сув қуиб, бир мис тоғорада у кишининг оёқларини ювдиради. Кейин эса сувини янгилаб, сархонасига тамаки солиб, чилимни у кишининг чорпояси ёнига қўяди. Эрталаб ҳам қайнатаси ўрнидан туриб, йўталиб-йўталиб ҳовлига чиқди дегунча бир идиш ва дотун¹ олиб, қўлига сув қуишишга ҳозир бўлиб турарди. Бундан бўшагандан кейин дарров чилимни янгилаб тайёр қиласди. Кечаси қайнатаси ўрнига ётгач, Гурӯ унинг оёқларини уқалаб қўярди. Унда ор-номус шундай зўр эдики, ҳовлида айланисиб, у-бу ишни қилаётганда ҳамма вақт сорийсининг уни бошидан бир қарич юзига тушиб турарди. На қайнатаси, на ён-веридаги қўшни кексалардан биронтаси унинг чурқ этган овозини эшитар эди. Қозон-товоқ билан шуғулланиш, қўтосларга қарап билан бир қаторда, у уйнинг суюкли ити Бенийга ҳам жуда ғамхўрллик қиласди.

Уйда Бенийга бўлган меҳр-муҳаббат ва иззат-эҳтиромларнинг сирини Гурӯга қайнанаси билан қайнэгачиси айтиб берган эди. Воқеа бундай эди. Гурӯнинг бу уйга келишидан ўн икки-ўн уч ой муқаддам унинг катта қайнанаси, яъни Лаъляжийнинг онаси вафот этган эди. Ўша вақтгача покизаликни ҳар нарсадан устун билувчи барча ҳиндулар сингари Лаъляжий ҳам ҳовлига ит киришига ҳеч тоқат қила олмасди. Мабодо кўча эшик очиқ қолиб, маҳалладаги итлардан биронтаси ҳовлига кириб қолгудек бўлса, бақириб-чақириб, таёқ билан қувиб чиқариларди.

Лаъляжий кекса онасини жуда ҳурмат қиласди. Унинг отаси Читтармал ҳам уни жуда қадрларди. Бунинг сабаби бор эди. Читтармал уйланмасдан илгари

¹ Дотун — жаросимқуш нийм дарахти новдасидан кесиб олинган мисвок.

бу оиланинг аҳволи оғирроқ эди. Рўзгорни тебратиш учун Читтармал, отаси — иккови баззозлик қилишарди; бутун газмолларини орқасига ортмоқлаб, харидор қидириб қишлоқма-қишлоқ саргардон бўлиб юришарди. Читтармал уйланиб, шу хотин, яъни ҳозирги Лаълажийнинг онаси шу уйга келди-ю, бу хонадоннинг иши юришиб кетди. Шунинг учун Читтармал, бу хотиннинг пойқадами билан уйимга баҳт маъбудаси келди, деб уни бошида олиб юради.

Лаълажийнинг отаси Читтармал вафот этиб кетган эди. Бирдан онасининг меҳр-шафқатидан ҳам маҳрум бўлиб қолди ва бу жудоликдан юрак-бағри эзилиб оқди. У онасининг оёқларига бош қўйиб, хўп йиғлади. Лекин бежон жасадни қачонгача уйда олиб ўтиради? Уни олиб бориб ўтга топшириш лозим эди.

Лаълажий икки ўғлини ёнига олиб, маҳалла-кўйдаги эркаклар билан бирга онанинг жасадини кўтариб, шмшонга¹ кетган эди. Ҳовлида хотин-халажлар жаннати онани хотирлаб, қий-чув йифи қилишмоқда. Кўча эшик очиқ. Шу пайт бирдан бир ургочи ит дард талвасасида хилватроқ жой қидириб, очиқ эшикдан йўлакка кирди-ю, бир бурчакка жойлашиб олди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора, ҳеч ким йўлакка қарагани ҳам, у итни кўргани ҳам йўқ.

Кечки пайт Лаълажий она жасадини ўтга топшириб, шмшонга борган маҳалла-кўй, азиз-ақраболар билан бирга уйга қайтиб келди-да, ичкарига кирмасдан, эшик олдида турганича миннатдорчилик билдириб, хайр-хўш қилиб, ҳамма одамларни кузатди. Кейинostona ҳатлаб шундай йўлакка кириши билан бурчакда бир эски, йиртиқ бўйра устида ўтирган итга кўзи тушди. Юраги ғам билан эзилган ва ўпкаси тўлиб турган эди. Шунинг учун рухсатсиз йўлакка кириб олган итни уриб-сўкиб ҳайдаб чиқаришга тили бормади.

Лаълажийнинг қараб турганини кўриб, ит раҳмашафқат тиловчи қўзларини унга тикиди-да, «Мана қара, аҳволим жуда танг» дегандек оёқларини кўтариб, фарзандини унга кўрсатди.

¹ Шмшон — ҳинду мазҳабидагилар одатига кўра марҳумни дарё ё сой бўйига олиб бориб куйдирадилар ва кулини сувга ташлайдилар.

Лаълажий ҳозиргина шмшондан қайтиб келган эди. Юраги дунёнинг бебақолиги, раҳм-шафқат туйғулари билан тўлиб-тошган эди. Чунончи, ҳозиргина кўзи ёриган бир итнинг раҳм-шафқат тилаб турганини кўриб, унинг юраги эзилиб кетди. У итни қувлаб юбориши у ёқда турсин, аксинча, бир идишда сут олдириб келиб, унинг олдига қўйдирди. Иттифоқни қарангки, ит фақат биттагина бола туқсан экан, у ҳам урғочи.

Ҳозиргина «бола» туғилган уй бўлгани учун Лаълажий чорпояда ўтира олмас эди. Чунончи, у бир хонанинг полини ювдирди-да, кичиккина палос солиб, ўшанинг устига чўзилди ва дунёнинг бебақолиги, туғилиш, ўлиш, қайта туғилиш каби нарсаларни ўйлаб кетди. Ҳар сафар «қайта туғилганимда ўша онамнинг ўзи менга яна она бўлсин» деб худодан тилар эди у. Шу пайт бирдан хаёлига келиб қолди: «Ҳар бир руҳ саксон тўрт лакҳ танага кўчади. Онамнинг руҳи шулардан қайси бирига киаркин?» Шу хаёл билан бирга, худди чақмоқ чаққандек, тўсатдан яна бир фикр миясига келиб қолди: «Мен ҳозиргина онамнинг бир танасини шмшонга олиб бориб ташлаб келдим. Эҳтимол у кишининг руҳи бошқа бир танада яна уйимга кириб келгандир!» Ит деган одатда бирданига учта, тўртта, бешта бола туғади. Лекин бундан битта бола туғилди, у ҳам қиз. Шу фикр келиши билан Лаълажий лип этиб ўринидан турди-да, дарров хотинининг олдига бориб, шу гапларни унга уқтириди.

Лаълажийнинг кўнгли йўлакда ётган она ит ва унинг фарзандига нисбатан меҳр-шафқат ва иззат-икром ҳислари билан тўлиб-тошди. Қиши кунлари эди. Лаълажий бир эски одеялни икки қаватлаб, итни ўшанга ўраб қўйди. Эрталаб, кечқурун — кунига икки маҳал сутга нон тўғраб итга едириладиган ва унинг олдига бир идишда топ-тоза сув қўйиб қўйиладиган бўлди.

Лаълажийнинг уйида кунига икки маҳал кандасиз нону сут еб-ичиб туриб ҳам она ит ўзининг табиий одатини ташлаёлмади. Тез-тез кўчага чиқиб дайдиб келарди. Бу нарса Лаълажийга ёқмасди. Шунинг учун боласи сал ўзини тутиб, у ёқ-бу ёққа елиб-

¹ Ҳиндуларнинг этиқодича одам руҳи ўлмайди, балки бошқа бир инсон ё ҳайвон жисмига ўтади. Гуноҳи кўп банда руҳи қайта туғилишида эшак, тўнгиз ё бошқа ҳайвон жисмига жо бўлади. (*Муҳаррир*.)

югурадиган ва ўз ҳолига овқат ейдиган бўлувди ҳамики, Лаълажий она итни ўша бебошлиги туфайли уйдан ҳайдаб юборди ва боласи Бенийни боғлаб қўйди.

Бенийга у кишининг меҳр-муҳаббати ва ҳурмати ортиб бораверди. Уни ёз кунлари муздек сув билан, қишида эса илиқ сув билан кунда чўмилтириб турilarди. Унга алоҳида сочиқ ҳам тутиб қўйилган эди. Уйда нимаики овқат қилинса, даставвал Бенийнинг олдига келарди. У еса ерди, емаса йўқ. Бирор янги мева бозорга чиқиб, уйга келса, ундан ҳам Бений ўз насибасини албатта оларди. Туғилган кунидан бошлаб ўргатилгани туфайли Бений ҳам гўштсиз овқат билан қаноатланишга одатланган эди. Олдига тўртта олмами, анбаҳми, сабзими, кўк ловиями — нима қўйилса, озми-кўпми индамай еяверарди. Уйдагилар Бенийни қўлидан келганича парваришлаб эъзозларди-ю, лекин у бир ҳуқуқдан маҳрум эди, яъни Лаълажийнинг иззат-обрўли хонадонидаги барча аёллар сингари Бений ҳам остона ҳатлаб кўчага чиқа олмас эди. Чунки ҳар нарса бўлганда ҳам ит эмасми? Кўчага чиқса, ахлат-пахлатларга тумшуғини тиқиши ёки ифлос-иркит итларга қўшилиб ўйнаши турган гап.

Гурўнинг қайнанаси Бенийнинг бутун тарихини ва унинг уйдаги мавқеини айтиб, унга тушунтириб қўйган эди: «Одам қайта-қайта дунёга келиб, нимаики яхши-ёмон иш қиласа, ўшанинг роҳат-азобини кўради. Одамнинг қилмишига қараб худо унга тана беради. Бир танадан чиққан руҳ саксон тўрт лакҳ танадан бирига кўчиб қайта дунёга келади. У одам шаклида келадими дунёга, бирор бошқа шаклдами — бу худонинг иродасига боғлиқ».

Чунончи, Гурў Бенийга, яъни қайнанасига ҳурмат билан қаарди. Уйдаги қўтосларга ем бериш, уларни ювиб-тараш, кўчага олиб чиқиб айлантириш — бу ишларнинг ҳаммаси хизматкорга топширилган эди. Лекин Бенийга нон-сут бериш, уни чўмилтиришни Гурў ўз устига олган бўлиб, бу ишларни у катта шавқ ва эътиқод билан қиласарди. Гурў Бенийга овқат беришдан олдин унинг мис товоғини кул билан ювиб қатронларди. Унинг олдига қўйилган сувга қарға-парға тумшуғини тиқиб кетса ёки дараҳтдан биронта барг-парг тушиб қолса, сувни тўкиб ташлаб, янги сув олиб келиб қўярди.

Гурӯнинг шу уйга келганига олти ой бўлган эди. Шу вақт ичида у лоақал бир марта ҳам Бений ҳолидан хабар олмай қолган куни йўқ. Бенийнинг овози чиқди дегунча дарров олдига югуриб бориб эҳтиёжи ни англарди. Ноябрь ойи бошланган эди.

Уйда Девалий, яъни чарогонлик байрамига тайёр гарлик қилинмоқда эди. Гурӯ қайнанаси билан майдачуда ишларни қиласарди. Ўша куни Бений эрталабдан бери вовилларди. Ҳадеб занжирини тортқилаб, эшикка қараб толпинарди. Гурӯ бунинг сабабини тушунолмай ҳайрон бўлди. Бенийнинг вовиллашини эшитса, олдига келиб уни силаб-сийпаб кетади. Пешиндан кейин Гурӯ қатирма қилиш учун қозонга ёғ солиб қўйиб, ҳамир қилаётган эди, Бений яна безовталаниб вовиллаб қолди. Гурӯ қўли банд бўлгани учун ундан хабар олишга ошиқмади. Лекин Бенийнинг ҳуриши кучайгандан кейин қўлининг ҳамир юқиси билан ўрнидан туриб, Бенийга қарагани кетди. Келиб қарасаки, каттакон бир ит юзига ёпиб қўйилган кўча эшикни тумшуғи билан очиб кирибди-да, думини гажак қилиб, кўкракларини кериб, Бенийга томон келяпти, Бений эса ҳурганича унга интиляпти.

Гурӯ шундай каттакон итни кўриб қўрқиб кетди. «Вой!» деб жонҳолатда кетига қайтди. Ўчоқ бошига кириб йўғон бир таёқни олиб Бенийни ҳимоя қилиш учун югарди. Келиб қарайдики, Бенийнинг келгинди итга бўлган туйфуси ўзгариб қолипти. Иккови тумшуғига тумшуғини тирааб бир-бирини исказ туривди. Бений думини гажак қилиб, келгинди итга меҳр-муҳаббат изҳор қиляпти, у эса қўлинини Бенийнинг елкасига қўйиб уни силаб-сийпаяпти. Гурӯ уялиб кетиб, дарров юзини ўғирди-ю, бошидаги сорий учини яна пастроққа тушириб, орқасига қайтди. Кета туриб «Менга қара!» деган овозни эшитиб орқасига, эшик томонга қаради. Қараса қўшнисининг келини Ромпёрий кириб келяпти. Ромпёрий Гурӯнинг юзига парда қилиб олганини кўриб секин сўради:

— Ҳа? Лаълажий уйдаларми дейман, а?

Гурӯ ҳамир юқи қўллари билан юзидағи пардасини тортиб яна ҳам пастроқ тушириди-да, кейин ниҳоят шарм-ҳаё билан илжайиб, Бений турган тарафга ишора қилиб, деди:

— Катта «лаъла» келганлар.

Ромпёрий ҳайрон бўлиб, қошлари чимирилди.

— Нима деяпсан ўзинг?— деди у кўрсаткич бар-
могини лабига қўйиб.

Гурў юзини пана қилиб енгилгина илжайиб унга
уқтириди:

— Ўртоқжон, биласанми, одам ўлгандан кейин,
унинг руҳи саксон тўрт лакҳ шаклдан қайси бири
менга тегаркин деб сарсон бўлиб юрармиш. Уни қай-
си бир шаклга киритиш худонинг қўлида эмиш.—
Ромпёрий бу гапни эшитиб қиқирлаб қулди ва хандон
отишга ҳозирланиб чуқур нафас олди. Кейин Гурў-
нинг қайнанасини чақириб, овозининг борича
бақириди:

— Ҳой! Бу ёққа чиқинг! Бир эшитинг келини-
нгизнинг гапини.

Қайнанаси ташқари чиқиб, келинининг гапидан
хабардор бўлгач, уни уришиб берди:

— Ҳа, гапинг бошингда қолсин. Бу ўлгурга ҳеч
ақл битмади-битмади-да!

Гурў маъсум кўзларини қайнанасига тикиб деди:

— Вой, ойи! Ўзингиз айтгандингиз-ку, саксон
тўрт лакҳ...

— Бор-э, оғзи бузуқ! Эшшак!..— Қайнанаси яна
баттарроқ уришиб берди.

Гурўнинг гапини қўшни аёллар эшитиб, кулавериб
ичаги узилай деди «Вой ўлмасам! Бечора, ҳақиқатан
ҳам жуда содда-я»,— дерди ҳаммаси.

ҲАСАДДАН НАЖОТ

Нурҳасан ҳар қанча хурсанд бўлса арзиди: темир йўл депосида бегалва хизмати, уйида дилбар хотини бор. У Буллу Чаудрийга қарашли ҳовлининг ярмисида истиқомат қиласди. Ҳовли ўзи тор бўлишига қарамай, ўртасидан бир ғишт қалинликда одам бўйи баравар девор уни иккига ажратган. Ҳеч ким билан олди-берди йўқ. Эрталаб ишга кетади, кечқурун ишдан қайтиб келиб уйида дам олади.

У хотини Саодатга оқ бурқа¹ тикириб берган. Дам олиш кунлари уни бурқа ёпинтириб сайдаги олиб чиқади. Бирон мева ёки ширинлик ёқиб қолса, хотин эрига ишора қиласди-да, ўзи нарироқда кутиб турар, Нурҳасан бориб у мева ёки ширинликни олиб келарди. Уйга бориб уни иккаласи бирга баҳам кўришарди. Булар бари оллонинг марҳамати-ю, тинч ишнинг шарофати эди! Гоҳо якшанбада Нурҳасан навбатчилик қилиб, ишхонада қолиб кетарди. Ҳар қандай тинч ишнинг шунаقا ўзига яраша ташвиши бўлади. Саодат шунисига ҳам шукур қиласди.

Туш пайти. Саодат чўимилиб бўлиб, болохонага чиқиб, офтобда ўтириб сочини тарамоқда. Ора-сира шишадек осмондаги ранг-баранг варракларга қараб қўяди. Қаршидаги уйнинг томида қўшни ҳинду аёллар бўйрага ўтириб олиб, барий² тайёрлашяпти. Саодат қишининг ёқимли офтобидан роҳатланиб соchlарини шошмасдан тараб, тароққа илинган соchlарини ҳам шошилмасдан олиб ташлайди. Бирдан унинг

¹ Бурқа — паранжининг бир тури.

² Барий — турли нарсалар қўшиб қовурилган; оқ и ўхорига ўхшаш бир хил овқат.

нигоҳи ўнг томондаги девор орқасидан қараб турган бир жуфт кўзга тушди. Дик этиб ўрнидан турди-да, қўрқиб ўзини ичкарига олди. Бир оздан кейин қайтиб телиб қараса, ҳалиги кўзлар ҳамон қараб турибди. Саодат бирорларнинг хотинига назар солган кишидан яхшилик чиқмаслигини биларди. Нияти бузукларнинг кўзи қандай бўлишини-ку, аниқ тасавур қилолмайди. Лекин бу кўзларда унга ҳеч қандай хунук аломат кўринмади. «Бўлмаса нега қарайди», деб кўнглидан ўтказди у. Ичкарига кириб, сочини орқасига чамбарак қилиб тугди-да, рўмолини бошига ташлаб олди. Кейин тароқдан чиқсан сочини хандақка ташлаш баҳонаси билан юқорига чиқиб, яна ўша томонга қаради. Кўзлар ҳамон тикилиб турарди, бироқ аввалгидек интизор ва изтироб билан, еб қўйгудек бўлиб эмас. Саодат қайтиб тушиб ўчоққа ўт ёқди ва овқатга уннаб кетди. У бу тарафда ҳеч қандай хотин кишининг яшамаслигини биларди, ўз кўзи билан кўрмаган ҳам эди.

Эри келгач, Саодат бу ҳақда гапириб ўтиришни эп кўрмади. Эримнинг кўнглига ғулғула солиб нима қиласман, деб ўйлади. Эртасига, инднинга у ерда ҳеч зор кўринмади. Бироқ тўртинчи куни девор устига ёпиб қўйилган белбоғ бирдан учиб, бу ёққа тушди. Саодат ҳайрон бўлди. Белбоғ қўшнисиники эди. Хафа бўлмасин, деб қоқиб-қоқиб тахлади-да, яна девор устига ташлаб қўйди, нарёққа қарагани ҳам йўқ. Кейин билса, ҳалиги бир жуфт кўз эрталаб соат тўққиз ва кечқурун бешларда қарап экан. «Менга нима?» деб ўйларди Саодат, лекин шундай бўлса ҳам ҳовлига чиқишдан олдин, тағин қараб турган бўлмасин, деб атрофга бир назар ташлаб оларди.

Бир куни ўша қўшниси бирдан салом бериб қолди. Саодат уялиб кетди. Кейин ўйлади: «Бунинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ-ку. Нимаси ёмон? Менга нима,— деди ичида,— эркак киши бўлсаям, содда одамга ўхшайди».

Нурҳасаннинг ишдан қайтиш вақти яқинлашгач, Саодат деразадан кўчага қараб эрини пойлаб ўтиради. Ўша куни эри негадир ҳаяллаб қолди. Бир вақт узоқдан эри кўринди, ҳассага таяниб оқсаб келяпти. Буни кўрди-ю, Саодатнинг юраги қиннидан чиқаёзди. У ўқдек ташқарига отилди.

— Шўрим қурсин! Нима бўлди сизга? — Шундай деди-ю, дарров эрининг қўлтиғига кирди. Унинг кўзларидан шашқатор ёш оқди. У эрини суяб юқорига олиб чиқди. Оғир темир тушиб кетиб, Нурҳасаннинг тиззаси қаттиқ лат еган эди. Лат еган жойи шишиб кетди. Саодат тун бўйи ўша ерига шўрпахта қўйиб чиқди. Вужудини малҳам қилмоқчидай эрининг тиззасини бағрига босиб, тонг отгунча мижжак қоқмади. Бироқ шиши бутун оёққа ёйилиб, Нурҳасан оёғини қимиранлатолмай қолди. У ташвишга тушиб қолди: ишхонага ариза бериб, бир неча кунга рухсат олиш керак. Лекин аризани ким олиб бориб беради? Дорини-ку Саодатнинг ўзи бурқа ёпиниб бориб, дўкондан олиб келиши мумкин.

Шунда Саодат бирдан айтиб қолди:

— Деворнинг нарёғида бир мусулмон оға туради. Ўшанга айтсак, олиб бориб берар. Шунга ҳам ташвишми?

Нурҳасан узоқ ўйлаб, ниҳоят ҳассасини таянганича девор олдига келди ва қўшнисини чақирди. Саломалик қилишди-да, вазиятни унга англаатди. Қўшниси ғамхўрлик билан деди:

— Сиз бориб ётаверинг. Ҳаммасини ўзим тўғрилайман.

Бирпасдан кейин пасгда эшик занжири шиқирлади. Саодат бурқасини ёпиниб пастга тушди-да, эшикни очди ва қўшниси ичкарига кирмасдан аввал югуриб юқорига чиқиб кетди.

Қўшнининг исми Ҳабиб эди. Ёши йигирма саккиз-үттизларда. Ўзи дилкаш бир йигит эди. У темир йўл муассасаларидан бирининг ходими эди. Аризани албатта етказажагини айтди. Сўнг дўкондан дори-дармон, бозордан сабзавот олиб келиб берди. Кечқурун кириб яна ҳол-аҳвол сўради. Шундай қилиб, ҳар куни икки-уч марта кириб хабар олиб турди. Саодат гоҳгоҳ «бу жуда одамшаванд экан, шу дамгача билмабмиз», деб кўнглидан ўтказиб қўярди.

Нурҳасаннинг аҳволи тобора оғирлашмоқда эди. Табиб беморни касалхонага олиб бориш зарурлигини айтди. Саодат, «фақир бир ишчини касалхонада ким ҳам сиғдиради» деб кўз ёши қилиб. Бироқ Ҳабиб инглиз тилини унча-мунча билар экан, бу иш ҳам хамирдан қил суургандек битди.

Нурҳасаннинг тиззаси операция қилинди.

Саодат ҳар куни эрига овқат пиширар, касалхонага Ҳабиб билан бирга бориб, бирга қайтиб келар эди. Иккалови бутун йўл бўйи чурқ этмас, салом-аликдан нарига ўтишмасди. Эр-хотин Ҳабибнинг самимийлигини мақтаб, унинг ҳаққига дуо қилишарди.

Ҳабиб овқатни уйда ўзи пишириб ерди. Саодатнинг унга раҳми келиб, бир куни йўлда бурқа ичидан сўраб қолди:

— Овқат пишираман деб қийналиб юрасизми? Яхшилиси, унингизни менга узатиб туринг, ўзим пишириб беравераман.

— Нима керак ташвиш қилиб... Ўзингиз бир аҳволда,— эътиroz билдириди Ҳабиб.

— Нима бўлибди. Ахир бизга озмунча яхшилик қиляпсизми.

Шу-шу Саодат Ҳабибнинг овқатини пишириб берадиган бўлди. Энди бурқанинг ҳам ҳожати қолмаган эди. Юпқа рўмолдан унинг юзи яққол кўриниб турар, Ҳабиб унинг жамолини тўйиб томоша қиларди.

Нурҳасаннинг тиззаси аста-секин тузала бошлади. Ийд, яъни ҳайит келди. Ҳабиб унга ширинлик, ҳўл мевалардан ҳайитлик олиб келиб берди. Уйда Саодат бошдан-оёқ ясаниб олган эди. Ҳабиб уни ҳайит муносабати билан муборакбод қилди:

— Салом! Ийд муборак бўлсин!

— Муборак! Барчамизга баравар бўлсин!— кулиб жавоб берди Саодат. У бир товоқ палов олиб келиб, Ҳабибнинг олдига қўйди ва «олинг» деди.

— Йўқ,— эътиroz билдириди Ҳабиб.

— Ха, нега?

— Шундоқ... ўзим.

— Ей қолинг. Бугун ийд-ку.

— Ахир ийдни нишонламаймизми?

— Э, оллоҳ!— деди Саодат уялиб,— бу бир урфа. Шундоқ ейверинг.

— Бўлмаса... мен кетдим.— Ҳабиб аразлади.

Саодатнинг олдида у ғоят маъсум ва оқкўнгил бўлниб кетди. Бунақа содда, софдил одамни Саодат умрида кўрмаган. У ноилож рози бўлди ва юзлари ўтдек ёниб, тик турди. Ҳабиб уни бағрига босди. Сўнг унинг пешанасидан ўпди. Саодат кўзларини юмди.

— Хафа бўлдингизми?— сўради Ҳабиб.

Саодат «йўқ» деб бош силкиди.

— Келинг, бирга овқатланайлик,— Ҳабиб уни дастурхонга таклиф қилди. Саодат иккиланди. Ҳабиб уни ўз ҳолига қўймагач, иккаласи бирга ўтириб паловни ея бошлиши. Шу кундан бошлаб Ҳабиб овқатни шу ерда Саодат билан бирга еб, кейин ўз уйига чиқиб кетадиган бўлди. Чиқиб кетишдан олдин бир соат ярим соат гаплашиб ўтиарди.

— Қозон-товоққа ўралишиб юргунча уйлансангиз бўлмайдими?— деб сўради бир куни Саодат ундан. Ҳабиб жавоб берди:

— Ҳеч кимим бўлмаса... На бисотим бор... Ким ҳам ёрдам берарди?

Саодатнинг раҳми келди. Унга кўпроқ меҳр қўйиб қолди. Энди унинг ёнидан соатлаб жилмай, мириқиб сұхбатлашарди.

Нурҳасан тузалиб, уйига қайтиб келди. Саодат худога минг қатла шукур қилиб, эрига узоқ умр тилади...

Ҳабиб ҳамон уларникига кириб-чиқиб турарди. Нурҳасан унинг яхши одамлигини биларди, бироқ битта қасамга ишониб бўладими!.. У хотинига, «бошқа жойга қўчиб кетамиз», деди.

— Бўйнимга арқон солиб судрасангиз ҳам, бу ердан кетмайман!— деб жавоб берди Саодат кутилмаганда.

— Бунақада мен сени талоқ қиласман. Ана ундан кейин тўрт томонинг қибла,— деди Нурҳасан кескин оҳангда.

Саодат жим қолди. У Нурҳасандан ажralишни-истамасди. Нурҳасаннинг ғазабдан кўзлари қонга тўлди. Тајаниб юрадиган ҳассаси билан Саодатни обдан савалади. Шунча калтак еб ҳам хотин чурқ этмади. Нурҳасан қаттиқ уқтириди:

— Энди девордан мўралаб гап қайтараркансан, сенинг ҳам каллангни оламан, ўйнашингнинг ҳам.

Энди Саодат ҳовлида ерга қараб юрадиган бўлди. Шу тахлитда у уч кунни ўтказди.

Нурҳасан навбатчилик қилиб ишхонада қолиб кетган пайтларда эшик қулфлоқ бўларди. Бундай пайтларда у ишдан ярим тунда қайтиб келарди.

Саодат томда хамирини қориб бўлиб, ўчай деб қолган оловга тугурт чақди. Шу он қадам товуши-

ни эшитиб, орқасига ўғирилди ва девор ёнида турган Ҳабибни кўрди. Ҳабиб тумор қилиб буқланган қоғозни Саодатнинг олдига ташлади-да, ўзи пастга тушиб кетди. Саодатнинг юраги гупиллаб ура бошлади. Бирпас қоғозни олишини ҳам, олмаслигини ҳам билмай турди. Ҳушини йиғиб олгач, қоғозни фонус ёруғига тутиб ўқий бошлади. Ҳабиб йирик-йирик ҳарфлар билан шундай деб ёзган эди: «Жоним Саодат! Золимсан. Уч кундан бери дийдорингни бир кўришга муштоқман. Йўлларингга қарайвериб кўзларим тешилди. Тун-оқшом мижжа қоқмай йўлингда интизорман, кошки кўрина қолсанг. Бугун сени кўрмасам, томоғимдан ўтгани ҳаром бўлсин, деб қасам ичдим. Сенинг девонанг Ҳабиб».

Саодат шошиб пастга қаради. Қараса, Ҳабиб чиндан ҳам икки кўзини шу томондан узмай қараб турибди. Саодат уни чақирди.

— Тентак! — деди Саодат. — Овқатингни есанг бўлмайдими? Айтдим-ку, иложим йўқ, деб. Бор, овқатлан.

— Овқатлан демасанг ҳам бўлади,— жавоб берди Ҳабиб.

— Нега?

— Овқат қилганим йўқ.

— Бўлмаса шошмай тур, мен олиб чиқиб бераман.

— Хўжайнинг қани?

— Тунги навбатчиликда қолган.

— Ундан бўлса, ўзим ўта қолай, бирпас ўтириб, қайтиб чиқаман.

Саодат бошини эгид рози бўлди. Ҳабиб бир сакраб девордан ошиб тушди. Саодат бир товоқда лўвия ва ликопчада нон келтириб унинг олдига қўйди. Ҳабиб биринчи луқмани оғзига солар экан, кўзи Саодатнинг пешанасидаги жароҳатга тушди.

— Нима қилди? — сўради у жароҳатни кўрсатиб.

Саодат бошини қуий солиб, жавоб берди:

— Эрим урди... — Сўнг пиқиллаб йиғлай бошлади.

Ҳабибнинг чайнагани оғзида қолди. Унинг ҳам кўзларида ёш қалқиди. Саодат овқатдан олиб Ҳабибга ошатди. Бироқ Ҳабибнинг томоғидан овқат ўтмасди. Иккови чорпояда ўтириб бир оз ҳасратлашишди. Сўнг бирга ётишди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди.

Бирдан зина ёқдан тақиллаган овоз эшитилиб қолди. Ҳабиб дик этиб ўрнидан турди-да, мушукдек бир сакраб девордан нарёққа ошиб тушди.

Саодатнинг ранги ва ҳолатини кўриб, Нурҳасан шубҳаланди.

— Ҳабиб келдими? — сўради у хотинидан. Соадат йиғлай бошлиди. Нурҳасан ўтирган жойида қўллари билан бошини чангаллади: нима қилиш керак?! Хотин кишини уришдан нима фойда? У умрида Саодатни бир марта ва охирги марта урган эди. Уни чин дилдан севар, хотинининг вафодорлигини унинг ўзи ҳам тан оларди. Бироқ лаънати ҳаёт!

— Ўзинг айт-чи, мен нима қилай, Саодат? — аянч бир оҳангда бўғилиб сўради Нурҳасан. Саодат ердан кўз узмай жавоб берди:

— Бу иллатни ҳаёт яратган, унинг табиби ҳам ҳаёт. Мен барибир ўламан. Ниятим заҳар ичиб ўлиш эди. Ўзимни ўлдирай десам, дўзах ўтида ёнишдан қўрқаман.

— Хўш? — Нурҳасан савол назари билан хотигига қаради. Саодат эрининг сёқларини қучоқлаб, деди:

— Қуръон ўқиб, мени қатл этинг! Тўғри жанната борай. Мен сизни ўша ерда кутаман.

Нурҳасан чуқур нафас олиб чорпояга чўзилди. Қўзларини шифтга тикди. Тонг отмоқда эди. Осмонга оппоқ тонг ёғдуси таралган бўлса ҳам, ҳали қуёшдан дарак йўқ. У узоқ кутди. Қуёшнинг заррин нурлари уй пештоқларига туша бошлиди. Нурҳасан оғир хўрсиниб ўрнидан турди. Унинг кўзлари икки дона тош соққадек қотиб қолган эди. Овози паст, аммо қатъий эшитиларди.

— Юваниб-тараниб тур, мен бозорга тушиб қайтаман, — деди у Саодатга қарамасдан ва зипиллаб чиқиб кетди. Саодат ҳам бир қарорга келди. У туриб, юваниб-таранди, ҳайитлик кўйлагини кийди. Сўнг томга чиқиб девор ёнига келди-да, Ҳабибни чақирди. овози мардонавор жарангларди, кўзлари ғолибона порларди.

— Севгилим! Кел қучоғимга. — Саодат Ҳабибининг бўйнидан қучоқлади. — Қўрқма, мен кетяпман. Насиб қилса, учрапармиз.

— Қаёққа? — Ҳабиб ҳайрон бўлиб сўради.

— Ў дунёга... Ҳасад ва иллатлардан холи дунёга!

Саодат Ҳабибнинг бошини сийнасига босиб эркалади, пешонасидан ўпди ва деди:

— Хайр! Алвидо!

Улар ажралишди. Ҳабиб бир оз ўйланиб турди-да, бир нарсани англагандек кўчага отилди.

Бир вақт Нурҳасан қайтиб келди. Саодат девор ёнидаги чорпояга жойнамозни солиб қўйган эди. Қуръонни бошига қўйиб, ётди. Нурҳасан чўнтагидан ҳозир чархлатиб келган наштарини олди ва калима келтира бошлади. Калима келтирганича, қалт-қалт титраётган қўлидаги наштарни секин Саодатнинг томоғига олиб борди. Саодат кўзларини юмди. Зум ўтмай қон тизиллаб отила бошлади. Саодат типирчиларди. У бармоғини отилаётган қонига ботириб олиб, минг машаққат билан деворга қинғир-қийшиқ қилиб «Ҳабиб» деб ёзди. Иккинчи қўлини эрининг елкасига қўйди-да, уни ўзи томон энгаштириб, пешонасидан ўпди.

Пастда зинада шовқин кўтарилди. Кучли зарбдан эшик зулфи шарақлаб узилиб тушди. Бир зумда Саодат ётган чорпоя атрофида Ҳабиб ва бир неча полициячилар пайдо бўлди. Саодат кўзини очди. Полициячи ундан қотилни сўрарди. Нурҳасан наштарни тутганича бир чеккада турибди. Унинг ранги бўздек оқариб кетган. Саодат бармоғи билан ўзини кўрсатди. Полициячи наштарни Нурҳасаннинг қўлида кўриб, таажжубланди ва яна сўради:

— Бўлмаса наштар нега унинг қўлида?

Саодатнинг лаблари қимирлади, бироқ сас-садо чиқмади.

— Уни сенинг қўлингдан олдими? — сўради полициячи Саодатдан. Жавоб ўрнига Саодатнинг кўзлари бир юмилди-ю, қайтиб очилмади.

бер-
атлаб,

айб бу-
тганларда.
хонага олиб

ХАЙР, ИШҚ ДАРДИ!

Масурий шаҳрининг пастқам кўчаларидан бири, Рикшаларнинг кети узилмайди. Ора-чора пиёдалар кўзга ташланади. Пастга тушаётганлар қанотларини ёзиб, эҳтиёт бўлиб боришимоқда, юқорига кетаётгандарнинг эса ҳаллослаб, ўпкаси кекирдагига келган. Рикша қўнғироқлари ва ғилдиракларидан чиқкан шовқин билан рикшачиларнинг «ҳай-ҳайи» қулоқни қоматга келтиради. Ҳаммаси қора терга тушиб, овозининг борича бақиради:

— Ҳўй, эҳтиёт бўлинг, бобу!.. Пўшт!.. Ҳой, тезроқ юрсанг-чи! Үнгроққа ол!..

Бир рикшада девдай-девдай икки йигит ўтирибди. Озғин, қотма бир рикшачи икковини судраб келяпти. Йигитлардан бири тезроқ юр, деб дам-бадам дўқ уради. Рикшачи бечоранинг нафаси оғзига тикилган, тезроқ юришга мадори йўқ. Дўқ уриб келаётган йигитнинг тоқати тоқ бўлди:

— Ранжит! Тушдик, оғайни. Бундан пиёда юрганимиз яхши. Бу ёғи баландлик. Бу тортолмайди ҳам.

Ранжит пинагини бузмади.

— Тортади,— деди у оғайнисига. Ҷейин рикшачига ўдагайлади:

— Ҳўй, рикшачи! Жонинг борми? Юрсанг-чи!

Рикшачи ҳансираਬ, йўл оғир, баландлик, деб тушунтиromoқчи бўлди. Лекин улар қулоқ солмади.

— Э оғайни, қўй шу дардисарни. Бунга гап уқтиргунча...

— Пиёда юриб бўладими, Кеший,— деди Ранжит,— тупроқни кўрмаяпсанми? Сабр қил, бирпасда етамиз. Ўзингдан ўтди, шунака нимжонини оласан-

ми?— Сўнг рикшачига қараб дўқ қилди:— Тезроқ юрмасанг, бизлар тушиб кетамиз.

Ранжитнинг гапи Кешийдан ўтиб кетди, у ҳам заҳрини рикшачига сочди.

— Ҳў! Тезроқ юрасанми, ё...

Рикшачи бор кучини ишга солди. Рикша бирдан ўнгга бурилиб, каттакон қоя тошга урилди. Рикшачи ииқилиб, чўзилиб қолди. Бир зумда бошқа рикшачилар етиб келди ва уни суюб сал кўтаришди. Биттаси унинг кўкрагига қулоқ қўйиб тинглади:

— Юраги уряпти. Эй, Рамиё! Тез сув олиб кел!

Ранжит бурнини қийшайтириб Кешийга қаради ва ташвишли оҳангда деди:

— Энди нима бўлди? Бу исқиртлар билан иш битмайди. Вақт кетяпти. Бўш рикша учармикин? Мана-ви плаш билан тенинс ракеткаларини ким кўтаради?

— Кел энди, пиёда кетамиз,— деди ҳафсаласи пир бўлиб Кеший. Бироқ Ранжитни пиёда юришга кўндиrolмади. Орқадан етиб келган бир рикшага чиқиб олишди. Шу пайт орқадан «Жаноб, пулни тўлаб кетмайсизми?» деган овоз эшишилди. Бу йиқилган рикшачининг шерикларидан бирининг овози эди.

— Қанақа пул? Вақтимизни бекорга олганларинггами? Пул йўқ!— Кескин жавоб қилди йигитлар. Рикша жўнаб кетди.

Беҳуш ётган рикшачини одамлар қуршаб олганлар эдилар. Бир йўловчи суриштириди.

— Йиқилиб тушди, жаноб... Нафаси қайтиб...— кимдир жавоб берди. Ҳалиги киши рикшачининг устуга энгашди.

— Нафас... оляпти,— деди у.— Сув беринглар. Нега оғзидан қон оқяпти?

— Тошга урилди, жаноб...

Бошқа бир йўловчи рикшачиларни койиб, деди:

— Ўзларинг касофатсанлар! Арава судраш ҳайвоннинг иши эмасми?

— Жаноб, тирикчилик...— деб маъюс жавоб берди бир рикшачи. Учинчи бир йўловчи уни қувватлаб, деди:

— Буларда нима айб, биродар? Ҳамма айб буларни ҳайвон ўрнида ишлатиб фойда олаётганларда.

Тўпланганлардан бири ярадорни касалхонага олиб бориш керак, деб қолди.

— Синҳа, сен олиб бора қол,— деб илтимос қилди ўша киши.

— Касалхонага?— истеҳзо билан жавоб берди Синҳа.— Қанақа касалхонага? Одамлар касалхонасигами ё ҳайвонлар касалхонасигами?..— Ҳи... иккаласига ҳам қабул қилмаса-чи?— Шундай деб у орқасига бурилиб мунгли хиргойи қилганича йўлида давом этди:

Эй фалак, қалби пора-пора бизни яратдинг,
Жонимиз олмай туриб дўзах қаърига отдинг.

Тенис ўйини тугаб, томошабинлар клуб қаршиси-даги майдонда чой ичмоқда. Атроф ғала-ғовур. Бир қизнинг қўнғироқдек овози жарангларди:

— Лили, сени кутавериб, чойни ҳам совутиб қўйдик.

— Кечирасизлар, бир минут. Опам келиптилар, бир оз гаплашиб олайлик,— деб жавоб берди Лили. Аллақаерда граммофон куйларди:

Ўтди умрим бевафо,
Аммо ёрдам йўқ пайғом.
Чекканим қайғу жафо
Қачон бўларкин тамом?

Лили қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди ва деди:

— Бўлди! Бўлди! Тамом бўлди: Келди! Итнинг ҳурганини ва қўнғироқ овозини эшитиб, Лили дарвоза олдига чопиб келди. Ранжит билан Қеший рикшадан тушиб бу ёқса келаётган эди. Ранжит икки рупияни рикша ўринидигига ташлади. Рикшачи бахшиш сўраган эди, жеркиб берди:

— Ярим рупия олдинг, бўлди-да. Кўзларинг мунча оч бўлмаса.

Йиқилган рикшачининг пулинин сўраб шу ергача келган шериги оёғини тираб туриб олди.

— Ярим йўлда қолдирганга пул йўқ!— тўнглик билан жавоб берди Ранжит. Қеший нафратланиб деди:

— Қанақа бадбахтсан ўзинг? У ёқда биттанг ўлиб ётибди-ю, сен бўлсанг бу ёқда пул дардида юрибсан.

— Жаноб! У ёқда у ўлиб ётса, бу ёқда унинг пули унмаса...— деб бўш келмади рикшачи.

Лилининг кексайиб қолган отаси ҳам шу ерда ўтирган эди. У қўлини қулогига қўйиб, сўради:

— Ким ўлди? Қандай қилиб?

Ранжит ҳеч нима бўлмагандек жавоб берди:

— Бир рикшачи нафаси сиқилиб, ҳушдан кетибди, холос. Шунга ҳам ота гўри қозихонами?

— Рикшачи...— ўзича такрорлади чол гапнинг тагига етмоқчидек. Сўнг рикшачидан сўради:

— Сенинг шеригингми?

Ранжит ундан олдин жавоб берди:

— Ҳа. Қўрмайсизми бу очкўзларни. Ўзи зўрга оёқда турибди-ю, рикша ҳайдармиш. Пул деб бирорларнинг вақтини бекорга олади, холос, бадбахтлар. Кеший ҳам рикшачини койиб берди:

— Ўшандан бошқа рикшачи қуриб кетганмиди? Тузукрогини топиб келсанг бўлмасмиди? Нақ қирқ беш минут кетибди-я!

— Вой-бў... Қирқ беш минут?— Лили орага суқилди.— Биз кутубхонадан шу ергача пиёда ўттиз беш минутда келдик-ку. Ранжит акамлар эса рикшада қирқ беш минут юришибди... Ана оворагарчилигу...— Кеший Лилининг гапларига эътибор қилмади.

— Етиб келгунимизча тенис ҳам тугаб бўпти,— деди у афсусланиб,— неча кундан бери тузуккина машқ қилиш ҳам йўқ. Баданлар латтадек бўшашиб кетди.

Кимдир гап қотди:

— Китоб бозоридан шу ергача пиёда юрилса, машқнинг ҳожати йўқ.

— Юриш бошқа, машқ / бошқа...— ижирғаниб деди Ранжит.— Кўчада санқиб юришдан нима фойда?..

Бу гаплар чолнинг қулогига кирмади. У кўзлари ни юмди-да: «Э худо, одамни миниб йўл юргунимча омонатингни тезроқ олгин-да», деб илтижо қилди. Шу дамгача жим турган Шаши бирдан кўкрагини чанглалаб ичкарига йўналди. Ранжит саросимага тушиб, сўради:

— Нима гап? Тенис чарчатган шекилли?

Лили оҳиста жавоб берди:

— Билмайсизми, юраги ожиз. Тунов куни мушук каптарга текканда ҳам ҳушидан кетаёзган эди.

Ранжит можарони тинчитмоқчи бўлиб ригшачига юзланди.

— Ма, ол,— деди у жеркиб.— Беш рупия. Бошилизни кўп қотирмагин-да, гумдон бўл!..

Кечки чойдан кейин ҳамма тарқалгач, Ранжит билан Шаши қалин дараҳтлар орасидан чиқиб, очиқ майдондаги эшакка бориб ўтиришди. Ойдин кеча, Ҳамма ёқ сув қўйгандек жимжит. Йигит орадаги сукунатни бузиб, деди:

— Шаши, нега жимсан?

— Нима дей?.. Сиз гапиринг,— жавоб берди қиз.

— Мен... Ҳамма гапни айтиб бўлдим. Сен ҳам бир нима де.

Шаши бошини қуи солиб ўтиради,

— Чарчадингизми?— сўради у Ранжитдан.

— Нималар деяпсан, Шаши? Орзуларимни айтиб чарчайманми? Орзудек ширин нарса бўлмайди. Бироқ кўп кутиш керак бўлади.

Аллақаёқда қўшиқ янграрди:

Умри жовидон дедим, тўрт кунлик ато этдинг,

Ҳажрга ошино ҳам дардга мубтало этдинг.

— Эшитяпсанми, Шаши! Ҳамма жойда ишқ дарди... мендаги дард...— деди кулиб Ранжит.— Наҳотки умрим шу дард билан ўтиб кетаверса?..

Шаши хира уфққа тикилиб чуқур нафас олди. Сўнг деди:

— Ишқ дарди... Мен қалбимда жуда катта орзу туғилишини ва унга эришишимни истайман. Майдага орзу-ҳаваслардан нима фойда? Бир куни улар тугайди-да, кишини боши берк кўчага олиб кириб қўяди.

Ранжит ҳам чуқур нафас олиб, деди:

— Бироқ менинг оразум ғоят улкан орзу. Шу орзум ушалиб, сўнг ўлсам, розийдим. Бундан хафа бўлмасдим. Чунки ҳаётим ўша орзу йўлида қурбон бўларди-да. Менга шунинг ўзи кифоя. Бироқ ҳаётдаги насибам ҳажру ғам экан, иложим қанчалик.

— «Ҳажру ғам!..» қандай яхши бу сўзлар, Ранжит! Шу туфайли навқирон умрлар хазон бўлади. Ишонасанми, сенинг ҳарбий хизматдалик чоғларинг-

да эшик оғзида почтачини пойлайвериб кўзларим тўрт бўларди. Овқатга минг чақиришсин, бари беҳуда. Гоҳ соатга қарапдим, гоҳ дараҳтларнинг қуюқ соясиға. Кута-кута, хат келмагач, уйга кириб ўзимни чорпояга ташлардим, кўрпага мукка тушиб олиб, йиглардим. Қандай ширин дамлар эди ўша дамлар...

Ранжитнинг вужудини қувонч ҳисси қамради:

— Хўш, у ёғи-чи? — энтикиб сўради у.

— Нонушта чоғида дастурхон тепасида бўлмасдим. Ошпазимиз чойимни хонага қўйиб кетарди. Мен чойни идиш-пидиши билан деразадан боққа улоқтиардим.

— Хўш, кейин? — Ранжит қизнинг оғзидан кўз узмасди.

— Сўнг боғбон билан отбоқарнинг болалари уни талашарди. Орага уларнинг оналари келиб суқиларди. Шундан кейин кўринг қий-чувни.

Ранжит тутақиб кетиб, деди:

— Эҳ! Мол-да, мол!!! Кейин нима бўларди?

— Кейин мен «шулар ҳам ҳажру ғам лаззатидан тотиб кўрганда, эҳтимол, нон бурдаларидан воз кечармиди» деб ўйлаб қолардим.

— Қойил, Шаши! — деди Ранжит қаҳ-қаҳ уриб кулиб.— Жуда гапга устасан-да. Хўш, кейин нима бўларди?

Шаши давом этди:

— Оғам ҳар куни клубга кетиб, ярим кечада қайтиб келарди. У қайтиб келиб шундай хиргойи қиларди:

Жигарим ҳар пораси —
Қондир, недур чораси?
Сен Лайлисан, мен Мажнун,
Битгайми дил яраси?

Шунда бир қизнинг «келдингизми, жаноб» деган овози эшитиларди... Мен у қизни яхши танийман.

— Ким эди у? — қизиқиб сўради Ранжит.

— Кашмирлик ошпазимизнинг катта қизи.

Ранжит ҳайратдан кўзларини катта очиб «Ростданми?» деди. Жавоб ўрнига Шаши гапида давом этди:

— Оғам, «Насрин, ҳалигача уйғоқмисан? Нега хафасан? Кул, Насрин. Бир кул!» дерди.

— Ё тавба. Шаҳзоданинг ишқи қурбағага тушганмиш,— деди Ранжит ўзини тутолмай.— Хўш, кейин?

— Сўнг қоғоз пулнинг шитирлагани ва болани суйгандаги эркалатиш овозлари келарди. Тушундингми?— деди Шаши Ранжитга бир қараб. Ранжит азбаройи таажжубдан сонига шапатилаб уриб кулди-да, деди:

— Ў, азизим! Бу чинакам романтика-ку. Хўш, у ёги нима бўлди?

— Мен ҳажру ғамнинг давоси шу бўладиган бўлса, инсон ҳам, муҳаббат ҳам пулга сотилар эканда, деб ўйлардим.

Ранжитнинг юзи бирдан жиддийлашди. Сўнг жиддий оҳангда деди:

— Шаши. Лекин мен... мен сенинг йўлингда жонимни фидо...

Қиз унинг гапини кесиб қатъий деди:

— Сенинг йўлларингда эса беш рупиялик одам мурдаси ётибди.

Ранжит чўчиб тушди.

— Ту... тушунолмаяпман,— деди у тутилиб.

Шаши даст ўрнидан турди-да, уйга томон шахдам юриб кетди. Орқадан Ранжит жонҳолатда чақириб қолди:

— Ҳой. Қаёққа кетяпсан? Тўхта. Бир оғиз... Бир оғиз гапим бор.

Шаши қўл силтаб жавоб берди:

— Хайр, ишқ дарди...

ҚҮРҚОҚ КАШМИРЛИК

Ҳафза «бугун келади, эрта келади» деб ўн беш кундан бери ўзининг ўлиш кунини, яъни ажал билан олишув кунини орқага суриб келар эди.

Ажал Ҳафзага ўз темир чангалини солиш учун тоғлиқ сўқмоқлар бўйлаб икки кун йўл юриб, ўз оёғи билан келмайди. У шу пайтгача шунча олисдан ҳеч кимсани олиб кетгани келган эмас. Буни Ҳафза яхши билар эди. Ахпр, ўлим шунчалик муҳтож ва мискинмидики, ўнқир-чўнқир, илон изи тошлоқ сўқмоқлардан икки кун йўл юриб, товонларини шилиб, ўткир қиррали тошларни қони билан бўяб, ҳаллослаб, энтикиб Ҳафза каби камбағал йўқсилларни олиб кетиши учун келса?! Улим Ҳафзага ўхшаган бир камбағал-бечора эмас. Унинг сипоҳилари, отлари, милицилари бор. Шунинг учун Ҳафза сингари барча дехқонларнинг ўзлари ўша йўл азобларини тортиб, унинг ҳузурига боришлиари керак. Буни ҳам қўяверинг-а. Бундан ҳам катта яна бир нарса бор. У ҳам бўлса қисмат ёки худо. Тақдирдан қандай қутулиш мумкин? Бунинг атиги битта йўли бор. У ҳам бўлса ажалнинг ҳузурига бориб туриш. Бу ёғи худованди каримга боғлиқ.

Отасининг вафотидан сўнг ерга Ҳафза эга бўлиб қолди ва унинг солиғини ўзи тўлай бошлади. У ҳар доим Бўжийра патворхонасига¹ бориб, солиқни ўзи тўлаб келарди. Ҳафзанинг ери Ҳутса қишлоғида эди. Бу қишлоқ Бўййла вилоятига қаарарди. Бўййла вилояти эса Бўжийра патворхонасига қаарарди.

¹ Патворхона — қишлоқ аҳолисидан солиқ йигувчи маҳкамаси.

Фақат Ҳафзагина әмас, балки вилоятдаги барча деҳқонлар шу алғозда патворхонаға ўзлари бориб, солиқларини тұлаб келишарди. Ҳойнақой сиз сүрарсиз. «Бу далалар, бу ерлар деҳқонларникимиidi?» деб. «Ҳа» ҳам дейиш мумкин, «йўқ» ҳам. Яъни бунинг маъноси шуки, деҳқон хўжайинига, яъни маҳарожга¹ қарам экан, ер солиғи патворхона ҳазинасига йигила-вераркан, ер деҳқонники, ҳосил маҳарожники.

Бу ерларни маҳарож ўзи ҳеч кўрмаган. Ҳатто унинг отаси катта маҳарож ҳам кўрмаган. Бўййладаги энг кекса деҳқон ҳам маҳарожнинг бу ерга бирон марта келганини эслай олмайди. Бўйийра патворхонасида патворий тҳакур² Гажжар Синҳ ҳукмронлик қилади. У ҳам Ҳутса қишлоғини кўрмаган. Гажжар Синҳдан олдин бу вилоядаги унинг отаси оқсоқоллик қилган. Ҳутса қишлоғини у ҳам ҳеч қачон кўрмаган. Аммо ҳариталарда ва патворхона қофозларида Ҳутса қишлоғининг номи қайд қилинган. Ҳутса қишлоғи ҳаритасига баланд тоғлар ён бағрида жойлашган Ҳафза Ҳомид ўғлиниң ерлари ҳам кирган. Бу ерларнинг экин майдони олти гҳума³. Баҳорги ва қузги ҳосилга олти ярим руний солиқ солинади. Солиқ эса Бўййрадаги патвохона ҳазинасига тушади. Агар Ҳафза солиқни вақтида олиб бориб тұлаб туаркан, ер маҳарож инояти билан Ҳафза ихтиёрида.

«Борди-ю, деҳқонлар Бўйийрага бориб, солиғини тұламаса, нима бўлади?» Бундай савол мазкур вилоятнинг деҳқонларидан бирортасининг ҳам миясига келмаган. Миясига келгандა ҳам нима бўларди? Шундай катта бир хўжайн иссиқ ўрнидан қўзғалиб, Ҳутса қишлоғига борармиди? Бундай воқеадан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Солиқни тұлай олмаган тақдирда Ҳафза каби деҳқонлар ўзлари патворхонаға қараб йўл олишарди-ю, у ерда жазо олишга ҳамда тавбатазарру қилишга тайёр бўлиб туришарди. Патворийнинг амри билан солиқ тұлашга қурби етмаган деҳқонларнинг ерлари тортиб олинади. Агар бошқа бир деҳқон назр берса, ер дарров унинг номига ўтиб қоларди. Акс ҳолда, ер бекор қолиб кетарди.

¹ Маҳарож — улуг рожа.

² Тҳакур — заминдор, бой.

³ Гҳума — битта ҳўқиз билан бир кунда ҳайдаш мумкин бўлган ер майдони, тахминан 0,2 гектарга баравар.

Бирорта дәҳқон агар солиқни тўлай олмай қолса, патворийнинг ҳукми билан қоровул унинг бутун молмулкини тортиб оларди-да, «ким ошди»га сотиб, пулини солиқ ҳисобига Бўжийра хазинасиға олиб бориб берарди. Агар икки дәҳқон ўртасида бирор нарсадан жанжал чиқиб, бири иккинчисини ўлдириб қўйса, ўшанда ҳам қотил ўзи Бўжийрага бориб, мен шундай қилдим, деб хабар берарди ва патворий соҳибининг қамоқхонасиға тушарди.

Бўжийра даҳасида қишлоқ кам. Шу сабабли қонун-қоидалар ҳам кам. Бу ерда суд, маъмурият, фалон-пистонлар алоҳида-алоҳида әмас. Давлат ишларининг ҳаммасини битта патворийнинг ўзи бошқарверарди. Давлат ишлари у ерда давлатнинг куч-қудратига әмас, балки унинг нуфузига, одамларнинг унга ишонишига асосланган. Гарҳвол ва Алмўранинг¹ тоғлиқ районларида ҳам аҳвол шу.

Ҳафза ерига нўхат экиб, бутун йил мобайнода бир мартаба ҳосил оларди. Олган ҳосили ҳам ўзидан ортмасди. Солиқни эса қўйларнинг жунини сотиб тўларди. У жунни тўққиз мил² нарида яшайдиган Сирийчанд деган бир судхўрга олиб бориб сотарди-да, олти ярим рупия³ ер солигини Бўжийрага тўлаб келарди.

Минг тўққиз юз қирқ бешинчи йили Ҳафзанинг қўйларига қирон келди: ўн тўрт қўйдан ўн иккитаси ўлди. Келаси йили эса Ҳафза ичиш учун туз тополмади. Натижада бола-чақасининг оғзига ел тушиб кетди. Ушанда Ҳафзанинг хотини Мушкий уйдаги тўрт ярим рупия жамғармадан ўгринча эллик пайсанини олиб, туз сотиб олди. Хотинининг бу «нодонлигини» билиб, Ҳафзанинг фифони фалакка кўтарилди.

Хотинини-ку роса дўппослади, лекин нима фойда? Бўлар иш бўлди. Қолган пулни олиб Ҳафза солиқни тўлаш учун Бўжийрага борди. Патворийга хўп ялиниб ёлворди. Патворий икки рупия пора олиб, муддатини узайтириб берди, яъни келаси йили икки йилнигини бир қилиб тўлайсан, деди.

¹ Гарҳвол ва Алмўра — шаҳарнинг номи.

² 1 мил — 1852 м.

³ 1 рупия — 12 тийинга баробар Ҳиндистон пул бирлиги.

Бироқ турган гапки, ҳаром ўлган қўйлар келгуси йили қайта тирилмади. Болалар яп-яланғоч. Уларда пҳиран¹ у ёқда турсин, ҳатто салла учун мато йўқ. Ҳафзанинг ўзининг кўйлаги ҳам илма-тешик бўлиб кетган. Қишида ҳамма ёқ қор билан қопланганда, эрхотин, иккала боласи тезак ёқиб, олов атрофида давра қуриб ўтиришди. Тезак яллиғига муттасил тобланавериб, уларнинг кўкрак ва қорин терплари товонининг териси каби чиникиб кетган.

Мушкийнинг уч йил бурун кийган пҳиранни шу қадар илма-тешик бўлиб кетган эдикси, и gnaga яроқли жойи қолмаганди. Бечора уйдан эшикка чиқолмасди. Лекин бориб сув-пув олиб келишга мажбур эди.

Байсокҳ² бошланитши билан Ҳафза ўзининг худо марҳамати билан омон қолган иккала қўйи, тўрт қўзисини судхўр Сирийчандга топширишга мажбур бўлди.

Ҳафза қўйларни солиққа атаб кўзининг қорачигидай сақлаб ўтирган эди. Лекин банданинг айтгани эмас, балки ҳудонинг хоҳлагани бўлади. Ҳар ким пенонасига ёзилганини кўради. Чунончи Ҳафза қўйларини сотиб, хотинига кўйлаклик бир мато олиб келди. Ҳар қалай хотин киши... Лекин солиқ тўлаш кунини ҳам орқага суришнинг иложи бўлмади.

Ўн беш кундан бери Ҳафза бугун, эрта; бугун эрта, деб Бўжийрага боришини орқага суриб келарди. Бисотида атиги икки ярим рупия пул қолган эди. У қўшни деҳқонлардан ёки ўша Сирийчанд судхўрдан қарз олишга хўп уриниб кўрди, бироқ ҳеч ким унга илтифот қилмади. Қўшниси Содийда пул бор эди. Унинг девдай-девдай икки ўғли ҳар йили Панжобга бориб ишлаб, пул топиб келарди. Содий Ҳафзага қарз берса бўларди. Аммо унинг режаси бошқайди. У патврхона амалдорларига пора бериб, Ҳафзанинг ерини ўз номига ўтказиб олмоқчи эди. У бадбахт шу кунни сабрсизлик билан кутмоқда эди. Ҳар йили Ҳафза Содийдан омоч, қўш ҳўқиз олиб, ерини ҳайдарди. Бунинг эвазига унга керагидан ортиқча ғалла берар-

¹ Пҳиран — каашмирликларнинг этаги ерга тегадиган узун кенг қўйлаги.

² Байсокҳ — ҳинидий йилининг биринчи оїси. Аирель — май ойларига тўғри келади.

ди. Шундай бўлса ҳам Содий «Омочимни синдириб қўйибсан, ҳўқизларимни ориқлатиб қўйибсан»,— деб нолигани-нолиган эди. Бу ҳам майли-я, ким кўринганга: «Ҳўш ҳўқизимни, омочимни шунча ишлатиб, ҳеч нима бермади»,— деб шикоят қиласади.

Ўн беш кундан бери Бўжийра патворхонасига бугун бораман, эртага бораман деб ўзини овутарди-ю, лекин ичини ит тирнарди. Чунки солиқни тўлашга пул йўқми, бас, ер қўлдан кетди деявер. Ер қўлдан кетдими, тепаликдан юмалаб сойга тушиб кетган тош нима-ю, Ҳафза нима? Унда қандай бўлади? Иккала боласи билан хотинини олиб қаерга боради?

Ўн беш кундан бери тинмай ўйлайди, лекин бирор нажот тополмайди. Лекин начора! Унинг Бўжийрага бормай иложи йўқ. Пешанасида нима ёзилган бўлса, ўшани кўради. Нима қилса, жудонинг ўзи билади.

Ҳафза эгнидаги қирқамоқ жулдор кўйлагини каноп билан боғлаб-соғлаб бир эпга келтирди-да, бўйни эгилганича Бўжийрага қараб йўл олди. Мушкий кўз ёшларини арта-арта кулбасининг эшигида қаққайиб кузатиб қолди.

Теварак-атрофдаги тоғлар кумуш ранг либос кийиб, ложувард осмонга гердайиб қараб турарди. Дарахтлар барг-гулларга бурканган. Чор атрофда табиат ўзининг мислсиз хусн-латофатини кўз-кўз қилиб турибди. Лекин Ҳафзага ҳеч нарса татимайди. Қорни ўлгудек оч, қалбида ғам-алам. Ўзини худди ўлимга кетаётгандек ҳис қиляпти.

Охири Ҳафза патворхонага ҳам етиб келди. Лекин ичкарига киришга ботинолмай, анчагача икки қаватли улкан бинонинг эшиги олдида оёқ-қўли қалтираб, қаққайиб туриб қолди.

Охири ичкарига кирди. Қишлоғини айтган эди, патворий шунча кундан бери қаерда қочиб юрувдинг, деб уни қаттиқ сўқди. Кейин у чўнтағидаги атиги икки ярим руниягина пулни чиқариб, патворийнинг олдига қўймоқчи бўлган эди ҳамки, патворийнинг кўзлари косасидан чиқиб тепа сочи тикка бўлиб кетди.

Ҳафза кўп ялиниб-ёлворди. «Патворий соҳиб, ўзлари менга раҳм-шафқат қилсинлар, бўлмаса шўрим қурийди»— деб турарди ичида. Лекин Ҳафзага ўхшаганларининг ҳалоллиги ва ялиниб-ёлворишлари

пул эмаски, уни патворий солиқ олдим деб, давлат хазинасига солиб қўйса.

Патворий қоровулга, бунинг оёқ-қўлларини боғлаб, ҳовлидаги ёнғоқнинг тагига ўтказиб қўй, деб буюрди. Ҳафзанинг Замон номли бир ҳамқишилоги ҳам солиқни тўлаш учун бу ерга келган эди. Патворий унга: «Ҳафзанинг хотинини бу воқеадан хабардор қилиб қўй. У солиқ ҳақини тўлаб, эрини қутқариб олиб кетсин. Борди-ю, унинг пули бўлмаса, хоҳласа истаган деҳқон патворхонага пул келтириб бериб Ҳафза ерини ўз номига ўтказиб олсин», — деди.

Тун ўз қора тўрини ер юзига ёйди. Ёнғоқ тагида ўтирган, қўллари боғлиқ Ҳафза ғужанак бўлиб ўтириб, тиззаларини кўйлаги билан ёпишга уринди. Кўйлак этаги йиртилиб-сиртилиб тушиб кетган эди, тиззалари бекилмади. У кўзларини юмиб, худо деб ўтираверди.

Кун ботиши биланоқ изғирин кучайди. Бора-бора, Ҳафзанинг кўйлаги юпқа ва чиркин бўлгани учун, баданига игнадек санчила бошлади. Ҳафза кўзларини чирт юмиб олишга уринарди, аммо тўхтовсиз изғирин унинг кўзларини очиб юборарди.

Совуқни унутиш учун у патворхонанинг ёпиқ деразаларидан кўриниб турган чироққа кўзларини тикди.

Патворхонада одатда тўртта дўғра¹ соқчи галмагалдан соқчилик қиласиди. Навбатчи соқчи, эгнида — шинел, қўлида миљтиқ — айвонга битта чорпоя олиб чиқди-да, унинг тагига манқалда олов қўйди. Кейин чорпояга ўтириб олиб ҳомуза торта бошлади.

Патворхона ичидаги чироқ ўчди. Ҳафзанинг уйқу қочган кўзлари соқчининг чорпояси тагидаги манқалда эди. Гоҳо-гоҳо кўзини узиб, тепасидаги дараҳтнинг қалин барглари орасидан кўриниб турган юлдузларга қараб қўярди. Юлдузлар ҳам унга найзанинг учи каби совуқ туюларди. Манқалдаги қайноқ чўғлар қаерда-ю, бу юлдузлар қаерда? Қани энди ўша чўғлар унинг кафтида бўлса ёки унинг кўйлагининг ичига кириб қолса!..

¹ Дўғра — Хиндистонда яшайдиган непалликларни шундай деб аташади.

Ўтиравериш соқчининг жонига тегди чамаси, милигини чорпояга тираб қўйиб, манқалдан чўт олиб, чилимини тутатди. Тамакининг хушбўй ҳиди Ҳафзанинг димоғига келиб урилди. Унинг оғзининг суви келиб кетди. Қулт этиб тупугини ютди. Орқасини дарахтга тираб, кўзларини юмиб, «Эй худо!» деб қўйди ичидা.

Соқчи чилимни чекиб, мудрай бошлади. Шамол шиддат билан эсмоқда эди. Ҳафзанинг тепасидаги дарахтнинг барги худди сесканиб: «Ҳафза, ухла! Ухла...» деяётгандай бўларди.

Тўсатдан яқин ўртада жойлашган Паччҳим тепалиги томонидан кучли бир овоз эшитилди. У катта бир эчки подасининг пастга тушиб келаётгандаги овозини эслатарди. Ҳафза буни эшиди-ю, бироқ кўзларини очмасдан ўзига-ўзи деди: «Эчки подаси бўлса бўлар, менга нима?»

Шу пайт оёқ товуши яна авжига чиқди ва соқчининг ҳайқириғи эшитилди: «Ким у?»

Ҳафза кўзларини очиб, ўша томонга қаради. У томондан оломон ёпирилиб келмоқда эди. Соқчи айвондан чиқиб, оломонга бир назар ташлади-да, патворхонадаги бошқа соқчиларни огоҳлантирди:

— Патанлар! Патанлар!¹

Соқчи баландроқ овоз ҳам чиқаролмади. У милигини ўқлаб улгурмаган ҳам эдики, оломон унга қараб ўқ узди. Соқчи инграб ерга йиқилди.

Қўрқувдан Ҳафза тепасидаги шамолда ҳилпираётган барглар каби дир-дир титрарди.

— «Оллоҳу Акбар! Ё Али!»— каби наъралар барала эшитила бошлади. Оломон патворхонани ўраб олди. Ҳужумчилар қўлларида машъалларни ёндириб олди. Оломон ичидан бир нечта патан ва бир нечта кул — ранг мундир кийган сипоҳий бор эди. Патворхона ичидан бола-чақа, хотин-халаж ва эркакларнинг бақириув-чақириув овозлари эшитилди. Ҳужумчилар ёпиқ эшикларни милтиқ қўндоқлари билан уриб синдириди. Оломон хоналарга кириб кетди. Ҳар ер-ҳар ердан ўмариб олинган нарсаларни қўлтиқлари тагига қисиб милтиқ ушлаб олган патанлар ҳамда сипоҳийлар у ёқдан-бу ёққа чопарди. Кейин патворийнинг

¹ Патанлар — афғон қабиласи.

ва патворхонадаги аёлларнинг қўулларини орқасига қилиб боғлашди-да, ҳовлига олиб чиқишиди. «Ерга кўмилган пулларнинг қаердалигини айтиб берасанларми ё йўқми?» — деб уларни хўп савалашди.

Ҳафза қоронғида дараҳт танасига ёпишган ҳолда, қалтирай-қалтирай бу ҳодисани кўздан кечирарди. У ич-ичида тангридан мадад сўрарди:

— «Эй худованди карим! Ўзинг раҳм қилгин!»

Эркаклар ва қари хотинларни отиб ташлаш учун уларни машъаллар ёруғида Ҳафза боғлоғлик ёнғоқ дараҳти олдига олиб бориб, турғазиб қўйишиди. Ҳафзанинг юраги қинидан чиқиб кетай дерди. Сипоҳийлар ва патанлар машъаллар ёруғида уни кўриб қолишиди.

Патанлардан бири сўкиниб, «Қаранглар, бу ерга бир абллаҳ биқиниб олибди!» — деди.

Иккинчи патан уни худди ўтирган жойида нариги дунёга жўнатиб юбориш учун милтиқ оғзини Ҳафзага қаратди.

Биринчи патан ҳамроҳини тўхтатиб, «Унинг оёқ-қўуллари боғланган-ку!» — деди-да, Ҳафзадан сўради:

— «Кимсан ўзинг? Кофирмисан ё мусулмон?»

Қўрққанидан Ҳафзанинг пастки лунжи титрамоқда эди. Катта мashaққат билан тутила-тутила жавоб берди у:

— Мусулмонман!

— Қўулларингни ким боғлаб қўйди? — деб сўрашиди ундан.

Ҳафза ғулдиллаб-ғулдиллаб жавоб берди:

— Қўулларимни патворий бойлаттирган эди. Мен рожнинг маҳбусиман.

Оломон орасидан кимдир пичноқ билан чиқиб унга яқинлашиди. Ҳафза кўзларини чирт юмди. Ёелига туртки тушгандан сўнг Ҳафза дараҳт олдига бориб йиқилди. Шундан кейингина қўл-оёқларига боғланган арқонлар кесиб ташланганлиги унга маълум бўлди.

Кейин қўулларидан тортиб уни турғазиб қўйишиди ва битта ёниб турган машъални унинг қўлига тутқазишиди.

Ҳафза дир-дир титрар ва ичида «Эй худо! Ўзинг раҳм қилгин!» деб машъал кўтариб туарди. Сипо-

ҳийлар ва патанлар патворийни ва бошқа әркакларни ёнғоқ дарахти тагига бирга турғазиб қўйишди-да, кейин уларни отиб ташлаши. Ҳафза шамолда доздирастган қамиш чўпи каби ўз жойида қотиб туарди ва ҳадеб «Худоё тавба!.. Худоё тавба!» дерди.

Оломон ичидаги патанлар ва сипоҳийлардан баъзилари патворхона ичидаги, иккинчилари айвонда, қолганлари эса ёнғоқ тагида ўтириб олишди. Уларнинг милтиқлари елкаларига осилган ёки ётгандарнинг бошлари олдига, ёхуд қўл етадиган жойга қўйилган эди. Сипоҳийлар патворийнинг говмишини сўйиб гўштини қовуришга ва нон ёпишга киришишди. Ҳафза ўчиб бораётган машъални қўлида ушлаганича қаққайиб тураверди. Машъал ўчди ҳамки қоқсан қозикдай тураверди.

Овқатланиб ва чой ичиб бўлгандан кейин оломондаги кўпчилик кишилар уйқуга кетди. Озроғи олов олдида қоровуллик қилиб ўтири. Ҳафза ҳамон ўша алфозда туарди.

Эртасига оломонга яна бир қанча киши келиб қўшилди. Улар бешта хачир ва Ҳафзага ўхшаган ўнта кашмирлик дехқонни устига юк ортиб ўзи билан бирга олиб келган эди.

Кун чиқиши билан кўпчилик патанлар милтиқларини елкаларига осган ҳолда яқин-атрофдаги қишлоқларга йўл олишди. Бир неча киши милтиқларини тиззаларига тираганча посбонлик қилгани қолиши. Юк ташувчи кашмирлик дехқонларга хамир қориб, нон ёпишни буюришди. Ўчиб бўлган машъални бекорга кўтариб тургани сабабли Ҳафзани бўралаб сўкишиди-да, кейин унга «Ҳў анови сойдан сув олиб келтири», — деб буюришди. Сой патворхонадан чорак чақирим нарида оқарди. У темир хумчаларни елкасига қўйиб: «Ё худо! Ё худо!» деганича сувга кетди. Тушдан сўнг патанлар овқат еб, чой ичиб бўлишди ва Ҳафзага ҳам нон беришди. У қорнини тўйғазиб олди.

Кундузи патанларнинг бир гуруҳи патворхонадан шарқ томонга равона бўлди. Иккинчи гуруҳи эртаси куни эрталаб нонуштадан кейин жўнаб кетди. Бу гуруҳ иккита алоҳида хачир, бирга боғлаб юк ортилган еттига хачир ва ўн иккита кашмирлик дехқонни ҳам патворхонадан ўзи билан бирга олиб кетди.

Булар ичида Ҳафза ҳам бор эди. Уч патан хачирларни ва яна икки патан қулиларни¹ ҳайдаб борарди.

Йўлда учраган барча кулбалар ва дўконлар талангани ва вайрон этилган эди. Қишлоқлар ёндирилган эди. Энг олдинда бораётган гурӯҳ жуда кўп кишиларни отиб, уларнинг мол-мулкини талаб бормоқда эди. Ёш-ёш жувонлар ва қизлар дараҳтлар тагига бирга боғлаб ўтқазиб қўйилган ҳолда учради. Уларнинг чеҳралари кўз ёшлидан намланган ва қўрқувдан ундаи оқариб кетган эди. Ҳар гал уларни кўрганда Ҳафза «Ё тавба!» деб кўзларини чирт юмиб олар ва ичида «Эй, худо!» деб қўярди.

Учинчи куни устига юк ортилган хачирларнинг сони ўн иккитага ва қулиларнинг сони эса ўттизтага етди. Патврхонадан олинган иккита ва бошқа уч қишлоқдан йиғилган ўн икки аёл ҳам улар билан бирга эди. Устиларига ортилган юкнинг оғирлигидан қулилар бурнидан тортса йиқилгудай бўлиб бораарди. Ҳафзанинг устига унча оғир юк ортилмаган эди. Унинг елкасида фақат бир кичкина пулемёт бор эди. Аммо унга ҳаммадан олдиндаги гурӯҳ билан бирга елиб-югуриб боришга тўғри келарди.

Тўртинчи куни шарқ томондан қарши ҳужумга ўтувчилар отган ўқ овозлари эшитила бошлади. Уларнинг ҳужумини қайтариш тараддуидиа оломон тўхтаб қолди. Йигирмата патан устига юк ортилган ўнта хачир, ўттизта қули ва аёлларни ўзи билан бирга олиб иккинчи йўл бўйлаб кетишиди. Иккита хачир ўқдори ва икки қули пулемётларни ташиб учун урушувчи оломон ихтиёрида қолдирилди. Ана шу икки қулининг бири Ҳафза эди.

Кейин урушувчи оломон йўлдан четга чиқиб, ўрмонга яшириниб олди-да, олға томон юра бошлади. Оломондаги кишилар бешта-бешта, ўнта-ўнта бўлиб олиб, эҳтиёткорлик билан илгарилаб кетишмоқда эди. Шарқ томондан отилаётган ўқ овозлари яна ҳам баландроқ эшитила бошлади. Аҳён-аҳёнда бу тарафдагилар ҳам уч-тўрт ўқ узиб қўйишарди. Бир гал Ҳафза ўзи билан бирга кетаётган патан ва сипоҳийларнинг гурӯхи жойлашган тепалик орқасига яши-

¹ Қули — юк ташувчи, ҳаммол.

ринди. Унинг елкасидаги пулемётини бир баландлик панасига ўрнатилди-да, ундан рӯпарадаги теналикка ўқ ёғдирила бошлади. Пулемётдан узлуксиз отилаётган ўқлар момақалдироқ овозини эслатарди. Бир зумда юзларча ўқ пулемётдан чиқиб кетарди. Ҳафзанинг қулоқлари кар бўлиб қолди. Шундан сўнг пулемётни яна Ҳафзанинг елкасига ортишди. У бечора қўрқувнинг зўридан болдирлари қалтираб борарди. Агар у тез юролмаса, орқасига милтиқ қўндоғи билан туртиб қўйишарди. Фақат милтиқ қўндоғи ва сўкишнинг ўзигина кифоя қилмас эди. Истаган бир вақтда унинг ўнг келган ерига пичоқ санчилиши мумкин эди. Ҳафзанинг чап ёнида бораётган патан унинг белига пичноқ тираб, шундай гап бўлиши мумкинлиги ни тушунтириб қўйган эди.

Ҳафзани ўртага олиб кетаётган патан ва сипоҳийлар кичкина дара бўйлаб пусиб борарди.

Тўсатдан бир неча ўқ ўнг ва чап томондан келиб, қояларга тегди. Отишма натижасида икки патан ўқ еб йиқилди.

Иккала томондан кўриниб турган дарахтлар ортидан жуда кўп сипоҳийлар, худди жўжалар тўдасига бургут чанг солгандек, патанлар устига келиб ёпирилди. Ҳафза пулемётни орқалаганича йиқилиб тушди ва пулемёт уни босиб қолди.

Ҳафзани икки қўлтиғидан ушлаб тик тургазиб қўйишди. Энди у пулемётнинг оғир юқидан халос бўлган эди. Бу сипоҳийлар ҳам аввалгиларга ўхшарди, бироқ буларнинг бош кийимлари бошқача эди.

Ҳафзанинг қўлларини яна орқасига қилиб боғлаб қўйишди. Янги сипоҳийлар патанларни, уларга ҳамроҳ бўлган сипоҳийларни ва Ҳафзани ҳайдаб олиб кетишиди. Бунчалик кўнгилсиз воқеалар Ҳафзанинг тушига ҳам кирмаган эди. Бундай воқеаларнинг узлуксиз давом этиши сабабли Ҳафза ерсолиги ҳақида гапни унутиб, энди бошқа бир нарса тўғрисида ўйлай бошлаган эди: «Сипоҳийлар, амалдорлар бирбири билаи урушмоқда. Мен бўлсан бир камбағал, бечора одамман. Ҳеч ким билан урушмайман. Шундай экан, нечук мени ўлдиришмоқчи?»

Сўқмоқ бўйлаб бир оз йўл юргач, сипоҳийлар ^{бандилар} билан бирга кўчага чиқиб олишди. Ҳафза ^{ҳайдарон} энди: «Ие, нима гап ўзи?» Бу сипоҳийлар ^{барча}

кишиларни ғилдираклар устига ўрнатилган ўйчага ўтқазиб қўйишиди. Уйча кучли гуриллаган овоз чиқариб чопиб кетди. Ҳафза ўйлай бошлади: «Ана шунисини айтса керак-да, ҳаптомобил деб».

Ҳафзани бир ҳарбий лагерга олиб боришиди. Ҳар томонда мундир кийган сипоҳийлар турарди. Ундан кашмирча шевада савол сўрашиди. У бу тилни жуда ёмон биларди. Натижада сипоҳийларда шундай шубҳа туғилди: «Бу — босқинчиларнинг ҳамтовоғи. Буни сир сақламоқда». Сўнгра Ҳафзани бошқа бандилар қатори милтиқ найзалари остида Сринагарга¹ жўннатиб юборишиди.

Сринагардаги ҳарбий қамоқхонада Ҳафзани қайтадан сўроқлашди. У аввалги жавобини қайтарди. «Е худо, ер солиғини тўлай олмаганим сабабли рожка мени банди қилиб қўйган эди. Ё худо, энди қайтадан рожага банди бўлдим, ё худо!» Миллий Конгресснинг² кўнгилли аскари унга тушунтириди:

— Агар сен ўз мамлакатингга ҳужум қилувчи душман билан урушсанг, сени озод қилиб юборишиади.

Ҳафза бошини чайқаб «йўқ» деган ишорани қилди ва деди:

— Ким билан урушаман? Ё худо, мен бир камбағал одамман. Камбағал деҳқон ҳеч ким билан урушмайди. Патан қўлида милтиғи бор...

— Сен урушсанг, сенга ҳам милтиқ берилади,— деб кўнгилли аскар Ҳафзага далда берди.

Ҳафза яна бошини чайқаб «йўқ» деган жавобини берди:

— Йўқ, хўжайин, мен ҳеч ким билан урушмайман. Мен бир камбағал одамман. Мен милтиқдан жуда қўрқаман.

Кўнгилли аскарнинг жаҳли чиқиб кетди. У Ҳафза олдида ер депсиниб деди:

— Хўш, нима учун урушмайсан? Сен ўз мамлакатингни тортиб олмоқчи бўлган душман билан нима учун урушмайсан? Нима, сен кашмирлик әмасмисан?

Ҳафза кашмирликлигига иқрор бўлди.

¹ Сринагар — Кашмир пойтахти.

² Миллий Конгресс — 1885 йил ташкил топган Ҳиндистон Миллий Конгресси, ҳозир Конгресс Ҳиндистоннинг етакчи партияси.

— Бўлмаса, ўз Қашмиринг, ўз еринг учун нима учун урушмайман дейсан? — Кўнгилли аскарнинг кўзлари қонга тўлиб кетди.

— Вой худойим-эй! Қашмир — рожаники. Ер ҳам рожаники,— дея қўрқа-писа жавоб берди Ҳафза.

— Рожа қочиб кетди! Энди Қашмир рожаники эмас. Ер рожаники эмас. Ер сенинг ўзингники. Қани, айт-чи, сен ўз еринг учун урушасанми ё йўқми,— деб кўнгилли Ҳафзани яна сўроқлади.

Ҳафзанинг эгилган бўйи тўғри бўлиб, нурсиз сўнган кўзлари қайтадан чақнаб кетди.

— Урушаман, тақсир! Албатта урушаман!

Кўнгилли аскар ачиниш ва ҳамдардлик билан унга қаради ва ғамгин овоз билан деди:

— Сен қандай урушасан?.. Ахир, сен милтиқдан қўрқасан-ку!

Ҳафза қувонч билан дик этиб ўрнидан турди. У қўлини кўтариб, баланд овоз билан эътиroz билдириди.

— Йўқ, йўқ! Қўрқмайман, тақсир! Милтиқ ҳам ушлайман. Урушаман! Агар милтиқ бўлмаса, таёқ билан урушаман! Тош билан урушаман!

Кўнгилли аскарнинг юзида мамнунлик ва қувонч аломати пайдо бўлди. Нега «қўрқоқ қашмирлик» деб уни ҳақорат қилганликларининг сабабини энди у тушуниб олди... Дарвоҷе, у ким учун урушсин? Унинг бисотида нима ҳам бор эдики, уни ҳимоя қилиб урушсин.

ШАҲАНШОҲНИНГ ОДИЛЛИГИ

Шаҳаншоҳ одил эди. Сарой аҳли бир куни унинг одиллигини жуда таъриф қилди. Бу таърифни эшитиб, шаҳаншоҳ шундай ҳузур қилдики, бир неча создан пайдо бўлувчи ёқимли куй тўлқинларида сузиш ҳам унга бунчалик ҳузур бажш эта олмасди. Қирмизи май тафти билан қонини қизитиб, Нуриҳарам бегимнинг кўзларидаги мовий осмон бағрида парвоз этганда ҳам бунчалик роҳат қилмасди. Шу мақтovдан у ўзини тенги йўқ бир улуғ зот ҳис қила бошлади. Шу олижаноб хислати туфайли бу дунёдан кетгандан кейин ҳам у одамларнинг дилига жо бўлиб қолади. Энди абадий яшайди.

Шаҳаншоҳ ўзи-ку одил эди. Лекин энди у яна ҳам одил бўлишга, тўла-тўқис адолат ўрнатишга аҳд қилди. Биронта ғариб-бенаво шаҳаншоҳ инсофидан маҳрум бўлиб қолмасин. Халқ нонга зор бўлса бўлсин, лекин инсофга зор бўлмасин. Ризқ бериш худонинг қўлида. Ҳақиқат қилиш эса подшоҳнинг иши. Худо ризқни берса берар, бермаса йўқ. Лекин подшо адолат кўрсатмай қўймайди. Шундай деб аҳд қилди у.

Инсоф-адолат бўлсин учун шаҳаншоҳ ҳар жойга қози, мулла, доруғаларни тайинлаб қўйган. Лекин шу қози, мулла, доруғалар ҳам ахир одам. Ўз фойдасини кўзлаш, ўз одамига ён босиш деган нарса шуларда ҳам бўлиши мумкин. У ҳолда халқ, фуқаро инсофни қаердан топади? Фуқарони қози, мулла, доруғаларнинг зулмидан халос қилиш подшога ҳам фарз, ҳам қарз. Лекин шаҳаншоҳга маълумки, оддий халқ-

нинг унинг ҳузурига етиб келиши амри маҳол. Чунки сарой дарвозасидан то подшоҳ таҳтигача юз-юз қуроли сарбозлар қиличини ялангочлаб турибди. Оддий халқ ўшаларининг олдидан ўтиб, подшоҳ ҳузурига қандай қилиб келсии? Шуни ўйлаб, шаҳаншоҳ: «Менинг оромгоҳим даричасига бир қўнғироқ осиб қўйилсин!» деб буйруқ берди. Бутун мамлакатга жар солинди: «Эй, халойиқ! Эшитмадим деманглар. Эшитганлар жилманглар. Соҳиби олам, шаҳаншоҳи муаззамнинг оромгоҳлари даричасига бир қўнғироқ осиб қўйилди. Кимда-ким шаҳаншоҳ ҳазратларидан одиллик тиламоқчи бўлса, шу қўнғироқни чалиб, у кишига арз-додини етказиши мумкин!».

Шаҳаншоҳнинг бу эълонини эшитиб, барча амалдорлару, қозилару, муллалару доругаларнинг кайфи учиб кетди. Ҳаммаси шаҳарнинг энг катта қозисининг олдига бориб: «Агар шаҳаншоҳ ҳазратларининг ўzlари адл-инсоф қиласидиган бўлсалар, бизларга нима иш қолади?»— деб фарёд қилишди.

Катта қози буни эшитиб илжайди, яъни қўл остидаги амалдорларнинг бефаросатлигини кўриб, кулгиси қистади.

— Ахир шаҳаншоҳнинг қўнғирогини чалдириш-чалдирмаслик кимнинг қўлида?— деди у.— Амалдорларнинг қўлида. Уни қўриқлаш кимнинг бурчи? Амалдорларнинг бурчи. У ёғини шундан билаверинглар.

Шаҳарнинг барча қозилари, муллалари, доругалари қозикалоннинг донишмандлигига қойил қолиб, ҳаммаси унинг олдида бош эгди.

Шаҳаншоҳнинг амри билан осилган адолат қўнғирогини қўриқлаш учун қуролли сарбозлар тайинлаб қўйилди. Шаҳаншоҳ ўз оромгоҳида малика Нуриҳарам қўйиб тутаётган роҳатижон қирмизи майни симириб, адолат қўнғирогининг чалинишини кутиб ётаверди. Кунлар ўтди, ҳафталар ўтди, ойлар ўтди. Адл-инсоф тилаб ҳеч ким қўнғироқни чалмади. Буни кўриб, шаҳаншоҳ, менинг мамлакатимда жабр-зулм ўйқ әкан, деб хотиржам бўлаверди.

Бир куни Будва кирларини ҳўқизига ортиб, кечқурун уйга қайтиб келди. Қун бўйи оғир меҳнат

қилиб жуда чарчаган эди, ҳўқизини олиб бориб боғлаб қўйиш ҳам эсидан чиқиб, тап этиб ўзини чорпояга ташлади-ю, ухлади-қолди. Ҳўқиз эса тўсатдан тегиб қолган эркинликнинг кайфини суриш учун боши оққан томонга қараб жўнади. У айланиб юриб, бозорга кириб қолди. Бир дўконнинг олдида шакарқамиш шиннисидан қилинганди хонаки қанд турган эди, бориб ўшанга тумшуғини урди. Баққол бу зулмни кўриб чидаб туролмади, ҳўқизнинг эгасининг гўрига ғишт қалаб, ҳўқизнинг орқасига таёқ билан боплаб икки-уч туширди. Ҳўқиз қочди. Диконглаб сал нарига борди-да, бир бойнинг отхонасига кирди. У ерда кўмкўк, баррагина ўт турган экан, бориб ўшани мазза қилиб тушира бошлади. Буни кўриб, бойнинг хизматкорлари югуриб келди-ю, уни қамчилар билан хўп зиёфат қилиб, тўғри йўлга солиб юборишиди.

Будва кирчининг ҳўқизи шу зайлда эркинликнинг мазасини тотиб айланиб юраверди. Баданида қамчину таёқларнинг изи қолаверди. Юриб-юриб ҳўқиз шаҳаншоҳнинг адолат қўнғироғи осилган жойга етиб келди. Қўнғироқни кўриб, хонаки каллақанд деб хаёл қилди шекилли, ўша томонга қараб йўл олди.

Адолат қўнғироғини қўриқловчи сарбозлар атрофда мудраб ўтирган эди. Уларнинг вазифаси қўнғироқни одамлардан қўриқлаш эди. Ҳайвонлардан уларнинг ҳеч шубҳаси йўқ эди.

Ҳўқиз, югуриб қўнғироқнинг олдига келди-ю, унга тумшуғини урди. Тумшуғи тегиши билан қўнғироқ жаранглаб кетди. Мудраб ўтирган соқчилар жон ҳолатда кўзини очиб қарашибди. Лекин энди бўлар иш бўлган эди. Адолат қўнғироғи чалинса, шаҳаншоҳга хабар бериш учун тайинлаб қўйилган маҳсус бир киши адолат даричаси тагида ўтирган эди, ўша киши қўнғироқнинг овозини эшигдиди-ю, шошиб сўради:

— Ким у шаҳаншоҳ ҳузурига адолат истаб келган? Уни шаҳаншоҳ ҳузурига олиб кирилсин.

Адолатли шаҳаншоҳ шаробнинг таъсири билан оқни оқ, қорани қора қилишга янада қаттиқроқ бел боғлаб, гандираклаб ўриидан турди. Шикоятчи киши ўрнига ҳузурига олиб кирилган ҳўқизни кўриб у бир оз ажабланди. Қўзларини ишқалаб яхшилаб қаради. Дарҳақиқат ҳўқиз! Лекин шаҳаншоҳнинг эсига келиб

қолди: ахир одамлар сингари мамлакатдаги ҳайвонлар ҳам соҳиби оламнинг фуқароси-ку. Уларниң ҳам ахир додига етиш керак. Чунончи, шаҳаншоҳ ҳўқизга амр қилди:

— Қани айт, нима арзинг бор?

Ҳўқиздан садо чиқмагач, шаҳаншоҳ ўйлади: ахир ҳўқизнинг тил-забони йўқ-ку. Безабонларнинг дардими тушуниш шаҳаншоҳнинг вазифаси. Чунончи, у яна кўзларини очиб, ҳўқизга разм солди.

Қараса, ҳўқизнинг аъзойи бадани таёқ-қамчи излари билан қопланган. Чунончи, у ҳўқизнинг инсофтилаб келганининг сабабини тушунди.

Шаҳаншоҳ шаҳар миршабхонаси бошлиғига ҳўқиз эгасини дарҳол топиб келишни буюрди. Миршабхона бошлиғи эса ўз бурчини ғоят сидқидил билан адо этди ва Будва кирчини дарҳол тутиб келиб, шаҳаншоҳ олдига олиб кирди.

Подшо ҳазратлари айбдор Будва кирчига қараб деди:

— Сен ҳўқизингни жуда беражмлик билан урибсан. У менинг даргоҳимга арз қилиб келибди.

Кейин у шаҳар миршабхонаси бошлиғига буюрди: «Ҳўқизнинг танасида калтакнинг нечта изи бўлса, ҳўқиз эгасига ҳам шаҳар майдонида халойиқ олдида санаб туриб шунча дарра урилсин».

Бечора Будва бу ҳукмни эшишиб, титраб кетди. У дарҳол ерга бош уриб шаҳаншоҳга ёлворди:

— Шоҳим! Мен ҳўқизимга ҳеч озор берган эмасман. Гард юқса, ҳамма вақт гул билан артаман. Ҳўқизимни урганимни агар бирор кўрган бўлса, қани айтсин.

Айбдорнинг бу густохона эътиroz билдиришини кўриб шаҳаншоҳнинг жаҳли чиқди, лекин газабини ичига ютиб, деди:

— Э, нодон инсон! Шаҳаншоҳнинг адл-инсофига шак келтиришга журъат этганинг бизни ҳайрон қолдирди. Шаҳаншоҳ ҳукмининг одиллигига шак келтиришнинг ўзи фуқаро учун энг катта гуноҳ. Мамлакат молиги шахсан ўзи фуқаросини бирор нарсада айблар экан, ҳеч қандай гувоҳу далилга ўрин қолмайди. Шаҳаншоҳ сарбози сени ушлаб олиб келди. Шаҳаншоҳ сени жазога ҳукм этди. Бинобарин сен айбдорсан.

Шаҳар миршабхонасининг бошлиғи шаҳаншоҳнинг ҳукмини бажо келтирмоқ учун Будвани қўлларини боғлаб олиб кетди.

Шаҳаншоҳ оромгоҳига қайтиб келгач, малика Нуриҳарам шундай зудлик билан ишни бартараф қилгани учун шаҳаншоҳни табриклади. Шаҳаншоҳ малика қўлидан гулгун май тўла косани олар экан, хурсандлик билан деди:

— Маликам! Бизнинг давлатда одамлаг, у ёқда турсин, ҳатто ҳайвонларга ҳам тўла адолаг жўрсатилиди. Буни шу бугун ҳамма ўз кўзи билан кўрди.

Шундай деди-да, адолат ўрнатиш заҳматидан чарчаган, лекин ўзининг одиллигидан кўнгли тўлган шаҳаншоҳ бу бир коса шаробни ҳам симириб юборди.

О, БОЛАЛАРИ ТУШМАГУР-ЭЙ

Жўший соҳиб билан Мир соҳиб икковлари девордармиён қўшни. Иккала хонадон жуда аҳил. Икковлари ҳам катта одамлар. Аслида-ку бараҳманлар наздида жўшийлар ва мусулмонлар орасида сайидлар энг улуғ, энг тақвадор зот ҳисобланади. Лекин Жўший соҳиб билан Мир соҳиб икковларини катта одам дейишимизнинг сабаби бошқа. Жўший соҳиб бутун вилоятга донғи кетган адвокат, Мир соҳиб эса вилоятда ном чиқарган жарроҳ. Икковлари ҳам эркин хаёл кишилар. «Сен ҳиндур, мен мусулмон» деб дин талашиш, қозон-товоқдан нарига ўтмайди. Икковларининг ҳам дунёга қарашлари бутунлай янгича. Икковлари ҳам ўз болаларининг қуий табақага мансуб ирkit болаларга аралашувини ёқтиришмайди.

Шаҳарда ҳиндур болалар учун ҳам, мусулмон болалар учун ҳам алоҳида-алоҳида мактаблар бор. Лекин катта одамлар, озода ва одоб-ахлоқли бўлади, деб ўғил-қизларини одатда миссионерлар мактабида, яъни инглиз-христиан мактабларида ўқитишади. Чунки Ҳиндистонга одоб-ахлоқ, маданият олиб келган инглизлар бу ердан жўнаб кета туриб, шу «маданият» деган меросни ўзларининг диндошлари, яъни христианларга бериб кетганлар. Адвокат Жўший соҳиб олий зотли бараҳман, доктор Мир эса, Муҳаммад пайғамбар билан қоним бир, деб даъво қиласиди. Лекин иккови ҳам озодалик ва одоб-ахлоқнинг инглизча қоидаларини яхши кўради. Шунинг учун иккови ҳам болаларини миссионер мактабига берган.

Адвокат Жўшийнинг иккала қизи Нийлу билан Увша, доктор Мирнинг ўғли Банне билан қизи Нассу — тўрттови битта мактабда ўқишади.

Еши бир, синфдош, қўшни бўлгани туфайли Нийлу билан Нассу иккови бир-бири билан қалин ўртоқ бўлиб қолишган. Бутун Ҳиндистоннинг шу ёшдаги болалари каби булар ҳам қўғирчоқ ўйнашади. Иккови ҳам тахта яшикни латта-путта билан безаб, қўғирчоқларига уй қилиб олишган. Қачон қарасангиз тўй: қўғирчоқларини ҳали уйлантиряпти, ҳали эрга беряпти. Бири тўй эгаси, бири меҳмон. Икковининг ҳам эркак қўғирчоқлари бир хилда янгича, яъни инглизча кийим кийган. Аёлларининг кийим-бошида эса бир оз фарқ бор. Нийлунинг уч қизидан бири сорий ўраган, иккинчиси лаҳанга¹. Учинчисининг эгнида инглизча кўйлак. Нассунинг қўғирчоқ қизлари ҳам учаласи уч хил кийим кийган: бири шалвор-кўйлак, иккинчиси гарора², учинчиси инглизча кўйлак. Яъни Нийлунинг қўғирчоқ қизлари кўпроқ ҳиндучка кийинган, Нассуники эса кўпроқ мусулмонча кийим кийган. Лекин шундай бўлса ҳам иккала хонадоннинг қўғирчоқлари дин талашиб уришиб кетади деб шубҳа қилишга ҳеч ўрин ўйқ.

Иккала хонадоннинг ўғил-қизлари бир-биринига bemalol кириб-чиқиб юради. Ҳали бутун ҳовлини кезиб шовқин-тўполон қилаётган, ҳали коридор ё айвонни эгаллаб олган...

Доктор Мир кечқурунлари ҳаммасининг бирга ўйнаб юрган ё ўтирганини кўрса, олдига чақириб олади-да, иккита-иккита печенъени ўз қўли билан ҳар биттасига тишлиатиб, ўзининг кўнглини хуш қиласди. Қизларнинг қўғирчоғининг ҳол-аҳволини сўрайди. Қўғирчоқларга шоколад олиб келиб беришни ваъда қиласди. Лекин ваъдаси ҳеч эсда турмайди.

Доктор Мирнинг хотини ҳам шунаقا меҳрибон. Кечқурун овқат вақтида Нийлу билан Увша ҳам шу ерда бўлса, уларни ҳам албатта меҳмон қиласди. Ўз уйида пишган нарсаларни-ку беролмайди. Чунки Нийлу билан Увша бараҳман болалари. Мусулмоннинг уйида пишган нарсани еса, ҳалқи ҳаром бўлиши

¹ Л а ҳ а н г а — ҳиндуда аёлларининг лозими.

² Ф а р о р а — мусулмон аёллари киядиган узуи, кенг лозим.

мумкин. Шунинг учун ўз уйида пишган нарсани қўйиб, худонинг уйида пишган нарсалар билан: боғдан келган мева-чева, завод-фабрикадан чиқсан қандқурс билан уларни меҳмон қиласди. Бу нарсалар ҳиндуга ҳам бир, мусулмонга ҳам.

Лекин Жўшний соҳибнинг уйида бунаقا қаттиқ қоида йўқ. Чунки бараҳман ҳалқи ўзини дунёда энг покиза деб ҳисоблади. Уларнинг фикрича бараҳманнинг қўли теккан нарсадан ҳеч кимнинг ҳазар қилиши мумкин эмас. Лекин шундай бўлса ҳам, ҳар ҳолда бир нарсани ўйлаб қолинади. Гап шундаки, бараҳманларнинг ақидасига кўра, мис идиш ҳалол, чинни ёки шиша идиш ҳаром бўлади. Ёки бундай ҳам дейиш мумкин: мис идиш гёё ҳинду, бошқалар тегса, ҳаром бўлиб қолади; чинни ёки шиша идиш эса ўзи ҳаром. Нийлунинг ойиси билан бувиси ҳамма вақт ўзлик-ўзига мис идиш ишлатишади, чинни ёки шиша идишдан ҳазар қилишади. Чунончи, мусулмон ҳар қанча озода, ҳар қанча катта, унинг боласи ҳар қанча ёқимтой бўлмасин, барибир, ўзи овқат ейдиган идишда уларга овқат бериб бўлмайди. Бунинг ҳеч иложи йўқ. Бирор мусулмон ёки ачхутга¹ мис ё тунука идишда овқат берилса, уни кейин оловда куйдирив, қатронлашга тўғри келади. Чунончи, Нийлунинг онаси Нассу билан Беннега меҳрибон. Уларни ҳам ўзининг қизлари билан бирга ўтқазиб меҳмон қиласди, лекин шундай олдида мис идиш турган бўлса ҳам, уни қўйиб, бирор чинни ёки шиша идишда уларга овқат беради. Нийлунинг ойиси билан бувиси ўзлик-ўзи Нассу билан Бенненинг олдида ҳеч овқат ейишмайди. Болаларни алдаб-сулдаб ташқарига чиқарив юбориб, кейин овқатланишга ўтиришади. Чунки олий зот ҳиндуларнинг ейдиган овқатига паст зотли ҳиндуларнинг ёки мусулмонларнинг кўзи ҳам тушиши керак эмас: овқат ҳаром бўлиб қолади. Чунончи, Нийлу билан Увшага ойиси билан бувиси неча марта айтган:

— Ҳой тентақлар! Ошхона ўйнайдиган жой эмас. Банне билан Нассуни ошхона-ю ибодатхонага ҳеч

¹ А ч ҳ у т — таҳқирланган. Улар қўли теккан ё низари тушган нарса ҳаром бўлади. Юқори тоифадаги ҳиндулар улардан ҳазар қиласдилар,

олиб кирмаларинг. Мусулмонларни бунақа жойларга киритса ёмон бўлади. Шунга ҳам ақлларинг етмайдими?..

Болалар кўп нарсаларни дарров сезадиган, тушунадиган бўлади. Банне-ку энди беш ёшга кирган, убуга кўпда ақли етмайди. Лекин Нассу бирор янги нарса кўриб қолса ёки бирор янги гапни эшитиб қолса, кўзларини катта очиб, киприкларини кериб дарров ўйлаб қолади. Чунончи, бир кун бундай воқеа бўлди.

Нийлу ўз қўғирчоқларини бир-бири билан жуфтлаштиравериб зерикди шекилли, энди бир қўғирчогини Нассунинг қўғирчогига эрга беришга қарор қилди. Нассуни уйидан чақириб чиқди. Бу тўй, зиёфат-ку айвонда бўладиган эди. Ҳамма нарса ўша ерда тахт эди. Лекин яна бирор нарса керак бўлиб қолди-ю, иккала қуда юргурганича ошхонага кириб келишди. Кечқурунги чой пайти эди. Жўшний соҳибининг чойини унинг хонасига юбориб, Нийлунинг ойиси билан бувиси ошхонада мис пиёлаларда чой ичиб ўтиришган эди. Иккала қизнинг шундай югуришиб кириб келаётганини кўриб, икковининг кайфи учиб кетди. Чойини апил-тапил Нассунинг назаридан яширди-да, ҳайҳайлаб иккала қизни эшик олдида тўхтатишиди. «Бор, йўқолларинг. Икки минутдан кейин нима керак бўлса, ўзим олиб бориб бераман».— деб уларни ҳайдаб юборишиди. Бунақа гап илгари ҳам бир неча марта бўлган эди. Лекин бу сафар Нассу кўпроқ ўйланиб қолди. Айвонга қайтиб кета туриб, Нассу Нийлунинг бўйнидан қучоқлаб, деди:

— Менга қара. Сенинг ойинглар билан бувинглар мени ҳеч ошхонага киргизишмайди. Менинг олдимда овқат ҳам ейишмайди. Нега шунақа қилишади?

Нийлу қошлиарини кериб сал ўйлади-да, кейин Нассунинг белидан қучоқлаб олиб, тушунтирди:

— Мен сенга айтайми нимага? Сен мусулмонсанда, шунинг учун.

— Сен ҳам мусулмонсан-ку?— Бир оз ўйлаб сўради Нассу.

— Ҳеч-да! Мен жўшийман.— Жавоб берди Нийлу.— Сенинг ойинг шалвор киядилар, шунинг учун мусулмонлар. Менинг ойим дҳўтий киядилар, шунинг учун ҳиндулар.

— Сен дҳўтий киймайсан-ку. Тор кўйлак киясан. Мен ҳам тор кўйлак кияман,— деб эътиroz билдири Нассу.

Нийлу ўйлаб турди-да, кейин деди:

— Мен айтами? Бизлар ҳали кичкинамиз. Катта бўлганимиздан кейин мен ойимларга ўхшаб дҳўтий кияман-да, жўший бўламан, сен ҳам ойингларга ўхшаб шалвор билан ғарора киясан-да, мусулмон бўласан. Ўшандан кейин мен сенинг қўлинг теккан нарсани емайман. Ҳозир кичкинаман. Кичкиналарнинг эси бўлмайди. Катта бўлганимиздан кейин сенинг қўлинг теккан нарсани ермидим!

— Сен менинг қўлим теккан нарсани емасанг, мен ҳам сенинг қўлинг теккан нарсани емайман,— унга қўшилди Нассу.— Катта бўлганимиздан кейин сен ҳинду бўласан, мен мусулмон бўламан. Ҳиндулар билан мусулмонлар бир-бири билан роса уришади. Бизлар ҳам роса уришамиз, а?..

— Ие, унда мен қўғирчоғимни қандай қилиб сенинг қўғирчоғингга бераман. Иккаламиз қандай қилиб ўйнаймиз?— Ташвишланиб деди Нийлу.

— Тўй бўлмаса, кел, иккаламиз «ҳинду-мусулмон уришди» ўйнаймиз,— деди Нассу.— Сен менинг қўғирчоғимга пичноқ ур. Мен сенинг қўғирчоғингта пичноқ ураман. Кейин иккаласининг уйига ўт қўйиб юборамиз. Бўптими?

Бу Нийлуга ҳам маъқул бўлди. Чунончи Нассу Нийлуга уқтириди:

— Бўлмаса бор, ошхонадан пичноқни олиб кел. «Ҳинду-мусулмон уришди» ўйнаймиз.

— Нийлу югуриб бориб, бувисидан пичноқни сўради. Бувиси ҳайрон бўлди:

— Пичноқ? Ҳа, нима қиласан пичноқни?.. Қўй. Қўлингни кесиб оласан.

— Йўқ, йўқ. Қесмайман қўлимни. «Ҳинду-мусулмон уришди», ўйнаймиз. Олиб беринг дарров,— тикилинч қилди Нийлу.

Бувисининг оғзи очилиб қолди. Ҳайрон ҳам бўлди, қўрқиб ҳам кетди. Икки қўли билан бошини чанглаб, кампир дарров келинини чақирди:

— Ҳой, келин! Менга қара. Эй, худо!.. О, болала-ри тушмагур-эй!..

ТҮФРИ ВА ҮФРИ

Дўстимга, фалон вақтда Деҳлига етиб келаман, деб телеграмма бериб қўйган эдим. Лекин поезд Бомбайдан Деҳлига икки ярим соат кечикиб келди. Чунончи, улар нонуштани қилиб бўлгандир, менга овора бўлиб яна қайтадан нонушта ҳозирлаб юради, деб ўйладим-да, нонуштани станциянинг ўзида қилиб олишга қарор қилдим. Буюмларимни кутиш хонасининг ходимига топширдим-да, ошхонага кириб овқатландим. Яна қайтиб кутиш хонасига келдим. Қари хизматчидан битта ҳаммол чақириб бергин, деб илтимос қилдим. У ҳаммол чақиргани чиқиб кетди. Жўнашдан олдин битта сигарета тутатиб олай деб ўйладим. Чўнтағимда сигарета қолмаган экан, чамадонни очиб, бир қути сигарета олдим-да, қутини энди очай деб турган эдим, кутиш хонасининг эшиги очилиб, тузуккина, савлатлигина бир йигит ичкарига кириб келди. Эгнида кулранг костюм-шим, қўлида папиросга ўхшатиб ўралган бир газета. Дарров эсимга тушди: поездда кела туриб станцияларда бир неча марта уни кўрган эдим. Узоқ йўл юриб, поезд бирор станцияга келиб тўхтагач, мен сал ёзилиш учун платформага тушиб, сигарета чекиб турсам, у йигит ҳам газета ўқиб ёки шундай ўзи олдимдан ўтиб қоларди. Иккаламиз таниш эмасмиз, бир-биримиз билан ишилиз йўқ. Кўз кўзга тушиб қолса ҳам, юзимизни ўтириб олар әдик.

Мен ошхонада нонушта қилиб ўтирган вақтимда, биз келган поезд Панжоб томонга қараб кетиб бўлган

эди. Чунончи, йигит кутиш хонасига кириб келганида, ҳойнаҳой бу шу ердан бошқа поездга чиқса керак. Энди шу ерда ўтириб, поезд кутаркан, деб ўйладим.

Йигит эшикдан менга қараб келмоқда эди. Икка-ламизнинг кўзимиз учрашди. У олдимга келди-да, сал уялинқирагандай бўлиб, инглиз тилида деди:

— Сиз, марҳамат қилиб, бир минутгина ўтирсангиз, сиз билан бир оз гаплашадиган гапим бор эди.

Овозидан, юз-кўзидан йигитнинг тортиниб, иккиланиб тургани сезилиб турарди. «Ҳм... Ўша гап бўлса керак», — дарров кўнглимдан ўтказдим мен...

— Поезддан тушиб, станциядан чиқиш учун эшикка келдим,— деди у,— контролёрга билетни олиб бермоқчи бўлиб, чўнтағимга қўл тиқдим. Эҳтиёт қилиб билетни ҳамёнга солиб қўйган эдим, ҳамён ҳам йўқ, билет ҳам. Сизга энди нима десам бўлади, уялиб ерга кириб кетай деяпман... Менинг адресимни ёзиб олишингиз мумкин. Мен ҳам сизга ўхшаган тўғри-ҳалол бир одамман. Бир ёрдам қилиб юборсангиз, бу қарзни узишни мен ўзимнинг ахлоқий бурчим деб билардим... ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Ўзини тўғри-ҳалол қилиб кўрсатиб, раҳм-шафқат тилаб, одамларнинг чўнтағидаги пулни шилиб оладиган алдамчи-қаллобларнинг кўпини кўрганман. Тўғри-ҳалол одамлар ўзига ўхшаган бошқа бир тўғри-ҳалол одамнинг номига доф туширмасликка ҳаракат қилиб, менинг тузогимга илинмай иложи йўқ, деб ўйлайди бу фирибгарлар.

Мен нафрат ва ғазабимни босиб, тўғри-ҳалол одамларга муносиб равишда иш қилишга ҳаракат қилдим. Кўлимдаги сигарета қутиласини унга тутдим:

— Чекасизми? Марҳамат.

Йигит одоб билан қуллуқ қилиб битта сигарета олди. У курсини менга жуда яқин сурди ва сигаретани тутатиб олишпимни кутган ҳолда қўлидаги газетани айлантириб ўраб туриб, кечирим сўрагандек деди:

— Марҳамат қилиб ўтирсинлар, мен бир нарсани сўрамоқчиман, холос.

Йигитнинг бу хатти-ҳаракатлари мени бир оз ажаблантирди. Бир сигаретани лабимга қистирдимда, гугуртни чақиб, йигитга тута туриб дедим:

— Хўш, марҳамат.

У сигаретани тутатиб олди-да, яна, ўтиринг, деб илтимос қилди. Энди мен шубҳа қилиб қолдим. Бу махфий полициянинг одамига ўхшайди-ку, лекин менда нима иши бор экан? — деб ўйладим мен ҳайрон бўлиб. Курсига ўтирдим-да, яна дедим:

— Марҳамат.

Йигит менга тик қараб, гап бошлади:

— Мендан кўнглингиз тўқ бўлаверсин. Мендан сизга ҳеч қандай зарар ҳам етмайди, ҳеч қандай озор ҳам чекмайсиз. Бу ёғидан қўрқманг.— Кейин сал тортиниб сўради:— Менга бир нарсани айтсангиз. Сизнинг ёнингизда минг рупияли қирқта қоғоз борми?

Менинг юрагим шув этиб кетди. «Бу ҳозир тўп-понча ўқталади», дедим ичимда. Лекин тўппонча кўринмади. Бир ёнимни пайпаслаб кўрай-чи, пул турганмикин жойида, йўқми, деб кўнглимга келди. Лекин билиб қолмасин деб, ундаи қилмадим.

Кутиш хонасида биз иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Менинг ёлғизлигимни кўрибоқ кирган эди у. Кутиш хонасининг қари хизматчиси сипо кишиларнинг тартиб-қоидасини биларди. Шунинг учун икки сипо кишининг гаплашиб ўтирганини кўриб, ўзини четга олган эди. Мен қўрқиб кетганимни яшириш учун сигарета тутунидан кўзим ачиб кетди дегандай қилиб, кўзларимни жимирилатиб саволга савол билан жавоб бердим:

— Лаббай?.. Мен гапингизга тушунмадим... Қанақа қоғоз?

Йигит жиiddий оҳангда тушунтира бошлади:

— Агар сизнинг ёнингизда қирқ минг рупия бўлса-ю, сиз қўрқиб, йўқ десангиз, ноҳақ бир гуноҳсиз одам жонидан ажралади.

Йигитнинг бу гаплари мени юпатиш ўрнига баттар қўрқитиб юборди.

— Ким жонидан ажралади? — сўрадим мен.— Қанақа қирқ минг? Нима демоқчисан ўзинг?

Менинг қўрққанимни йигит дарров сезди. Курсини яна ҳам менга яқинроқ сурди-да, сигаретани тортиб деди:

— Сиз қўрқманг. Гапнинг тўғрисини айтаверинг. Ёнингизда пул бўлган тақдирда ҳам сизга ҳеч нарса

бўлмайди. Мен фақат бир нарсани билмоқчиман: шу ишда мен фириб еб қолмаганингизман. Поездга ўтириб, Бомбайдан келаётганингизда Машинада станциясида биттаси сизни бир одамга уч юз рупияга сотган экан. Ундан кейин Итарти станциясида ўша одамдан мен сизни икки юз рупияга олдим. Энди мен шу нарсани билмоқчиманки, ўша биринчи сотган одам бизларни алдаб кетмаганингизман? — Шундай деб йигит сигарета тортиб менинг жавобимни кута бошлади.

Йигитнинг қўлида на тўппонча, на пичноқ — ҳеч нарса йўқ. Бундан кўнглим сал ўрнига тушди. Унинг устига сал айқалиб-чайқалиб пул жойида турганлиги ни билиб олдим. Чунончи, ўзимни дадил тутиб, жаҳл билан жавоб бердим.

— Менинг ёнимда ҳеч қанақа пул-мул йўқ. Сен жуда қизиқ одам экансан-ку. Сени бирор сотди, мен сотиб олдим, деганинг нима деганинг? Қилишинг ўғрилик, одам ўлдириш-ку, яна мени алдади, деб шикоят ҳам қиласанми? Сендай одамни полициянинг қўлига топшириш керак.

Йигит сигаретани кўрсаткич бармоққа ўхшатиб ўйнатиб, мени огоҳлантириб деди:

— Мени полицияга тутиб бериб овора бўласиз. Ундан ҳеч қанақа фойда йўқ. Бизлар одатда бунинг йўлини илгаридан қилиб қўямиз. Бекорга ўзингиз озор чекиб қоласиз. Ҳеч ким сизнинг чўнталингизни қирқсанни йўқ-ку. Полицияга нима деб шикоят қиласиз? Алданганда мен алдандим. Лекин мен полицияга бориб, мен алдандим деб, шикоят қилиб, ялинмоқчи эмасман. Бунақа фиригарлик, ноинсофликка жазо беришга полициянинг ҳақки ҳам йўқ, қўлидан келмайди ҳам. Полиция бизнинг тартиб-қоидани тан олмайди. Бунақа жиноятга жазони биз ўзимиз берамиз. Лекин сиз пул ёнингизда туриб, қўрқиб, йўқ, десангиз, унинг оқибати ёмон бўлади, яъни бекорга бирорнинг жонига жабр қилинган бўлади.

Бу дадил ва ростгўй одам шунча ишонтириб, тасалли берганидан кейин ҳам ёнимда шундай катта пул борлигини тан олишга журъат эта олмадим. Тан олиш ўрнига чап бериб сўрадим:

— Ўзи нима гап? Ҳеч тушунолмай қолдим-ку. Менинг ёнимда пул бўлди нима-ю, бўлмади нима?

Менинг ёнимда пул бўлмаса, қанақа қилиб бирор
нинг жони кетади?

Йигит мени ишонтириш учун қўлини кўтариб
тушунтириб кетди.

— Сиз кечакоат бирда банкдан минг сўмликдан
қирқта қофоз олувдингиз! Пулни олиб костюмингиз
нинг ички чўнтағига солиб қўювдингиз. Шундоқми?
Билетни сиз ўзингиз бориб олганингиз йўқ. Хизмат-
корингизми, кассирми — биттаси бориб, олиб келиб
берди. Бу-ку ҳаммаси маълум...

Менинг тўғримда шунча гапни бу қаердан билиб
олибди? Унинг маълумотлари мени баттарроқ қўр-
қитиб юборди. Лекин мен таажжуб билдиридим:

— Сен ўзинг кимни гапиряпсан?.. Кимнинг пули-
ни гапиряпсан? Мени бекорга қийнаб нима қиласан?

Менинг бу гапимни эшишиб, йигит яна ҳам безов-
таланди. У менга яна бошқатдан тушунтиришга
тушди:

— Банкдан сизнинг кетингизга тушган одам
Манмод станциясигача сизни кузатиб келган. Унинг
чегараси ўша ерда тугайди. Ўшанинг айтишича, Бом-
байдан поезд жўнагунга қадар пул костюмингизнинг
ички чўнтағига экан. Кейин сиз пулни у ердан олиб
бошқа ерга солиб қўйган бўлсангиз, у бошқа гап.
Ҳалиги одам Манмод станциясида сизни бошқа бир
одамга уч юз рупияга сотган. У иккинчи одам Итар-
тига келгунча пулни қаерга қўйганингизни билишга
хўп уринган. Лекин билолмаган. Итартида у сизни
менга юз рупия заарига сотди. Мен ҳам хўп ҳаракат
қилдим. Лекин ёнингизда пул борми, йўқми,
бўлса қаерга қўйгансиз — шуни ҳеч билолмадим-
билолмадим. Костюмингизнинг чўнтағига бор-йўғи
битта юз рупиялик, учта ўн рупиялик қофоз бор экан,
холос. Костюмингизда ҳам, шимингизда ҳам ўғри
чўнтак деган нарса йўқ. Марворийларга ўхшаб кўй-
лагингизнинг тагига ҳамён осиб юрмас экансиз. Пул-
ни туфлининг ичига ҳам солмабсиз. Солган бўлганин-
гизда, кечалари туфлини ечиб, пастга қўйиб қўймас-
дингиз. Пулни чамадонга ёки ўрин-кўрпанинг ичига
қўйиб қўйган бўлганингизда ҳам, станцияларда бема-
лол поезддан тушиб, айланниб юрмасдингиз, буюмла-
рингизни шундай бирорга ташлаб, овқатлангани кет-
масдингиз. Сиз пулни қаерга қўйгансиз? — мен буни

ҳам сўрмоқчи әмасман. Буни мен ўзим билиб олишга ҳаракат қиласман. Менинг билмоқчи бўлган нарсам фақат шуки, мени ўша одам алдаб кетмаганмий? Шуни билсам бўлди. Икки юз рупия зарар кўрсам, бу ҳеч гап әмас. Қирқ минг рупия ютаман деб икки юз рупия тиккан одам уни ютқизиб қўйса ачин-маслиги керак. Лекин ютқизиш бир гап, фириб ейиш бутунлай бошқа гап. Агар биз бир-биirimизни алдайдиган бўлсак, ҳеч қунимиз ўтмай қолади. Агар бирорга нақд пул тўлаб, сизни сотиб олмаганимда, сиздан шу гапларни суриштириб ўтириш у ёқда турсин, сизнинг бетингизга тик қарашга ҳам ботинолмасдим. Гап шундаки, Бомбайдан сизнинг кетингизга тушган одамдан биз илгари ҳам алдади деб, бир шубҳа қилган эдик. Агар бу сафар ҳам ҳақиқатан алдаган бўлса, уига албатта жазо берилиши керак. Шу қунларда мен шайканинг бошлиғиман. Алдаган одамга жазо бериш менинг бурчим. Энди ҳамма гап сизда.

Шундай деб йигит менинг жавобимни кутиб, менга тикилиб турарди. Менинг иккиланиб турганимни кўриб, илтимос қилган оҳангда деди:

— Энди сиз ҳеч қандай зарар кўрмайсиз. Қўнглинигиз тўқ бўлаверсин. Лекин бир гуноҳсиз одамнинг ширин жонидан айрилиши ҳам яхши әмас. Жиноятчига жазо берилмаса, тартиб-қоида бузилиб, ишнинг пачаваси чиқади. Бунга ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Бир жиноятчининг оғзидан адолатли судъянинг гапларини эшлитиб, мен ғазабланиб кетдим.

— Сен ўзинг жиноят ботқоғига ботиб ётибсан,— дедим, мен тutoқиб,— сендан қаттароқ жиноятчи борми? Тағин сен бирорга жиноят қилди деб жазо берасанми? Менинг чўнтагимни кесиб, пулимни олиб қўйганингда, бу бир гуноҳсизнинг қонини тўкиш бўлмасмиди? Мен сенга нима жиноят қилдим? Хўш, қани айт-чи!

— Сиз бутунлай бошқа нарсани гапиряпсиз,— деди у мулоимлик билан ва қўлидаги ёниб турган сигаретани ерга ташлаб, сандали билан эзид ташлади. Кейин чўнтагидан «Кепстан» сигаретаси қутусини чиқариб, менга тутди. Мен олмагач, битта сигарета олиб, лабига қистирди-да, жиддий тусда деди:

— Сиз жуда оғир масалани кўтардингиз. Масала-га бундоқ қараганда, ҳар бир нарсани жиноят дейиш-га тўғри келади. Унда ҳеч ким тирик қолмайди. Жиноят деганда, ҳар бир жамиятнинг ўзига яраша тушунчаси бўлади. Кўнглингизга келмасин. Хўп, қани, ўзингиз айтинг-чи, шу қирқ минг рупияни сиз ҳалол ишлаб топганмисиз? Шу пулни меҳнат қилиб топганмисиз ё ҳийла ишлатиб топганмисиз? Хўш, қани айтинг!

Унинг аччиқ-аччиқ гапларига жавоб бермоқчи бўлдимми ё унинг тўла ишонч билан гапираётганидан таъсирланиб айтдимми, билмайман, лекин мен жавоб бердим:

— Бу пул менинг ўзимники әмас. Мен бир ширкатнинг ходимиман, холос. Бу пул ўша ширкатники. Мен хизматимга маош оламан, холос.

— А... бундоқ денг,— сигаретасининг кулини қоқиб, бир тортиб, деди у.— Ундаи бўлса, бизнинг ўша ширкатингиздан ҳам сўрасак бўлади. Хўш, бу пулни ширкатингиз ҳалол топганмикин? Кўп меҳнат қилиб, кўп пул топишнинг иложи йўқ. Сиз шунча рупияни олиб Деҳлига нега келдингиз? Ҳойнаҳой ўша ширкатга яна кўпроқ, уч-тўрт юз минг ишлаб бериш ниятида келгандирсиз. Ҳойнаҳой сиз бирор каттароқ ишни баҳолаб олмоқчидирсиз, ёки кўтара мол олиб омборга тиқмоқчидирсиз. Кейин ширкат уни қимматига сотмоқчидир. Хўш, мана шу ишларнинг ҳаммаси сизнинг фикрингизча ҳалол меҳнат қилишми ёки ҳийланайрангми? Ахир ўзингизга маълум, ширкатнинг эгалари уч пуллик меҳнат қилмайди-ку!

— Нега қилмас әкан?— дедим мен дарҳол, йигитнинг нодонлигини кўриб.— Ўзинг ҳеч нарсани биласанми? Қирқ минг нима деган гап? Бу фақат ишни баҳолаб олиш учун бериладиган назр ёки пора, холос. Шу порани бериб, ишни қўлга олгандан кейин ширкат бу ишга бир-бир ярим миллион маблағ сарфлайди. Ширкат фойда ҳам қилиши мумкин, зарар ҳам. Нима деяпсан сен ўзинг? Ўйлаб гапирсанг-чи! Бунинг ҳаммасини салмоқлаб кўриб, амалга оширгунча миянинг қатиги чиқиб кетади.

— Мен ҳам шуни айтапман-да!— деди йигит оғиздан бурқситиб тутун чиқааркан.— Мен икки юз

рупияни чўнтағимдан чиқариб бериб, таваккал қилдимми, йўқми? Қани айтинг-чи! Энди зарар кўрдимми ё йўқми? Чўнтағингиздан пулни олаётган вақтимда қўлга тушиб қолсам нима бўларди? Полицияга маошидан ташқари беш юз минг рупия ёки ундан ҳам ортиқроқ беришга мажбур бўлармидим ё йўқми? Эҳтимол, қамоққа ҳам тушардим. Бизлар ҳам жуда мия ишлатиб, жуда катта меҳнат сарф қиласиз. Сиз бозорниг томирини биласиз, биз эса одамниг томирини биламиз. Мисол учун, сиз билет оламан деб, оломоннинг ичидаги тиқилиб турибсиз, дейлик. Пахтанинг бир толасини секин чап қулоғингизнинг тагига тегизиб қўйилса, сиз ўша ерингизни қашиш учун дарров чап қўлингизни кўтарасиз. Шунда пиджагингизниг этаги кўтарилиб кетади. Шу орада биз бир амаллаб ички чўнтағингиздан пулни суғуриб оламиз. Хўш, қани айтинг-чи, сиз ҳам шундай усталик билан иш қила оласизми? Сизнинг усулингиз бошқача. Бозорда бирор нарса камайиб қолиб, бозор чаққон бўладиган бўлса, сизнинг ширкатингиз ўшани олдиндан билиб олади. Ўша буюмни кўтара сотиб олиб, омборига ғамлаб қўяди. Демак, бозорда ўша нарса тағин ҳам камайиб, баҳоси тағин ҳам ошиб кетади. Ширкатингиз ҳалиги ғамлаб олган нарсасини ортиқча баҳога сота бошлайди, яъни одамларнинг қийналганидан фойдаланиб, уларни баттарроқ қийнаб, ўз чўнтағини пулга тўлғазади. Ёки бўлмаса ширкатингиз бундай қиласи. Бозорга бирданига миллион рупияли ер ёнғоқни олиб чиқади-да, ер ёнғоқнинг баҳосини пасайтириб юборади. Ширкат ўша пасайган баҳода икки миллион рупияли ер ёнғоқ сотиб олади. Бозордан шунча ер ёнғоқни чиқариб олгандан кейин ер ёнғоқнинг нархи дарров кўтарилиб кетади. Одамларга керак бўлганидан кейин қимматга бўлса ҳам олишга мажбур. Мана бу ҳам ўғриликнинг битта йўли. Сизнинг қуролингиз сармоя. Баъзилар пичоқ ишлатади. Пичоқ ўқталиб, одамларнинг пулини тортиб олади. Сиз эса сармоянгиз билан одамларни борйўгини чиқариб беришга мажбур қиласиз. Пичоқ уриб ёки бўғиб бирорнинг пулини олишни биз ваҳшийлик деб ҳисоблаймиз, ўз усулимизни эса ақлидрок ва маҳоратга асосланган илмий усул деб биласиз. Сиз эса ўз усулингизни аъло кўрасиз.

Сигаретани бир тортиб олди-да, у яна гапида давом этди.— Мана эшитинг. Бундан икки йил илгари 1943 йилда мен Калькуттада гуруч олиб сотадиган бир ширкатда хизматчи эдим. Ўша ширкат гуруч сотиб олиб, омборига ғамлаб, баҳони ошириш йўли билан ўттиз миллион рупия ишлаб олди. Ширкат, ўзингиз биласиз, шоли экиб, гуруч етиштирмайди. Одамларнинг етиштирган гуручини арzon-арzon сотиб олиб, қимматга сотди ва шу йўл билан шунча пул топди. Бу нима? Ҳалол меҳнатми ёки фирибгарликми? Меҳнатни мен қилардиму менга ўхшаган одамлар қиласиди. Ширкат биз орқали миллион-миллион ишлаб оларди. Шу хизмат эвазига у менга ойига 125 рупия тўларди. Яъни у бизга ўғирлик қилдириб, яна бизнинг ҳақимизни ҳам ўғирлаб қоларди. Жамиятнинг бутун хўжалигининг асосий омили арzonга олиб, қимматига сотишдан иборат, холос. Ишчиларга кам ҳақ тўлаб буюм ясаттиришу, шу буюмни иложи борича қимматга сотиш — мана шу. Лекин мана шу фириб, алдамчиликни ўрнига қўйиш учун унинг тартиб-қоидаларига сидқидилдан амал қилиш зарур. Мана шунаقا фирибу алдамчиликдан иборат савдода ҳам бирор агар сиздан гуручининг пулини ундириб олиб, бир қоп гуруч ўрнига сизга бир қоп тош берса, сиз ўша одамга алдамчилик қилди деб жазо берасизми, йўқми? Албатта берасиз. Бизнинг ишни ҳам худди ўшанаقا деб тушунаверинг. Ҳар бир жамиятда бирорларнинг чўнтағидаги пулини чиқариб олишнинг расмий равишда тан олинган баъзи бир йўллари, тартиб-қоидалари бўлади. Ҳамма ўшангага амал қилишга мажбур бўлади. Ўша қоидаларга амал қилинмаса, бошқаларни талаш қоидаси бузилади.

Йигитнинг шундай дадиллик ва жўшқинлик билан ўғриликни ҳимоя қилишидан унинг ўз касбидан фахрланиши кўриниб турарди. Худди шу ғурурини нишонга олиб, дедим:

— Алдоқчилик ва ўғрилик йўли билан бирорнинг цулини тортиб олишга ҳам одам фахрланса бўларкан. Шу маҳалгача мен билмай юрган эканман, қаранг.

Менинг бу кесатувим йигитга кор ҳам қилмади.

— Ўғриликни айтяпсизми? Бирорнинг мол-дунёсини тортиб олишни ўғрилик дейсизми? Кўнглингиз-

та келмасину, лекин бойликни меҳнат қилувчи кишилар — ишчи-дехқонлар яратади. Қолганларнинг ҳаммаси ўша бойликни асл эгаларининг қўлидан иложи борича қўпроқ миқдорда тортиб олиш учун ҳийланайранг ишлатади, холос. Лекин шу нарса борки, алдамчиликнинг баъзи йўлларини жамият тан олган, баъзиларига эса жиноят деб ном бериб қўйган. Кимки жамият томонидан тан олинган йўл билан кун кўролмаса, қузғунга ўхшаб таловчиликнинг қоидадан ташқари йўллари билан кун кўради.— У ярмисидан кўпроғи ёниб бўлган сигаретани ерга ташлади-да, сандали билан уни эзар экан, илжайиб деди:— Мен сиздан жуда миннатдорман. Сиз мени бир оғир ва жирканч ишдан тўхтатиб қолдингиз.

Йигитнинг соғғўйлиги ва одоб-муомаласи менга шундай таъсир қилдики, мен ҳамдардлик изҳор қилмай тура олмадим. Кейин насиҳат қилмоқчи бўлиб дедим:

— Сен шундай ўқимишли, эс-ҳушли йигит экансан. Шундай жирканч ишларга айланишиб юришни виждонинг қандай қабул қиласди, а? Ҳеч афсус қilmайсанми?

Йигит ўрганган бармоқлари билан чўнтағидан папирос чиқарди. У ниҳоятда ажабланиб менга тикилди-да, сўради:

— Нимадан афсусланаман?.. Хўш?.. Мен нима қилибман?

— Шунача жамиятнинг қонун-қоидаларига қарши ишлар қилиб уялмайсанми? Хўш, тўғри, ҳалол одамларнинг ичида ўтириб, ўзингнинг қиласидаган ишларинг тўғрисида тортинасадан очиқ-ойдин гапира оласанми?— деб панд бердим мен унинг кўзини очмоқчи бўлиб.

У кулгисини яшириш учун бир зум лабларини тишлаб жим турди-да, сўнг деди:

— Сиз тўғри-ҳалол одамлар деганингизда, кимларни тушунасиз? Кимнинг иззат-обрўси бўлса, тўғри-ҳалол одам ўша. Иззат-обрў деган нарса одамнинг қапча пул сарф қила олишига боғлиқ. Мен нима ёмон иш қилибман? Чўнтак қирққанимми ёмонлигим? Бизлар минг-минг одамдан биттасининг чўнтағини қирқамиз. Ҳойнаҳой сиз ҳам битта одамнинг чўнтағини ҳадеб қирқавермайсиз. Чўнтак қирқишининг

маъниси бироннинг ишлаб топганини тортиб олиш. Хўш, ўзингиз айтинг, минг-минг одамларнинг меҳнат мевасини ўла-ўлгунча тортиб олавериш тўғриликми, ҳалолликми? Бизлар ҳам бирга ўтиришиб қолсак, эришган ютуқларимизни бир-бирамизга жуда фахр билан гапириб берамиз. Лекин сизга ўхшаган одамларнинг олдida биз қандай қилиб гапирамиз? Мана ўзингиз айтинг. Германия, Англия ёки Россия ўзининг ҳарбий сирларини бир-бирига айтиши мумкинми? Ё, мана ўзингиз ширкатингиз иш усуслари, сирсиноатларини бирорга айтолосизми? Ахир ўтган урушда катта-катта қўймондонларнинг қилган иши нима бўлди? Бир мамлакатнинг бир қўймондони бошқа мамлакатнинг қанча кўпроқ одамини ўлдирса, қанча кўпроқ мол-мулкини вайрон қиласа, шунча кўпроқ мақтov эшилди. Савдо-сотиқ, ишлаб чиқаришдаги рақобатнинг ҳам маъниси худди шу. Хўш, бу урушлар нега бўлади? Бошқа мамлакатларни талашга кўпроқ ҳақ-хуқуқ олиш учун бўлади. Шундоқми? Бизнинг мамлакатнинг иқтисадий турмушини бошқарувчилар нима қилаётган бўлса, биз ҳам худди ўшани қиляпмиз, холос. Фарқ фақат шуки, бироннинг бойлигини тортиб олишнинг баъзи йўлларини жамият жоиз деб билади, баъзи йўлларини эса жиноятга қўшиб қўйибди. Ҳамма гап шартда, нима қабул қилинган, нима қабул қилинмаган — шунда. Менга қаранг. Бир вақтларда Бобир қўшин тортиб, шу мамлакатнинг бойлигини тортиб олишга ўзини ҳақли деб ҳисоблаган эди. Мана бугун Америка билан Англия савдо-сотиқда худди ўшани қиляпти. Бироннинг бойлигини тортиб олишнинг қайси бир йўлини ишлатиш қўлинглардан келмаса, ўша йўл сизларга ёқмайди. Аслини олганда эса бу йўлларнинг ҳаммасининг ҳам маъниси бир. Мақсад — бироннинг бойлигини тортиб олиш. Лекин бир йўлни тўғрилик деб тан олинган, иккинчи йўлни тўғрилик деб. Фарқ шу.

Шу ўртада платформага бир поезд келиб тўхтади. Иигит сапчиб ўрнидан турди-да, поездга ишора қилиб деди:

— Кечирасиз, бир арзимаган нарса деб шунча вақтингизни олдим. Энди мен мана шу поезд билан қайтиб костишм керак,

Йигитнинг гапларидан менинг юрагим ачишиб кетган эди, кўнглимдагини айтмай тура олмадим.

— Афсус, сендеқ ақлли-ҳушли бир одам шундай ёмон аҳволга тушиб қолибди. Сендан жамиятга катта фойда тегиши мумкин эди.

— Менга қаранг. Менга раҳмингиз келмай қўя қолсин,— деди у илжайиб.— Раҳм-шафқат тилаш жонимга текканидан мен шу йўлни тутганман. Менга ўхшаган ақлли-ҳушли, ҳалол одам ҳам бу жамиятда ишлаб чиқариш воситаларининг әгаларига хизмат қилишдан бошқа ҳеч нарса қила олмайди. Ҳар қандай авлиё бўлганида ҳам қўлидан ҳеч нарса келмайди. Ҳоким табақага қул бўлиб хизмат қилишнинг оти ўша сиз айтган ҳалоллигу, ўшандай қилмаслик — ўғрилик.

Қошларини чимириб, бармоқлари билан сочини тараб, чуқур ўйга ботган ҳолда у гапида давом этди:

— Мен дастлаб ўғриликни касал ётган отамни даволаш учун қилган эдим. Ўғрилик қилиб пул топиб, ўйга келсам, отам дунёдан ўтиби. Унга бу пулдан ҳеч наф бўлмади.

Шундай деди-ю, у ташқарига — поездга қараб йўл олди.

У мендан юз ўгириши биланоқ, мен дарҳол ёнимдаги пулни ушлаб кўрдим. Хайрият, қирқ минг рупия қимирламай туриби. Кўнглим ўрнига тушиб, чуқур нафас олдим. Мен корсозман, ўғри әмасман. Ёнимдаги пул ширкатнинг омонати. Бу пулни мен шу бугун соат ўн бирда ишни пудратга бериш савдоси бошлинишидан илгарироқ, ўша иш берадиганларга олиб бориб, топширишим керак.

БИТТА СИГАРЕТА

Дамти бараҳманнинг қизи, лекин зоти пастроқ. Зоти пастлигининг боиси шуки, унинг уйидагилар бараҳман бўлиб туриб ҳам ер ҳайдаб, деҳқончилик қиласди. Оғир меҳнат ва ернинг лой-луйи, чанг-тӯзонидан уларнинг териси дағаллашиб кетган. Эртаю кеч шу чанг-тӯзон ичидаги юргани учун уларнинг тили ҳам соғ эмас, обрў-эътибори йўқолган. Шу бараҳманлар кун кечириш учун шундай оғир ва қора меҳнат қилишга мажбур бўлмагандага эди, бадани нозик, тили соғ бўларди, асилзода бараҳманлар сингари обрў-эътиборли бўларди ва ўшанга кўра қизининг номи ҳам калта-кўтоқ. Дамти бўлмасдан Дамаянти бўларди.

Бадринат зиёратгоҳига кетаверишда Карнапраёг ва Рудрапраёг ўртасида катта йўлдан беш-олти километр ичкарида Дамтининг қайнатасининг уйи бор. Бор, қаёқда бор эди? Ота-онаси эрга бергандага у ўн бир-ўн икки яшар қиз эди. Тўйдан кейин ҳам у бир ярим-икки йилгача ота-онасининг бағрида ўтираверди. Эри Баждат (асл номи Баждрадат) паст табақа йигитлари ичидаги тарқалган расмга кўра ўз ихтиёри билан аскарликка жўнайдиган бўлиб қолди-да, қари ота-онамга таянч бўлар, деб Дамтини ота-онасинидан келтириб, уйига ўтқазиб кетди. Биттагина ўғли бўлишига қарамай, Баждатнинг ота-онаси анча қариб-чириб қолган эди. Шунинг учун ер билан уришиб-талашиб ундан ҳосил олиш сингари оғир ишда келини ўғлининг ўрнини босиши керак эди.

Дамти ҳам жудди шунақа келин эди. Қайнанаси қайси бир иш билан чақириб қолса, ҳамма вақт «ҳо-

зир бораман, ойи» деб жавоб берарди. Шундай маъқул эди. Шундай мўмин-қобил келинга эришиб, кампир ҳам кўпроқ чарчайдиган бўлиб қолди. Ўзи қиладиган иш-юмушларни аста-секин келининг топшириб бора-верди. Дамти молларга ўт юлиб келарди, ўчоққа ёкишга ўтин-чўп, таппи-тезак терарди, қудуқдан сув олиб келарди, далага чиқиб гўнг сочарди. Шуларнинг ҳаммасидан қутулгач, ўтириб қайнанасининг оёқла-рини, белини уқаларди.

Қайнанасининг баданида ел бор эди. Ўқтин-ўқтин турли касалга чалиниб турарди: ҳали тиши оғриган, ҳали кўзлари ёки бошқа бирор ери шишган, ҳали қорнига ел тўлиб, дум-думалоқ коптоқка ўхшаб қадалган... Шулардан қутулиш учун одамлар тамаки че-кишни маслаҳат берарди. Лекин кандай қилиб тамаки чексин? Хотин киши бўлса. Унинг устига бараҳман. Одамлар нима дейди! Лекин нима қилсин? Дардга бирор даво қилиш керак-ку. Чунончи, Дамти қайната-сининг эски чилимини найсиз, сувсиз, сархонасига тамаки солиб, чўғ солиб олиб келадиган бўлди, қайнанаси ичкаридаги қоп-коронғи ҳужрага кириб чека-диган бўлди. Дамти қайнанасининг бу сирини ҳеч кимга ошкора қилмади.

Қайнатасиникига келгандан бери Дамти тўлишиб, етилиб кетган эди. Дараҳтдаги мева катта бўлиб тўлишиб олгандан кейин шира тортиб, ранг берганидек, Дамти ҳам энди жозиба касб эта бошлагай эди: юзлари сўлим, кўзлари чақнаган.

Баждат ўтган йили, биринчи марта, йигирма сак-киз кунга отпускага келганида хотинининг ҳусн-жамолини кўриб, мафтун бўлиб қолган эди. Қайтиб кетаётгандага юраклари жуда жиз-жиз қилган эди. Хизматта қайтиб боргач ҳам эртаю кеч бутун фикру зикри ўша хотинида бўлди. Ниҳоятда сабрсизлик билан яна отпуска тегишини кутиб ётди. У лагерда сигарета чекишни ўрганиб олган эди. Сигаретани чуқур-чуқур тортиб, оғзидан чиқаётган тутун ичидаги хотинини кўз олдига келтирарди. Оғзидан чиқаётган гўё сигарета тутуни эмас, балки фироқ алансида куйган юрагининг губори эди.

Баждат командирларини қўйла олиб, муддатидан илгари, яъни тўққиз ойдан кейиноқ иккинчи отпускага чиқди. Отасига атаб бир жуфт эски ҳарбий

ботинка, онасига бир кийим дагал газмол олди. Хотинига атаб битта чиройли ола-була шойи сорий, бир жуфт кумуш зирақ, битта сурмадонда сурма ва шунга ўхшаш яна бир қанча нарсалар олди. Ҳаммасини сафар сандигига солди-да, уйига қараб жўнади. Баждат ўша лагерь олдида, шундоқ қўча юзида парда тикиб, сандиқсимон аппарат билан расм оладиган бир панжобликка расмини ҳам олдириб олган эди. Чунки ўзи йигирма саккиз кунгина туриб, яна хизматга қайтиб келиши керак. Хотини ўша расмга қараб, уни эслаб ўтиради. Шуни ўйлаб кўнгли таскин топди. Лагерда қачон хотини эсига тушса, ўзи оббо деб сигарета тортарди. Қайф қилиб, боши айланга бошлигач, ўзини худди хотинини бағрига босиб ўтиргандек ҳис қиласарди. Уйга борсам, сигаретани худди шундай тортиб, хотинимни бағримга босиб эркалайман, деб аҳд қилиб қўйган эди у.

Баждатнинг ота-онаси ўғлининг отпускага вақтлироқ келиб қолганидан-ку хурсанд бўлди. Лекин берган пули ўтган йилдагига қараганда тенг баравар камлигини кўриб, ранжиди. Баждат бу сафар, биринчидан, фақат тўққиз ойга ҳақ олган эди. Иккинчидан, ўша пул ҳисобидан онасига кийимлик, хотинига сорий, зирақ ва бошқа нарсалар олиб келган эди. Бундан ташқари, бошқа солдатларга қўшилиб, у ҳам чекиш-пекишларни ўрганиб олган ёди. Унга ҳам озми-кўпми сарф бўларди. Чол билан кампир буларнинг ҳаммасини ўйлагиси йўқ. Улар фақат нақдига қаради. Уларнинг қўлига пул кам тегди, келинига эса қимматбаҳо сорий ва зар-зевар келди. Шуни кўриб, уларнинг пешанаси тиришди: бу қандоқ бўлди? Бу келин ярамас чиқди-ку. Болани жуда ўзига ром қилиб олибди-ку!

Баждат ҳарбий хизматдан баъзи янги одатлар ҳам ортириб келган эди. Кун бўйи сандироқлаб юарди. Дехқончилик ишларига ҳеч кўнгли ёр бермасди. Милтиқ отишга ўргантан қўл омочу кетмон ушлашни ўзига қандай қилиб эп билсин. Баждат сандироқлаб юриб, беш мил наридаги гузарларгача бориб келарди. Ўша ердан озгина ерёнгоҳми, қанд-қуроми олиб келарди-да, секин хотинига берарди. Шарму ҳаёни унутиб, тепага, ошхонага жой солиб ётиб оларди. Дамти у-бу ишлар билан овора бўлаверса, токати тоқ

бўлиб: «Хой! Менга қара. Жуда чанқаб кетдим. Озгина сув олиб кел», деб чақиради. У келди дегунча, ушлаб олиб, кетказмасди. Буни ота-онаси кўрса ҳам, нафасини ичига ютиб ўтираверарди. Кўп нарсаларни эса улар кўрмасди. Баждат чўзилиб ётган жойида чўнтағидан сигарета оларди-да, ўчоқдан туташтириб кел, деб Дамтига тутқазарди. Дамти бориб тутатиб келарди. У сигаретани чуқур-чуқур тортиб, хотинини бағрига босиб оларди-да, сигаретини унинг оғзига тўғрилаб, сен ҳам торт, деб зўрларди. Дамти аввалига йўталиб, тортишга қўрқди. Лекин бориб-бориб мазасига тушуниб қолди. Кайф қилиб, боши айланиб кетадиган ва бошини эрининг кўкрагига қўйиб оладиган бўлиб қолди. Бу икковига ҳам ҳузур бахш этарди.

Баждатнинг отпускаси тугаб, хизматга қайтиб кетишидан илгариёқ кампир келинига тескари бўлиб қолган эди. Ўғли жўнаб кетгандан кейин унинг авзо́йи жуда ҳам бузилди. Буни кўриб, Дамти ҳам ғижина бошлади. «Нима бало бўлди кампирга? Ҳамма ишни қилиб-этиб қўйсам ҳам, қарғагани-қарғаган», деб ўйларди у. Қайнанасининг гапларини эшитиб ҳам ўзини эшитмасликка олиб юраверди. Кампирнинг тилидан кун сайин баттарроқ заҳар томаверди. Дамти иложи борича қайнанасидан нарироқ юрадиган бўлди. Ўтин-чўпгами, сувгами, ўт юлишгами кетса, аллавақтгача ўша ерда қолиб кетадиган бўлди. Қайнанаси уйда бўлса, молхонадаги гўнгни олиб, далага қараб кетарди. Қайнанаси агар далада бўлса қимирламай уйда ўтираверарди. Уйдан узоқроқ кетишининг иложи бўлмай қолса, молхонанинг томига чиқиб, қишига ғамлаб қўйилган пичаннинг устида ётарди. Энди уйнинг иш-юмушига ҳам, даланинг ишига ҳам ҳеч иштиёқи қолмаган эди.

Илгари кампир: «Ҳаммаси сеники. Мен буларни орқалаб кетармидим. Энди ҳаммасини ўз қўлингга ол», деб бутун уйни Дамтига топшириб қўйган эди. Иккала темир сандиқнинг калитини ҳам қўлига берган эди. Кампирнинг уч-тўрт кумуш буюмлари ҳам шу сандиқларда эди. Бир ёғи ёлғиз ўғлимнинг хотини деб, Дамтига меҳр қўйганидан бўлса, иккинчидан, ўзининг роҳатини кўзлаб кампир бутун бор-йўгини келинига топшириб қўйган эди. Энди эса авзойи

бузилгандан кейин ҳаммасини яна қайтариб олди. Сандиқларнинг қалитини ҳам қайтариб олиб, кўйлагининг белбоғичига боғлаб олди. Ҳаттоқи овқат қилишга ҳам ун-пун, гуруч-пуручни ҳам қисимлаб ўлчаб берадиган бўлди. Унинг берадиган уни-ю гуручига чол-кампирнинг қорни тўярди-ю, лекин Дамтига тузук-қуруқ қолиши маҳол эди. Кампир жаҳлига чидамай: «Бу алвости ўлгур, ўғлимни мендан совутиб қўйди. Топиб-тутиб келганини шунга бериб кетди. Ҳаммасини тагига босиб, яна менинг бошимга бало бўляпти», деб вайсагани-вайсаган эди.

Баждатнинг олиб келиб берган зирақлари бошини юваёттандан соchlарига илашиб қоларди. Бир куни сочини ювмоқчи бўлди-ю, Дамти зирақни ечиб, бир жойга қўйиб қўйди. Бошини ювиб бўлиб, келиб қараса, йўқ. Қайнанасидан сўровди, у қарғаб берди:

— Хай, мана бу айёри қаранг. Ўзи бир жойга бекитиб қўйиб, мени ўғри қиласпти.

Дамти кўзини артиб, дами ичига тушиб, индамай қўя қолди. Бир куни эри олиб келиб берган сурмадони ҳам ғойиб бўлиб қолди. Баждат хизматга қайтиб кетаётib, хотинига расмини бериб кетган эди. Дамти уни сигарета қутисига тагида қолган битта сигаретанинг ёнита солиб қўйган эди. Тағин буни ҳам олиб қўймасин деб, у қутини молхона томидаги пичан тагига яшириб қўйди.

Кампирнинг қарғишлари кундан кунга кучайиб, Дамтига ўлчаб бериладиган ун-гуручи кундан-кун камайиб бормоқда эди. Дамтининг қорни ҳам тўймай коларди. Бир куни қараса, кампир унни жуда ҳам камайтириб юборибди. Ие, менга ҳеч ҳам қолмайдику, деб ўйлади. Қайнанаси ошхонадан чиқиб кетган эди, Дамти дарров хумга қўйини тиқиб ун олмоқчи бўлди. Лекин қайнанаси дарров қайтиб келди-ю, буни кўриб қолди. Қилди тўполнонни. Бутун қўни-қўшниларга эшиттириб, Дамтини ўғридан олиб, ўғрига солиб, қарғаб кетди. Кампир борган сари жазавага тушиб вайсайверди. Дамти эса ҳамир қилаётган тоғорасини зарда билан ерга отиб урди-да, ошхонадан чиқиб кетди. Тўғри молхонанинг томига чиқиб ўзини ташлади-ю, хўп йиглади. «Энди у қачон келади? У қайтиб келгунча кампир мени очдан ўлдиради», деб ўйларди у. Кампир нонни пиширди. Чолни овқатга

чақирди. Қейин идишларни тарақ-туруқ қилиб, кул билан ювгани ташқарига олиб чиқиб кетди. Дамти-нинг қорни очиб, күнгиллари озиб кетмоқда эди. Шу пайт бирдан унинг кўзи ўзи бекитиб қўйған сигарета қутисига тушиб қолди. Овқат бўлмаса, лоақал шу сигаретани чека қолай, деб кўнглидан ўтказди-да, сигаретани олиб, уни ёндиригани секин ошхонага кирди. Минг эҳтиёт қиласа ҳам бўлмади. Унинг ошхонага кирганини кампир сезиб қолди. «Бу ярамас аразлаб қўрқитаётган эди, энди ўғрилик қилгани кириб кетди», деб ўйлади-да, юваётган идиш-товоғини ташлаб, «ўғри»ни ушлагани ошхонага қараб кетди. Келиб, ичкарига мўралаб қараса, Дамти ўчоқнинг олдида ўтириб олибди-да, оббо деб сигарета тортяпти. Кампир бақрайиб, оғзи очилди-қолди. Худди осмондан бошига бир тош тушгандай бўлди. Ҳуши ўзига келувдикি, дод-фарёд кўтарди:

— Вой-бў! Манави мочағарни қаранглар! Сигарета чекяпти. Вой-бў! Бу бозорда юрган бузук экан-ку! Шунинг учун боламнинг бошини айлантириб олган экан. Пулни ўғирлаб-ўғирлаб, сигарета олиб келиб чекар экан. Вой ўлмасам! Бу энди бутун қишлоқдаги йигитларнинг бошини айлантиради...

Кампир ҳовлининг ўртасига туриб олиб, қўллари-ни ўйнатиб, қўуни-қўшниларини чақириб, дод-вой солаверди. Қоқ туш пайти эди. Деҳқонлар далаларидан овқат қилгани уй-уйига келган эди. Кампирнинг дод-войини эшитиб, ҳаммаси шу эшикка келиб тўпланди. Хотин-халажлар бошидаги рўмолининг учини тишлаб, ҳайрон бўлиб турарди. Кекса аёл-эркаклар бир оғиздан Дамтига лаънат ўқимоқда эди:

— Сигарета чекар эканми, а? Тавба! бу баражманнинг қизи эмас, бозори ғар экан-ку! Бу ҳамманинг бошига битган бало бўлади. Энди бу уйнинг сувини ким ичарди! Йўқ-йўқ, худо кўрсатмасин...

Шовқин-суронни эшитиб, чилимини кўтарганича чол ҳам тепага, ошхонага чиқиб, ғазаб билан Дамтига бақирди:

— Чиқ бу ердан, ҳароми! Йўқол! Баражманнинг уйига сен ғар қаердан келиб қолувдинг! Йўқол! Чиқиб кет ҳозир. Бўлмаса соchlарингни қирқиб ташлайман!

Дамти сигаретани ўчокқа ташлаб, калтак еган итдай қўрқиб-писиб ўтиради. Қайнанаси келди-да, сочидан маҳкам ушлаб, судраб ҳовлига олиб тушди. Кампир тўплланган одамлар олдида: «Чиқиб кет менинг уйимдан, ғар», деб бир тепди. Чол ҳам чилимини тортиб, сўкиб-сўзлаб: «Чиқиб кет», деб бақирмоқда эди.

Дамтининг қўл-оёқлари шилиниб кетган. Эгнида кир-яғир кўйлак, бошида ҳам ўшандай кир рўмол. Уриб-уриб уйдан ҳайдаб чиқарилгач, бошидаги рўмомли билан юзини бекитиб, дала томонга қараб кетди. Даладан ўтиб, бир дараҳтга бориб суюнди-да: «Энди нима қилсамикин? Қаерга борсамикин?» деб ўйланиб қолди. У энди қайтиб қайнанасиникига кира олмас эди. Унинг учун энди дунёда фақат битта йўл бор эди, яъни у энди эрининг олдига бориб, сенинг отаонанг менга шундай зулм қилди, деб шикоят қилиши мумкин эди, холос. Чунончи, Дамти тез-тез юриб, ўша томонга қараб кетди.

Дамти пешиндан кейин Рудрапраёгга етиб келди. Дўкондорлардан ҳарбий лагерга борадиган йўлни сўради. Ўн олти-үн етти ёшли бир жозибали ёш қизнинг битта ўзи шундай паришонҳол ҳарбий лагернинг йўлини сўраб турганини кўриб, Ҳийраман деган бир дўкондор дарров гап нималигини тушуниди. У Дамтига тасалли бериб, алдаб-сулдаб, уни дарров ўтқазди-да, гапга солди. Дамти кўз ёшини арта-арта бутун гапни бир бошидан айтиб берди ва охирида деди:

— Эрим ҳарбий лагерда. Ўшанинг олдига бормоқчиман.

Ҳийраман Дамтининг қайнанасига лаънатлар ўқиб, Дамтини юпатиш учун деди:

— Ҳа, ҳа, жуда тўғри қиласан. Хотин кишининг эридан бошқа яна кими бор? Ҳа, ўшанинг олдига бор. Ҳориб-чарчаб келгансан. Барахманнинг қизи экансан. Бир оз овқат еб, дамингни олиб ол. Қейин йўлни тушунтириб бераман. Бемалол ичкарида ўтиравер. Худди ўзингнинг уйингдай бил.

У Дамтига озгина ерёнгоқ билан, озгина қандқурс берди. Бир мис идишда сув узатди-да, деди:

— Биз ҳам барахманмиз. Бизнинг идишдан сувни қўрқмасдан ичавер.

Ҳийраман ўтган-кетганинг кўзи тушмасин деб, Дамтини ичкарига ўтқазиб қўйигаи эди. Ҷамти, бу тезроқ йўлни айтиб берса-ю, мени жўнасам деб ўтиради. Тахминан бир соат ўтгандан кейин сабри чилемай дўкондорга деди:

— Энди мен борай. Йўлини айтиб беринг.

— Ие, бу нима деганинг? Шунаقا ҳам бўладими? — деди дўкондор жуда мулоимлик билан.— Очдан-оч қандоқ қилиб юбораман сени? Қўни-қўшнининг келин-қизи ўзимнинг келин-қизимдай ган. Гуруч-пуруч пиширгин-да, еб, ундан кейин кетгии. Нима деяпсан ўзинг? Беш-ён чақирим йўл бўлса. Бунақа шошганда иш битадими? Ўша томонга кетаётган одамларга қўшиб юбораман сени. Йўл узоқ, но-таниш, сен бечора бир аёл кишисан. Бир ўзинг қандай қилиб етиб борасан?

Ҳийраман, овқат қилгин, деб гуруч, нўхат, идиш берди. Дамти овқат қилишга тушди. Овқат пишгунча, кеч кириб, қоронги тушди. Дамти-ку тезроқ йўлга тушиш фикрида эди. Лекин қанча кундан бери энди шу бугун тўйиб овқат еган ва энди шу бугун яхши сўз эшитиб турган эди, овқатни егандан кейин мудроқ босди. Шундоқ ерга чўзилди-ю, ухлади-қолди. Ёир вақтдан кейин бирор туртгандай бўлди. Кўзини очса, ҳужранинг бир бурчагида жинчироқ лаш-лан ёниб турибди. Тепасида Ҳийраман турибди-да, унинг елкасига қўйини қўйиб, илжайиб, «Тур энди, ухтайдерасанми?» — деяпти.

Дамти ўзини дарҳол бир томонга олиб, уйқу босган кўзларини ишқалай бошлади. Унинг ўзини четта олганини кўриб, Ҳийраман шундай ерга ўтириб олдида, чўнтағидан бир қути сигарета чиқариб, битта сигаретани Дамтига узатди:

— Ҳа, майли. Кел, битта сигарета чекиб ол бўлмаса.

Дамти кўзларини ишқалаганича йўқ деб бошини қимирилатди.

— Ҳа, чекаман деган эдинг-ку. Ма, ол.

Дамти яна йўқ деб бош қимирилатди.

— Қачон айтдим чекаман деб? Уни эрим берган эди. Битта чекканимга шу кунлар бошимига түшди... Энди мен жўнайман лагерга.

— Э, маза қилиб юрсанг-чи! — унинг елкасига

қўлинни қўйиб деди Ҳийраман.— Нима қиласан бошинғга галва ортириб?

— Қочинг!— деди-да, Дамти жонҳолатда ўрнидан туриб кетди.

— Йўқ десанг, ўзинг биласан,— деди илжайиб Ҳийраман.— Эрталаб аzonда кетарсан. Ярим кечада йўл юриб бўладими? Кечаси кўчаларда полиция айланиб юради. Қимни кўриб қолса, ўгри деб ушлайди. Эрталаб, аzonда, одамлар йўлга чиққанда сени ҳам ўшаларга қўшиб юбораман... Кел, ўтириш.

Дамти ўтирмади. Ҳийраман ҳадеб зўрлайвергандан кейин, «Ие, бегона эркакнинг олдида қандай қилиб ўтираман», деб жавоб берди. Шундай деб яқин келмай, турган жойида тураверди. Ҳийраман бир нафасгина ўйлаб турди-да, кейин деди:

— Хўп, майли, бўлмаса. Мендан қўрқаётган бўлсанг, шу ерда бир ўзинг ёта қол. Мен кетдим. Эрталаб ўша лагерь томонга уч-тўртта одамлар кетяпти. Мен бориб, ўшаларга айтиб қўяман, сени ҳам бирга олиб кетишади.

Шундай деди-да, Ҳийраман орқа эшикни очиб, чиқиб кетди. Дамти яна ерга ўтириб олиб, ўйга толди. «Лагерга қандай қилиб етиб бораман? Бегона жойлар бўлса» деб кўнглидан ўтказди у. Лекин начора. Уйга қайтиб боришининг ҳам иложи йўқ. Бир оз шу аҳволда ўтириб, яна ётиб, ухлаб қолди. Ярим кечада Ҳийраман келиб яна уйғотди:

— Ташқарида бир таниш одам турибди. Ўша томонга кетаётган экан. Ўзи жуда яхши одам. Сен ҳам ўшанинг айтганини қилгин. Тушундингми? Кўча-кўйда ёлғиз кетаётган аёлларни кўрса, полиция, бу қочиб кетяпти, деб ушлаб олади. Агар бирор сўраб қолса, шу кишининг хотини бўламан, дегин. Хўпми?

Дамтига бу гап ёқмади.

— Ие, бегона эркакни қандай қилиб эрим дейман,— деб жавоб берди у.

— Тентак экансан сен!— Ўзини яқин тутган оҳангда деди Ҳийраман.— Бирор сени ўшанга хотин қилиб қўйяптими? Сен кўча-кўйда юриш қоидаларини билмайсан. Мен сенинг фойдангни кўзлаб айтяпман. Хотин кишининг кўча-кўйда ёлғиз юришини ҳукуматнинг ўзи ман қилган. Бирор, номинг нима, деб сўраб қолса, менинг номим Нанда, дегин. Мана

менинг эрим ёнимда турибди, нима гапинг бўлса, ўшандан сўра, дегин. Полиция агар бирор аёлнинг бегона киши билан кетаётганини кўриб қолса, ушлаб, участкасига олиб кетади. У ерга олиб бориб, ўша эркакни роса уради. Аёлни ҳам соғ қўймайди. Бу тузуккина бир бараҳман одам. Сен буни худди ўз акангдай билавер.

Дамтими ҳужрадан қоронги кўчага олиб чиқди-да, Ҳийраман ўша кутиб турган одамга топшириб, деди:

— Мана, оғайни. Бу бизнинг бир қўшнимизнинг қизи. Шуни лагерга олиб бориб, сўраб-истаб, эрини топиб, соғ-саломат қўлига топширгин. Йўлда озор чекмасин. Эҳтиёт қилгин. Бараҳманнинг қизи худди сигирга ўхшаган содда, ювошгина бир нарса бўлади. Тушундингми, оғайни?

Дамти шундай қоронғида ўша одам билан бирга йўлга тушди. Бир оз юргач, у одам гап бошлади:

— Шу вақтда, шундай қоронғи кечада йўлга чиқиб, ўзингга жабр қилибсан-да. Ўзи нима гап?

Дамти қайната-қайнанасининг зулмини, сигарета чекканига уйдан ҳайдаб чиқарганини, лагерга эрининг олдига кетаётганини — ҳамма гапни яна бирмабир гапириб берди. Бу одам ҳам чол билан кампирга лаънат ўқиб, Дамтига тасалли берди:

— Оҳ-оҳ-оҳ! Сендай яхши жувонга шундай қилганини қара-я у мочагарнинг. Сенга яхши-яхши овқат бермайдими, яхши-яхши кийим, зар-зевар қилиб бермайдими? Нима, сен шу ёшингда гўнг ташиб, экин экиб юрасанми? Бу ҳеч сенга муносибмас. Буни қара, кийимларинг дабдала бўлиб кетибди, Сринагарга етдик дегунча, мен сенга бозордан битта янги лозимлик олиб бераман.

— Сиз бечора нега олиб бераркансиз? — деди Дамти унинг ширин гапидан миннатдор бўлиб.— Менга ҳозир кийимнинг кераги йўқ. Керак бўлганда эримнинг ўзи олиб берар. Эрим менга бир яхши шойи кийимлик олиб келиб берган эди. Қайнанам ўшани ҳам тортиб олиб қўйди.

Бир кун йўлда тўхтаб, эртасига кечқурун иккови Сринагарга етиб келди. Ҳалиги эркак бозорни оралаб ўтиб Дамтими бир тор кўчадаги катта бир уйга олиб келди. Шундай катта, данғиллама уйни Дамти умрида кўрмаган эди. Ҳовли ҳам чор атрофдан девор

билаи ўралган бўлиб, бир неча эшиги бор эди. Дамти узоқ сафардан жуда чарчаб келган эди, деворга суюниб ўтириб олди. Ҳалиги одам, ҳозир келаман, деб чиқиб кетди-да, бир зумдан кейин бир болани эргаштириб келди.

— Мана бу бола сув олиб келиб беради. Сен ювениб-тараниб олгин. Мен бозорга бориб, озгина дон-дун олиб келаман.

Шундай деди-да, ҳалиги одам чиқиб кетди. Дамти ўтираверди. Ҳалиги бола бориб, бир кўзада сув олиб келди. Уни қўйиб кетди-да, яна бир кўза сув олиб келди. Яна бир оздан кейин ўтин-чўп олиб келиб қўйди. Шу пайт ҳалиги одам ҳам бозордан қайтиб келди. Қўлида бир тугунчада нўхат, гуруч, туз, мурч ва ҳоказо. Катта бир дараҳт баргига солинган маска ёғ. Булардан ташқари яна бир қоғозга ўралган янги дҳўтий¹, ҳалиги одам шуларнинг ҳаммасини Дамтининг олдига қўйди-да, деди:

— Сен ювениб, янги уст-бошни кийгин-да, овқат қилгин.

Ювениб-тараниб, янги дҳўтийни ўраб олди-да, Дамти ҳалиги одамнинг кўрсатган жойида овқат пиширди. Бир тунука лаганда унга сузиб берди-да, ўтириб ўзи ҳам овқат еди. Овқатдан кейин бўйранинг устига чўзилди. Ҳалиги эркак қаёққадир чиқиб кетди. Қайтиб келгач, ҳовлининг барча эшикларини занжирлаб, Дамтининг ёнига бўйрага келиб ўтирди. Дамти жон ҳолатда ётган жойидан туриб, ўзини четга олди. Эркак эса унга қўлини чўзиб, деди:

— Ҳа? Нега қочасан? Менга қара. Ҳа, майли, кел, ма, сигарета чек.

Дамти унинг қўлини силтаб ташлаб, ўзини нарига олмоқчи бўлган эди, у қўлидан ушлаб олди ва ҳазиллашиб бир сўкди-да, уни авраб-алдашга тушибди:

— Ма, ол, чекмайсанми. Чекардинг-ку!

Дамти қўлини тортиб олиб, уйнинг нариги чекка-сига бориб туриб олди ва жаҳл билан деди:

— Ким айтди, мени сигарета чекади деб? Эрим берганида биттасини чека қолувдим.

¹ Дҳўтий — эркак ва аёллар белидан пастига лозим ўрнида ўраб юрадиган узун мато.

Ҳалиги одам туриб келиб, унинг йўлига ғов бўлиб олди ва ғазаб билан сўкиб, деди:

— Ҳа, сени ўша... Шунча кундан бери менинг овқатимни бекорга еб юрибсанми? Қани, еч мен келтириб берган дҳўтийни.

Дамти қўрқмасдан жавоб берди:

— Олдин менинг кийим-бошларимни бер, мен ўша заҳотиёқ ечиб бераман сенинг зормандангни.

У одам сўкиб-сўзлаб Дамтига ташланди ва олиб келиб берган дҳўтийсини зўрлик билан ечиб ола бошлиди. Дамти дҳўтийни икки қўли билан қаттиқ ушлаб олди-да, олдин менинг кийимимни берасан, деб қаттиқ туриб олди. У ҳам ечиб оламан деб тортқилайверди. Дамти унинг қўлларини чимчилади, юмдалади, тишлади, тирсаклари билан урди, лекин барibir кучи етмади. Дҳўтийнинг ярмидан кўпи эркакнинг қўлига ўтиб кетганидан кейин Дамти йиглаб, раҳм-шафқат тилаб ёлворди. Лекин у кўнмади. У бу ўжар аёлни тўғри йўлга солишга қаттиқ бел боғлаган эди. Чунончи, дҳўтийни бутунлай тортиб олди-да, уятдан ўзини қаёққа қўйишини билмай, ғужанак бўлган Дамтини роса сўкиб, ўша уйга қамаб, эшигини орқасидан занжирлаб чиқиб кетди.

Дамти қоп-қоронги уйнинг ичидаги йиглаб ўтираверди. Уйда ҳеч қанақа дарича-парича бўлмаганлиги учун ташқарида кундузими, кечасими, билиб бўлмасди. Дамти йиглайвериб чарчади. Лекин хўрлиги келаверганидан ҳиқ-ҳиқ қилиб ўтираверди. Энди у: «Нотаниш жойларга нимага ҳам келдим? Ўша жойда ўлиб кета қолсам бўлмас эканми? Нимага ҳам сигарета чеккан эканман», деб минг афсус қилмоқда эди. Ҳеч мадори қолмаган эди. Ахир ўтира олмай деворга қапишиб, ғужанак бўлиб ётиб олди ва тезда ухлаб қолди.

Дамти кўзини очганда эшикнинг тирқишлиаридан чизиқ-чизиқ бўлиб кундузги ёруғлик тушмоқда эди. У ўша ҳолатда афсус-надомат қилиб ётаверди. Кейин яна ухлаб қолди. Иккинчи марта кўзини очиб қараса, эшик тирқишлиаридан тушаётган нур чизиқлари анча кенгайиб, кейин анча ёрқинлашиб кетибди. Лекин эшик ҳали ҳам берк. Дамти эшик тирқишлиаридан тушаётган ўша нур чизиқларига тикилиб, аф-

сус қилиб ўтираверди. Гоҳ йиғлайди, гоҳ ҳўнграйди. Бир ёқда томоқлари қуриб-қақшаб кетяпти, бир ёқда ҳожат ёмон қийнаяпти. У ўрнидан туриб, эшикни тақиллатди, кейин бор кучи билан уни тортди, лекин эшик очилмади. Энди шу ердан ўлигим чиқар экан, деб ўйлади ва яна ҳўиграб йиглади. Лекин йиғлашдан ҳам нима фойда чиқарди? Дамти ерда ўликка ўхшаб чўзилиб ётарди. Ўзимни-ўзим осиб қўя қолай, деб кўнглига келди. Лекин бунинг ҳам иложи йўқ. Дҳўтий бўлганда эди, ўзини-ўзи осса бўларди. Ўша қишлоқдалик пайтимда шундай қилиб ўлиб қўя қолсам бўлмас эканми, деб афсус қилди. Тез орада эшик тирқишиларидан тушаётган ёруғликнинг ранги ўча бошлади ва кўп ўтмай у яна йўқ бўлди. Дамти тарвузи қўлтиғидан тушиб, оҳ-воҳ қилишни ҳам бас қилиб, ўлиш соатини кута бошлади. Чанқов ва ҳожат қисташдан унинг боши гир-гир айланмоқда эди.

Эшикнинг тирқишиларидан яна ёруғлик туша бошлади. Лекин Дамтининг бундан хабари йўқ. У ярим беҳуш ҳолатда ётарди. Бирдан эшикнинг тиқир-тиқир қилгани эшитилди. Дамти зўрга туриб ўтириб олди. Эшик очилиб, ўша одам ичкарига кирди. У Дамтининг кийимларини унинг башарасига улоқтириб: «Тур, бор, ювиниб, кийимларингни кийиб ол», дедида, уйнинг эшигини очиқ қолдириб, ҳовлиниңг эшикларини ташқаридан занжирлаб яна кетиб қолди.

Деярли бир ярим соат ўтгандан кейин қайтиб келганида Дамти қўл-юзини ювиб, ўзининг кийимларини кийиб, сув-пув ичиб, бошини икки қўли билан чангагллаганича деворга суюниб ўтиради. Унинг руҳи анча енгил тортиб қолган эди. Ҳалиги одам бир қўлида тугунда бир балолар, иккинчи қўлида бир идишда сут олиб келди. Тугунни Дамтининг олдига қўйиб, деди:

— Ма, ол! Сенга қатлама билан бошқа овқат ҳам олиб келдим. Шуларни еб, мана бу сутни ичиб олгин.

— Менга ҳеч нарса керак эмас! — қўлларини қовуштириб йиғлаб юборди Дамти.— Мени шу ердан чиқариб юборсанг бўлди.

— Очдан-оч қандай қилиб юрасан? — гап уқтириди ҳалиги одам.— Ахир мен сенга нима дедимт ўзингдан-ўзинг бекорга жаҳл қилиб ўтирибсан-ку. Дўкондор сени лагерга олиб бориб ташлагин деганими? Бўп-

ти, олиб бориб ташлайман. Сен бундоқ овқат-повқат еб олгин. Ёлғиз ўзинг кетсанг, адашиб қоласан. Полициянинг қўлига тушиб қолгудек бўлсанг, ҳолинг нима кечишлигини биласанми? Сен ҳеч нарсага тушунмас экансан. Олиб бориб қўяман дедимми, олиб бориб қўяман. Сен бундоқ оз-моз еб-ичиб олгин.

Дамтининг қорни-ку, ўлгудек оч эди. Олдида овқат тургандан кейин емай тура олмади. Ҳалиги одам уйнинг эшигини очиқ қолдириб, ҳовлининг эшигини бекитиб, яна чиқиб кетди. Бир оздан кейин қайтиб келди-да, сал нарироққа ўтириб, Дамтига насиҳат қила бошлади:

— Менга қара. Сен тентак бўлма. Хотин киши уйдан чиқдими, унга уйда жой қолмайди. У уйни йўқотди ҳисоб. Бараҳманнинг уйидаги хотини мисоли бир сопол идиш. Бир қўл тегдими — ишдан чиқди ҳисоб. Борсангу эринг соchlарингни қирқиб олса, унда нима бўлади? Қишлоққа қайтиб кетдингоқ дейлик. Нима, ўша ерга бориб, яна гўнг ташиб, тезак терасанми? Яхписи, мен билан бирга юр. Мен ўзимнинг юртимга олиб кетай. Яхши-яхши кийимлар киясан, зар-зевар тақасан. Яхши-яхши овқат ейсан.

— Йўқ, йўқ. Худо хайрингни берсин. Менга раҳминг келсин,— яна қўл қовуштириб ёлворди Дамти,— мени қўйиб юбор. Мен ўз йўлимга кетай. Лагерга бир амаллаб етиб борарман. Бўлмаса, қишлоққа қайтиб кетарман.

— Сен мендан жуда хафа бўлганга ўхшайсан. Ҳа, майли. Бўлмаса мен билан юрмай қўя қол. Яна битта бараҳман бор. Шу бугун кечқурун ўша томонга кетяпти. Ўша билан бирга кета қол. Мен бориб ўшани чақириб келаман.

Шундай деди-да, яна чиқиб кетди. Кўча эшикни орқасидан занжирлаб кетди. Дамти қўрқиб кетди. Худо билади, яна қанақасига дучор бўлади. У эшикларни тортиб кўрди. Лекин оча олмади. У ёқ-бу ёқка қаради. Ҳовлининг деворлари унинг бўйидан анча баланд эди. Оёгининг учida туриб, қўлини чўзган эди, зўрга деворнинг тепасига етди. Ҳовлининг бир бурчагидаги халонинг девори сал пастроқ эди. Халонинг орқа томонида бир дарича бор эди. Лекин у жуда кичкина эди. Дамтининг миясига бир фикр

келиб қолди. У халонинг деворининг тагига кўзани тўнтариб қўйди-да, бир амаллаб ўша пастроқ деворга чиқиб олди. Ундан ҳовли деворига чиқди ва ташқари кўчага сакради. Тор кўчадан тез-тез юриб, катта кўчага чиқди ва йўловчилардан лагерга борадиган йўлни суриштира бошлади. Йиртиқ кийим кийган, паришонҳол бир ёлғиз аёлнинг ҳарбий лагерь йўлини суриштираётганини кўриб, одамлар тўпланди. Одамларнинг тўпланиб турғанлигини кўриб, полиция ҳам етиб келди ва Дамтини ушлаб, участкага олиб кетди. Участка бошлиғи унинг номини, қишлоғини, Сринагарга нега келганлигини сўради. Дамти бошидан ўтганларини яна бирма-бир сўзлаб берди. Полиция бошлиғи илжайди.

— Ҳа-ҳа. Сен сигарета чекасанми? Ма, бўлмаса,— шундай деб у Дамтига бир сигарета узатди.

Дамти «йўқ» деб бош қимирлатди.

— Уни әrim берувди, шунинг учун чека қолувдим,— деди у.

Полиция Дамтини Сринагарга олиб келган одамни ва Дамтининг қамалиб ётган уйини қидиришга тушди. Полициячилар Дамтини бозорда айлантиришди, бир неча тор кўчаларга олиб киришди, лекин у қамалган уйини таниёлмади.

— Мен ўз хоҳишим билан келганман. Лагерга бораман,— деб қўйиб юбориши сўраб ялинди Дамти. Лекин уйдан қочган аёлни, хоҳлаган томонингга кетавер, деб қўйиб юбориш мумкин эмас эди. Уни полиция участкасида олиб ўтириш ҳам қоидага хилоф. Уни дарҳол авахтага юбориш керак. Лекин уни олиб борадиган жеч ким йўқ, қоронғи ҳам тушай деб қолган эди. Полициячилар ҳалиги ярамас одамни топиш учун Дамтини кўчама-кўча айлантириб юрди. Улар унга ҳадеб меҳру муҳаббат билан сигарета, қанд-панд таклиф қилишарди. Дамти жаҳл билан юзини ўтириб оларди. Полициячилар ҳадеб жонига тегаверса, уришиб-юмдалашибдан ҳам тоймасди.

Эртаси куни иккита полициячига қўшиб уни қамоққа юборилди.

Судга олиб келинганда у бошидан ўтганларини суд аҳлига айтиб берди-да, энди мен уйга қайтиб бормайман, лагерга — әrimнинг олдига бораман, деди. Судья унга тушунтирди:

— Уйдан қочиб келганинг учун ўзингни ҳеч қаёқка юбормаймиз. Юборганимизда ҳам, сен эрингни қидириб топа олмайсан. Эрингни шу ерга чақириб, сени ўшанинг қўлига топширамиз. Ўшангача сен қамоқхонада ёта турасан.

Дамти Баждатнинг аскарлик номерини, бўлим номерини айтиб бера олмади. Шу сабабли уни қидириб топишга анча вақт кетди. Бу ўртада Дамтининг қайнатаси ўғлига иккита ҳат ёзиб, уни бутун ҳол-аҳволдан хабардор қилиб бўлган эди. «Хотининг бузилиб кетди,— деб ёзган эди у,— дайди бўлиб қолди. Уйдан пул ўғирлаб, Чаттига бориб, сигарета олиб келиб чекади. Уйдаги зар-зеварларни ҳам ўғирлаб, сотиб бўлди. Бутун қўни-қўшниларнинг олдида бизни бадном қилди. Энди кўчадаги биттаси билан қочиб кетди». Шундай деб хабар бериб, чол ўғлига тасалли ҳам берган эди: «Лекин сен хафа бўлма, бундоқ хотиннинг бўлганидан бўлмагани яхши. Биз бир жойдан бошқа қизни гаплашяпмиз. Бу сафар отпускага келсанг, сени уйлантириб қўямиз».

Чунончи, Поврий судига келиб, хотинингизни таниб, кафолат бериб олиб кетинг, деб суддан қоғоз келгач, Баждат отасининг ёзган гаплари тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилди.

Дамтини Сринагарга олиб келган одамнинг номи Манҳар пандит эди. Рудрапраёѓда Дамти Ҳийраманинг ҳужрасида ўтирганида Ҳийраман ўша Манҳарнинг олдига бориб: «Бир қулинг ўргилсин баражман қиз қайнана-қайнатасининг зулмига чидай олмай уйидан қочиб келибди, менинг ҳужрамда ўтирибди», деб айтган эди. Манҳар уни Ҳийрамандан саксон рупияга сотиб олган эди. «Қизни бир ой-ярим ой Сринагарда олиб тураман. Кўнгил очиб юраман. Шу орада қизнинг кўзи очилиб, уни-буни тушунадиган бўлиб қолади. Кейин четга олиб чиқиб, тўрт юз-беш юзга сотиб юбораман», деб ўйлаган эди. Манҳар нечта аёлларни шунақа қилиб сотиб юборган эди. Лекин Сринагарга келгач, Дамтининг ўжарлигини кўриб, режалари бузилиб кетди. Қараса, қиз жуда тескари бўлиб ўтирибди. Ҳеч гапга кўнадиган эмас. Энди бундай вақт ўтказишдан фойда йўқ деди-да, қизни Сринагарнинг ўзида юз эллик-икки юзга сотиб юборишга қарор қилди.

Дамтини тинчлантириш учун унга кийимларини берди, ейишга уни-буни олиб келиб берди-да, Шивдат деган бир мижозини қидириб кетди. Шивдатни уйидан топа олмай, қайтиб келаётган эди: «Катта күчада уйдан қочган бир аёл ҳарбий лагернинг йўлини сўраб юрган экан, полиция тутиб участкага олиб кетди», деб эшитиб қолди-ю, пешанаси тиришди. Югуриб қароргоҳига борди. Қараса, Дамти йўқ. Деворнинг тагига тўнтариб қўйилган кўздан ҳамма нарса аён бўлди: Ҳа, шу девордан ошиб тушиб, қочиб кетибди. Ҳозир участкада экан.

Манҳарнинг бекордан-бекорга саксон рупиядан ажралиб қолишга тоби йўқ эди. Полициядан қўрқмасди. Пайти келиб қолса, полицияни нима қилишни биларди. Ҳийрамандан жуда хафа эди. «Ҳойнаҳой бу қиз Ҳийраманинг одами экан. Бу сотовераркан, у қочиб келавераркан. Иккаласи тил биритириб олган экан. Шунинг учун ҳам менга арзимаган пулга сотган экан. Ҳали ўзингнинг одамингга шунаقا фириб берадиган бўлдингми? Ҳа, шошмай тур, шундай таъзирингни берайки, она сутинг оғзингдан келсин». Шундай деб Ҳийраманинг хўп яниди. Лекин ўзи жуда тажрибали эди. Чунончи, Дамтининг хатти-ҳаракатларини эслаб, яна ўйланиб қолди: «Лекин унақа бўлганида, шунча уришиб-талашармиди. Хайр, майли, кўрамиз, қани Ҳийраманинг олдига қайтиб борармикин ёки эрининг олдига кетармикин».

Дамтининг Поврий қамоқхонасига юборилганини эшитиб, Манҳар ҳам Поврийга жўнади. Баждат билан Дамти судъянинг олдида ўтирган вақтда Манҳар ҳам ўша залда ўтирган эди. Икковининг бир-бирини таниганини кўриб, у ажабланди. Қани у ёғи нима бўларкин деб, кузатиб ўтираверди. Баждат Дамтини хотиним, деб-ку тан олди. Лекин судъя, Дамтини Баждатга топширилсин, деб ҳукм чиқаргач, Баждат уни олиб кетишдан бош тортиди. «Уйдан қочган бузуқ хотинни мен олиб кетмайман», — деди у.

Дамти буни эшитиб, бир оҳ тортди ва бошини икки қўли билан чангллаб, Баждатга тикилди-қолди. Унинг боши айланиб, кўзи тиниб кетди. У ерга ўтириб олди. Бир оздан кейин бошини кўтариб қараса, Баждат йўқ.

Энди ҳукумат ҳам Дамтини қамоқхонага ўтқазиб

қўйишни истамасди. Баждатнинг қочиб кетган хотинини ўшанинг мулки деб ҳисоблаб, ўшанинг қўлига топшириш ҳукуматнинг бурчи эди. Модомики, Баждат Дамтини олишдан бош тортдими, энди ҳукуматга ҳам унинг кераги йўқ. Судъя, агар хоҳласанг, эрингдан нафақа талаб қилишинг мумкин, деди унга ачиниб. Лекин Дамти керакмас деб бош силкади. Судъя уни қаёққа борсанг боравер, деб бўшатиб юборди. Дамтининг кўз олди қоронги эди. Лекин у суддан чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Манҳар пандит шуларнинг ҳаммасини кўриб турган эди. Дамти энди қаёққа бораман деб ҳайрону паришон бўлиб суддан шундай ташқарига чиққан эди, бирдан бирорнинг овозини эшилди:

— Қаёққа кетиб қолдинг ўша куни?

Дамти ўгирилиб қаради. Манҳарни таниди. Лекин индамади.

— Бекорга жаҳл қилдинг-да,— деди Манҳар мулоиймлик билан,— сенга озор бериш ҳеч кўнглимда йўқ эди. Сени қидириб шу ергача келдим. Мен сенга айтмаганмидим, сени энди қайнатанг ҳам танимайди, отанг ҳам танимайди, деб. Бекорга ўзингни-ўзинг қийнаб нима қиласан? Юр, у уй бўлмаса, бошқа уй.

Дамти бир лаҳзагина ўйлаб турди-да, кейин индамасдан Манҳарнинг кетидан кетди. Манҳар бозор ёқасидаги тор кўчадаги бир уйга олиб борди-да, эҳтиром билан Дамтини курсига ўтқазди. Дамти деворга суюниб, бошини қуи солиб ўтирди.

— Жуда чарчаб кетгандирсан. Ма, битта сигарета чекиб ол. Кўнглинг енгил тортади.— Шундай дедида, Манҳар қутидан битта сигарета олиб, Дамтига узатди. Дамти бошини кўтармади, лекин сигаретани олди. Кўзларидан шашқатор ёш оқиб кетди. Энди сигаретани олмай нима қиларди. Энди кимни деб ўзини тиярди. Энди ҳеч кимдан умиди йўқ эди.

ИНСОН ФАРЗАНДИ

Долли инглиз мактабида ўқийди. У мактабда тушча бўлиб, сўнг энагаси Биндийнинг назоратига ўтади. Ойиси бўлса бу вақтда Доллининг дадаси нонушта қилгани келишини кутади. Жаноб Багга уйига соат бирда қайтади. Худди шу вақтда уйда ҳамма нарса тахт туриши керак. Чунки хўжайнинг вақти зиқ. У ҳамма вақт қаергадир ошиқади. Шунинг учун ҳам овқат тайёр ҳолда столга келтириб қўйилиши керак. У роппа-роса соат бирдан уч дақиқа ўтганда кириб келади-да, ювенишга тушади. Ярим соат ичидаган обига овқатланади. Кечқурун соат тўрт яримда жаноб Багга ишларини тамомлаб заводдан қайтади. Шундагина у қизини эсига олади. У бижилдоқ Долли билан бир неча дақиқа гаплашган бўлади-да, кейин хотини билан суҳбатлашиб, аллама-халгача чой ичиб ўтиради.

Мабодо Багга хоним кундузлари кўчага чиқадиган бўлса роппа-роса соат тўртга албатта етиб келиши керак. Чунки машина заводга, эрини олиб келиш учун боради. Шундан кейин қизчани ювинтиришади, унинг тилла ранг қўнгир соchlарини тараб ўриб, бантик тақиб қўяди. Эрталаб мактабга кийиб борадиган оҳорли формасини уй ичидаган кўйлагига алмаштиришади. Бу кўйлак ҳам хушбичм, чиройли тикилган. Онаси қизчасининг туфличаларини тозами-

тозамаслигини қарайди. Шундан кейингина дадаси-
нинг ҳузурига олиб киради.

Жаноб Багга Англияда таҳсил кўрган. Ҳозир у
заводда бош инженер. Ойига бир минг икки юз рупия
маош олади. Турмушки чакки эмас. Лекин шуни ҳам
айтиш керакки, у ўз хизматини астойдил адо этади.
Долли — жанобнинг якка-ягона фарзанди. Қизча беш
ёшга кирган. Жаноб Багга билан унинг рафиқаси бит-
та-ю битта фарзандларини кўнгилдагидек тарбияла-
ётгандаридан мамнун эдилар. Жаноб Багга бола тар-
биясини жуда муҳим, масъулиятли иш деб қарап, ўз
олдига катта талаблар қўярди. Долли туғилганида у
жуда хурсанд бўлганди. Ахир, қизми, ўғилми нима
фарқи бор. Қизи дорулфунунда ўқийди. Кейин
Англияга бориб давом эттиради.

Борди-ю, оила серфарзанд бўлса-чи, унда ўғил-қиз-
ларини билимли қилиб ўстиришдек улуғвор бурчни
ҳамма ота-она ҳам уddeлай олавермайди. «Ҳолани
мушук болалардек кўпайтиришдан нима фойда?»
Жаноб Багга шу изборани доим такрорларди. Унинг
рафиқаси Багга хоним ҳам «тўғри-да, нима зарур»,
деб эрининг гапини маъқуллаб турарди.

* * *

— Долли, Долли! — она қизчасини учинчи бор
чақирди. Кейин энагани чақирди. Жавоб бўлмагач,
зарда билан ойнаванд равонга чиқди. Аччиғи келма-
синми. Ахир, кийинишига Биндий ёрдам бермади-я.
Бир маҳал қайси кўз билан кўрсинки, энага боғбон
ва кир юувчилар яшайдиган уй тарафидан Доллини
етаклаб келяпти. Онанинг капалаги учиб кетди. Бу
қандай гап? Унинг арзандаси боғбоннинг уйига бор-
ганга ўхшайди. Уч-тўрт кун бўлувди, боғбоннинг
хотинини кўзи ёриганди. Долли неча бор чақалоқни
қўлига олишга интилиб кўрди. Лекин Багга хоним
қизchasини хизматчиси яшайдиган уйга юборишдан
чўчийди. Ахир ўтган ҳафта кир юувчининг ўғилчаси
қичима бўлмаганмиди...

Қизча бўлса тут дарахтлари тагида ўйнаб юрган
болаларга қўшилгиси, улар билан ўйнагиси келиб
ташқарига чопарди. Тўкилган тутларни териб, оғзи-

га соларди. Бундан ташқари онаси Долли камбагал болаларга қўшилиб, уларнинг ёмон хулқ-атворларига одатланиб қолмасин деб қўрқарди. Зиммасидаги бола тарбиясини катта масъулият деб ҳис этган энага эса бекасининг ғазабланишидан чўчирди. Мана, ҳозир ҳам Багга хонимга унинг қайсар қизласини эплаш қанчалик қийинлигини кўрсатиш учун, Доллидан бир қадам олдинда қизчанинг қўлидан гўё ўжар эчкичани қулоғидан тутгандай етаклаб келарди. У жонивор бўлса бош бермай қўлдан чиқиб қочишга, эркин ўтлашга уринаётгандай әди.

Она ҳали бирор сўз айтиб улгургани ҳам йўқ эдики, энага овозининг борича ўзини оқлай кетди:

— Мен унинг ботинкасини тозалагани кетувдим. Долли бўлса ваннахонага кираман деганди. Бундай қарасам, аллақачон боғбоннинг уйига бориб олибди. Ҳеч гапимга қулоқ солмайди? Мени дўппослайди ҳам.

Бечора Биндий ўзини оқлашга қанчалик уришимасин, барибир эшитадиганини эшитди. Багга хоним қизига ҳам танбеҳ бера бошлади:

— Бу жуда ҳам тентаклик, Долли,— деди у қизига инглиз тилида.

Долли инглиз сўзларининг ҳаммасини ҳам тушувавермасди-ю, онаси ундан хафа бўлганини, айб ўзида эканлигини сезиб турарди.

Қизчани дарҳол юваб-тараб, кийинтиришди. Вақт соат тўртдан 20 минут ўтганди. Шунинг учун ҳам энага унинг пайпоқ, туфлисини шоша-пиша кийгизарди. Ойисининг ўзи қизчанинг соchlарини тараф, лента боғлади, бошини меҳр билан силаб туриб, унинг бўйнида бир нарса ўрмалаб кетаётганини кўриб қолса бўладими? Вой худо! Бит! Қиёмат қойим! Боғбоннинг болаларига қўшилганинг оқибати шу-да! Улардан кирган албатта. Бечора энага яна гап эшитди. «Шу ирkit болалар орасида қизимни яна бир бор кўргудай бўлсам, шу заҳоти ишдан бўшайсан», деди Багга хоним. У қизласини эркалаб бағрига босди-да:

— Долли, жон қизим, ширин қизим, асал қизим, ахир сенинг кийимларинг ҳам башанг, мактабга бўлса инглиз болалариdek машинада борасан. Энди исқирт, ярамас болаларга қўшилмайсан-а? Улар билан

ўйнамайсан-а, хўпми қизим?— суйиб туриб деди она меҳр билан.

Долли бўлса депсиниб туриб деди:

— Ойи, келинг, ўша чақалоқни ўзимиизга ола қолайлик, у билан ўйнаймиз.

— Бе,— ижирғанди она,— у бирам иркитки, фақат ёмон қизлар ўйнайди унақа бола билан. Ўшалардан киради-да, бит. Ахир улар кирлигидан шу қадар қоп-қора-да! Бизнинг Доллимиз қора эмас-ку, ахир! Энага, Доллини жаноб бошлиқнинг ҳузурига элтинг. У, яхшиси, Раман ҳамда Жотилар билан ўйнасин. Кечқурун унинг билан Раманларникига борасизлар.

Алдашлар таъсир қилди. Долли онасининг бўйнидан қуюқлаб туриб, хизматкорларнинг болалари билан ҳеч қачон ўйнамаслигини айтди. Ўша куни Багга хоним эри билан чой ичиб ўтириб қизчасининг болалар бор жойга интилишини гапириб берди.

— Тавба!— хуноб бўлди у.— Биттагина болани катта қилиш шунчалик машаққату, ҳайронман, анавилар беш-олти болани қандай эплашаркин-а! Богбонимизни кўрмайсанми. Ахир у ғарибнинг шундоғам учта боласи бўла туриб, энди тўртинчиси туғилди.

* * *

Жаноб Багганинг кўкраклари кенг, панжалари ингичка, юнглари майин, оппоқ, пахмоқ думли, зотдор ити бор эди. Унинг тумшуғи гўё зарбдан эзилгандай, япасқи, кўзлари юм-юмалоқ эди. Бу уйга келганлар бу ажойиб махлуққа қараб, ҳаваслари келарди. Очигини айтганда уй эгалари ҳам итни фақат шунинг учунгина боқардилар. Ана шу эрмак хўжайинга 250 рупияга тушганди.

Ит болалади. Бу Долли учун чинакам байрам бўлди. Қизча кўзлари юмуқ, худди қаламушга ўхшаш кучук болаларини томоша қилиб, суюнганидан ирғишлар, ёнидан бир қарич жилмасди. Кучукчаларга ишқибозларнинг саноги йўқ эди. Лекин уни бировга бериш масаласи мушкулроқ, чунки бирпига берсанг, бошқасининг кўнгли қолади, яна бунинг устига, борди-ю кучукваччаларни ҳар кимларга тарқатиб юборилса, унда тоза наслнинг қиммати тушиб кетмасмикин?

* * *

Жаноб Багганинг бир одати бор эди. Ити болаладими, хизматкорига «кучукваччаларни қайноқ сувга ташла» деб буйруқ берарди. Бу сафар ҳам шундай қилмоқчи бўлишди-ю, Долли туфайли бу ишга тезда киришилмади. Хизматкор билан қоровул қизчанинг мактабга кетишини пойлаб туриб, унинг йўқлигидан фойдаланишди-да, кучук болаларини саранжом қилишди. Долли мактабдан қайтган заҳотиёқ, кучукчалар ёнига чопаётган эди, энага уни тўхтатиб қолди:

— Кучукчаларни Раманга кўрсатгани жаноб бошқарувчининг олдига олиб кетишди, кечқурун қайтиб олиб келишади.

— Қизгинам, ҳозир кучуклар ухлаб ётишибди,— деди онаси,— уйғонишганда бориб ўйнасан.

Лекин Долли кучукчаларни излайверди, ахийри уларни чўқтириб юборишганини қоровулдан билиб олгач, бирам ачиндики, дод солиб йиғлади. Энага уни овутиш мақсадида сайрга олиб чиқди. Барибир қизча:

— Энага, нега энди кучукчаларни чўқтириб юбориши?— деб сўрашини қўймади.

— Ахир шунча кучукчаларга онасининг сути етмайди-да,— тушунтиарди энага.— Улар оч қолишиб бирам чийиллашдик, шундан кейин чўқтириб юборишиди.

Бир неча кунгача ит ҳам, Долли ҳам кучукчаларни қўмсаб юришди. Кейин бошқаларга ўхшаб улар ҳам унутиб юборишиди.

Боғбоннинг чақалоги тинмай йиғларди. Эрта-кеч йиғлагани йиғлаган эди. Бу Багга хонимнинг оромини бузарди.

— Мунча йиғлоқи бўлмаса бу бола,— дерди у аччиқланиб.

Бир куни Долли онасидан:

— Ойи, боғбоннинг боласи нимага йиғлайди?— деб сўраганди, хонимнинг баттар жаҳали чиқиб кетди.

Уларнинг ёнида ўтирган Биндий:

— Йиғламасинми ахир, онасининг сути етмайди-да,— деди.

Биндий билан онаси Долли уларнинг гапига қулоқ солаётганини билишмаганди.

Шунда Долли:

— Ойи, боғбонга айтинг, чақалогини сувга чўктириб қўя қолсин. Жим бўлади-қолади,— деди.

Биндий кулгисини яшириш учун сорийси билан юзини беркитди. Онаси сесканиб кетди. Долли бўлса онасига маъсум, тиниқ қўзларини тикиб, унинг маъқуллашини кутиб турарди.

— Ўта тентаклик, Долли... Ахир у кучукча эмаску! Болалар ҳақида бундай дейиш ярамайди,— деди она. Энага қизчани олиб кетишга ошиқди.

Орадан уч кун ўтгач, Долли энагаси билан жаноб бошқарувчиникидан Раман, Жотилар билан ўйнаб энди уйга қайтаётган эди, уларнинг қаршисида оқ матога ўралган боласини кўтариб олган боғбон чиқиб қолди. Унинг орқасидан йиғлаганича хотини келарди.

Энага четга бурилмоқчи бўлиб қизчани қўлига кўтариб олди.

— Нима бўлди, энага?— деб сўради Долли.

— Боғбоннинг чақалоги ўлиб қолибди,— аста жавоб қилди энага қизчанинг диққатини уй томон жалб этиб.

Долли мовий қўзларини катта очиб, энагага қаттиқ тикилди-да:

— Энага, нима, боғбоннинг чақалогини ҳам қайноқ сувда ўлдиришдими?— деб сўради.

— Жим...м, Долли, бунақа гапни гапириб бўлмайди,— деб қизчани туртиб қўйди энага,— болаларни ўлдиришмайди.

Доллини тинчитиб бўлмасди. У ортига, узоқлашиб кетаётган боғбонга яна қаради, кейин энагага ўгирилиб:

— Ёш болалар қандай қилиб ўлиб қолишади бўлмаса?— деди.

Доллини чалғитиш мақсадида энага уни уйга олиб кира туриб:

— У шундайин, очликдан ўлди, юра қол, ойинг чақиряптилар,— деди.

Лекин Долли бу ерда ҳам жим турмадиг:

— Демак, мен ҳам очликдан ўлар эканман-да?— деб энагани қисти-бастига олди.

— Бас, Долли!— аччиқланди энага,— шунақа гапларни гапираверсанг ойингга айтиб бераман.

Лекин юмшоқ күнгилли энага қизчанинг соддадиллигидан таъсиранмай қолмади. У Доллининг қўнгир соchlарини силаб туриб:

— Менинг кичик бекачам, сени тангрининг ўзи асрасин, сенга ўхшаган қизлар оламда кам... қўрқма, очликдан бошқа одамларнинг болалари ўлади.

Бу сўзларни айтатганда унинг овози титраб кетди. У ўз ўғлини эслади. Боласи икки йил аввал ўлганди. Ана ўшандан кейин Биндий жаноб Багганикига хизматкор бўлиб келганди!

УТТАМИНИНГ ОНАСИ

Уттамининг отаси Ҳанна Динанатҳ бобу қирқ ёшида, авжи қирчиллама, ақл-заковати камолотга етган пайтда вафот этди. Бутун қариндош-урұғлари, құни-қүшнілари бу бевақт қазодан жуда қайғуришди. Бева қолған онага жабр бўлди, дейиши. Дарҳақиқат, рўзгорнинг ҳамма оғир юки онанинг гарданига юкланди. Унинг жабрини она бошига кулфат тушган кунданоқ торта бошлади.

Динанатҳ бобунинг ўғли Бишан ўша вақтда мактабда ўқирди. Қизи Уттамини эса бир йил муқаддам сарроф Карамчанднинг ўғли Жайкишанга унаштириб қўйилганди. У пайтда Уттами ўн уч ёшда эди. Карамчанднинг рафиқаси Кетҳага қизнинг ном-насаби, улуг оиласдан бўлгани, энди очилай деб турган фунчадек ҳусни жуда маъқул тушганди. У қизнинг қимматбаҳо сепига умид боғламасди, лекин унинг оиласи, отабоболарининг шон-шуҳрати, бир вақтлар юқори тоифада ҳурматли кишилар бўлгани уни қизиқтирган эди. Унашиш вақтида куёвнинг ота-онаси, тўй қилишга шошилмасак ҳам бўлади, ўглимиз ўқишини битириб олсин, дейиши.

Аммо тақдир Уттамининг онаси учун аллақанча кутилмаган кулфатларни тайёрлаб қўйганди... Орадан тўққиз ой ўтгач, Лоҳўрда чечак тарқалиб, кўп кишиларнинг ёстигини қуритди. Уттамига ҳам чечак юқди. Қизнинг мустаҳкам аъзоси касалликни енгишга енди-ю, бироқ унинг бежирим, сутдек оқ юзида ўз асоратини қолдирди. Қизни мутлақо таниб бўлмасди.

Чўтири... Маҳалладаги ўспиринлар бир-бирлари билан гаплашганда: «Уни қарагин-а, куйдирган каллага ўхшайди-я...» деб куладиган бўлишиди.

Ана шундан кейин Уттами ғамгин, тортинчоқ бўлиб қолди. Кўчага чиқишидан, одамларга кўринишдан ўзини олиб қочадиган бўлди. Авваллари онаси ул-бул харид қилгани бозорга юборгудай бўлса, жон-жон деб бора, тенгқурлари билан ўйнаб-кулиб қайтарди. Энди бўлса, кўчага чиқмаслик учун баҳона қидирадиган бўлди. Онаси гоҳида аччиғи келиб:

— Нима, бутун жаҳон сенга қараб турибдими! — деб уришиб берарди. Уттами мактабга ҳам бормай қўйди. Ўрта маълумот олиш учун имтиҳон топшириши керак эди. Унга ҳам бормади.

Чечак қиласи ишини қилдику-я, бироқ у қолдиран асорат ҳаммадан кўпроқ Жайкишанинг онасини ташвишга солиб қўйди. «Уттами ўзи яхши қиз, лекин унинг юзидаги нуқсон...» — дея чуқур энтикиб қўярди.

— Чечак тарқалишини, келиб-келиб биз олмоқчи бўлган келиннинг юзида шунақа из қолдиришини қаёқдан билибмиз.— У яккаш шундай дер эди. Ўзича бир қарорга келди шекилли, тўрт-беш кун ўтгандан сўнг ўғлини тезроқ уйлантириш ҳақида гап очди. Бироқ Уттамининг онаси ҳозир қизини қандай қилиб чиқара оларди. Ахир эрининг вафот этганига икки йил ҳам бўлганий йўқ. Бундан ташқари, тўй харажатлари дегандек, унга маблағ керак. Унинг эри Диннатҳ темир йўлдаги хизматидан икки юз рупия маош оларди. У маҳаллар бу катта пул эди, албатта. Лекин шунга яраша харажати ҳам бор эди-да. Тўйга сарф қилиши учун пул топиш мақсадида, Уттамининг онаси уйининг бир қисмини ижарага қўйди. Онанинг ўйлашибича, бўлажак куёв ўқияпти. Қизи бўлса, ҳали ўн тўрт ёшда. Яна икки-уч йилдан сўнг йигит ҳам ўқишини тамомлайди. Эрининг азаси ҳам ўтиб кетади.

Лекин бу талаб Жайкишанинг онасига баҳона бўлди. Қариндош-уругларининг орасида: «Кап-катта, ҳирсдай қиз уйда ўтириби, яна уч йил кутармишмиз, дерди. Яна айбни бизга ағдарманглар. Ахир биз ҳам ўзимизнинг қизимизни куёвга беришимиз керак...» деб

гапни кўндаланг қўйди-да, фотиҳани бузишни айтиб, Жайкишанга совға қилинган чилим, юз рупия пулни қайтариб берди.

Уттамининг онаси бош чайқаб туриб:

— Ундей бўлса, бизга яна олти ой муҳлат беринг. Уйнимизни гаровга қўяман. Қизимнинг тўйини қила-ман.— У бу сўзларни айтиб туриб қариндошларга юзланди:

— Борди-ю қизимнинг бирор нарсаси етишмайдиган бўлса, майли, унда фотиҳа бузила қолсин.

Уттами Жайкишанни ҳеч қачон кўрган эмас. Шундай бўлса ҳам қиз қаттиқ азият чекар эди. У бўлаётган воқеаларни сезар, фотиҳа бузилишига бирдан-бир сабаб — юзининг бужурлиги деб билар эди. Қиз ҳамма нарсадан умидини узиб қўйган, фақат бир нарса — ўзига ўлим тиларди, холос. Авваллари у бирор нарса тикишгами, тўқишигами ўтирадиган бўлса, кўча томондаги дераза олдига ўтиради. Кўчадаги ўспиринлар унга қараб ҳазиллашгудай бўлса, қошлирини чимирав, тилини чиқариб мазах қилар, бу эрмакдан ўзи ҳузур қиласади. Энди-чи? У кўча томондаги деразага яқинлашмас эди ҳам. Мабодо ёруг жойга ўтиргиси келса, ҳовли томондаги дераза ёнига ўтиради. Энди у соchlарини гуллар билан безамас, пешонасига хол ҳам кўймас эди.

Уттамининг онаси бева қолгандан кейин, диний ақидаларга берилиб кетди. Эрта билан туриб, кун чиқунча Ровий дарёсида тоат-ибодатини ўтказар, дарёдан қайтаётиб, сабзавот, сут олиб келарди. Уттамининг акаси Бишан соат тўққизда коллежга ўқишга борар, Уттами бўлса, барвақт туриб, акасига нонушта тайёрлар эди. Бу ишларни қизига топшириб қўйган она қора эгни-бошини кийиб, қизига куёв қидиргани чиқиб кетар эди. Лоҳурда ва Амритсарда одатда никоҳ ишларини кўпинча аёллар ўзлари бажаришар эди. Эркаклар фақат розилик беришар эди. Уттамининг онаси оқсуяклар хонадонининг деярли ҳаммасига кириб чиқди. Сутармандий, Папармандий, Мачқихатта, Сандештҳа, Гумтибозор, Бухоримандий маҳаллалари ҳам қолмади. У: «Эримнинг ўлганига ҳали икки йилча бўлмаганди. Дарров тўй килолмадим, шунинг учун фотиҳа бузилди. Қизимга чечак чиқишига чиқсан, бироқ из қолдирмаган. Сиз уни бир кўрсангиз эди,

мингтадан битта шунақангиси учрайди», — деб тушунтирас эди кирган жойига.

Йигитларнинг оналари ундан қутулиш учун ачинган бўлиб: «Биласизми, онајон, ҳозирги йигитлар жуда қизиқ-да, фақат ўқимишли қизга уйланаман дейишади», — деб айтишарди. Баъзи бирлари эса ўғилларини ўқитиш учун катта пул сарф қилганларини айтиб, ғоят катта сеп сўрар эдилар. Уттамининг онаси эса, қўлини ияигига қўйганича чуқур хўрсиниб, уларнинг гапларини эшишиб ўтиради.

Уттамининг онаси уйининг биринчи қаватидаги хоналарни темир йўлда ишловчи муҳтарам Сингҳ бо-буға берган эди. Иккинчи қаватдаги хоналарнинг ярмисини эса қизлар мактабида ишловчи бева Браҳман ижарага олган эди. Унинг Бишан билан баравар Шиваром деган ўғли биринчи даражали имтиёз гувоҳномасини олиш учун тайёрланаётган эди. Бишан билан Шиваром тез орада дўстлашиб кетдилар. Шиваром инглиз тилини яхши билганлиги учун, Бишанга ёрдам берар, Бишан ҳам ўз навбатида унга бирор кўмак керак бўлса, ҳеч қачон рад этмас эди. Уттамининг онасини у хола деб чақирар эди. Авваллари Утами Шиваромни кўрганда, унга кўпда эътибор бермасди. Йигитлар гаплашиб турганда бир четга ўтиб, акасини чақирар, акаси йўқлигига жимгина ўтиради. Шиваром чақирса ҳам индамасди. Шиваром унинг ёлгиз ўтирганини кўриб:

— Сўзингиз шунчалик қимматмики, ҳатто чақирганларида «ҳа»ни аяйсиз. Ҳа, ёки йўқ дeng-да,— деди.

Уттами кулгидан ўзини тиёлмай қолди. Кейинчалик унинг саломларига алик оладиган бўлди. Бир неча кун ўтгандан кейин Уттами сув олгани боргандা, Шиваром ҳам кўзасини кўтариб келиб қолди. Қизнинг индамаётганлигини кўриб:

— Вой бў! Мунча нозанин қиз-а, бу! — ҳазиллашибди Шиваром.

— Нозанин? — деб қайта сўради қиз.

— Ҳа-да! Нозанин бўлганда ҳам қандай, худди фаришталардексиз-а, — деди Шиваром. Уттамининг юраги шувиллаб кетди. Шунда унинг қалбида аввалги магрурлик ҳисси галаён қилди:

— Сиз учун нозанинлар топилар. Мен бўлсам хунук қизман,— деб жавоб берди Уттами. Қиз бошини ерга эгганди-ю, бироқ кўз қири билан йигитга қараб турарди.

— Ростини айтами, билсангиз сиз гўзалларнинг гўзалисиз, мен сизсиз яшай олмайман,— деди Шиваром. Уттами бўлса унга бир шиддат билан қаради-ю, юргурганича юқорига чиқиб кетди. Шу кундан бошлаб, улар бир-бирларига бошқача қарайдиган бўлдилар. Кўпинча улар уйда танҳо қолишиб гаплашар эдилар. Уттамининг онаси қизи учун куёв ахтариш билан овора эди. Лоҳурда у ҳеч қандай иш чиқаролмай, Амритсадан куёв ахтара бошлади. У эрталаб соат 8—9 да поездга тушиб кетар, қоронги тушганда уйига қайтар эди. Бишан коллежда соат тўрт-бешгacha бўлар. Шиваромнинг онаси ҳам тўрт яримлардан барвақт қайтмас, Шиваром эса икки ярим-учларда қайтарди. Уттами тушликдан кейин уйга сув олиб келар, ёки ҳовлида тикув-чатув билан овора бўлар эди. Бир куни Шиваром коллеждан соат бир яримда қайтди. Зинапоядан кўтарила туриб, сув олаётган Уттамини кўриб, ҳазиллашиб бош силкитди. Уттами ҳам уни мазах қилиб, кўзасини кўтарганича тепага чиқиб кетди. Зинапоя поғонасига кўзасини қўя туриб, уҳ тортиб қўйди. Шиваром бўлса, унга ишора билан «жим», дея лабларини кўрсатиб: «Бир марта мумкинми?»— деди. Қиз сорийсининг учи билан юзини берқитиб, бошини сарак-сарак қилди. Шиваром кўзанини бир поғона тепага қўйди-да, Уттамини ўзига тортиди. Қиз ҳам беихтиёр ҳеч қандай қаршилик кўрсата олмади. Ана шундан кейин улар маҳфиёна учрашиб турадиган бўлдилар. Уттами муҳаббатнинг қувончини тотиб кўргач, анча дадил бўлиб қолди. Қулай пайт дуч келди дегунча у ўгринча ўпар ёки ҳеч иложи бўлмаган тақдирда узоқдан бўлса ҳам Шиваромга тикилиб туришдан баҳра оларди.

У ўзига қарай бошлади, қадди-қоматини кўз-кўз қиласиган хушбичим кўйлак ҳам тикиб олди. Буни кўрган онаси:

— Бунча тор тикмасанг, ҳадемай йиртилиб кетади,— деб уришиб берди.

Шу кунларда Уттами шундай магрур ва осойишта эдики, қалби дарё суви сингари тўлқинланар, тўлиб

тошарди. Даشاҳра¹ байрами олдида таътил кунлари бошланди.

Ҳамма уйда эди. Бу кунлар Шиваром билан Уттами учун жуда оғир кунлар эди. Рованинг куйдирилиши кунида Шиваром ва Уттамининг оналари ҳам иштирок этдилар. Уттами эса бош оғриғини баҳона қилиб у ерга бормади. Шиваром билан Бишан ҳам байрамга кетдилар, лекин улар бир-бирларини йўқотиб қўйдилар. Бишан бир ўзи сайд қилишни истамаганлиги учун уйга қайтди. Уйнинг дарвозаси ичкаридан берк эди. У эшикни тақиилатди. Сардорнинг оиласи ҳам ҳали байрамдан келмаган эди. Жавоб бўлмагандан кейин Бишан яна тақиилатди. Тепадан Уттами тушиб, қўрқа-писа эшикни очди. Унга хўмрайиб қараган Бишан ниманидир сезгандай бўлди. Бишан бир неча кундан бери синглисини кузатиб юради. Қизда қандайдир бир ўзгариш борлигини, лекин уни яшираётганини пайқаган эди. Мана энди у тепага кўтарилганда, Шиваромнинг ҳам ўз хонасида ўтирганини кўрди. Жаҳл билан у ердан югуриб чиқиб, Уттамининг юзига бир тарсаки тортди-да:

— Бу ерда нима бўляпти, ўзи? — деди.

Уттами бирор нарса айтолмагани учун унинг айби ошкор бўлиб қолди. Бишап Уттамини роса дўппослади ва онаси қайтиб келгач, ижарачилардан хоналарни дарҳол бўшатишни талаб қилди. Шу ҳодисадан сўнг Шиваром ва Уттамининг оналари орасида катта жанжал кўтарилди. Шиваромнинг онаси бадном бўлиб уйни ташлаб кетди.

Уйнинг иккинчи қаватига янги ижарачилар қўйиши керак эди. Бу сафар Уттамининг онаси бир оз ўйлагандан сўнг хоналарни 35 ёшли бир бобуга берди. Салигром бобунинг икки қизи бор эди. Уларнинг онаси вазмин аёл эди. Бир неча кунлардан сўнг янги ижараочи Уттамиларнинг оиласи билан қадрдон бўлиб қолди. Салигром бобу Уттамининг онасини хола, Уттамини эса қизим деб чақиради. Салигром суғурта ширкати идорасида ишларди. Уттамини ўзи ўқитар ва онасига қизи мактабда ўрта маълумот олиши учун имтиҳон топшириши кераклигини уқтиради.

¹ Дашаҳра — ҳиндулар байрами. Рома галабаси куни. Бу куни Романинг хотини Ситани ўгирилаб кетган ёвуз Рованинг рамзини ясад, уни куйдирадилар.

чалари қиз у билан дарс тайёрлаб кўпинча ушланиб коларди. Дарс вақтида у Уттамининг орқа бошини силаб-сийпар, сурилиб-сурилиб қизга яқинроқ ўтириб оларди... Етти ой ўтар-ўтмас Салигромнинг оиласида Уттами туфайли жанжал кўтарилди. Салигромнинг хотини Уттамининг онасига:

— Бундан кейин қизингиз бизнинг хоналарга қадам босмасин,— деди.

Уттами коллежда ўқимас эди. Шунинг учун унинг 16 ёшга кирган бўлса ҳам, ҳали ҳам куёвга чиқмаганигидан қўшнилар ажабланишарди.

— Биринчи фотиҳа бузилган бўлса, иккинчи марта фотиҳа қилиш мумкин эди-ку,— дейишарди.

Уттамининг онаси маҳалладагиларга Ферўзпурда сартарош укасининг борлигини айтиб, қизи билан ўша ерга жўнади. Келинойисига қизнинг феъли ёқиб қолди. Бир ҳафтадан сўнг Уттамининг онаси қизини у ерда бир неча кунга қолдириб, ўзи уйга қайтиб келди.

Уттамининг кўзлари шу қадар жозибали эдики, ёш йигитлар у ёқда турсин, ҳатто катта ёшдаги кишилар ҳам бу кўзлар, нозли қараашлар олдида ўзларини тиёлмас эдилар. У эркак зотини кўрганда жуда эриб кетар эди. Орадан уч ой ҳам ўтмасдан келинойиси унинг қанақалигини билиб олди... Дарғазаб бўлган аёл қизни бир неча бор уриб ҳам кўрди, лекин бўлмади. Қайтага ўзи эридан калтак еди. Охири қизни Лоҳўрга олиб борди-да, онасига қизнинг қанақа әканлигини айтиб, ташлаб қайтиб кетди. Уттамининг онаси аламидан ҳўнграб йиғлар, ўзини ўзи уриб нолирди:

— Шарманда қилдинг, сени бўйнимга боғлаб қайси кўлга ўзимни ташлай. Мен ахир сенинг шундай жодугар бўлишингни билганимда, туғулмасингдан илгари гумдон қилиб қўймасмидим,— деб қизини қарғар эди. Энди уйдагилар Уттамининг ҳар бир қадамини ўлчай бошладилар. Унинг аҳволи қамоқдаги бандиларникidan ҳам оғирроқ эди. Қиз кўчага қараган ойна томон қадам босдими, тамом, онасининг ҳам, акасининг ҳам жаҳли чиқар, кўзларини олайтириб, уни ҳақоратлашарди. Уттами бу назорат ва ҳақоратларга қарши чиқмасди ҳам, бардош берарди. Чунки аслида унинг кўнгли уятчан, ўзи тортинчоқ эди! У: «Ҳайтимдаги энг қимматли нарса — номусимни оёқ ости қилдим. Нега?» деб нолирди. Энди бўлса фақат бир нарсани —

ўлимини тиларди. Лекин ўзини-ўзи ўлдириш унинг қўйлайдан келмасди.

Доимо уйда ўтираверишдан унинг иштаҳаси бўғилиди. Ёниб турган кўзлар сўнди, ёлоқларидағи қизиллик йўқолиб, юзлари саргайди. Юраги тез-тез оғриб турадиган бўлиб қолди. Гоҳида бу дард юрагини парчалаб юборгудек бўларди. Шунда қиз бошини рўмол билан маҳкам боялаб, дардини енгмоқчи бўларди. Онаси ҳайрон, қизига нима бўлганини сира тушунолмас эди.

— Бошингга нима қилди? Кел, бошингни мой билан силаб қўйай, зора тузалиб қолсанг,— деб томирини ушлаб кўрди:

— Ў-ҳў! Иссифинг баланд-ку! — деди қайғуриб.

— Ҳеч нарса эмас, ойи,— деди у лоқайдлик билан.

Орадан икки кун ўтди. Шу вақт ичида Уттамидан ун ҳам чиқмади. Ҳавотирланиб қолган онаси тоза ҳавога чиқса тузалиб қолар деган умидда қизини ҳам эрталаблари ўзи билан бирга дарёга олиб борадиган бўлди. У ерда Гиёнмайи деган отин билан қизини танишитирди. Бу аёл ўзи ўттиз икки ёшида эри ва ўғлини ташлаб кетганди. У ҳузурига келган хотинларга:

— Бу дунёда эрдан кечган хотинларгина оромда яшайди. Аёллик нафси — бу бир гуноҳ. Ана шу гуноҳ содир бўлмаслиги, руҳинг пок бўлмоғи учун бирдан бир йўл — ўзингни тиймогинг керак,— деб уқтиарди. Унинг муридлари эса таъзим қилиб, унга таомлар тутар, у қўл урган таомни табаррук ҳисоблашарди. Сувда уни ўзлари ювинтиришар, хушбўй мой суртиб, соchlарини тараб қўйишарди. Художўй тарки дунё этган отиннинг ўзи ҳеч иш қилмай, фақат:

— Нафс балосидан воз кечишини ўрганиш керак. Эркакка бўлган ҳис-туйғу — душман, уни ўлдиранг ғалаба сеники, савоб сеники, бахт-саодат сеники,— деган насиҳатларни кўп қиласарди. Бу гаплар қизимга таъсир қиласар деган умидда она Уттамини ҳам ўзи билан бирга шу ерга олиб келарди.

Ниҳоят Уттами ўзининг йўлини топиб олди. Жондили билан ҳис-туйғулардан воз кеча бошлади. У ўзини-ўзи юпатаётгани, ҳамма лаззатли нарсалардан воз кечаетганидан ачинмас, аксинча бутун борлиғи билан бунга киришиб кетди. Шундай қилиб у сал кунда муз-

тақидлар ичида ўзига анча эътибор, обрў орттириб олди. Уттами туздан, ҳатто шириналлардан ҳам воз кечди. Йигирма тўрт соат ичида у фақат бир марта тамадди қиласади, холос.

— Парҳез қилиб бирам ҳузур қиляпманки, авваллари ҳеч қачон бунағангисини сезмаганман,— дерди у. Уттами Гиёнмайи отинга тақлид қиладиган бўлди, ибодатни ўрнига қўяр, тарки дунё қилган роҳибаларга хос ҳамма ҳатти-ҳаракат, дуолар, авлиёларнинг номларини ёддан айтиш унинг фикр-зикрини чулғаб олган эди. Қиздаги бу зўр интилишни кўриб Гиёнмайи роса суюнар, художўйлар олдида кўкларга кўтариб мақтарди. Бу мақтовлар қизга олам-олам ҳузур бахш этарди. Уттамининг онаси бўлса қизининг индамас бўлиб қолганидан хавотирланиб:

— Аҳволинг нечук, қизим?— деб сўраб қўярди. Уттами бўлса кўзларини юмиб:

— Қалбимда қувонч,— деб жавоб қиласади. Қизнинг гапириши ҳам, ташқи қиёфаси ҳам бутунлай ўзгарди. Аввалги ҳис-стуйғулари ўзи учун гуноҳ бўлиб туюларди. Онаси унинг қўлини ушлаб кўрганда ҳар сафар титраб турганини сезиб қолди. Хавотирланган онаси табиб Сансиҳга олиб борди. Табиб бир неча хил дорилар берди. Кейин онасига:

— Дориларнинг нафи тегмас, чунки қизинг ёш, унинг ҳеч қандай касали йўқ. Фақат эрга бериш керак, шунда у ўзидан ўзи тузалиб кетади,— деб айтарди. Бу гап Уттамининг онасига ёқмади. У қизини аёл ҳакимга кўрсатди. У ҳам табиб айтган гапни айтди-ку, бошқачароқ қилиб тушунтириди.

— Қизинг, албатта эрга чиқиши керак,— деб таъкидлади-да, қувват дори берди.

— Дурустроқ овқатлансин,— деб тайинлади.

Уттамининг онаси энди қизига ёш куёв қидиришдан умидини узди. Хотини ўлганми ёки қарироқ бўлса ҳам бева кишини қидира бошлади. Бир-икки эркак уйланишга рози эдилар-ку, бироқ уларнинг уйидаги аёллар Уттамини уйларига келтиришни истамадилар:

— Бу қиз дардман-ку, ахир!— дейишарди.

— Үндай эмас, қизимнинг оғриб қолганига атиги етти кун бўлди, холос. Бу икки-уч кундан кейин ўтиб кетади,— дерди она. Лекин Уттамининг аҳволи онасининг сўзларини тасдиқламасди. Қизнинг онаси қаттиқ

хавотирлана бошлади. Уттами дори ичмас, зўр билан ичирганинг нафи бўлмасди. Энди она Уттамининг ўзини-ўзи тийшидан ҳаяжонланарди. Қизи тоат-ибодат қила бошлагандан буён кўзлари сўниб, қовоқ остилари халта бўлиб қолдп. Онаси бўлса қизининг ранг-рўйини кўриб, коийнганидан тун бўйи йиглаб чиқарди. Аламидан Карамчанднинг хотинини «худоё худовандо сенинг қизингнинг бошига ҳам шундай кулфат тушсин», деб қарғарди. Она энди қизини нима қилишини билмас, аҳвол шундай давом этаверса қизи озиб-тўзиб кетиши, ўлиб-нетиб қолиши ҳам мумкин. «Ҳаммасига ўзим айборман, агар ўшанда мен уйни сотиб бўлса ҳам тўйни ўтказганимда Сарор Карамчанд ҳеч нарса қилолмасди,— деб ўйларди она,—қизим ўша пайтда эрга текканида эди, ҳозир ҳамма иш жойида бўларди. Йўлдан озмасди ҳам. Энди шу аҳволда бу қизга уйланишга кимнинг кўзи учиб турибди? Уни қандай қилиб даволай оламан энди,— деб ўйларди.— Ўғил боланинг йўриги бўлак. Қиз болани ўз вақтида жойига топширмасанг қийин. Ҳеч ким уйланишни хоҳламаса бечора нима ҳам қила олади».

Бишан мактабни тамомлаб, Руркидаги инженерлар тайёрлайдиган коллежга кириб ўқий бошлади. Бу ерни битиргандан кейин у уч юз эллик рупий маош оладиган хизматга кириши мумкин. Она Бишандан кўнгли тўқ: «Ўғлимга ҳамма нарсани муҳайё қилдим, аммо қизимни нима аҳволга солиб қўйдим? Унинг бўғзига ўзим пичоқ тўғрилаб қўйдим»,— деб ташвиш чекарди. Қизи туфайли иккимарта ижаравчилар билан жанжал бўлгани учун Уттамининг онаси ижарага эркак қўймайдиган бўлди. Хоналарни у бева муаллима ва унинг онасига топширди. Уттамининг онаси ҳатто ижаравчилар уйига эркак киши киргудек бўлса ҳам ёқтирмасди. Қизига Ферўзпурдан қайтиб келгач: «Ижаравчилар хонасига қадам босмайсан»,— деб таинлаганди. Лекин кўп ўтмай онанинг фикри ўзгарди. Чунки ўқитувчи чаққон аёл бўлиб, кўпинча бўш вақтларида пайпоқ, тўр кўйлак тўқирди.

— Чевар экансиз, ҳунарингизни синглингиз Уттамига ҳам ўргатсангиз-чи,— деди уй бекаси ва қизини чақириб:

— Утти, қарагин, опанг бирам чиройли свитер

түқияпти, сен ҳам ўргангин,— деб тайинлади. Шу кундан бошлаб уйларида тансиқроқ овқат қилишганида қизига бериб: «Үқитувчи опангга олиб киргин, таом ҳам бошқалар билан бирга баҳам кўрсанг тотли бўлади», деб қўядиган бўлди. Борди-ю, үқитувчининг уйига эркак меҳмон келиб қолгудек бўлса, қизини бирор баҳона билан уникига юборарди. Аммо энди Уттами жонсиз қўғирчоқнинг ўзгинаси бўлиб қолган эди. Кўзлари тош ҳайкалларни кига ўхшарди. Амритсарда Уттамиning холаси яшарди. Унинг ўғли Лолчанд икки йилдан буён Лоҳурда ишларди. Холаси, ўғлим опамникида тураг, деган умидда эди. Лекин Уттамиning онаси ўша пайтда бунга кўнмаган эди. Орадан бир оз вақт ўтгач, она ўз фикридан қайтди. Ҳатто ўзи Лолчанднинг олдига бориб: «Бизлардан хабар ҳам олмайсан, биз ёлғиз қолдик, Бишан борлигига келиб турадиганлар ҳам келмай қўйиши», деб гина ҳам қилди. Жияни уйига келгандачи, ў-ҳў! Утқизгани жой топмас, айланиб-ўргиларди. Қизига бўлса:

— Сенга нима бўлди, ахир, уйга меҳмон келса-ю, нега у билан гаплашмай ўтирасан, одамни уятга ҳам қўясан!— деб қўядиган бўлди. Лолчанднинг елка-бошини силаб-сийпаб:

— Кўряпсанми, ёлғизмиз, бизникида ҳам уч-тўрт кун турсанг ҳеч нарса бўлмас,— деб аразларди,— эртадан кейин барот ойининг биринчи куни, ёмғир ёғса нон-патир, сомса ёпмоқчи эдим. Ким учун ҳам тайёрлайман бу мазали таомларни, қизим бўлса ҳеч нарса емайди. Нима ҳам қилсин, бечора, доим якка ўзи ўтиради, гаплашадиган ҳеч кими йўқ.

Она бу гапларни айтиб туриб, бирдан ўрнидан туриб кетди:

— Вой, мен ўлай, қилган ишим қурсин, ахир дўкондан ширинликлар харид қилганда муз ҳам олувдим, йўлда келаётуб Варами билан гаплашиб кетай, деб кирудим, музни қолдириб келибман-ку, ҳозир бир зумда бориб келаман, сен ўтириб тур, сени бир меҳмон қилай, ловия ивитиб қўйдим, сомса пишираман.— Уттамиning онаси қора қўйлагини кийди-да, чодирини ёпинганича зиналардан тушиб кетди.

У қайтиб келганда очиқиб кетган Лолчанд ёнбошлиб ётар, худога илтижо қилиб ўтирган Уттамига

ҳайрат ҳамда ҳурмат билан тикилиб қолганди. Қизи бўлса: «Ўзингга шукур, руҳимни енгил қилдинг», деб пичирларди. Она қизини яна докторга олиб борди. Бу гал доктор «ўпкасининг касали оғирлашган, қўзғалмаслиги керак» деб тайинлади. Энди онанинг ўзи қизга ўрин солиб ётқизди, «қимирлама», деб зорланди. «Қаёқданам қизимни отиннинг олдига олиб бордим-а! Бўйнига ўз қўлим билан кишан солиб қўйдим», деб ачинарди она. Энди уни бу йўлдан қайта-ришнинг иложи йўқ эди. Тоат-ибодатни ўрнига қўяётган қиз энди онасидан ўзини билимдон ҳисобларди. У тасбех ўгириб, дуолар ўқиб ўтирганида худога синганлар унга бош әгиб қўлларини чўзардилар.

Гиёнмайи бўлса одамларга:

— Бу қиздан худо рози, у тез кунда ҳамманинг эътиқоди, ҳурмат-иззатини қозониб олди,— деб мақтарди. Она бир неча кун ўйланиб юргач, қизига:

— Қизгинам, ахир мени қачонгача қийнайсан? Ферўзпурдаги тоғангга хат ёз, мен айтиб тураман, кел, ёза қол,— она гапларни қалаштириб ташлади. «Лоҳўрга уч-тўрт кунга кел, жиянинг ҳақида ҳам қайғургин, энди Бишанга, у ўқиши тугаллагунча пул юбориб туришим ҳам қийин бўлиб қолди. Қимматбаҳо тақин-чоқларимни шартли гаровга қўйишни маслаҳат беришди. Лекин аёллар, бу ишда эркак киши бўлмаса, сени алдаб қўйишади, дейишпти. Ахир, сен укамсанку, кела қол, шунаقا пайтда кунимга ярасанг...»

Дҳанийром келганда она Уттамига дори ичирмоқчи бўлар, қиз эса: «Ўзинг асра парвардигор, кимнинг гуноҳлари эвазига шу қадар ҳолдан тойдим?» деб пичирларди. Уттамини шу аҳволда кўрган Дҳанийром ҳанг-манг бўлиб қолди. У бутунлай бошқа умидда эди. Қизни Ферўзпурда узатиб қолгандаги ёш, шўх пайтини фараз қилиб, унинг билан яна танҳо қолиш ниятида келган эди. Уттами бўлса Дҳанийромни танир-танимас ҳолатда эди. Уни танишнинг ҳам ҳожати йўқ, деб ҳисобларди.

— Унга нима бўлди?— деб сўради Дҳанийром.

Уттамининг онаси келинидан қизи ҳақида әшитган гаплари эсига тушиб, хижолат тортди. Ҳаким, табибларнинг айтган гапларини унга нима деб уқтиурсин? Унинг ўрнига:

— Кўпдан бери иситма-безгак тутади, иштаҳаси йўқ, ҳафталиб овқат емайди, доимо ўзи танҳо, гаплашадиган ҳеч кими йўқ,— деб жавоб қилди.

Дҳанийром овқатланиб, дам олиб бўлгач, она бир нарсани баҳона қилиб пастга тушиб кетди. У дилида: «Эй тангрим, сенинг олдингда гуноҳкорман, қизимнинг ёшлигини қайтариб бер, дардидан халос қил», деб нола чекарди. Қизага тикилиб ўтирган Дҳанийромнинг кўз ўнгида Уттамининг ёшлиги, ўша, уларнига борган пайтдаги ўйноқилиги намоён бўлди. У қизнинг чорпоясига яқин ўтириб эркалаган оҳанг билан:

— Утта, сенга нима бўлди?— деб сўради. Қиз ғалати табассум қилиб қўйди. У Дҳанийромга бўри қарааш қилиб тикиларди. Қиз:

— Сен бирор нарсани кўряпсанми?— деб сўрадида,— мен Браҳманни кўряпман, ана сен ҳам қарагин, уларга чинакам илтижо билан қарасанг, кўрасан,— деди. Уттамининг юзлари бир зум лов этиб ёнди. Кейин кўзларини юмиб, чуқур энтикди. «Худога шукур», деб такорлади. Дҳанийром қўрқиб кетди. У ҳаяжонланиб ўтиради. Гўзал Уттамининг ўрнида дарддан озиб-тўзиб кетган танаси ётарди. Бу тана титрар, эгилиб-букилар, бир нарсадан ўзини халос қилишга интиларди.

Дҳанийром уч кундан сўнг кетмоқчи бўлди. Опаси йиғлаб туриб: «Нима ҳам дердим, дард қурсин, қизимни адо қиляпти. Ҳайронман, тангри Ром ҳам шафқат қилмаяпти», дея зорланди. Дҳанийром опасига ниҳоятда оғирлигини биларди. Лекин на чора? Опаси бўлса иним қизимни сақлаб қолади, деган умидда эди. Онанинг қилмагани қолмади. Лекин ҳеч бирининг нафи тегмади. Уттами қаттиқ йўталарди. Шунда қон тупурар, онанинг капалаги учиб докторга чопди. У қизга туришини тақиқ қилди.

Онаси қизига ялинарди: «Жон қизим, шу ибодатингни бир-икки кун қўйиб тургин, ахир, йўталинг тўхтасин, кейин, майли». Бироқ қизи қулоқ солмасди. У онасига:

— Кишининг оғзи фисқ-фужур маконидир, оғзимиз эмас, танимиз қусурликка сабабчи бўлса, унда руҳимиз авлиёларникӣ мұқаддас бўлади,— деди.

Ҳиндуларнинг Мирриҳ байрами куни ибодатга бораман, деб туриб олди. Онаси қизининг бу истагини

қайтариб бўлмаслигини биларди, ўзи билан бирга олиб боришга мажбур бўлди. Қизнинг адо бўлган ҳолати, сўниб бораётган кўзларини кўрган муътақидлар бирданига ибодатга қаттиқ киришиб кетишиди. Улар Уттамига илтижо билан қўл чўзишганди, қиз бўлса уларга баланддан туриб мағрур кўз ташларди. Ўзига кўрсатилган бу илтижолардан Уттами қувониб кетди. Гилам жойнамозни солиб сажда қила бошлади. «Ё Үм, ё худо!» сўзини такрор-такрор айтиб ибодатни бошлади. Бошқалар унга әргашиб ибодат қиласар, улар ҳам, Үм, ўзинг қўлла, сўзларини биргаллашиб айтишарди. Саждадан энди бош кўтарган Уттами чуқур тин олиб, яна бошини әгмоқчи эди, бирдан қаттиқ йўтал тутиб қолди. Оғзидан лахта қон тушди. Қиз яна «Үм!» демоқчи эди, айтиб улгирмасдан боши шилқ этиб бўйнига тушди-ю, йиқилди. Ибодат қилаётганлар ваҳима қилиб юборишиди. Уттамининг онаси дод деганича етиб келди-да, қизнинг жонсиз танасини қўлига олди. Муътақидлар эса ҳамон «Үм, ўзинг нажот бер!» деб қичқиришар, гўё бу билан тарки дунё қилган қизнинг руҳи Браҳманга айланиб қолади, дейишарди. Бу гапларни Уттамининг онаси әшитмас, эс-ҳушидан айрилиб, жинни бўлаёзган она:

— Вой қизим! Ҳой, қизимни адо қилдиларинг-ку! Қизгинам, ахир бу дунёда нима кўрдинг, жон болам? Вой қизим-эй, оразуларингга етолмай, кўзинг очиқ кетяпсан-ку! — деб фарёд чекарди.

ТОҒ НОЛАСИ

Ҳозир Манди қишлоғи бошқача бўлиб кетган. Электр чироқлару, машиналар ҳам сероб. Қишлоқдан темир йўл ҳам ўтади. Бир вақтлар Хамир пур билан Кувалсалга қатнайдиган йўловчилар Мандига қўниб ўтишарди. У пайтларда сафар юкини туяларга ортиб ёки ҳаммолларга кўтартириб пиёда юришарди. Кунларнинг бирида ўша тарафларга йўлим тушиб, Қули қишлоғига кетаётган эдим. Манди орқали ўтишга тўғри келди. Қишлоққа кираверишда, йўл четида ўтирган ўрта ёшли аёлга кўзим тушди. Олдида ўрик солинган сават. Тоғликлар одати шундай. Йўл бошида ўтириб, йўловчиларга мева сотишади. Жуда арzonга — қадоғини икки-уч пайсага беришади. Аёлга яқин келгандим, у панжоб тилида:

— Сиз лоҳурликмисиз? — деб сўради. «У мени қаердан билиши мумкин?» деб ўйладим. Эҳтимол кийимимга қараб шу фикрга келгандири.

— Ҳа, Лоҳурданман.

Бу сўзни эшиитган ҳамон уни:
 чақнаб кетди.

— Ундай бўлса сиз Парас
 — Парас Ром? — қайта сўр/
 — Парас Ром-чи, пудратч
 Ҳеч нарса тушунмадим.
 — Пудратчи Парас Ром?
 қўли билан ишора қилди:
 — Ҳу ана, кўриниб турни
 ҳам у қурган.

176
нига ми,
кетмагани
отмагани
идим. Бо-
риқиб кута-

Мен ҳамон ҳеч нарса англамасдим.

— Рост. Мен Парас Ромни билмайман. Лекин шундай одам бордир, нимайди?

— Гавба-ей, Лоҳурда яшаб уни танимайсизми-я! — аёл ранжигандай гапиради: — ахир у ҳам лоҳурлик-ку!

Аёлнинг маъюс бўлиб қолганидан таъсиrlаниб:

— У қайси кўча, қайси районда истиқомат қилали? — деб сўрадим.

Аёл ҳайрат билан гапиради:

— Кўча, районнинг нима алоқаси бор? У кўчада турмайди, шаҳарда, Лоҳур шаҳрида яшайди. Сиз бўлсангиз ўша ерлик бўла туриб, уни билмас экансиз.

Бу соддадил аёлнинг гапларига таажжубланмадим. Мен унга Лоҳур жуда катта шаҳар эканлигини, унда 250 мингдан ортиқ аҳоли яшаши, битта маҳалланинг ўзида яшовчилар ҳам бир-бирларини таниши жуда қийинлигини айтдим. Мен, масалан, Ҳийрамандий районида тураман, айтайлик Парас Ром Мажангда истиқомат қиласидиган бўлса, орамизни уч ярим миллик масофа ажратиб туради. Шундай қилиб, биз иккимиз Лоҳурда яшасак ҳам орамизда неча юз минг бошқа кишилар туради...

Аёл менинг изоҳларимни англамади. Унинг кўзларидаги қувонч йўқола борди.

— У Лоҳурда яшайди, — энди маъюс гапиради у, — бўйлари баланд, чиройли. Унинг кўзлари бирам меҳрибонки, ўзи сиздан бир оз ёшроқ, жигар ранг костюм кийиб юради. Шойи кўйлаги ҳам бор. Ўзи Лоҳурда яшайди...

Мен унга афсусланиб нима дейишими билмас эдим.

— Йўқ, мен уни танимайман, — деб аёлнинг ёнига чўнқайиб ўтирдим-да, саватдаги ўриклардан териб рўмолчамга сола бошладим. Бир оз жимликтан сўнг яна сўрадим:

— Унда бирор юмушингиз бормиди?

Аёл чуқур энтикиб, жавоб қилди:

— У бу ерда кўпприк қурган эди. Ромнинг келганига ўбеш ийл бўлди. У кетишга отланаётганида, қол, кетмагис, деб қанча ялиндим. Шунда у: «Хавотир олмагин, мон бир неча кундан кейин қайтиб келаман»,

деган эди. Лекин ҳанузгача келмади... Айтгандаи, Лоҳур бу ердан анча йироқми?

— Ҳа, жуда узоқ,— жавоб бердим мен.

Аёлнинг кўзларида ёш филтиллади. Сўнг бошини қўйи солиб шивирлади:

— Билмадим, нега қайтмадийкин? Қачон келишини ҳам билмайман. Ахир орадан беш йил ўтди-я, ҳамон йўқ. Мен кутганим-кутган. Шунинг учун ҳам йўл бошида ўтираман. Уни деб қанча ишларим қолиб кетяпти. Юрагим бираси сиқиладики, нима қилишимни билмайман. Келаману, шу ерда ўтираман. Бу йўлдан лоҳурлик икки киши ўтди. Лекин у келмади... Ҳа, беш йил бўлди!..

Худди шу пайтда олдимиизга кичкина қизча югуриб келди. Бегона кишини кўргач, қизча уялинқираб тўхтади. Кейин менга аҳамият ҳам бермай, онаси ning бағрига отилди.

— Сизнинг қизингизми?— сўрадим мен.

У тасдиқ ишорасини қилиб бошини қимирилатди. Кейин қизининг соchlарини силаб туриб:

— Беш ёшга тўлди. Лекин қизгинам шу пайтгacha ота дийдорини кўргани йўқ. Борди-ю, кўрса ҳам танимайди.

Она-болага қараб ўйлардим: «Хижрон муҳаббатни чиниқтиради, бот-бот учрашув эса адо қиласди. Нахотки у муҳаббатининг сўнишини истаса... Эҳтимол, у умрбод севишга лаёқатлидир. Ахир унинг севгиси ишончни камолотга етказган севги эмасми? Бундай муҳаббат фидоийлик намунаси эмасми?»

— Ўрик қанча туради?— сўрадим, мен.

— Э, қанча бўларди, бепул, олаверинг. Ахир, сиз Лоҳурдан келгансиз-а, мен сиздан пул олармидим.

У энг яхши пишган ўрикларни териб-териб рўмолчамга тугиб берди. Пул олмаслигини пайқаб турардим...

Унинг қайғули нигоҳи хотирамда қаттиқ ўрнашиб қолди. Ҳозир ҳам яққол кўриб турибман. Мен ачинганимча ўрнимдан турдим. Кетишим керак эди. Юкларим ортилган арава узоққа кетиб қолган. Хайрлашаётib қизчага саккиз анна узатдим. Аёл бошини сараксарак қилди. Лекин менинг изтиробимни фаҳмладими, қизига пулни олишга рухсат берди.

Улар билан хайрлашиб қишлоққа йўл олдим. Бориб карвонсаройга тушдим. Йўл четида зориқиб кута-

ётган аёлнинг сиймоси ҳамон кўз олдимдан кетмас эди. Унинг қолган умири ҳам мана шундай интизорликда ўтадигандай туюларди...

Эрталаб қуёш чиқиши билан сайрга чиқдим. Йўлни бир айлангач, қояни четлаб ўтиб, кечаги танишимни кўриб қолдим. У далада ишлаётган экан. Оёқ товушимни эшитгач, аёл қаддини ростлади. Қўлларини пешанасига тутиб, йўлга қаради. Йўл уни умидвор қилар, қанчалик қийналмасин, севган кишисининг қайтиб келишига ишонарди.

Мени кўриши билан чеҳрасида майин табассум пайдо бўлди. Қўлидаги кетмонини ташлаб, мендан сўради:

— Нима, Лоҳурга қайтиб кетяпсизми?

— Йўқ, ўзим шундоқ айлангани чиққан эдим,— дедим унинг даласи томон бораётib.

— Парас Ром бу ерда неча кун бўлган эди?— сўрадим ундан.

— Саккиз ой... Кетаётганида: «Яқинда қайтиб келаман», деб таъкидлаган эди. Лекин шу пайтгача келмади. Қачон келиши ҳам маълум эмас. Қизгинам ҳам катта бўлиб қолди.

— Нега энди сиз Лоҳурга унинг билан кета қолмадингиз?

— Кетмадим, кетолмадим... Парас Ром бирга кетайлик деб кўп марта айтган эди. Лекин мен кўнмадим. Ахир ўзингиз айтинг, қандай қилиб кета олардим. Буларнинг ҳаммасини қандай ташлаб кетаман. Мана бу ўрикзор, олма, нок, ёнгоқзорларни кимга ташлаб кетаман. Мен бу ердан ҳечам кетолмайман. Бир маҳаллари, ёшлигимда холам мени ўзининг қишлоғига олиб кетган эди. Ҳув анави пастликда. У бу жойдан анча узоқда яшайди. Қирқ чақиримча келар оралиғи. У жойда бу ердаги сингари тоғ ҳам, кенг сой ҳам, бунақанги дараҳтлар ҳам йўқ. Ҳаммаси қандайдир кўримсиз, тап-тақир чўл. Мен у ерда иситмабезгак касалига мубтало бўлиб қолдим. Шунда поччам мени ўз қишлоғимга қайтариб олиб келди. Қадрдон жойимга яқин келгандаёқ ўзимни яхши сеза бошладим. Бу ердан бўлак жойга ҳеч қачон кетмаганман... Лоҳур бўлса узоқ юрт. Эҳтимол одамлари ҳам тез-тез касал бўлиб туришар. Мен Парас Ромдан жуда хавотирдаман. Унинг аҳволи қалай экан? Бизнинг

— қишлоқда ҳам одамлар баъзан касал бўлиб туришади.
Шунда беморни Ҳардуга ўқитишга олиб боришади...

У бир оз жим туриб, кейин сўради:

— Лоҳурда ҳам яхши табиблар борми?

— Бўлмаса-чи, албатта бор, жуда кўп.

— Хайрият,— деди у қаноатлангандай бошини қимирлатиб.

— Айтинг-чи,— сўрадим дадилланиб,— Парас Ром келгунча сиз турмушга чиқмаган эдингизми?

— Чиққан эдим. Эрим ҳам мени бу ердан ўзининг қишлоғи Такуга олиб кетган эди. Лекин у жойнинг ҳавоси менга ёқмади. Мен яна касал бўлиб қолдим. Кундошим мени азоблаб, неча бор қалтаклаган эди. Бўлмади, уйга қайтиб келдим. Эрим гоҳида келиб турар эди. Лекин уч йилдан сўнг у ўлди. Мен онам билан қолдим. Парас Ромга: «Бу ерда нимаики истасанг топилади, ҳеч қаерга кетмагин», дегандим. Лекин у: «Майли, мен яқинда қайтиб келаман», деб жавоб қиласарди. Беш йил ўтибдиямки, ундан ҳамон дарак ийӯ... Мана, онамдан айрилганимга ҳам икки йил бўлди...

Орадан икки кун ўтгач, тушдан сўнг мен унинг ёнига яна бордим. У хиргойи қилиб, аввалгидаи далада ишлаётган эди. Бирпас қулоқ солиб турдим. У эҳтимол ҳижрон қўшиғини қуилаётгандир. Унга халяқит бергим келмади. Орқамга қайтдим.

Манди қишлоғида бир ҳафта турдим. Қулига кетишдан олдин аёлни яна бир кўрайин дедим. У далада эди. Юзлари ғамгин. Қизчаси ўрилган пичанини қуриптани ёярди. Унга яқинроқ келиб:

— Бугун кетяпман,— дедим.

— Лоҳургами?— деди жонланиб. Унинг кўзларидага яна умид учқунлари пайдо бўлди.

— Ҳа,— дедим,— аввал Қулига, у ердан уйга—
Лоҳурга кетаман.

У маъюс оҳангда илтижо билан:

— Мендан Парас Ромга салом денг, айтингки, мен уни кун бўйи кутаман. Кутавериб кўзларим тешилди. Мен зориқиб кутяпман, гапимни тушунтиринг! Ахир беш йил ўтди, ҳеч бўлмаса энди келсин. Айтинг—
қизчанг чақиряпти денг... Сиз борганда шу гапларни албатта айтасиз-а?

— Албатта айтаман.

Аёл қизчасини эркалаб туриб:

— Қарагин, қизим, бу амакинг дадангнинг ёнига кетяптилар, амакингта тайинлагин, дадангга сенинг номингдан салом айтсинлар...

— Яхши,—дедим мен тезроқ кетишга ошиқиб. Назаримда у орқамдан шу қадар тикилиб турардики, унинг умидвор кўзларини кўриш менинг учун жуда оғир эди. Кўнглим бузилиб кетди. Айтиш қийин. Ўша пайтда нималарни ўйладим экан. Парас Ромни уришдимми, ёки бечора аёлга ачиндимми, ё бўлмаса унинг севгилисига ҳавасим келдимикин...

КУЛ БОСГАН ЧҮГЛАР

.. Муваффақиятсизлик ва умид-сизликинг кули ҳаёт чүгларини сўндиради. Мен ана шу чүгларни пуллаб, қайтадан алангаланишга мажбур этмоқчиман.

.. Кишилар орасида яшаш мени ўзига мафтун этади.

У менга қўшни эди. Унга жуда ихлос билан қарапдим. Унинг касб-кори қандайдир сеҳрга молик кўринар, бироқ бунда кишини эҳтиёт бўлишга мажбур этадиган, гўё қасддан ёки олдиндан ўйланиб қилинаётган ҳеч нарса йўқ эди. Унинг табиатида кишини ўзига тортадиган ва унга нисбатан хайриҳоҳлик туғдирадиган қандайдир бир соддалик бор эди.

Рассомнинг акаси ва укаси отаси топган мулк пой-деворига ўзларининг мустақил фаолият биносини қуриш учун анчагина меҳнат қилишганди. Улар энди оиласанинг фахрли бошлиқлари ва шаҳарнинг обрўли кишилари бўлишга муваффақ бўлгандилар. Ака-укалар кекса шажара дарахтининг янги замин топиб, осмонга бўй чўзган ва гуллаб кетган янги новдалар оиласига озиқ бўлган бутоқларини эслатарди. Ота эса бу икки ўглининг муваффақиятларидан курсанд ва мағрур эди.

Қўшним бир неча марта кези келганда ҳам ҳеч нарсага эриша олмаган, шунинг учун ҳам ота ўглининг ожизлигини кўриб, унга алоҳида мойиллик қиласар эди. Бироқ ўғил бирорта амал эгаллаш учун ҳеч ҳаракат қилмас, бу эса отани хафа қиласар ва гитар, менинг бўлса унга ҳавасимни ортириар эди. У бегаразлик мужассами бўлганлиги учун бойлик ортиришга ҳаракат қилмас эди. Шуҳратпараматлик унга ёт, дунёнинг ишларидан худди зоҳидлардек четда турарди.

Ота ўлгандан кейин минг-минглаб пуллари бўлган эпчил ва уддабурон ўғиллари меросни тақсимлашда бир тийинигача қайта-қайта ҳисоблашди. Ўртанча ўғил ўзига эски уй текканидан норози ҳам бўлмади, ташвишланмади ҳам.

Мен ҳеч қачон уни ўзига қараганда ўн марта ортиқ даромад олаётган биродарларига ҳасад қилганини кўрмадим. У ҳатто пулга муҳтож бўлиб қолганида ҳам заррача ташвишланмас эди. Унинг кўнглида доим хотиржамлик ва гўзаллик ҳукм сурарди. У буларни ҳар ердан топа олар, чунки ҳар иксиининг манбаи ўзи эди. Бу киши ўзининг ички дунёсига бутунлай берилган, ўзи билан ўзи овора эди.

У санъат учун яшар, фақат санъат билан нафас оларди. Унга ўз истеъдодидан қандайдир шахсий мақсад йўлида фойдаланиш санъатни булгаш билан барабар эди.

Дўстлари унчалик кўп эмас эди. Кишилар билан танишув уни безовта қиласарди, холос. Мен рассом чизган суратларига қизиқиб қолиб, у билан ўзим танишдим. Олдин у мендан торгиниб юрди. Кейинчалик эса менга ўрганиб қолиб, бир оз очила бошлади.

Рассом гоҳо бизниги чиқиб туради, лекин чиқар вақтининг тайини йўқ эди. Баъзан ёлғиз ўзи шаҳардан тўрт-беш чақирим ташқарига чиқиб кетар, бироқ кўпинча вақтини иш устида, рассомчилик тахтаси, мўйқалам ва бўёқлар қорилган косачалар орасида ўтказарди.

Рассом жуда ҳам камгап эди. Гапираётганда эса қандайдир ғалати жумлаларни ишлатарди. Унинг фикрларига унчалик қўшилмасангиз ҳам, сиз билан ажойиб одам гаплашаётгани учун беихтиёр қулоқ солар эдингиз. Унга дарахт ва ўт-ўланларнинг оқариб, бужмайиб қолган япроқларида ёки қуёш нурида ялтираётган ўргимчак уясига тушган шудрингда нималар кўринганини ким билади, дейсиз. У эса булардан завқланарди.

Май кунларининг бирида, худди туш пайтида мен ҳарбийлар шаҳарчасидан автомобилимда қайтиб келаётган эдим. Осмонга тутундек кўтарилаётган чангда қўшнимни кўриб қолдим. У кимсасиз йўлда шаҳар

томон якка ўзи кетмоқда эди. Машинани тўхтатиб уни чақирдим:

— Каёққа кетяпсиз?

— Шундай, айланиб чиқсан эдим,— деб жавоб қилди.

— Шундай жазирамада-я?— ҳайрон қолдим мен. Сўнг машинанинг эшигини очиб таклиф қилдим:— Утиринг!

— Йўқ, йўқ,— деди у дҳўтийсининг четини ушлаб, У менинг ажабланганимни ҳам сезмаган эди.

Мен деярли зўрлик билан уни машинага чиқардим. Қўшним ўзини бир оз ўнғайсиз ҳис қилиб, индамади. Сўнг паст овоз билан гапира бошлади:

— Қаранг-а, қандай гўзаллик... Худди ҳамма ёқ эритилган кумуш билан қоплангандек... Қор тушса ҳамма ёқ ўзгаради... Оппоқ оқаради. Олов селининг осмонга жимирилаб кўтарилишини қаранг. Гўё ер ҳам унга қўшилиб, осмонга кўтарилиб кетаётгандек.

Рассом менга ўгирилиб қаради-да:

— Бу қора кўзойнакни бир оз юқорига кўтарсан-гиз-чи,— деб қўшиб қўйди тортиниб.

Кўзойнакни кўтаришга тўғри келди-ю, кўзимга наизалар санчилгандай бўлди. Кейин, ҳақиқатан рассом гапирган нарсаларни мен ҳам ҳис қилаётгандек бўлдим.

«Бу одам қандай ажойиб-а,— ўйладим мен,— у ҳали дунёга маълум бўлмаган буюк рассом эмасмикин?»

Куз кунларидан бирида қўшнимни дарё бўйидаги пичанзорга туташиб кетган дарахтларнинг тагида учратдим.

У дҳўтийсининг бир чеккасини ушлаганича локланган, бироқ титилиб кетган туфлиси билан саргайиб кетган ўтларнинг қуруқ баргларини эзиб, тез борар эди.

Мен чақирдим, бироқ у индамади.

Эртасига рассомни иш устида учратдим. У қўлида мўйқалам, тикка турганича расм чизарди. Сурат жуда ҳам ажойиб, унда ботаётган қуёш осмонни қизғиш шафақ билан тўлдирганлиги тасвирланган эди. Қуёш нурида, иккита митти қушча энг учига қўниб олиб, ишқ дардида тўлиб-тўлиб сайраётган, қари дарахт ҳам яққол кўриниб турарди.

Мен манзарага мафтун бўлиб, узоқ вақт кўзимни узолмай турдим. Кейин рассомга:

— Кечаки мен сизни боғда кўрдим. Чақирсам, индамай кетавердингиз,— дедим.

У бўлса савол назари билан қаради-да, бир оз ўйлаб туриб жавоб берди:

— Мен боғда худди шуларга ўхшаган иккита қора қушчани кўриб қолдим. Бироқ улар тез учиб кетишди. Агар шуларни суратда гавдалантириш мумкин бўлса эди...

* * *

Рассом қўшнимнинг «Қувгин», «Гауришанкар», «Ганг ва океан» номли суратларидан бирортаси ҳам ҳали шуҳрат қозонмаган эди. Бироқ менинг шунчалар ишончим комилки, агар уларга бирор саънат шинавандасининг кўзи тушиб қолгудек бўлса, ҳайратда қолиши турган гап.

Қўшним ўзининг ҳис-туйғуларига шу қадар берилиб кетганлигидан уй билан унчалик иши йўқ, бепарво бўлса керак, деб ўйлардим. Бир кун икковимиз унинг уйи остонасида ўтирадик. Рассом чуқур ўйга ботган, бу эса мени зериктирас, бироқ унинг тинчлигини бузгим келмас эди. «Ким билсин, ҳозир миясида қандай ажойиб асалар яратиш орзуси туғилаётганикин?»— деб ўйлардим.

Шундайгина ёнимизда, зинапояда рассомнинг уч ярим яшар қизчаси ўйнаб ўтирас эди. У отасига қараб «дада, дада... дада» деганда, отаси гўё уйқудан уйғонгандек:

— Қандай ёқимли...— деди.

Мен рассом ҳам оддий ота эканлигини тушундим.

Донишмандлар Лакшмийни¹ адашган маъбуда деб жуда тўғри айтадилар. Ҳеч нарсани ўзгартириш унинг қўлидан келмайди.

Қўшнимнинг ўйларидан бирини ижарага қўйиш жуда қийин бўлди, гўё жинлар ўрнашиб олишган эди.

¹ Лакшмий — давлат, саодат ва ҳусн маъбудаси.

Рассомнинг даромадлари камайиб кетди. У нон тўғрисида унчалик ўйламайдиган кишилар табакасига мансуб бўлмаса ҳам, бунга сира эътибор бермасди.

Бу бошига кулфат тушган одамга маслаҳат, ҳатто ёрдам беришга тайёр кишининг рўзгорга мутлақо эътибор бермаслигини англадим. Чунки бунга унинг вақти йўқ эди. Бу — тарки дунё, зоҳидлик эмасмикин? Рассомнинг хотини кўзи ёришига яқин қолганда, тўсатдан касал бўлиб қолди. Ҳакимларга қилинган харажатлар ҳам фойда бермади. Икки ой ичида қўшним уч яrim минг рупия сарф қилди. Бир уй аллақачон ижарага берилган эди, иккинчиси ҳам тезда ижарага қўйилди. Шундай бўлса ҳам рассом ҳеч нарсадан шикоят қилмади. Унинг айтган гапи фақат: «Агар пул кишига соғлигини қайтариб беришга қодир бўлса, хотиним учун ҳар қанча сарф бўлса бўлаверсин» деди, холос.

Шундай оғир кунлардан кейин рассомнинг аҳволи янада оғирлашди. Бироқ у атрофдаги муҳитга бефарқ лигича қолаверди. Оёқларида титилиб кетган сандал бўлса ҳам у худди амиркон туфли кийиб юргандай баҳтиёр эди.

Қўшним анча вақт кўринмади. Уни сурат чизаётир дейишарди. Халал беришни истамаганимдан, уйига ҳам яқинлашмас эдим. Мен қўшнимнинг янги асари тайёр бўлиби, деб эшитганимдан кейингина уни кўриш учун бордим.

Сурат «Туғилиш ва ўлим» деб аталарди. У туғруқхонани тасвирлабди: ўринда рассомнинг хотини ётар, унинг озиб кетган ва кўп азоб тортганлигидан синиқ-қан юзида ўлим даҳшати акс этарди. Онанинг нигоҳи жуда кўп уқубатлар булути остида ярқираб чиққан юлдуз сингари янги туғилган чақалоққа қаратилган.

Хотиннинг кўзлари худди тонготарга яқин осмонни туман қоплагандек жиралашган, кўз қорачиқлари юлдуздек сўнган эди. Суратни кўрар эканман, кун бўйи ҳеч нарса деёлмадим. Нима ҳам дердим? Бу сурат узоқ вақтгача кўз олдимдан кетмай, тасавуримда ҳамиша гавдаланиб турди.

* * *

Бир куни газеталарда Бомбайда Умумҳиндистон бадний кўргазмаси ташкил қилинаётганлиги тўғрисидаги хабарни кўриб қолиб, қўшнимга суратларини кўргазмага топширишга маслаҳат бердим. Бироқ бу унда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмади. Рассом санъатда юқори бадний маҳоратга эга бўлишнинг ўзи менга ҳар қандай мукофотдан ортиқ деб ҳисоблар эди. Бунинг учун ҳар қандай далилларни истаганча келтириш мумкин. Мен рассомга, унинг истеъоди фақат шахсий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилишини йиғиштиргандагина бошқаларга қувонч келтира олади, деб тушунтиришга уринардим.

Ниҳоят, узоқ давом этган уринишлардан сўнг унинг суратларини Бомбайга ўз ҳисобимдан юбордим. Орадан икки ҳафта ўтгач, кўргазма ташкилотчиларидан «Европалик коммерсант «Туғилиш ва ўлим» асари учун беш минг рупия беришга тайёр» деган мазмунда телеграмма олдим. Суратни кўргазмага ўзим юборганим учун телеграмма ҳам менинг номимга келган эди. Рассомнинг феълини билганимдан унга бу таклифни билдираммикин, деб чуқур ўйга ботдим. Дарвоқе, сурат учун тўланадиган пул рассомнинг аянчли турмушини анча енгиллаштираси эди, бундан санъат номусига ҳеч қандай путур етмайдику? Яна бундан ташқари «Суратдаги фикрлар ва образлар деб беш минг рупия қурбон қилаётган киши билан рассомнинг истеъодига ва ғояларига катта ҳурмат билдирияпти-ку», деб ҳам ўйлардим.

Жуда кўп андиша ва иккиланишлардан кейин, ниҳоят, рассомга телеграмма ҳақида сўз очдим. Бироқ сухбатимиз натижаси ўйлаганимдек бўлмади.

Мен савдога рози эмаслигим ҳақида телеграф орқали хабар қилдим. «Харидор ўн минг рупия тўлашга тайёр» деб жавоб келди. Жуда зўр ҳаяжон билан рассомга бу ҳақда оғиз очган эдим, у:

— Мен суратларнинг кўргазмага юборилишини истамаган эдим. Ундан ташқари, мен ўз илҳомимни пулга сотмоқчи эмасман. Суратларни қайтариб юборишиларини талаб қилинг! — деб кескин жавоб қайтарди.

Рассомнинг бу соҳада мутлақо уқувсизлигига ишонч ҳосил қилган бўлсан ҳам, ичимда уни дунёдан ажралган ижодий фикри ва санъатга бегараз муносабати учун ҳурмат қиласардим. Санъаткорнинг ишига нақадар берилганлигини кўрсатувчи бу жонли мисол мени санъат—ҳаётдан ҳам юқори туради, деган фикрга қўшилишга олиб келди. «Шубҳасиз,— деб ўйлардим мен,— оддий киши санъат әришган чўққига яқинлаша олмайди; ундан кейин, санъатда албатта, қандайдир олижаноб фикр бор. Ўзимизнинг кундалик ташвишларимиз билан банд бўлиб, биз санъат берган туйғуларни, унинг олий дунёга парвоз қилишидаги бутун севинчларни охиригача чуқур ва атрофлича идрок қила олмас эканмиз. Бунга сабаб — санъатнинг заифлиги эмас, балки ҳиссиётимиздаги нозикликнинг етишмаслигидир. Санъат худди руҳ ва илоҳий кучдек беқайгу ва чексиздир. Унга оддий киши фақат алоҳида истеъоддли кишиларнинг ҳисси орқалигина етишиши мумкин. Рассомга унинг ижоди келтирган баҳт бунинг яққол далилидир. Ўзини бутунлай санъатга бағишлаган рассом оиласининг аянчли аҳволи, бадиий ижод қувончи — киши ҳаётини сақлаш ҳақидаги ғамхўрликдан ҳам олий ва қудратли деган ҳақиқатни исботламоқда.

Ўзим санъат меҳробидан анча нарида тураман. Мен фақат санъатнинг кундалик турмушимиз ғовларини ёриб ўтган сийрак нурларини илғаб олишгагина муяс-кар бўлдим.

Мен санъатга бошқача йўл билан, яъни қотил одам диний хизматга кирмоқчи бўлганда, буни доимо маросимни бошқарадиган роҳиб орқали амалга оширгандек, санъат муҳибларига эъзоз ва эҳтиром билан таъзим қиласман. Менинг санъатга бўлган муҳаббатим бир оз қўпол шаклда рассомга, гўзаллик муҳибига хизмат қилишга тайёрлигимда ифодала-нади».

* * *

Рассомнинг хотини кундан кунга сўла бориб, бир куни мурғак чақалогини қолдирди-да, тинчгина аба-дий уйқуга кетди. Оғир мусибатга учраган рассом

бир неча кунгача беҳуш ҳолга тушиб қолгандек туюлди. Қўшниларимиз чақалоқни рассомнинг қайнағаси-никига юбориши. Бироқ рассом бир оз ўзига келгандан кейин унинг лабларида яна табассум пайдо бўлди. У яна бир асар яратди. Суратда тасвирланишича, ранги сутдек оппоқ дарвиш қорли чўққига чиқиб бормоқда. Унинг ҳамроҳи бу машаққатли йўлда ҳолдан тойиб йиқилди. Йўловчи ҳайрон. У қайрилиб қорда чўзилиб ётган жонсиз танага қарамоқда. Қорли тоғнинг чўққиси эса гўё тирикдек, уни ўзига ром қилмоқда...

Суратдаги олий фожиавий ғоя мени лол қолдирди. Бу фақат оддийгина сурат эмас эди-да. Бу санъат йўлида ўзини мағур қурбон қилган, унга бутун ҳурматини бахш этган санъаткор ҳақидаги, рассомнинг мўйқалами, унинг улуғ мақсадлари ҳақидаги бутун бир қисса эди. Мен: «Бундай олий амал олдида бизнинг чириган турмушимиз нимага арзийди?»— деб ҳайратда қолган ҳам эдим.

Шу билан бир қаторда хаёлимни: «Кишилик турмушини қандай қилиб санъатнинг бундай улуғ, қурбонлик талаб қилувчи қудрати билан қўшиш мумкин?»— деган савол чулғатганди. Рассом бу саволга жавобни сурпга сингдирган эди. У гўё бўёқларнинг овози билан менга: «Зулматда чироқ ёниб турибди. Унинг ёруғи яқиндан ҳам, олисдан ҳам кўринади. Агар чироққа яқинлашилса, у янада сернур, атроф янада ёруғроқ кўринади. Бироқ унга тегиш мумкин эмас. Чироқнинг ўртасида ёш ва пиликдан чиққан ўт бор»,— дер эди.

Рассом муҳтожлик ва мусибатдан жуда ҳам озиб кетди, бироқ кўзлари илҳом билан янада тўлиқроқ порларди. У мақсадига эришди. Санъатга бўлган мухлислиги унга қанча қимматга тушган сари, унга бўлган садоқати ҳам шунча ортиб борар эди.

* * *

Кузнинг, айниқса могҳ¹ ойининг совуқ кунларида эрта билан барвақт турадиган одатим бор. Бироқ нима

¹ Могҳ — январнинг ўрталаридан бошланиб, февралнинг яримларида тамом бўладиган ойининг номи.

бўлди-ю, кеча роса чарчаганим учун одатдагидан бир соат ортиқ ухлаб, кечроқ турибман. Унчалик шошиладиган зарур ишим йўқлигидан айвонга чиқдим-да, боғбон иш бошлаб юборганимкин, деб боқقا қарадим.

Шу пайт қизим Бону худди кийик боласи туёқларини типирлатгандек, ботинкаси билан ерни тапиллатиб келиб, бармоғимдан ушлаб олди-да:

— Дада, юринг, айланаб келамиз. Укамни аравачасига солиб оламиз, Радҳа ҳам биз билан боради. Сиз ҳам борасиз,— деб тортқилай бошлади.

Шриматий-жий¹ шол рўмалга ўралиб, уйда ўтипар, болаларни эса иссиқ кийинтириб, энага Радҳанинг назоратида тонг отиши билан қўёш чиқишини кутиб олиши учун қўчага айланаб келгани юборарди. Ҳа, айтгандай, биз ҳозир, фақат ўзимиз ҳақимиздагина гамхўрлик қилмаймиз; болаларимизнинг саломатлиги бизга ҳар нарсадан азиз.

Бармоғимдан ушлаб олган Бону худди туюнинг арқонидан ушлаб олган сарбондек, мени етаклаб борарди. Мен ҳам индамай унинг буйруғига итоат қилиб, енгил нальтода совуқдан жунжикиб, ортидан борардим. Қизим мени кўчага чиқадиган жойга етаклаб борган бўлса ҳам, ҳеч қўйиб юборадиганга ўҳшамасди. Бироқ йўл-йўл пижамада бундан олисроққа бориш анча ноқулай бўлганидан Бонуни чалғитиш учун, нимагадир қизиқкан бўлиб, атрофга қарай бошладим.

Бизнинг бангаламизга туташган ер қўшнимиз Хон соҳибга қаарди. Мана ўн йил ўтса ҳамки, иморат бўш, атроф ҳатто ўралмаган ҳам.

Шу чоқ назарим уйимизни тўсиб турган говдан нарига тушди-ю, чиқаётган қуёшнинг нурида ялтиллаб турган шудринг тушган бутазорда деярли сўкичакка ўҳшаган киши танасини кўрдим.

Нотаниш киши бир парча эски гиламга чўзилган, атрофда нон қолдиқлари ва консерва қутиси ивирасиб ётарди. Устига ёпилган чойшаб сурилиб пастга тушиб кетганди. Бундай совуқ кечада очиқ ҳавода тушаш мумкин эмаслигига гўё унинг ақли етмагандек эди.

Хаёл мени яшин тезлигига ҳар қаёкларга олиб қочди, қандай қилиб бу ерга келиб қолди? Эҳти-

¹ Шриматий-жий — хоним, хотин.

мол, бу гадой тунни шу ерда ўтказиб, музлаб қолгандир.

Қимирламайди. Үлгандир балки?

Болаларга бундай даҳшатли манзарани кўрсатмаслик учун, уларни Радҳа билан узоқроқча юборишга шошилдим. Кейин якка ўзим яқинроқ келдим-да, нотаниш кишига синчиклаб қарадим. Қўл билан пайпаслаш ҳавфли — унда юқумли касаллик бўлиши ҳам мумкин.

Шундай бўлса ҳам, ахир у инсон-ку! Мен уни пайпаслаб, заифгина фифон чекканини эшитдим-да, унда ҳали жон борлигига ишонч ҳосил қилдим.

Менда икки туйғу — қўйрқув ва ҳамдардлик бирбири билан олишарди. Тезда уйга қайтдиму санитар ҳаким, жаноб Аорага сим қоқдим. Дарҳол «тез ёрдам» соябон арава келди-ю, нотаниш кишини касалхонага олиб кетишиди.

Мен машинамда уларнинг кетидан бордим. У ербу ерга учрашганимдан кейин беморни даволаш учун касалхонада олиб қоладиган бўлишиди. Орадан икки соат ўтгач, нотаниш киши бутун баданига грелка қўйилган ҳолда юмшоқ ўрин солинган касалхона чорпоясида ётарди. Ҳакимлар ингичка жўмракли идишдан беморнинг оғзига сут билан аралаштирилган коньяк томизишарди.

Мен уйга тушда қайтиб келдим. Тўғри, бу воқеа мени анча ишдан қолдирган бўлса ҳам! ҳар ҳолда, кўнглим тўқ эди. Машинамни энди ҳовлига олиб кирмоқчи бўлиб турган ҳам эдимки, рассомни кўриб қолдим. У жуда ҳам қаттиқ ҳаяжонда, кўзлари ола-зарак бўлиб, уйимиздан наридаги бўшлиқда ниманидир ахтарарди.

Мен унга яқин келиб, сўрадим:

— Менга қаранг, дўстим, сиз бундан қандай қилиб хабар топдингиз? У кишини эрталаб тасодифан кўриб қолдим. У аранг нафас оларди. Агар у киши касалхонадан тузалиб чиқса, ажойиб мўъжиза бўлади-да... Одам боласи ҳам шу ҳолга етиб бораркан-а?

Рассом қиёфасини мутлақо ўзгартирмай сўради:

— Қаёққа ғойиб бўлди?

— Э, дўстим, мен ахир ҳозиргина уни касалхонага

элтиб қўйдим. Бечорани даволами учун олиб қолимга докторни аранг кўидирдим. Буни менга қаринчалик иши-матга тушганини биласизми?

Рассомнинг умидсиз қиёфада ўтирилиб орнагина қайтиб кетганини бир кўрсангиз эди. Бир ишта изорга чақирсам ҳам индамади. Кейин узоқ вайт орнагина бордим. У ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Оризага қийтишга тўғри келди.

Кечқурун зарур иш билан бир ерга борилим изорак эди, бироқ ротадан зарур ҳужжатлар келиб қолди. Мен у ҳужжатларга шошилиб имзо чекайтак эдим, қўлида қандайдир бир суратни кўтариб ўйга разлики кириб келди. У қўлидаги суратни столга ийъар сизаб, газаб билан:

— Мен буни икки кун чиздим... Сиз эса ишнинг пачавасини чиқардингиз... Энди буни олиш ўзинингга,— деди-да, уйдан чиқиб кетди.

Ҳали тамомланмаган бу сурат зарталаб ийғлан меззаремни кўз олдимда қайтадан жонлантирилди. Бунда худди ярим ўлик гадой тасвиirlанганди. Ўсти изора тери билан қопланган скелет санъатнинг афозашини кучи билан жонлантирилган эди. Бунда, разматлар суратда эски гилам парчасида инсон азоб чиқарди! Унинг қўллари, очилган оғзи ва изори билан тўлган кўзлари ёрдам сўраб, осмонга қараштиган.

Сурат ҳали тамомланмаган, бироқ унда изори ҳаяжонлантирувчи ҳақиқат ўзининг бу далиллари билан мужассамлашган, қалам билан эса унга «Кун босган чўглар» деб ёзив қўйилган эди.

Рассом суратни икки кун чизган, икки кун ёрим ўлик ҳолдаги инсон скелети, санъат ўзининг дарзига ли гўзаллик ҳақиқати билан сўнаётган ва куз билан қопланётган ҳаёт чўғини суратда ёрқин ако эттиш учун азоб чеккан эди.

Ориқлаб кетган танани совуқ ўлим ётегидан ки салхона каравотига олиш билан мен санъат асарини мукаммаллашишига зарба берган эдим. Шунинг учун бу ишга, менинг қўпол аралашувимга рассом ҳам чидай олмаган эди.

Асада қийин азобларда нажот тилаб осмонга узатилган қўллар билан санъат менинг ноўрин ҳултган ишимга норозилик билдиromoқда эди. Асада қалбининг

ўзи мендан гина қилар ва койир, мен бўлсам уйнинг олдида жиноятчи эдим.

Менинг бутун мусибатим — пушаймон қилиш учун ўзимда етарли жасорат топа олмаганимда эди.

Бу инсонийлик билан тўла сурат ҳозир ҳам ўша аҳволда. Рассом жуда ҳам хафа ва кайфи бузуқ. Санъат асари битказилмади... Балки у ўз такомилига муентазирдир.

ХАҚИҚАТ БАҲОСИ

Динанкнинг ота мерос ери Каушама шаҳридан сал нарида, Жамнанинг кунчиқар соҳилида эди. Бу ер Динанкнинг ўзига яраша бўлиб, уни қўш сигир ва қўш ҳўқиз билан омочда ҳайдаб, парвариш қилиб турилса бутун хонадонни боқа оларди. Ундан чиққан ҳосилнинг бешдан бири солиқ тариқасида оқсоқолларга кетарди. Динанкнинг бола-чақаси билан бошқа дэжқонлар қатори куни ўтиб турарди. Шунда ҳам Динанк шукур қиласди.

Бир нарса унга ҳеч тинчлик бермасди. У ғаний одам бўлиб, баҳт-саодатда ғам-гусса кўрмай яшашни, бу оламдан беармон ўтишини оразу қиласди. Шу важдан зўр бериб пул йиғиб, анча ер сотиб олишга, унда бошқаларни ишлатиш пайида эди. Тупроқ деворли, похол томли уйининг ўрнига тошдан сарой қурдирив, теварак-атрофини боғ-роғ қилишни истарди. Қишлоқ бўзчиси тўқиган дағал матодан тикилган кийимини ташлаб, Магадҳий, Каушама ва Видешадаги¹ боёнлар каби шоҳи либосларда юргиси келарди. У чўрилари баданига сандал суртиб, Синҳал² оролидан келтирилган намхуш марварид-маржонлар билан безашларини истарди. Чўрилар сандал дараҳтидан ясалган елпигичлар билан елпиг турисса борми, сочининг ҳар бир толасидан табиатнинг ҳар фаслига хос бўйлар тараларди-да. У ёқ-бу ёққа бораман деса гулдор мато

¹ Магадҳий, Каушама, Видеша — Хиндистондаги шаҳарлар номи.

² Синҳал — Цейлон оролининг қадимий номи.

соябонли, қўш ғилдиракли араваси бўларди. Унга қўшилган қўтосларнинг шохлари мой суртилганидан ялтира, устларида чиройли ёпқичлари ҳам бўларди. Динанк ғанийлик ва саодатнинг бундай аломатларини кунчиқардаги катта йўлдан бой савдогарларнинг карвонлари ўтганда ҳам, еридан чиққан нарсаларини сотгани Видешага олиб борганида ҳам кўрганди. Ўшандай пайтларда бутун фикр-зикри бой бўлиш, ном чиқаришда бўларди.

Динанк эртадан қаро кечгача, иссиқ демай, ёмғиру совуқ демай, муродига етиш учун ўлиб-тирилиб ишларди. Кўнглидаги орзуга эришишга ишончи комил бўлганидан чарчашу толиқишини ҳам билмасди. Бой бўлишга азбаройи берилганидан пулни тежам билан сарфлаб, озроқ жамғарди ҳам. Бироқ тақдир иродаси билан ўша пайтда ёмғир сувларидан тўлиб оқаётган Ганг суви олисдаги тоғларда ёққан кучли жала оқибатида тошди. Тошқин Динанкнинг уйини ювиб кетди. Сўнгра қурғоқчилик бўлиб, ер шунақанги қовжирадики, олинган ҳосил кетган уруғликка ҳам етмади. Динанк шундан кейин қўлини ювиб қўлтиғига ураёзи. Бироқ кўнглидаги яхши кунларга етишиш умиди ноумидликни қува бошлади. Шу тариқа Динанк ўрта ёшдаги одамлар қаторига ҳам кириб қолди. Бироқ унинг кўнглини забт этган әзгу орзу ва умидлари ҳануз рўёбга чиқмаганди.

Динанк навқиронлик йилларидаги беҳуда уринишлар ва мағлубиятлардан кейин ёши бир ерга етган пайтида кўзлаган мақсадига етиш пайига тушди. У ўзим ёшлигимда кўролмаганимни болаларим кўрсин, қолган умримни баҳтли ва роҳат-фароғатда ўтказай, деб ширин ўйлар оғушида юрарди.

Худди шу кезларда шаҳар ва қишлоқларга барча ерларни забт этиб, ғанимлари қолмаган жаҳонгир чакравартий¹ Ҳаршавардҳан ҳазратлари Будда динига кирибди, ўзини ўйламайдиган ва бошқаларнинг раҳмини ейдиганлар сафидан жой олибди, ҳозир роҳиблик ридосини кийишга тараффуд кўраётганмиш деган овозалар тарқалди.

Бу ғаройиб хабар Динанкнинг хаёл қушларини тў-

¹ Чакравартий— ҳокими жаҳон: қадимги Ҳиндистонда ҳукмдор-подшоҳга бериладиган унвон.

зитиб юборди. Ўомоч ҳайдайтганида ҳам, экинларини сугораётганида ҳам, ўрмонда ўтии қилиб юрганида ҳам, тунда похол бўйрага ташланган якандозда ётганида ҳам қимматбаҳо тошлар билан безатилган тож кийган, мол-мулки беҳисоб, кўнглида сира армони қолмаган, қўш ғилдиракли аравалар, тахтиравонлар ва отлар қуршовидаги баҳайбат оқ филга миниб олган жаҳонгир Ҳаршавардҳан сира кўз олдидан кетмасди. Энди эса ана шу буюк жаҳонгир ўз ихтиёри билан ҳамма нарсадан юз ўгириб, роҳиблик ридосини киймоқлик учун тарки дунё қилиб, Будда динига киряпти! Энди Динанкнинг кўз олдига сочи қирилган, қўлига назр-ниёз ташланадиган косача тутган ва малла жулдур кийимдаги роҳибнинг шодон ва хотиржам чеҳраси кела бошлади.

Жаҳонгир Ҳарша ҳазрати олийларининг имони Будда дини томон оққанидан Будда тарафдорлари ғоят шодон эдилар. Подшоҳнинг хазинаси юзларча доно роҳиблар учун доимо очиқ эди. Хазинадаги беҳисоб бойликлар роҳиблар сероб бўлган ибодатхоналарга оқса бошлади. Дунёнинг турли бурчакларидағи роҳиблар жаҳонгирнинг сахийлигидан огоҳ бўлгач, тўда-тўда бўлиб, унинг пойтахтига йўл олишганди.

Фоний дунёдан юз ўгиран бу роҳибларга гулзорлар бағридаги шоҳларнинг саройлари ҳам, гўнгга ботган бир чеккадаги қишлоқ ҳам бирдай эди. Уларнинг кўнгилларида хайриҳоҳлик ва меҳр уйғотувчи ваъзлари ҳамма жойда осмондан қуяётган ёмғирдай тинмасди. Роҳибларнинг юмалоқ ва мамнун чеҳралари хотиржам кўринар, чунки улар фоний дунё ташвишларидан қутулиб, тарки дунё қилган эдилар. Улар ўз шодликларини бошқалар билан баҳам кўришни бениҳоя истаганларидан чакаклари тинмасди:

— Ў, бу дунёнинг бечора бандалари! Ҳеч бир нарса адоват ўтидек куйдиролмайди. Булғашга келганда нафротдан ўтадиган қусур йўқ. Бешта сезгидан ортиқ мусибат йўқ. Энг катта баҳт—осойишталик. Ў, одамлар! Очлик — энг катта кулфатдир. Бу фоний дунё фақат баҳтсизликка дучор қиласди. Буни кимда-ким билса нирвонанинг¹ роҳат-фарогатига муяссар бўлгай.

¹ Нирвона — ўта осойишталик ҳолати.

Бизда ҳеч вақо йўқ, шунинг учун кунларимиз баҳтлий ўтади. Кўзга кўринмайдиган худованди каримдек бизларни ҳам меҳру муҳаббат боқади. Экинзор ёввойи ўтлардан тоза бўлганидек, одам ҳам нафс ва майллардан халос бўлмоғи даркор. Бизнинг турган-битганимиз фонийдир. Бу олам абадий эрмас. Бу оламда қайси йўл билан ноабадий нарсани абадий қилиб бўлади. Давлату дунёни тарқ айлаб, билим сари юзланинглар. Бодҳа дарахти тагида йўлини топиб олган Будда ана шу билимни эгаллаган. Кулфатлардан қутулай десангиз, Буддадан паноҳ изланг! Унинг таълимотидан ҳимоя ахтаринг! Жамоасидан муҳофаза қидиринг!

Роҳибларнинг бениҳоя осойишта кўринган шодон чехралари, уларнинг ваъзларидан Динанк маъюс тортиб қолди. Чексиз баҳт-иқболга қандай зришса бўлади? Бу баҳтнинг олдида жаҳонгирнинг бутун қудрати-ю, беҳисоб бойликлари ҳечдай гап. Динанк келгусида баҳтли ва давлатманд бўлишга умид боғлаб, ҳанузгача кулфат ва ситамлар йўлида юрганлигини, қўлга киритганлари бошига фақат мусибат келтираётганлигини ўйлаб, жуда-жуда афсус қилди. Роҳибларнинг сўзлари эса унинг хаёлини олиб қочди. Будданинг ҳаётига, унинг диний таълимотига оид ҳикоялар дехқон бечоранинг оромини бузганди. У Бодисатвани¹ аниқ кўраётгандек бўлар, рўпарасида Бодҳа дарахтининг тагида нур қўйнида чуқур ўйга чўмган ҳолда ўтирганга ўхшарди. Динанк бутун вужуди билан тангрига берилганидагина бутун умри давомида мушарраф бўлолмаган нарсасига эришишига ишонарди. Бу хаёл унга қанот бафишлади. Эшитган нарсалари ҳақида узоқ суриштирди, ўйлайвериб-ўйлайвериб мияси шишди, ниҳоят руҳи мунаvvар бўлишга етишмоқ учун тарки дунё қилишга қарор берди. Динанк эс-ҳуши шунда бўлгани, қолаверса қизиқсимиб ҳам қолганидан тирикчилик ташвишини, ёш болаларини ёши ўтинқираб қолган хотинига ташлаб, зоҳидлик баҳш этадиган имон мунаvvарлиги орқали эришиладиган чинакам баҳтни излаб йўлга чиқди.

¹ Бодисатва — Будда.

Динанк Гангнинг кимсасиз соҳилидан хилватроқ жой таңлаб, анжир дарахти тагига жойлашиб олиб, чуқур ўйга чўмди. Ўзича эса имоним мунавварлиги менга олий иқбол инъом қиласи, бундай зоҳидлик ҳолатида албатта, Нирвонага мұяссар бўлғайман, деган қарорга келди.

Кўп ўтмай Гангнинг кимсасиз соҳилига оқшом чўқди. Анжир дарахтига ин қўйган кўплаб паррандаларнинг чағир-чуғури яна бир оз вақтгача акс-садо бериб турди. Кундузги офтобнинг тафтини йўқотган ўрмон шабадаси намхуш тортди. Кечқурунги зимзиёда чиябўрилар изғишар, дарёдан сув ичиб, тўкилган анжирларни ейишарди. Динанк бўлса худди Будда сингари ўтирганича ўйлагани-ўйлаганди: «Буларнинг бари тўғримикин? Олий иқбол қандай экан ўзи? Ғам-ғусса ва кулфатлардан қандай қилиб қутулса бўларкин?»

Эртасига яна кун чиқиб, анжир дарахтида қушлар сайдраб, чағир-чуғур қилиша бошлади. Эрталабки илиқ офтоб кўп ўтмай қизэдириб, куйдира бошлади. Туш пайти бўлди. Қуёш яна ғарб томонга оға бошлади. Ҳамма нарса ўз йўли билан кетар, фақат тарки дунё қилиб, қимир этмай ўтирган Динанкгина ҳар қандай ташвиш ва майллардан халос бўлмоқ учун абадийлик изларди.

Қуёш шу тариқа ўн олти марта чиқиб, ботди, Динанк бўлса имони мунаввар бўлишидан дарак берувчи нидони кутиб, қимир этмай ўтираверди. Очлик ва қимир этмай ўтириш уни ўлгудек қийнаган, ўзиниям роса дармони қуриганди. Шундай бўлса ҳам у қаноат қиларди. Барча азобларга дош берди. Энди бу азоблар уни тарк этаётган бўлса керак. Ўзиям ҳушидан кетаётганга ўхшарди.

Динанк ўзига келганида худди Буддага ўхшаб ўтирганига қарамай сал орқага кетганини, боши ва яғрини дарахтга тегиб турганини фаҳмлай бошлади. Имонининг мунаввар бўлишидан негадир дарак йўқ эди. Динанк яна маъюс тортиб, умидсизликка тушди. У ўзининг онгсизлигини пайқади. Ақли ўтмаслашиб қолганди. Шундай бўлса ҳам зоҳидлик ва ўйчанлик воситасида руҳан мунавварликка эришишга қарори қатъий эди.

«Чуқур ўйга ботмоқ учун куч тўплаш даркор.

Дармоним қуриб, шундай аҳволга тушиб қолганману қандай қилиб, мулоҳаза юритай?»— дерди у ўзига насиҳат қилиб. У қўли билан пайпаслаб, ерда ётган анжирни олиб, оғзига тутди-да, дармон тўплаш учун шарбатини шима бошлади. Орадан бир оз ўтгач, эс-ҳуши анча ўзига келиб қолувди, қайсарлиги туфайли ўзини-ўзи хароб қилаётгани, емоқ-ичмоқдан воз ке-чиб, хаёлда янги нарса яратмоқчи бўлганлиги сингари бемаъни ҳаракат эканлигини фаҳмлай бошлади. Бахтсиз бўлишдан чўчишнинг ўзи бебахтликдир. Динанк анжир шарбатини шимаркан, тасаввурида йўқ нарсани борга айлантириш, риёзат чекиш, фикрини бутунлай улоқтириб ташлаб, ана шундай хаёллар оғушида қолганди.

Динанк шундай қилиб, кунлардан бирида Ганг кўксидаги кўплаб елканлари кўтарилиган кемалар пайдо бўлганини кўрди. Бундай кемалар кечаси-ю кундузи Гангнинг Жамна билан қўшилган томонига ўтиб турарди. Динанк шоҳ ўтадиган йўлга яқин келганида эса турли мамлакатлар, шаҳар ва қишлоқлардан келган йўловчилар, ана шу қадамжойга томон астасекин оқаётганини кўрди. У қизиқсинганидан йўловчилардан қаёққа кетяпсизлар деб суриштира бошланганди, уларнинг ўзлари жуда таажжубда қолиб, ўзидан сўрашди:

— Наҳотки жаҳонгир чакравартий Ҳаршавардҳан ҳазратлари бу қадамжойда маърака қилаётганидан ғофил бўлсанг? Мўътабар ва мухтарам зотларнинг бу йигинида дин ақидалари тафсир қилинади, жаҳонгир эса роҳибларга ўзининг беҳисоб бойликларини улашади. Шундан кейин ер юзида бирорта ҳам қашшоқ қолмайди.

Динанк ҳам шундан сўнг тахтиравонлар ва ҳархил аравалар билан лиқ тўлган йўлдаги бойишни орзу қилган камбағаллар, малларанг ридоли роҳиблар ва давлатманд кишиларга қўшилиб олди-да, шоҳ сароиiga йўл олди.

Орадан кўп ўтмай, Гангнинг Жамнага қўшиладиган жойидаги¹ қумлик соҳилида нақ ўн беш чақирим жойга ёйилган одамлар денгизи Динанкка намоён бўлди. Бу ерга жаҳоннинг турли бурчакларидан тур-

¹ Гангнинг Жамнага туташган жойи муқаддас ҳисобланади.

лича ирқ ва либосдаги одамлар дин моҳиятини тушуниб олмоқ учун келган әдилар. Бу улкан денгизнинг ўртасида улкан сарой қад кўтарган бўлиб, у кун бўйи тинимсиз гувиллар, негаки, ўн мингта роҳиб биргалашиб будда сутраларини¹ ўқишарди. Ҳамма ёқда Будданинг ҳаёт лавҳаларини ифода этувчи ва ундан ибрат олишга чорловчи ранг-баранг суратлар жилва қиласиди. Деворларга ва катта тошлирга шоҳнинг фармонлари ёзилган бўлиб, тагига жаҳонгир Ҳаршавардҳаннинг сурати бор муҳри босилганди. Бу фармонлар ҳам Будда динини мухофаза қиласиди. Саройга киравериша жарчилар ногоралар садоси жўрлигига ҳамма ёқка жар солишарди.

— Кимда-ким Ҳинаяна² таълимотининг, жаҳонгир Ҳарша ихлос қилган Будда таълимотининг чинакамлигига ишонмаса ёки шубҳа қилса, дин ақидалини тафсир қилиш бобида шоҳнинг пири бўлмиш чинмочинлик ҳожи билан куч синашиб кўрсинг. Бу тортишувда голиб чиққан кишини жаҳонгир ҳазратлари беҳисоб олтин тангалар ва қимматбаҳо тошлилар билан эъзозлайдилар. Мағлуб бўлган кишининг боши танидан жудо қилинали, зеро, ҳақиқий динга тил теккимоқ гуноҳдир. Шоҳ фармони шаккокларни жазога мустаҳқ қилган жойда имон тантана қилажак.

Динанк ҳам тўртдан учини малларанг ридо кийган роҳиблар тўлдирган саройга кириб келди. Уларнинг устарада қирилган бошлари малла тупроқли жойга тўнкариб қўйилган яп-янги мис тувакларни эслатарди. Бошқа жойларни ранг-баранг ипак либослардаги ясан-тусан қилган ердорлар ва маҳаллий бойлар эгаллаган, улар чиройли гиламчаларда ўтиришарди. Улардан кейинда қора халқ уймалашарди. Ўртада зар соябон кўлка ташлаб турган дўнгликда шоҳнинг олтин тахти кўринарди. Унда жаҳонгир савлат тўкиб ўтирас, чўрилар ва қиличли қўриқчилар атрофни қуршаб олишганди. Жаҳонгир сиртдан чуқур ўйга ботган кўринарди. Унинг қаршисидаги олтин ўриндиқда чинлик устоз ўтиради. Тахтнинг бир то-

¹ Сутра — қисқача тартиб ва қондалардан ташкил топған ва турли илмларга оид санскрит китоблари, оят.

² Ҳинаяна — «Кичкина арава» — буддизмнинг шаҳобчалиридан бири.

монида қимматбаҳо тошлар солинган лаган ва олтин тангалар уюми ялтирас, иккинчи томонида эса узун ва қизил либосдаги жаллод қиличини елкасига қўйиб, баҳтсиз одамни қатл қилишни кутиб турарди. Роҳиблар сутра ўқишар, чинлик устоз эса айрича талафғузда дин ақидаларини баён қиласади:

— Кимда-ким борлиқни барча нарсанинг негизи санаб, ундан маъни қидирадиган бўлса, у ёлғон хаёлот ботқогига ботиб, имоннинг нималигини билолмай кетади. Сувнинг кўпиги билан сахродаги сароб кўз илғамайдиган ва хаёлий бўлганидек. бу олам шундай кўз илғамайдиган ва хаёлийдир. Шундай дейдиган одамнинг умри боқийдир.

Яна ноғоралар чалиниб, жарчилар барчани дин ақидалари тафсири бобида куч синашишга даъват этди.

Тўсатдан боёнлар қатори ортидан кимнингдир ба-ланд ва сал титраган овози эшигилди. Одамлар шундан кейин қўлини кўтариб, нималардир деяётган дехқонни кўрдилар. Жаҳонгирнинг қуролли хизматкорлари, тартиб ва осойишталик посбонлари Динанкка ёпишиб, шох тахти олдига келтирдилар. Барча қишлоқининг телбалигидан ҳайратда қотиб қолди.

— Сен шубҳаланяпсанми ё шоҳнинг пири билан куч синашмоқчимисан?..— деди тантанали йиғинга бош-қош бўлаётган шоҳнинг маслаҳатчиси шўрлик дехқонга.

Динанк шундай дегандай бош иргади.

— Бу тортишувда мағлуб бўлган одамнинг боши олиниши сенга маълумми?— деди маслаҳатчи уни огоҳлантириб.

Динанк яна бош иргади.

Шундан сўнг устоз олдида ўтирган шогирд унинг ишорасига амал қилиб, деди:

— Ў, дехқон, дини-имоннинг қандай? Сен кимга сажда қиласан?

Динанк чўчиб кетганидан миқ этолмади. Унинг оғзини очиб қимир этмай тургани ва бемаъни шаккоклиги роҳибларнинг ғазабли кулгисини қистатди. Фақат қора халқдан ҳеч ким кулмас, баъзи одамларнинг юзида эса ачиниш ва қўрқув ифодаларини кўрса бўларди. Шоҳнинг устози дехқонга далда бермоқ учун лутған жилмайиб сўради:

— Ў, дўстим, гумонинг нимада ўзи?

Динанк бир зум ўйлаб туриб, жавоб берди:

— Сиз гапирган нарсалар нотўғри. Бу дунё хаёлий эмас.

— Ў, умри бокий одам, бўлмаса шастрдан¹ далингни келтириб,— устоз сўзида қаттиқ туриб олди.

Динанк гиқ этолмай қолди, устоз яна лутфан жилмайиб, унга далда берди:

— Ў, дўстим, далилларинг қани энди? Билганларингдан бизни баҳраманд эт.

— Мен бунга ишонч ҳосил қилдим,— Динанк шундай деди-да, яна индамай тураверди.

Боёнлар таажжубда овозларини чиқармай туришар, жаҳонгир бўлса оғзидан чиққан гаплари учун ўлдирилишидан ҳам чўнимаган жасур деҳқондан кўзини узмасди. Жаҳонгир даҳанини чап муштига тираганича, тахтига суюниб, деҳқон айтган сўзларнинг мағзини чақишига ҳаракат қиласди.

Тантанали йигинга бош-қош бўлиб турган шоҳнинг маслаҳатчиси жаҳонгирга қараб олди-да, сўнг деҳқонга мурожаат қилди:

— Сен устоз билан тортишувда ютқизган одам ўлимга маҳкум этилишини биласан, шундайми. Шундай экан, бу ҳукмга тўла-тўқис лойиқсан!

Қизил либосдаги жаллод қилич дастасини сиқиброқ ушлади. Қилич сал титраб, тайёр ҳолда қотди.

— Бироқ мен енгилмадим!— Динанк эътиroz билдириди.

Сафда турганлар мамнун жилмайиб қўйишди.

Шундан сўнг пир яна сўради:

— Ў, дўстим, далил ва исботларингни келтириб бўлмаса!

— Мабодо ҳозирда шастрни билмаслигим шоҳ устозининг ғалабаси бўлса, унда,— Динанк олтин ва қимматбаҳо буюмлар уюмини кўрсатди,— устоз манави хаёлий, номавжуд бойликни олса, унинг мағлубияти аён бўлади. Агар шоҳ пирининг гаплари ҳақиқий ва чин бўлса, манави хаёлий сароб бойликни

¹ Шастр — ҳиндуларнинг вазифалари баён қилинган қадимий муқаддас китоблар.

менга беринглар-да, ўзларингиз бу фоний ҳаётдан халос бўлинглар!— Динанк шундай дея қўли билан қизил либосдаги жаллодни кўрсатди.

Йигиндагилар хурсанд бўлганларидан кулишар, дехқонга янада қизиқсинишиб тикилишар, аввалги қўркувлари босилмаган одамлар ҳам бор эди. Тантанали йигинга бош-қош бўлиб турган маслаҳатчи шоҳга таъзим қилди:

— О, жаҳонпаноҳ, муаззам чакравартий ҳазратлари, ер юзидаги ҳақиқат ҳимоячиси,adolat тахтидаги амру фармонингиз қандай бўлади?

Жаҳонгир гүё уйқудан уйғонгандай, деди:

— Биз бу ҳақда ўйлаб кўрамиз ҳали! Йигин ҳозирча тўхтатилади.

Мағлуб бўлса ўлдирилишдан чўчимай гапирган, шоҳнинг пири билан дадил тортишувга бел боғлаган содда дехқон воқеаси бир кечада ҳамма ёқка тарқалди. Эртасига халойиқ жаҳонгир саройига ёпирилиб келди. Кўп ўтмай бу ерга посбонлар сёқ-қўли кишанланган Динанкни келтириб, шоҳ тахтининг рўпарасига қўйишиди. Дехқон кўринишидан хотиржам ва дадил эди. Раҳмдилликка имон келтирган шоҳ тонг отгунча мижжа қоқмай, қишлоқининг гаплари мағзини чаққанди. У ўзининг маслаҳатчилари ва пирига қараб, деди:

— Маҳбус гарчи шастрни билмаса ҳам, Будда ақидаларини тафсир қилишда мағлуб бўлмади.

Устоз гуноҳкорона илжайиб, шоҳнинг гапини қувватлади:

— Ў,adolatпарвар, шаҳаншоҳ, раҳму шафқатингиз беқиёс бўлганидек, сўзларингиз ҳам чин, ҳақиқат. Бу шўрлик дехқон тун бўйи боши устидаги қиличини сезиб турди. Ў, қиблагоҳимиз, сизнинг раҳму шафқатингиз бунинг баҳоси бўла қолсин. У юз минг олтин танга ола қолсин.

Йигиндагилар устознинг сахийлигидан ҳайратланганларидан қотиб қолишиди, шоҳ эса кулимсираб, шодон бош иргаб қўйди.

— Ажаб, ажаб, устозга оғарин!— ҳамма ёқдан шундай хитоблар эшишилди. Шоҳ маслаҳатчисининг имоси билан қўриқчилар Динанкнинг оёқ-қўлини кишиндан озод қилдилар. Хазиначи олдинга чиқиб, хиз-

маткорларга олтин тангали лаганин шоҳ олдига қўйиши буюрди-да, Динанкка ўгирилди:

— Ў, бахтиёр банда, яқинроқ келиб, шоҳнинг инъомини ол.


Динанк ер сузди-да, жойидан қимирламай ювоплик билан:

— Шаҳаншоҳ, қиблагоҳимиз ва қонунимиз ҳукмдори, мени афв эт, ҳақиқат баҳоси юз минг олтин танга эмас, менинг ҳайтимдир!

Шаҳаншоҳ таажжубда устозига қааркан, унинг юзига чуқур ўйчанлик кўлка ташлаганини кўрди.

МУНДАРИЖА

Яшпал. Полинова	3
Янги дунё. Р. Муҳаммаджонов таржимаси	9
Қутлов тортиғи. Р. Муҳаммаджонов таржимаси	32
Чайқов бозор нархи. Р. Муҳаммаджонов таржимаси	40
Ўзинг айтмаганидинг чиройлисан деб? Р. Муҳаммаджонов таржимаси	48
Гувоҳ. Р. Муҳаммаджонов таржимаси	63
Дарвеш. А. Файзуллаев таржимаси	71
Бир руҳ юз минг танага киради. Р. Муҳаммаджонов таржимаси	79



Ҳасаддан нажот. <i>А. Файзуллаев таржимаси</i>	86
Хаїр, ишқ дарди. <i>А. Файзуллаев таржимаси</i>	94
Қўрқоқ кашмирлик. <i>F. Рихситиллаев таржимаси</i>	101
Шаҳаншоҳнинг одиллиги. <i>P. Муҳаммаджонов таржимаси</i>	114
О, болалари тушмагур-эй! <i>P. Муҳаммаджонов таржимаси</i>	119
Тўғри ва ўгри. <i>P. Муҳаммаджонов таржимаси</i>	124
Бинта сигарета. <i>P. Муҳаммаджонов таржимаси</i>	136
Иисон фарзанди. <i>Д. Бекаева ва Ф. Усмонова таржимаси</i>	154
Уттамишининг онаси. <i>Д. Бекаева ва Ф. Усмонова таржимаси</i>	161
Тоғ иоласи. <i>Д. Бекаева ва Ф. Усмонова таржимаси</i>	175
Кул босгани чўғлар. <i>Э. Носиров таржимаси</i>	181
Ҳақиқат баҳоси. <i>Э. Носиров таржимаси</i>	193

На узбекском языке

Яшпал

ИСКРЫ ПОД ПЕПЛОМ

Перевод с языка хинди


Редактор *Н. Мухамедов*

Рассом *В. Битков*

Расмилар редактори *M. Рейх*

Техн. редактор *В. Барсукова*

Корректор *Ш. Собирова*



Босмаконага берилди 24/IV-70 й. Боспшга рухсат
утиди 12/XI-70 й. Формати 84×108^{1/32}. Босма л. 6,5.
Шартли босма л. 10,92. Нашр. л. 10,09. Тиражи 15000.
Ғафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашириёти.
Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома № 255—68.

Узбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат
комитетининг Полиграфкомбинатида 1-қоғозга босиди.
Тошкент, Навоий кӯчаси; 30. 1970 йил. Заказ № 391.
Баҳоси 69 т.